

# МОЛИЯ

**ИЛМИЙ ЖУРНАЛ**

**2/2023**

*Муассис: Тошкент молия институти*

---

**Таҳририят ижодий жамоаси:**

Бош муҳаррир: *A.Каримов*

Бош муҳаррир ўринбосари: *A.Исламкулов*

Муҳаррир: *M.Хусанова*

Техник муҳаррир: *H.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
2008 йил 24 марта 0519-ракам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чикади.

Ўзбекистон худудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлари рўйхатига киритилган.

**Веб-сайт:** [www.tfi.uz/Issues/Jmoliya](http://www.tfi.uz/Issues/Jmoliya)  
**e-mail:** *moliya@tfi.uz*  
**Обуна индекси – 1204**

Таҳририят манзили: 100084,  
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60<sup>а</sup>-уй  
Тел.: (+998 71) 234-66-89

## **ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:**

**Т.З.ТЕШАБАЕВ** – Тошкент молия институти ректори,  
иктисод фанлари доктори, профессор.

## **ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

**А.А.КАРИМОВ** – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.Х.ИСЛАМҚУЛОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари доктори.

**М.Б.НУРМУРАТОВ** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси.

**Т.С.МАЛИКОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Э.Ғ.НАБИЕВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Э.ТОШМУРОДОВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.З.АБДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Қ.ХАМДАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.З.АВЛОҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ж.И.КАРИМҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.А.АЛЛАЯРОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ф.Т.МУХАМЕДОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.РУСТАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**И.К.ОЧИЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Х.М.ШЕННАЕВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Э.Ў.ЭРГАШОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Т.М.БАЙМУРАТОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**Ё.С.ИЛХАМОВА** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**И.Ғ.КЕНЖАЕВ** – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

**Х.Д.ХЎЖАҚУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Х.А.ҶОБУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**З.А.САГДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Е.Б.МАЛЕЙ** – кандидат экономических наук, доцент Полоцского Государственного университета, Белорусь.

**ELCIN AYKAC ALP** – Туркия, Истанбул Тижорат университети профессори.

**ТАЕ-HYOUNG MUN** – Жанубий Корея, Моквон университети профессори.

**Н.К.МУРАВИЦКАЯ** – профессор Департамента аудита и корпоративной отчетности Финансового университета при Правительстве Российской Федерации.

**ПИТЕР ХАЙК** – Чехия Республикаси, Богем университети профессори.

**ASIF МАНВУВ КАРИМ** – Малайзиянинг Менежмент ва тадбиркорлик университети профессори.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ...

**Ш.Қобилов.** Таълим-тарбия, маърифат иши – олий саодат .....5

## МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

**Т.С.Маликов.** Инвестицион жозибадорлик: нима у? .....12

**И.И.Алимов.** Ўзбекистон Республикасида давлат ташки қарзини бошқаришнинг замонавий ҳолатининг хусусиятлари .....16

**С.С.Наримонов.** Молия-саноат гурухларини шакллантиришнинг хорижий тажрибалари ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....26

**У.Ш. Файзиев.** Необходимость организации анализа финансового положения на современном этапе .....38

**У.У.Пардаев.** Давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга қаратилган бюджет-солик сиёсатини такомиллаштириш .....45

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

**Б.К.Ҳамдамов.** Назорат – маслаҳатчи аудиторлик тизими ва унинг аҳамияти .....52

**А.Х.Сатторов.** Аудиторлик текширувларида ички аудитор ишидан фойдаланишнинг аҳамияти ва хусусиятлари .....60

**Н.М.Имамова.** Миллий ҳисоб тизимини халқаро молиявий ҳисобот тизимига уйғунлаштириш масалалари .....69

## БАНК ИШИ

**З.О.Ahrorov.** Banklar faoliyatida raqamli texnologiyalardan foydalanishning ta’siri.....80

**Н.Х.Шарипова.** Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш .....87

**М.Р.Қулметов.** Банклараро бозорда рақобат механизмини ривожлантириш йўллари .....99

**ИҚТІСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ**

<b>Е.В.Мойлиев.</b> О‘zbekiston agrar sohasining tashqi iqtisodiy faoliyati tahlili .....	106
<b>Н.Ш.Хужаназарова.</b> Финансовое управление туристической индустрии на макро, макро, мезо, микро уровнях страны.....	114
<b>А.А.Маматов.</b> Минтақанинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш омиллари ва уларнинг таснифи .....	123
<b>Д.Х.Сапаев.</b> Количественная оценка динамики развития деятельности виноградно-винодельческого кластера.....	132

**МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ**

<b>М.М.Зияева.</b> Бозор фаолиятини бошқаришда интеграллашган маркетинг коммуникацияларидан (ИМК) фойдаланиш .....	139
<b>Н.О.Рахматуллаева.</b> Бошқарув тизимини ташкил этиш механизми .....	145
<b>S.I.Mamurov.</b> O‘zbekistonda raqamli marketingning rivojlanish istiqbollari .....	153

**СТАТИСТИКА ИШИ**

<b>В.Х.Маматқұлов.</b> Фермер хўяликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини “Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштириш .....	160
<b>С.Н.Сайфуллаев.</b> Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини panel таҳлили асосида эконометрик моделлаштириш .....	167

**БАҲОЛАШ ИШИ**

<b>Д.Р.Абдикаримова.</b> Гаров таъминотини баҳолаш жараёни таҳлили .....	174
--------------------------------------------------------------------------	-----

**ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯ**

<b>Б.Ч.Рахматуллаев.</b> Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштириш такомиллаштириш йўллари .....	187
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**Шариф Қобилов**

Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси профессори,  
полковник.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, МАЪРИФАТ ИШИ – ОЛИЙ САОДАТ

### **1. Мартабага буюк мақсад ва машаққатли меҳнат билан эришилади...**

Буюк мақсадлар, эзгу амалларни ўз ҳәётининг мазмунига айлантирган инсонлардан бири, бугун навқирон 60 ёшини нишонлаётган ҳамкасбимиз Халқаро “Antique World” илмий академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Алишер Восиқович Вахобовдир.

Алишер Вахобов 1963 йил 12 майда Тошкент шаҳрида таваллуд топған. Алишер Восиқовичнинг таълим соҳасидаги йўлни танлашида, аввало, ўзининг бутун онгли ҳәётини, борлигини таълимга, ёшларни билимли инсонлар қилиб тарбиялашга бахшида этган Абдувосиқ Ҳожи отанинг ўринлари бекиёсdir.

Дарҳақиқат, Абдувосиқ Ҳожи ота Вахобовнинг оила аъзоларини яқиндан таниган билган барча инсонлар томонидан зиёли, яъни нур, зиё тарқатувчи, ҳар томонлама пок оила сифатида эъзозлайдилар.

Ҳожи отани зиёрат қилиш учун ташриф буорган ёшлар билан илм түғрисида суҳбатлашганда қуйидаги пурмаъно сўзларни айтар эдилар : “агар кимки яхши таълим олмаса, илмни қадрламаса, у одам умрининг охиригача оқсоқланиб яшайди”. Ўзлари Иккинчи жаҳон уруши давридаги бениҳоя оғир кунларда ҳам мактабда ўқитувчилик қилиб, ишдан сўнг эса, деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳар бир фарзанд-у аржумандларининг таълим олишлари ва олий маълумотли бўлишлари учун бир дақиқа бўлса-да, тинчимаганлар.

Фарзандларининг муносиб таълим олишлари учун нимаики зарур бўлса, барчасини мухайё қилганлар.

Халқимизда: «От изини той босади», деган машхур ибора бор. Қарийб 50 йилдан ортиқ ўз умрини умумтаълим мактаби директорлигига сарфлаган ота бор куч-ғайратини ёш авлод тарбиясига, уларнинг атрофлича билим олишига сарфлаганлари, ўкувчиларни чин қалдан фарзанди каби севганликлари учун ҳам катта обўрга эга бўлган, таълим соҳасида йирик салоҳиятли шахс сифатида одамлар қалбидан чуқур ўрин олган. Бугун Алишер Вахобовга ҳам отасидаги эзгу хислатлар қон билан кирган дейишга тўла ҳақлимиз.

Ҳаёт - бу ҳар ким ўз қўли билан ёзиб борадиган китобдир. Унга ҳеч нарсани ҳомаки қилиб, ўчириб, тузатиб ёзиб бўлмайди, оққа қўчириб олишни ҳам иложи йўқ, ҳаётда қилинган барча ишлар бир умр муҳрланиб қолаверади. Одамзот ўз келажагини ўзи қуради, агар ҳаёти давомида ҳалол – пок, қариндош-урӯғ, элухалққа нисбатан яхши муомалада бўлиб юрт тинчлиги, ҳалқининг осойишталиги ва дастурхонларининг доимо тўкин бўлиши йўлида ҳаёт кечирган бўлса, Аллоҳ берган умрни самарали ўтказиб юксак мартабаларга эришади.

Алишер Вахобов 1970-1980 йилларда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 200-ўрта мактабда ўқиган. У 1981-1986 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа-иктисод факультети, сиёсий иктисод бўлимида таҳсил олди. 1986 йилда унга “Сиёсий иктисод” ихтисоси бўйича диплом топширилган .

Шу йилдан эътиборан бутун ҳаётий фаолиятини таълим-тарбия ишига бағишлиган инсон – иктисодиёт фанлари доктори, профессор, меҳрибон ота, кадрдон дўст, самимий ва дилкаш олим, истеъододли раҳбар Алишер Вахобов

одамлар қалбida чуқур хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган.

Тошкент ҳалқ хўжалиги институтининг «Сиёсий иктисод» кафедрасида 1986-1989 йилларда ўқитувчи (ассистент), 1989-1991 йилларда катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Тошкент молия институтининг «Сиёсий иктисод» кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатган.

Алишер Вахобов педагогик фаолияти билан бир қаторда илмий изланишларини ҳам олиб борган. Натижада, 1992 йилда «Қишлоқларда социал муаммоларни ҳал этишда номоддий жамғаришнинг роли» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 1994 йилдан Тошкент молия институтининг «Сиёсий иктисод» кафедраси доценти лавозимида ишлаган. 1998-1999 йилларда Тошкент молия институти қошидаги Солиқ ўқув марказининг «Умуниқтисодий назария» кафедраси мудири, 1999 йилдан мазкур институтнинг «Молия-иктисод» факультети декани, «Молия» кафедраси доценти лавозимларида фаолият кўрсатган.

2001 йилда «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида кўп укладли иктисодиёт ва унинг такрор ҳосил бўлиши» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 2002 йилгача «Молия-иктисод» факультети декани, «Молия» кафедраси профессори лавозимларида ишлаган.

Вахобов Алишер Восиқович 2002 йил 30 март ойидан то 2005 йилга қадар Тошкент молия институтининг Ўқув ишлари бўйича проректори ҳамда «Молия» кафедраси профессори лавозимларида фаолият олиб борган.

Шунингдек, Вахобов Алишер Восиқович 2005-2012 йилларда Тошкент молия институти ректори, 2012-2014

йилларда эса Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори этиб тайинланган.

2014-2016 йилларда, Вахобов Алишер Восиқович, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимида фаолият кўрсатган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мурод Шарифхўжаев Алишер Восиқовичга раҳбар сифатида камол топишида ҳар томонлама устозлик қилганлар. Олий таълимни бошқариш сир-асорларини, мулоқот маданиятига оид ўгитларни устоздан олган ва унга амал қилган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Вахобов Алишер Восиқович олий таълимнинг оддий ўқитувчи лавозимидан доцент, профессор, биринчи проректор, ректор, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимигача бўлган шарафли ва маъсулиятли йўлни босиб ўтди.

## **2. Алишер Вахобов – нажот илмда эканлигини ҳаётининг ажралмас қисми, деб билди ва ёшларга шу руҳда таълимтарбия берди...**

Профессор Алишер Вахобов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: «Нажот – таълимда, нажот –тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади», деган тараққийпарвар ғоясига амал қилди ва фаолиятининг асосий мезонига айлантириди.

Алишер Вахобов мана қарийб 40 йил давомида Олий таълим тизимида ҳалол хизмат қилиб, хурмат-эътибор қозонди. Ёшларни касбий ҳамда

маънавий-сиёсий ва психологик жиҳатдан юксалтириш, ватанпарварлик, фидойилик, адолатпарварлик, шахсий масъулият ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишларида фаол иштирок этмоқда.

У н и н г а т р о ф и д а г и л а р и , маҳалладошлари, бирга ўқиган гуруҳдош ва сафдошлари у инсонни одам умрига мазмун берадиган, қалбида ўзининг ўтказаётган умрига нисбатан қоникиш ҳосил қиласидиган, ундан баҳра оладиган, мамнунлик бағишладиган юксак инсоний фазилатлар мужассамлашган, маърифатпарвар, ўз меҳр-муруватини аямайдиган, очиқ кўнгил, камтарин, бағрикенг, эгаллаган мавқеидан қатъи назар, ҳар қандай киши билан эътиборли бўлиб тил топишадиган, сухбатдоши кўнглидан жой топадиган, юксак маданиятли, фидойи инсон деб билади.

Давраларда Алишер Восиқович ҳақида гап кетганида, доимо бу дўстимиз уч улуғ инсоннинг дуоларини олганликлари бот-бот айтилади. У киши ота-оналаридан кейин устозлари – улуғ инсон, академик, атоқли давлат арбоби Мурод Шарифходжаев ҳамда таъкидлашни истардимки, бизнинг илм-фанга чуқур олиб кирган устозимиз – таниқли иқтисодчи олим, академик Л.И.Абалкиннинг “Ўрта Осиё минтақасида сиёсий иқтисод фани бўйича йирик олим”, деган таърифини олган инсон СССР Олий Аттестация комиссияси (ВАК)нинг аъзоси ва мамлакат миқёсида тан олинган иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 50 нафардан кўпроқ фан номзодлари ҳамда докторларига илмий раҳбарлик килган Ахмаджон Ўлмасовнинг дуоларини олган.

Мурод Шарифхўжаев Алишер Восиқовични олий таълимнинг пиллапояларидан юқори кўтарилишларида ҳам маънавий кўллаб-кувватлаганлар. Шу билан бирга, ўз шогирдларига раҳбарлик

малакасини сингдирган беназир устоз бўлганлар. Алишер Восиқовичнинг ўзи устозларининг хотиралари, номларини бениҳоя катта эҳтиром билан тилга олиб туради.

### **3. Алишер Вахобов – том маънодаги бунёдкор ва новатор.**

Касб маданияти инсонда ўз касби билан фаҳрланиш, ғуурланиш туйгуларини шакллантиради. Чунки, касбига меҳр-муҳаббатсиз, садоқатсиз инсондан яратувчанлик ва бунёдкорликни кутиб бўлмайди.

Алишер Восиқович Тошкент молия институтида 2012 йилгача ректор лавозимида фаолият юритиб, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, институтнинг ривожланишига улкан ҳисса кўшди. Мазкур институт у кишининг раҳбарликларида моддий, услубий, илмий жиҳатдан яхшиланиб, мамлакатимизда юқори малакали мутахассисларни етиширидиган етакчи олий таълим масканига айланишга улгурди.

У киши раҳбарлигида Тошкент молия институти республикамизда биринчилардан бўлиб замонавий кўринишда реконструкция қилинди, деярли янги бино, замонавий компьютерлаштирилган ўкув хоналари, заллар, лабораториялар, ҳамма ҳавас қиласидиган кутубхона ва ҳ.к.лар билан таъминланди, энг муҳими, бу ерда илмий салоҳияти кучли, энг мукаммал педагогик жамоа шаклланди. Бу ишларнинг барчаси Алишер Восиқовичнинг ташаббускорлик фаолияти, тинимсиз меҳнатлари, бошқарув истеъдоди эвазига рўй берди, десак тўғри бўлади.

Институт бир нечта факультетдан таркиб топган бўлиб, шаҳарнинг 3 та туманидаги, яъни пойтахтнинг турли қисмларидағи 5 та бинода

жойлашган эди. Ўша вақтларда, Алишер Восиқович кўплаб етакчи хорижий олий таълим муассасаларидағи каби барча қулайликларга эга бўлган, барча факультетларни бир жойга жамлаган Институт кампусини яратиш вазифасини кўйган эди. Институтнинг Амир Темур кўчасидаги 6 қаватли асосий биноларидан бирини ўта қисқа давр – 40 кун ичida юқори даражада битказилди.

2014 йили Алишер Восиқович Ваҳобовни Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ректор лавозимига тайинланди. Алишер Восиқович бу ерда ҳам тез орада катта жиҳозлаш, таъмираш ва ўкув жараёнини замонавийлаштиришга, иқтисодиёт фанларини илмий асосларда ўқитишини йўлга кўйишга катта эътибор берди.

Алишер Восиқович вазир этиб тайинланганданоқ, дастлаб, Ўзбекистон ҳудудидаги барча олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг турлича фаолиятини: ўкув-тарбия ишлари, услубий ва моддий-техник таъминоти, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти каби масалаларни бирмабир ўргангани, уни таҳлил қилишга бел боғлагани ёдимда. Кўп вакт ўтмай, у киши этиб бормаган ва яқиндан танишмаган бирон-бир институт, университет, коллеж ёки лицей, малака ошириш муассасаси қолмади. Бу ишларга барча ректорлар ҳам соҳалар кесимида кенг жалб қилина бошланди. Жуда кўп вилоятларнинг ОТМларида у киши бошчилигида ректорлар ва бошқа мутасадди ходимлар иштирокида тез-тез сайёр йиғилишлар ўтказила бошланди. Олий таълимнинг энг долзарб, оқсаб қолаётган масалалари, биринчи навбатда, таълим сифатини ошириш ва унинг услубий таъминотини, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини кўтариш масалалари кенг таҳлилий муҳокамалардан ўтказила бошланди.

Айтиш лозимки, тез орада таълим сифати билан боғлиқ ишлар барча ОТМларда жиддий жонланди ва олий таълим муассасаларининг барча раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари орасида ҳам замонавий таълимга қаратылган ҳаракатлар авж ола бошлади.

Айниқса, давлат миқёсида биринчи марта мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг китоб фондини инглиз тилидаги замонавий китоблар билан бойитиш зарурлиги масаласи күтарилди. Чунки, фан ва техниканинг тури соҳаларидаги дунё етакчи олимларининг жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий тенденциялари бўйича энг сўнгти халқаро илмий тадқиқотлар ва натижаларига, эмпирик таҳлиллар ва бошқаларга асосланган илмий ишлари ҳамда асарларининг аксарияти инглиз тилида чоп этилади. Натижада, инглиз тилини оммавий равишида ўрганиш ва ўқитишнинг долзарбилиги ошиб борди, бу эса – бизнинг талабаларимизга дунё билимлар хазинасига кириш имкониятини берди. Республикаиз олий таълим муассасаларида биринчи марта босқичмабосқич инглиз тилида ўқитиладиган гурухлар ташкил этила бошланди, бу ҳам инглиз тилини ривожланишишнинг янги босқичи учун пойдевор ва туртки бўлди.

Унинг фаолиятида доимий равишида янгиликларни ўрганиб бориш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишига интилиш, муайян муаммоларни ҳал этишининг самарали усусларини излаш каби кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, таълимнинг узлуксизлиги ва ажралмаслигини таъминлашга бўлган доимий интилиши мактабгача таълимдан тортиб, докторантурагача бўлган таълим кластерини яратиш имконини берди. Бунга Алишер Васикович томонидан асос солинган, таълимнинг барча босқичларини ўз ичига олган иккита халқаро таълим

муассасаси Vosiq International School and Kindergarten ва Kimyo International University in Tashkent ёрқин мисолидир.

Тошкент Кимё халқаро Университетида барча жараёнлар – моддий-техник база, компьютерлаштирилган ўқитиш тизими, профессор-ўқитувчилар фаолияти ва бошқалар тўлиқ хорижий тажриба ҳамда амалиётга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг аксарияти чет эллик мутахассислар ёки хорижда ўқиб келган истеъдодли ўшлардир. Университетдаги қатор таълим йўналишлари ҳам янги бўлиб, мамлакат эҳтиёжи учун ўта зарур бўлган мутахассисларни тайёрлашга қаратилгандиги билан аҳамиятлидир.

#### 4. Мактаб яратган олим

Профессор А. В. Вахобов «Ўзбекистонда молия, банк, ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусида илмий мактаб яратиб, унинг раҳбарлигига 15 дан ортиқ фан номзодлари, докторлари тайёрлаган.

Шу ўринда Тошкент молия институтининг ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т. З. Тешабаевнинг кўйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб билдик:

“Институтнинг тарихиги назар соладиган бўлсақ, мустақиллик билан тенгдош сифатида фаолият юритиб келмоқда, ушбу нуфузли институтнинг асосчиси сифатида устоз Академик Мурод Шарифходжаевни, албатта, эсламасдан иложимиз йўқ, у киши забардаст олим, камтарин раҳбар сифатида ёш мустақил Ўзбекистоннинг ривожланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб кетдилар ва кўплаб шогирдлар тайёрлаб, илм-фан йўлида ўзига хос мактаб яратдилар.

Ана шу мактабга мансуб, муносиб шогирдларидан бири иқтисодиёт фанлари

доктори, профессор Вахобов Алишер Восикович бўладилар. Академик Мурод Шарифходжаевни Тошкент молия институти асосчиларидан бири десак, ҳеч муболағасиз Алишер Восиковични Тошкент молия институтининг янги қиёфасининг бунёдкорларидан бири сифатида эътироф этсак ўринли бўлади. Ҳаммамизга маълумки, Тошкент молия институти ўз даврида, Тошкент шаҳрининг учта тумани ва бешта худудда тарқоқ жойлашган эди, бу эса ўз навбатида, педагог ходимлар ва талаблар учун жуда кўп нокулайликлар туғдирап эди, сабаби дарс машғулотларига у бинодан бу биногача етиб бориш ҳолатларида тирбандликлар туфайли кечикишлар, бир хужжат учун ҳам ректоратга келиб кетишилар, қўйингки, ушбу нокулайликлар туфайли бутун жамоанинг ҳаловати йўқ эди.

Аввало, хукуматимизниң ҳайриҳоҳликлари ва Алишер Восиковичнинг саъи-ҳаракатлари туфайли Тошкент молия институти бугунги замонавий қиёфасига ва нафақат миллий меҳнат бозорига, балки жаҳон миқёсида меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрловчи масканга айланди. Алишер Вахобов нафақат раҳбар сифатида, балки забардаст олим, иқтисодчи сифатида ҳам ўзига хос илмий мактаб яратиб, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бизнинг назаримида Алишер Восикович мустақилликдан кейин бозор иқтисодиётiga доир илмий-тадқиқот ишларини олиб борган дастлабки олимлардан биридир. Ўзбек илм-фанига муносиб ҳисса қўшган иқтисодчи олим, профессор Ахмадбек Ўлмасов билан ҳаммуаллифликда тайёрланган “Иқтисодиёт назария”си ва бошқа кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалари республикамизнинг барча Олий

таълим муассасалари учун асосий ўқув адабиётлари сифатида фойдаланилмоқда.

### **5. Инсоннинг моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти соғлом ҳатти-ҳаракатда**

Машҳур немис олими Георг Лихтенбергнинг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз деб билдиқ: “Одамийлик-фақат билимдонликда эмас, балки ,аввалги аждодлар бизлар учун қилганликлари каби келажак авлодлар учун нима колдира олишимиздадир”. Бугунги кунда Алишер Восикович яратган илмий мактаб, у киши томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари буюк келажакнинг соҳиблари-авлодларимизга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Алишер Вахобов яратган китоблар ўқувчиларда дунёвий иқтисодий тафаккурни шакллантиришга хизмат килади. Чунки, мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъқидлаганларидек, дунё ахлини бугун иқтисодий ва ижтимоий муаммолар безовта қилмоқда. Бугун аёвсиз рақобатда иқтисодий билимга эҳтиёж кучаймоқда. Айнан Алишер Восиковичнинг оддий, равон тилдаги ва илмий асосланган адабиётлари ёшларга иқтисодиётнинг қонун-коидаларини билдиради, бозор ва унинг сир асрорларини ўргатади, тадбиркорлик, пул, банк иши, солиқ, бюджет, молия, кредит ва шу каби фаолият турлари билан тўқнаш келганда мураккаб шароитларга тушиб көлмаслики ўргатади.

Таниқли олим, жамоат арбоби, кўп ийллар Тошкент давлат Шарқшунослик университетига ректорлик қилган, филология фанлари доктори, профессор А. Маннановнинг қуйидаги таърифлашини келтиришни мақсаддага мувофиқдир, деб билдиқ:

“Алишер Восиковични мамлакатимизнинг ҳар бир чеккасида

хурмат-әхтиром билан тилга оладиган инсонлар сон-саноқсиз. Чунки, бу инсоннинг ҳаммамизга ибрат бўладиган хислатлари бенихоя қўп, булар: юкори даражадаги ташкилотчилик, одамохунлик, очик чехралик, бағрикенглиқ, меҳмондўстлик, самимиilik, хурсанд кайфиятлилик, тўкин дастурхонлилик, ўзбекона сийратлилик, тўғрисўзлик, мардлик, фарзандлари, дўстлари, шогирдлари ва барча яқинларига ўта меҳрибонлик, камтарлик, оққўнгиллилик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, олимлик, тинибтинчимаслик, меҳнаткашлик, оддийлик, эзгулик йўлида доимо пешқадамлик, дикқат-етиборлилик, ҳар бир жойда ва ҳар қандай вазиятда ҳам яхшилик қилиш. Улар бу каби кўплаб гўзал хислатларнинг соҳибидирлар”<sup>1</sup>.

Алишер Восиқовиҷ ҳақида қанча гапирмайлик у кишининг бунёдкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик каби кирралари чиқиб келаверади.

Алишер Восиқовиҷ навқирон 60 ёшинги муборак бўлсин! Сизнинг юртимиз, ёшларимиз учун ўйлаб қўйган улкан, хайрли ишларингиз кўплигини яхши биламиз. Сизнинг бундан кейинги барча ишларингизга янада равнақ, хайр ва барака тилааб коламиз.

<sup>1</sup> Таълим-тарбия ва маърифатга бағищланган умр. Халқаро “Antique World” илмий академияси академиги, иктиносод фанлари доктори, профессор Алишер Вахобов 60 ёшда. – Илмий-маърифий нашр. // Лойиха раҳбари ва нашручун масъуз профессор Ш.Р. Қобилов. – Тошкент: «Poytaxtexclusive», 2023. 101-102-б.

**УЎТ 330.33**

**Т.С.МАЛИКОВ,**  
*Тошкент молия институти  
“Молия” илмий мактаби раҳбари,  
иқтисод фанлари доктори, профессор*

## ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК: НИМА У?

Мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари ҳақида гап кетганда, бизнингча, дастлаб баъзи бир фундаментал (туб) масала (муаммо) ларга аниқлик киритиб олиш керак. Бу баъзи бирорларга гарчи ўринсиздек, эриш ёки ортиқчадек туюлса-да, назаримизда, юртимизда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш йўлларининг самарали “вариант”ларини топишни айнан ана шундай аниқлик киритиб олишдан айро тасаввур қилишнинг иложи йўқ (бошлиш керак). Муаммо “Ўзбекистон инвестицион муҳитининг жозибадорлиги – тадбиркорлик тараққиётининг муҳим омили”, “худудлар инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва инновацион инструментлардан фойдаланиш”, “кулай тадбиркорлик муҳитини яратиш (ривожлантириш) учун зарур иқтисодий (молиявий) чора-тадбирлар”, “иқтисодий секторлар олдидаги тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари” сифатида талқин қилинганда эса унинг долзарблиги янада ўткирлашади. Гап бу ўринда, хусусан, “инвестицион жозибадорлик”<sup>1</sup>

(тушунчаси)нинг нима эканлиги, бу ибора ёки сўзлар бирикмасининг сўзма-сўз нимани англатиши, у(лар)нинг негизида нималар ётиши мумкинлиги тўғрисида кетмоқда.

Афсуски, масала кун тартибига бу тарз (аспект)да қўйилганда “Гап амалиётимизда содир бўлиши мумкин бўлган аниқ бир масалани уддалаш (ҳал килиш) тўғрисида кетаётганда унга бу муаммонинг “тиқиширилиш” и қанчалик ўринли?”, – дегувчилар орамизда топилади. “Яна ўша соф назарий талқин қилишларми, яна ўша ҳеч бир фойдаси йўқ куруқдан-куруқ олиб қочиладиган гапларми?”, – деб, узр, пешонасини тириштирувчилар ёки энсасини қотиравчилар ҳам атрофимизда йўқ эмас.

Таажжублар бўлсинки, ўзбек иқтисодий (ва айниқса, молиявий) “ilm олами”да содир бўлган ва бўлаётган “воқелик”<sup>2</sup>ларнинг, ҳатто сиртдан юзакироқ таҳлили ҳам, ҳар қандай илмда бирламчи ва принципиал аҳамиятга эга бўлган ҳамда назарда тутаётган нарсамизнинг асл моҳиятини аниқлашга қаратилган (хизмат қилувчи) бу ҳолатни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

<sup>1</sup> Худди шундай тарзда «инвестицион муҳит» (инвестиционная среда) ва “инвестицион иқлим” (инвестиционный климат) каби тушунчаларга ҳам ёндашиб мақсадга мувофиқ.

<sup>2</sup> Бу ўринда биз шу масалалар акс эттирилиб, эълон қилинган ва ҳамон қилинаётган илмий тезис, мақола ва ҳатто монография, ўкув кўлланмана ва дарсликларни ҳам назарда тутаётимиз.

Энг ачинарлиси шундаки, бунда хур фикрлилик ёки фикрлар хилма-хиллиги ҳамда сўз эркинлиги кабилар рўйкач қилиб кўрсатилмоқда. Ҳолбуки, ҳақиқий илм ҳар кимнинг “қарич”и (савияси, даражаси, фахм-фаросати, кобилияти,...) билан ўлчанмайди. Унинг ўлчанадиган ўз “қарич”лари бор. Буни инкор этиш, аслида, мисол учун,  $c^2 = a^2 + b^2$  кўринишига эга бўлган Пифагор теоремасини  $a^2 = c^2 + b^2$  ёки  $b^2 = a^2 + c^2$  тарзда ифодалаш билан баробар. Бунинг устига, биз бу масалада  $c^2 = a^2 + b^2$  кўринишига эга бўлган тенгликнинг фақат “ийфиндиси” ёки “қўшилувчилар”ининг ўрнини алмаштириш билан чекланётганимиз йўқ. Бу тенгликда ҳар бир ҳаднинг “даражажарини ҳам (масалан, квадратнинг ўрнига кубни ёки бошқа даражаларни кўйиб ва ҳатто ундаги ишораларни (+, -) ҳам ) ўзгартириб, талқин қилаётганимиз. Агар Пифагор теоремаси шу илмнинг баъзи вакиллари томонидан шу тарзда талқин қилинса, математикларимизнинг “реакция”си қандай бўлиши мумкинлигини кўз олдимишга келтира оламиш. Бироқ, иқтисод (молия) илмида худди шундай ҳолатга қарашда, маъзур тутасиз, бефарқлик ва ҳафсаласизлик устунлик қилмоқда. “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман!” принципига итоаткорона риоя қилинмоқда. Ва натижада, бу ерда “сокинлик” у, “сукунат” хукм сурмоқда<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Аслида бу ўринда ҳам биз факат ўзимизнинг шахсий фикрларимизни шу тарзда ифодалаб колмасдан, балки шундай кескин хulosалар чиқаришга имкон берган бир неча “факт”ларга ҳам мурожаат қилишимиз ва уларни шу жойда келтиришимиз керак эди. Лекин мақоламиз эълон қилиниши мумкин конференцияни ўтказишдан мақсал, унинг нимага қаратилганлиги, қандай масалаларни муҳокама қилишнинг кўзда тутилганлиги, ... бунга имкон бермайди. Шунингдек, бунга қон-қонимизга асрлар давомида сингиб кетган “ўзбекчилик” нуктаи назаридан қараш ва ўзбекона андиша ҳам бунга йўл қўймайди.

Бизнингча, бундай ҳолат иқтисод (молия) илмининг ўзига хос фожиасидан даракдир. Қўйида ана шу “бўшлиқ”ни “зифирча” бўлса-да, тўлдиришга ҳаракат қилиб, уни “Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш йўлларининг баъзи фундаментал (туб) масалалари хусусида айрим мулоҳазалар” кесимида кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз ва унинг ёлғиз бир жиҳати (аспекти)га эътибор бериш билан чекланамиз, холос.

Жумладан, мамлакатимизда “инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари” тўғрисида “қайғураётган” пайтимизда, аввало, гап нимани ошириш йўллари ҳақида кетаётганилигига аниқлик киритиб олишимиз керак. “Инвестицион жозибадорлик” нима? Нима у? Унинг нима эканлигини ҳаммамиз ҳам биламишми? Икки мустакил сўздан иборат бўлган бу ибора (бирикма) нимани англатади? Унинг замирида нима(лар) ётади? Уни тилга олганимизда кўз олдимишда нима(лар) гавдаланиши лозим? Ўй-хаёлимизга нима(лар) келиши ёки уни нима(лар) қамраб олиши даркор? Хуллас, моҳиятан “инвестицион жозибадорлик” нима? Уни идрок этиш (тушуниш) жараёнида нималарга эътибор бермоқ лозим?...

**Биринчидан**, ҳатто шу кечаю кундузда ҳам ўзларининг кундалик ҳаётида “инвестицион жозибадорлик” иборасини ишлатаётгандарнинг маълум бир қисми, узр, “Темир хотин”даги “Кўчқорвой ака” – аҳволида<sup>4</sup>. Уларга нисбатан “Инвестицион жозибадорлик нима?”, – деган тарзда савол қўйилса, “Нимацион?” ёки “Нимадорлик?” каби акс саволларнинг қўйилишидан ажабланмаслик керак. Объектив реаллик

<sup>4</sup> Бу ерда ўзбек драматурги Ш.Бошбеков асари асосида “Ўзбекфильм”да тасвир (сурат)га олинган бадиий фильм ва унинг персонаж (образ)лари назарда тутилмоқда.

– шу. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Баъзи ҳолларда шу соҳанинг “нон”ини маҳсус “еб” юрган “илм ахли”нинг айрим вакиллари томонидан шундай акс саволнинг қайтарилиши (берилиши) эса – кечириб бўлмайдиган хол.

**Иккинчидан**, “инвестицион жозибадорлик” бу – мураккаб тушунча. Унинг бундай “хислат”га эга эканлиги, энг оддий тарзда ифодалаганимизда, “тушунча”нинг бир эмас, балки икки сўз билан ифодаланганидан ҳам кўриниб турибди (билиб олса бўлади). Бунинг устига, унинг биринчиси ҳалқаро атама бўлса, иккинчиси эса ўзбек тилида нисбатан камрок ишлатиладиган сўздир. Худди шунинг учун ҳам унинг замирида нима ётганлиги ва моҳиятиан у нимани билдириши мумкинлигини ҳамма ҳам англашга – қодир эмас. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик кўриш тақозо этилади: а) ҳеч бўлмаганда шу сўзларнинг изохи келтирилган китобларни “титкилаш”га тўғри келади; б) уларнинг биттасига эмас, балки бир нечтасига мурожаат қилмоқ зарур; в) барчасини оддий тарзда “ўқиш” эмас, шунингдек, “ўқиш” ҳам керак; г) хоҳиш-истакка ёки бошқа соғ субъектив омилларга таянган ҳолда манбаларнинг фақат биттасига “сажда” қилмасдан, уларнинг бир нечтасини ўзаро таққослаб (қиёсий таҳлил қилиб), умумий кесишув нуқталарини аниқлаш лозим; д) ва шундан сўнг умумэтироф этилган ягона бир тўхтамга келмоқ лозим.

**Учинчидан**, “инвестицион жозибадорлик”даги “инвестицион” сўзи – ўзбекона сўз эмас. У – ясама сўз. Бу ерда бундай сўз “жозибадорлик”нинг қандай характерга эга эканлигини кўрсатишга хизмат қилиб, унинг сифатини белгилаб бермоқда. Унинг негизини “инвестиция” сўзи (атамаси) ташкил этади ва у шундан келиб чиқсан хисобланади. Энг асосийси, у – ҳалқаро атама. Дунёнинг барча ҳалқлари

тилида унинг ўзаги ўргармасдан бир хил ва бир маънода қўлланилади. Факат у ёки бу тарзда унга қўшиб айтиладиган қўшимчалар ўзгариши мумкин, холос.

**Тўртинчидан**, баъзи бир сабабларга кўра “инвестицион жозибадорлик” сўз бирикмасида “жозибадорлик”дан кўра “инвестици(я)он” атамаси бизга яқинроқ таниш. Зоро, бу сўз, кези келган ҳолларда, бизнинг давримизда Она тилимизда мавжуд бўлган “жозибадорлик” сўзидан эртарок, кўпроқ ва кенгрок ишлатиладиган бўлган. Шунинг учун ҳам “инвестици(я)он”нинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниб етганлар, “жозибадорлик”нинг нимани билдириш мумкинлигини ҳамма вакт ҳам тўғри англайвермайдилар. Ҳолбуки, бунинг учун ўзбек тилида ишлатилиши мумкин бўлган 80 мингдан кўпроқ сўзларнинг изоҳига бағишлиланган 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га қарашнинг ўзи – етарли. Унда келтирилишича, Она тилимизда қўлланилиб келинаётган “жозибадорлик” сўзи, факат сўзларнинг ўзига эътибор бериладиган бўлса, араб ва форс тилидаги сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, у “ўзига мафтун этишлик”, “ўзига жалб этишлик” маъно-мазмунларини билдиради. Демак, “инвестицион жозибадорлик” бошқа бир кўринишида “инвестицион ўзига мафтун этишлик” ёки “инвестицион ўзига жалб этишлик” шаклида ҳам қўлланилиши мумкин. Назаримизда, бизнинг ҳолда унинг охирги варианти (“инвестицион ўзига жалб этишлик”)ни қўллаш (масалан, “инвестицион ўзига жалб этишликни ошириш йўллари” тарзида) мақсадга мувофиқ.

**Бешинчидан**, “инвестицион жозибадорлик” иборасининг маъно-мазмуни ва моҳиятини англашда, бир пайтнинг ўзида, уни тўғри идрок этишда хизмат қилиши мумкин бўлган, лекин

баъзи бир тушунарсиз сабабларга кўра Она тилимизда шу кечаю кундузда нисбатан камроқ ишлатиладиган: а) “жозиб” (ўзига тортувчи, мафтун этувчи, ўзига жалб қилувчи); б) “жозиба” (ёқимлилик, дилбар, малоҳат; тортиш (тортишиш) кучи, тортувчи куч; ўзига тортувчи жиҳат, дилбарлик) в) “жозибадор” (жозибага эга, мафтун этувчи, ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, ўзига жалб қилувчи, мафтун қилувчи, жозибали, ажойиб)<sup>5</sup> каби сўзларнинг ҳам қандай маъно-мазмун англатиши мумкинлигига эътибор бермоқ лозим.

**Олтинчидан**, юқоридаги тарзда таъкидланган бўлишига қарамасдан, “инвестицион жозибадорлик”нинг мазмун-моҳиятини тўғри англашда “инвестици(я) он” ва “жозибадорлик”ларни бир-биридан ажратилган ҳолда ёки механик тарзда қўшиш йўли талқин қилишга ҳаракат қилмаслик зарур. Зоро, бу ерда мантиқ, мантиқий боғлиқлик ва ягона моҳиятни ифодалаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

<sup>5</sup> Бу баундан олдинги ўринларда келтирилаётган шархларда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўзлар бирикмаси. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1-жилд, 2017. – 99 б. да акс эттирилган маълумот ва фикрларга таянилди.

**Еттинчидан**, луғавий жиҳат (нуқтаи-назар)дан “инвестицион ўзига жалб этишликни ошириш” тарзида ифодаланган “инвестицион жозибадорлик”нинг мазмун-моҳияти хусусида гап кетганда “инвестици(я)он” ва “жозибадорлик” сўзларининг, кези келган ҳолларда, ўз ва кўчма маъноларда ишлатилиши ҳам эътибордан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ...

Хуллас, кичик “қисса”миздан “хисса” қуидагича: мамлакатимизда, жумладан, “инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари” муҳокама қилинаётган пайтда, мавхумлик ва “Ҳар каллада – ҳар хаёл” принципига риоя қилмасдан, аксинча, аввало, у (инвестицион жозибадорлик) нинг ўзи нима эканлиги тўғрисида аниқ бир тасаввур ёки қарашга эга бўлмоқ лозим. Шундай бир тўхтамга келиниб, сўнг ундан “старт” олинса, юртимизда “инвестицион жозибадорликни ошириш” учун нима (қандай) ишлар қилиниши мумкинлиги унча мураккаб бўлган муаммога айланмайди. Шунингдек, инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари, усуслари, шакллари, методлари, принциплари ва ҳ.к.лар тўғрисида фикр юритиш (гапириш) ўринли (ўз мантиқий маъносига эга) бўлади. Зоро, “Аниқлик – амалиёт ва илм-фан тараққиёти гарови”, – деб бекордан-бекорга айтилмаган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўзлар бирикмаси. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1-жилд, 2017. – 99 б.

**УЎТ 336.12**

**Алимов Ильхомжон Икромович,**  
Тошкент давлат транспорт университети.  
“Ҳисоб ва бизнес” кафедраси доценти, и. ф.н.,  
Email: [ilhomikromovich2805@gmail.com](mailto:ilhomikromovich2805@gmail.com)  
<https://orcid.org/0000-0001-7736-963X>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИ  
БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Алимов Ильхомжон Икромович,**  
К.э.н., доцент кафедры  
“Учёт и бизнес”. Ташкентский государственный  
транспортный университет  
Email: [ilhomikromovich2805@gmail.com](mailto:ilhomikromovich2805@gmail.com)  
<https://orcid.org/0000-0001-7736-963X>

**ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ УПРАВЛЕНИЯ  
ГОСУДАРСТВЕННЫМ ВНЕШНИМ ДОЛГОМ В РЕСПУБЛИКЕ  
УЗБЕКИСТАН**

**Alimov Ilhomjon Ikromovich ,**  
Ph.D., Department “Accounting and biznes ”.  
Tashkent state transport university  
Email: [ilhomikromovich2805@gmail.com](mailto:ilhomikromovich2805@gmail.com)  
<https://orcid.org/0000-0001-7736-963X>

**PECULIARITIES OF THE CURRENT STATE OF STATE EXTERNAL DEBT  
MANAGEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ташқи қарзининг моҳияти уни юзага чиқиши сабаблари ва ташқи қарзни бошқаришининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Мамлакатимизда кейинги вакътларда давлат бюджети тақчилигини молиялаширишида асосан давлат ташқи қарзларидан фойдаланиб келинмоқда. Уишу йўналишида ички имкониятлардан кам фойдаланилмоқда. Мақолада қиёсий таҳлил усули асосида Ўзбекистонда ташқи қарзни бошқаришининг замонавий ҳолатига муаллифлик баҳоси берилган.

**Таянч сўзлар:** давлат, қонун, вазифалар, бюджет, тақчиллик, давлат ички қарзи, давлат ташқи қарзи, давлат қарз мажбурияти.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается сущность внешнего долга, его объективные причины возникновения и особенности его управления. В нашей стране

в настоящее время для финансирования дефицита государственного бюджета в основном используются государственный внешний долг. В этом направлении внутренние возможности мало используются. В статье дана авторская оценка современного состояния внешнего долга Узбекистана с использованием метода сравнительного анализа.

**Ключевые слова:** Государство, закон, функции, бюджет, дефицит, государственный внутренний долг, государственный внешний долг, государственное долговое обязательство.

**Annotation.** This article examines the essence of external debt, its objective reasons for the emergence and features of its management. In our country at present, to finance the state budget deficit, mainly the public external debt is used. In this direction domestic opportunities are little used. In the article, using the method of comparative analysis, the author's assessment of the current state of the external debt of Uzbekistan is given.

**Keywords:** State, law, functions, budget, deficit, domestic government debt, government external debt, government debt obligation.

### Кириш

Халқаро амалиёт тажрибаси шундан далолат берадики, ҳозир дунёда халқаро молия институтларидан, йирик тижорат банкларидан ва бошқа мамлакат ҳукуматларидан маълум миқдорда ташки қарз олмаган давлат деярли учрамайди. Ҳозирги даврда давлат ташки қарзи муаммоси нафақат иқтисодчи олимларнинг, балки дунёдаги нафақат қашшоқ ёки ривожланаётган мамлакатларнинг, шу жумладан, иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар ҳукуматларининг ҳам асосий диккат-эътиборига тушган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Айниқса, ташки қарз муаммоси ҳамон давом этаётган коронавирус пандемиясига қарши курашиб бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишининг оқибатларини бартараф этишда жиддий тус олмоқда. Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куvvatлаш мақсадида дунёдаги жуда кўплаб, шу жумладан, иқтисодиёти тараққий этган давлатлар ўзларининг

миллий иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасининг ликвидилигинн сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, дунёning жуда кўплаб давлатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди ҳамда молиявий номутаносибликнинг юзага чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини ривожлантиришда давлат қарзлари, шунингдек, иқтисодиётни самарали бошқарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармонида келтирилган учинчи устувор йўналишдаги “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” тўғрисидаги 21-мақсадида ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат қарзларини самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички

маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб ахоли жон бошига тўғри келадиган даромадни – 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромадни ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2022 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш ҳамда давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташки қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсад қилиб белгиланган. [4] Шунинг учун давлат қарзларини бошқаришнинг назарий-амалий асосларини янада такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Халқаро амалиётда иқтисодий адабиётларда етакчи иқтисодчи олимлар хар бир давлатнинг молия тизимини асосий бўғини бўлган давлат бюджети ва давлат қарзларини бошқаришнинг муаммоларига катта эътибор қаратиб келишган ва ҳозирда хам эътибор бермоқдалар. Буюк Британиялик машхур иқтисодчи ва йирик давлат арбоби Жон Мейнард Кейнс 1936 йилда чоп этилган “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (“Общая теория занятости, процента и денег”) деб номланган китобида моҳиятан янги тартибга солинадиган иқтисодиёт назариясига асос солди. Халқаро амалиётда барқарорлаштириш сиёсати, энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиkdir. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга хизмат қиласидиган янги назарияга ва унинг молия концепциясига

Ж.М. Кейнс асос солди. Унинг иқтисодий таълимоти давлатнинг молия сиёсатини шакллантириш ва фискал сиёсатни ишлаб чиқишига улкан ҳисса қўшди. Ж. М. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда давлат ташки ва ички қарзларидан фойдаланиш сиёсатини амалиётга киритган [5].

Халқаро амалиётда давлат қарзининг моҳияти, унинг келиб чиқиши сабаблари масалалари бўйича етакчи иқтисодчи олим Панагиотис Пегкаснинг изланишларида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган. У Грецияда давлат қарзларининг миллий иқтисодиётни иқтисодий ўсишига таъсирига баҳо берган. Унинг фикрича, давлат қарзларининг иқтисодий ўсишига таъсири авваламбор давлат қарзларининг ҳажмига бевосита боғлиқ. Давлат қарзларининг ҳажми қанчалик ортиб борса уни иқтисодиётни иқтисодий ўсишига таъсири йўқолиб боради [6].

Россиялик етук иқтисодчи иқтисодиёт фанлари доктори, профессор В.Ю. Касатонов ўз изланишларида халқаро амалиётда давлат қарзларининг моҳияти, уларни юзага чиқиши сабаблари ҳамда уларни молиялаштириш усулларини кенг ёритиб берган [7]. Иқтисодиёт фанлари доктори, академик Г.Б. Поляк, [8] иқтисодиёт фанлари доктори, академик В.К. Сенчагов ва профессор И.А. Архиповларнинг [9] илмий изланишларида давлат ташки қарзининг моҳияти ва унинг хусусиятлари кенг очиб берилган. Ушбу изланишларда Россия Федерацияси федерал бюджети тақчиллигини молиялаштиришда асосан давлат ички қарзларидан фойдаланишга эътибор берилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим иқтисод фанлари номзоди У.А.Бурҳоновнинг илмий изланишида Ўзбекистонда давлат қарзининг масаласи Ўзбекистон Республикаси мустақилликка

эришган йиллардан бошлаб амалий маълумотлар асосида таҳлил этилган. Унинг илмий изланишида Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, Ўзбекистонда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда асосан давлат ички қарзларидан фойдаланиш учун муомалага давлат қимматли қофозларини чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [10]. Мақола муаллифи ўзининг монографиясида республикамизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда ички имкониятларга эътибор берган [11]. Мамлакатимизда давлат ташқи қарзи муаммосини ўрганиш билан бирга, иқтисодиёти тараққий топган ва ривожланаётган мамлакатларнинг давлат қарзининг юзага чиқиш сабабларини таҳлил этиш ва уларда давлат қарзини қискартириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларни ўрганиш, бизга, ушбу соҳада келажакда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдини олиш имкониятини яратади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, таққослаш, тизимли таҳлил ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақоланинг услугбий асоси сифатида хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ва мақолалари таҳлил этилган. Ҳозирда мамлакатимизда давлат қарзини таҳлил этишда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари ва Жаҳон банкининг расмий сайтидаги маълумотларидан фойдаланилди.

### **Натижва мухокама**

Хар бир алоҳида олинган мамлакатда давлат бюджетини бошқаришда давлат ташқи қарзи ва уни бошқариш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат қарзининг шаклланиши ва уни бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш жараёнда юзага келадиган, давлатлар ўртасида ва хўжалик субъектлари ўртасида жойлаштириладиган моддий, молиявий ҳамда интеллектуал ресурсларни таксимлаш, алмаштириш ва истеъмоли борасида юзага келадиган жуда мураккаб иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиши мумкин. Дунёнинг ҳар бир олинган мамлакатида давлат ва унинг ваколатли органлари ўзларига юқлатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажариши учун маълум даромад манбаларига эга бўлиши лозимлиги барчамизга маълум. Ушбу манбаларга солиқлар, турли мажбурий тўловлар ва бошқа солиқсиз даромадлар киради. Худди шу ерда давлат нима сабабдан қарз олади, деган саволга жавоб бериш лозим. Давлатнинг қарз олиши:

– биринчидан, давлат бюджетида давлат даромадлари ва харажатлари ўртасида мувозанат бўлмаган ҳолатда, яъни тақчиллик юзага чиққанда амалга келиши мумкин;

– иккинчидан, мамлакатда кўп йиллик йирик давлат лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш билан боғлиқ бўлиши мумкин;

– учинчидан, мамлакатдаги фавқулодда вазиятлар (урушлар, табиий оғатлар ва бошқалар) натижасида, мавжуд захиралар этишмай қолганда ва алоҳида турдаги манбаларга мурожаат қилишга тўғри келганда пайдо бўлади. Ҳалқаро амалиёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари миллий иқтисодиётни

ривожлантириш ва давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қоплаш мақсадида давлат ташки қарзларидан кенг фойдаланишган [7]. Таъкидлаш лозимки, худди шундай ҳолат ҳозирги даврда мамлакатимизда кузатилмоқда деб ҳисоблашимиз мумкин.

Евropa Иттифоқига аъзо ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш босқичларида давлат ташки қарзи ва давлат бюджети тақчиллиги ўзига хос тажрибага эгадирлар. Айнан, еврохудуд мамлакатларида (еврохудуд мамлакатларига ҳозирда 27 мамлакат киради) Маастрихт шартномасида Евropa Иттифоқига аъзо мамлакатлар – учун “евро зонаси”да иштирок этишлари учун 1993 йил 2 майдан бошлаб қуидаги қатъий мезонлар ўрнатилган:

- давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3.0 фоиздан ортмаслиги лозим. Агарда белгиланган ушбу норматив бузилса, уни бузган давлатга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилади;

- давлат ташки қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60.0 фоиздан ортмаслиги лозим (ёки ушбу кўрсаткичга барқарор яқинлашиб боришлик мумкин) [9].

Халқаро амалиётда давлат қарздорлиги ўз моҳиятига асосан икки гурухга ажратилади: ички ва ташки қарз. Давлатнинг ички қарзи мамлакат аҳолисидан ва маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан, тижорат банкларидан қарз олиши натижасида юзага келган қарздорликдир. Давлат ташки қарзи – бу муайян бир давлатнинг бошқа хорижий давлатлар хукуматлари, халқаро молия институтлари ҳамда дунёдаги Лондон клубига аъзо йирик тижорат банкларидан кредитлар олиниши натижасида юзага

келган қарздорликлардир. Ташки қарзга хизмат кўрсатиш (қайтариш) унинг асосий суммаси (принципиали) ҳамда унга ҳисобланган фоиз суммаларига ажратилади. Ташки қарзнинг меъеридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташки қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади.

Халқаро амалиётда давлат қарзини бошқариш давлат томонидан ссуда капиталлари бозоридаги ҳаққоний конъюнктурани чукур ўрганиш, янги қарзларни муомалага чиқариш бўйича тегишли шарт-шароитларни тайёрлаш, аввал муомалага чиқарилган давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаб бериш, қарзларни конверсия ва консолидизация қилиш, пул бозорида давлат облигацияларини нархини аниқлаш ҳамда давлат кредитлари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш бўйича барча фаолиятларининг йиғиндиси тушунилади. Давлат қарзларини бошқариш бўйича барча ташкилий масалаларни, масалан, АҚШда молия вазирлиги ҳузуридаги давлат қарзлари бўйича маҳсус бюроси, Буюк Британияда молия вазирлигининг маҳсус бошқармаси шуғулланади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташки қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради. Ушбу бўлинмалар давлат ташки қарзларни бошқаришни ҳам амалга оширадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро амалиётда давлат ташки қарзларини бошқаришда турли чора-тадбирлардан фойдаланадилар. Бундай чора-тадбирлар қаторига қуидагиларни

киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш, кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш, қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қофозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа хуқукларни сотиш ҳисобидан тўлаш, халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳоказо [13].

Халқаро амалиётда давлат умумий ташки қарзи икки гурухга ажратилади:

- давлат қарзи ва давлат томонидан кафолатланган қарзлар (давлат ташки қарзи);
- кафолатланмаган ташки қарз (хусусий ташки қарз).

Мамлакатимизда давлат қарзи ва давлат томонидан кафолатланган қарзлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини кабул қилинишида белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813 сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар факат қўшимча даромадманбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қискартириш ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан

ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилди. 2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташки қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланган. 2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қофозларининг чекланган соғ ҳажми 17,0 трлн сўм миқдорида белгиланган [3].

Халқаро амалиётда кафолатланмаган ташки қарзлар давлат томонидан кафолатланган ва мамлакатдаги хўжалик субъектларини хориждаги йирик тижорат банклари ва халқаро молия ташкилотларидан олинадиган қарзлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида хусусий ташки қарзлар асосан мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик тижорат банклари, энергетика сектори (нефть ва газ), тог-кон ва металлургия саноати ҳамда бошқа секторлар ҳиссасига тўғри келади. Биз мақоламизнинг қўйидаги жадвалида Ўзбекистон Республикасининг 2013–2021 йиллардаги умумий ташки қарзининг таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумотларни келтирамиз.

I-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013–2021 йиллардаги умумий ташки  
қарзининг таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот<sup>1</sup>  
(млрд АҚШ долларда)**

Тр	Йиллар	Умумий ташқи қарз	Шу жумладан			
			Давлат ташқи карзи	Улуши %да	Хусусий ташқи карзлар	Улуши %да
1	2013 йил	9,4	3,9	41,5	5,5	58,5
2	2014 йил	11,2	4,3	38,4	6,9	61,6
3	2015 йил	13,0	5,7	43,8	7,3	56,2
4	2016 йил	14,7	6,5	44,2	8,2	55,8
5	2017 йил	15,8	7,6	48,1	8,2	51,8
6	2018 йил	17,2	10,0	58,1	7,2	41,9
7	2019 йил	24,6	15,9	64,6	8,7	35,4
8	2020 йил	34,2	21,4	62,6	12,8	37,4
9	2021 йил	39,6	23,7	59,8	15,9	40,2

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркибида 2018 йилгача хусусий ташқи қарзининг эгаллаган улуши катта бўлган. Масалан, 2017 йилда хусусий ташқи қарзининг умумий ташқи қарздаги улуши 51,8 фоизни ёки 8,2 млрд АҚШ долларини ташкил этган. 2018 йилдан бошлаб эса умумий ташқи қарз таркибида давлат ташқи қарзининг улуши ортиб бориши кузатилмоқда. Масалан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркибида давлат ташқи қарзининг улуши 58,1 фоизни, 2019 йилда 64,6 фоизни, 2020 йилда 62,6 фоизни ва 2021 йилда 59,8 фоизни ташкил этган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзлари таркибида жалб этилган ташқи қарзлар асосан давлат ташқи қарзлари ҳисобига тўғри келади.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига хусусий ташқи қарз 2021 йилнинг бошига нисбатан 24,0 фоизга ёки 3,0

млрд АҚШ долларига ўсиб, 15,9 млрд АҚШ долларига етган. Хусусий ташқи қарзнинг ўсиши асосан тижорат банклари, энергетика сектори (нефть ва газ), тог-кон ва металлургия саноати ҳамда бошқа секторлар хиссасига тўғри келади. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор томонидан жами 8,2 млрд АҚШ доллари миқдорида қарз жалб қилинган. Хусусий ташқи қарзининг сектор таркиби кўйидагилардан иборат:

- 3,4 млрд АҚШ доллари тижорат банклари (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”и, АТ “Ипотекабанк”и ва бошқалар);
- 2,2 млрд АҚШ доллари нефтгаз ва энергетика сектори корхоналари;
- 971,2 млн АҚШ доллари тог-кон ва металлургия саноати сектори (Олмалик ТКМК ва Навоий ТКМК);
- 1,6 млрд АҚШ доллари иқтисодиётнинг бошқа секторлари (UzAvto Motors ва бошқалар) [15].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2021 йилда АТ “Ипотекабанк”и киймати

1,92 млрд АҚШ доллары бўлган кимматли қоғозларини халқаро молия бозорида жойлаштиришини амалга ошириди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда давлат ташки қарзини ривожланган хорижий мамлакатлардаги каби муомалага давлат кимматли қоғозларини чиқариш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда давлат бюджети тақчилигини ноин-фляцион йўллар билан қисқартиришда хорижий қарзлардан фойдаланиш амалиёти давом эттирилмоқда. “Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошиди. Шу даврда эркин валюта айирбошлиш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни, камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим. Янги йилда миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур.”[1]

Мамлакатимизда хозирги даврда ташки қарзлар, асосан, узоқ муддатга ва фақатгина иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация килиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилинмоқда. “Яна бир масала – ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташки қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташки қарз ҳисобидан худудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик мухокамасидан ўтказилади. Уларнинг

натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, давлат номидан ташки қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.”[1] Ўзбекистонда инвесторлар учун жуда кулай инвестицион мухит солиқлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар тизими яратилган. Шу билан бир қаторда, хорижий инвестициялар учун ишончли кафолатлар яратилган. Булар эса, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Олингтан кредитлар энг аввало республикамизда стратегик мухим инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви жараёни, товар ва хизматлар савдосидан капитал савдосини ривожланиб кетиши, ҳамон давом этаётган коронавирус пандемиясига қарши курашиб бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишининг оқибатларини бартараф этишдаги салбий оқибатлари жаҳон мамлакатларини ташки ва ички қарзларини тартибга солиш, ликвидлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида қарз ва ликвидлигини бошқариш мақсадида 2006 йилда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик мухим роль ўйнайдиган лойиҳаларни

амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича фаолият олиб борди. Ушбу жамғарма мамлакатимизда ташки қарзлар, асосан, узоқ муддатга ва фақатгина иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация килиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилган [2]. Мамлакатимизда ҳалқаро тажриба асосида давлат қарзига ўз вақтида, тўлиқ ва кафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги хузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 573-сонли қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз тарихида илк бор мазкур қарорда кафолат жамғармасининг аниқ мақсади, маблағларни шакллантириш, маблағлардан фойдаланиш, маблағларни бошқариш ва кафолат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб ва ҳисбот юритиши тартиб-қоидалари аниқ белгилаб берилди. Мазкур кафолат жамғармасини ташкил этилиши натижасида давлат ташки қарзига ўз вақтида, тўлиқ ва кафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ишлари, айниқса давлат ташки қарзлари бўйича ҳаққоний маълумотлар олиш имкониятлари даражаси кескин даражада ошиди. Ушбу ҳолат эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ошишига олиб келмоқда.

### **Хулоса**

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат қарзларини юзага келишида ва қарздорликни оқилона бошқаришда давлат

томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёsat жуда муҳим ўрин эгаллайди ва бевосита таъсири кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат қарзларини бошқаришни тўғри йўлга кўйиш, унга таъсири этувчи барча омилларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг муҳим тараққиёт омили бўлиб хизмат қиласи. Ушбу ҳолат эса мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ошишига, дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга нисбатан ишончининг ортиб боришига олиб келади.

Фикримизча, мамлакатимизда давлат қарзини молиялаштиришда дунёдаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида республикамизда давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан молиялаштиришда ташки қарзлар ҳажмини қисқартириш ва ички қарзлар ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

– республикамизда давлат қимматли қофозлари сармоядорлари таркибини кенгайтириш лозим. Ҳозирда давлат қимматли қофозлари сармоядорлари фақатгина маҳаллий тижорат банклари ҳисобланади. Республикамизда давлат қимматли қофозлари сармоядорлари таркибиға ривожланган давлатлардаги (АҚШ, Япония, ГФР ва бошқалар) амалиётига асосан мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларини киритиш лозим.

Юқоридаги таклифларнинг амалиётга киритилиши мамлакатимизда давлат қарзини ички имкониятлар ҳисобига молиялаштиришда маҳаллий сармоядорлар мавқеининг ошишига ижобий таъсири кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq so‘zi. 2020-yil 30-dekabr № 276 (7778).
2. O‘zbekiston Respublikasining 2013-yil 26-dekabrdagi qabul qilingan «O‘zbekiston Respublikasining budjet kodeksi» to‘g‘risidagi O‘RQ-360 sonli qonuni. - T: Adolat. 2022.
3. O‘zbekiston Respublikasining 2022 yil 30 dekabrdagi qabul qilingan «2023-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining davlat budjeti to‘g‘risida”gi O‘RQ-813 sonli qonuni. // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - T.: 2022.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi «2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi PF- 60-sonli Farmoni. // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - T.: 2022.
5. Кейнс Д. М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ.- М.: Эксмо. 2007.
6. Pegkas P. (2018) The effect of government debt and other determinants on economic growth: The Greek experience. *Economies* 6 (1) 10.
7. Государственный долг и внешние активы. Учебное пособие под ред. проф. В.Ю. Касатонова.- М.: ИНФРА. 2010.
8. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. академика Г.Б.Поляка. -М.: Валтерс. 2010.
9. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. академика. В.К. Сенчагова, А.И. Архипова.- М.: Проспект. 2001.
10. N.H. Jumaev, U.A. Burhonov. Molianing dolzarb muammolari. -T.: Yangi asr avlod. 2003.
11. Alimov I.I. Moliya nazariyalari. Monografiya. -T.: Iqtisodiyot. 2022.
12. Alimov I. I. Prospective banking reforms are the solution for the economic growth in emerging economies like Uzbekistan. International Scientific Journal. «Theoretical & Applied Science» Philadelphia, USA. 21.05.2019. 139-144 s.
13. <http://www.- Worldbank.org> - Jahon bankining rasmiy sayti.
14. <http://www.mf.uz> - O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligiining rasmiy veb. sayti.
15. <http://www.cbu.uz> - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy veb. sayti.

УЎТ 330(07.33);08

**Наримонов Сайфуллохон Суннатилло ўғли,  
Тошкент молия институти таянч докторанти**

**МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА  
ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Наримонов Сайфуллохон Суннатилло угли,  
Базовый докторант Ташкентского финансового института**

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВО-  
ПРОМЫШЛЕННЫХ ГРУПП И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРАКТИКЕ УЗБЕКИСТАНА**

**Narimonov Sayfullokhon Sunnatillo ugli,  
Basic doctoral student of the Tashkent Institute of Finance**

**FOREIGN EXPERIENCE IN THE FORMATION OF FINANCIAL AND  
INDUSTRIAL GROUPS AND THE POSSIBILITY OF USING IT IN THE  
PRACTICE OF UZBEKISTAN**

**Аннотация.** мақолада молия-саноат гуруҳлари, уларни шакллантиришининг хорижий моделилари ва жаҳон иқтисодиётида тутгган ўрни ўрганилган. Шунингдек, фонд бозорининг ривожланиши тенденциялари ва мамлакатимиз амалиётида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришининг англо-америка моделидан фойдаланиши истиқболлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** молия-саноат гуруҳлари, фонд бозорлари, қимматли қоғозлар, фонд биржалари, корпорациялар, инновация, капитал, япон модели, немис модели, англо-америка модели, диверсификация.

**Аннотация.** В статье рассматриваются финансово-промышленные группы, зарубежные модели их формирования и роль в мировой экономике. Также были проанализированы тенденции развития фондового рынка и освещены перспективы использования англо-американской модели формирования финансово-промышленных групп в практике нашей страны.

**Ключевые слова:** финансово-промышленные группы, фондовые рынки, ценные бумаги, фондовые биржи, корпорации, инновация, капитал, японская модель, немецкая модель, англо-американская модель, диверсификация.

**Annotation.** The article deals with financial and industrial groups, foreign models of their formation and their role in the global economy. Also, trends in the development of the stock market

were analyzed and the prospects for using the Anglo-American model of the formation of financial and industrial groups in the practice of our country were highlighted.

**Keywords:** financial and industrial groups, stock markets, securities, stock exchanges, corporations, innovations, capital, Japanese model, German model, Anglo-American model, diversification.

## Кириш

2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз иқтисодиётида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилмоқда. Акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги фаолиятини янада кенгайтириш орқали молия тизимиға ижобий таъсирини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш, бозор фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш асосида қимматли қоғозлар савдосини янада кенгайтириш ва бозор оммабоплигини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятлари уставида давлат улушини қисқартириш борасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар шулар жумласидандир. Ушбу ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашда фонд бозорида савдоларни амалга ошириш эркинлигини таъминлаш, куллайликлар яратиш, молия-саноат гурухларини ташкил этишда бозорнинг профессионал иштирокчилари томонидан воситачилик хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва масофавий хизматлар таркибини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг устувор мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш”[1] устувор вазифалардан

бири этиб белгиланган. Юқоридаги вазифанинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида банк соҳасида мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш, ийрик корхоналарни фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, банк тизимини трансформация қилишни якунлаш ва 2025 йилда хусусий банкларнинг улушкини жами банк активларининг 60 фоизига етказишга қаратилган чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда банк тизимини трансформациялаш, тижорат банкларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, фонд бозори фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, инвестор ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги муносабатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида янада яхшилаш, шунингдек, фонд бозори профессионал иштирокчилари фаолиятида илғор рақамли технологияларни ҳамда инновацион хизматларини кенг татбиқ этган холда воситачилик хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ушбу бозордаги мавжуд долзарб муаммолардан хисобланади.

Мамлакатимиз фонд бозори оммабоплигини янада ошириш ва инновацион хизматларни жорий этишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этилган маълумотлар молия-саноат гурухларини шакллантиришда фонд бозори имкониятларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий

асосларини яратиш зарурлигини ифодалайди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг шархи**

ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб қатор мамлакатлар маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқаришни янада самарали ташкил этиш мақсадида йирик молия-саноат гурухларини шакллантира бошлашди. Молия-саноат гурухларини ташкил этиш асосан саноат корхоналарини, жумладан, металлургия, кимё, машинасозлик, энергетика ва бошқаларни бирлаштирган тарзда мураккаб тузилмалар шаклида фаолият юритади.

Молия-саноат гурухлари (кейинги ўринларда МСГ) моҳиятини тушунишга доир ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқотчилар кўпинча бундай конгломератларнинг иқтисодий хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайдиган таърифлардан фойдаланадилар. И.Стародубровскаяяning фикрича, “молия-саноат гурухи деганда, одатда, давлат ҳомийлигига тузилган ташкилот тушунилади, унинг доирасида саноат корхоналари ва молия институтлари келишилган хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва таркибий қайта қуришнинг асосий вазифаларини ҳал этиш учун бирлаштирилади” [2]. Бироқ, бу таърифда моддий, номоддий ва молиявий активларнинг комбинацияси масаласига эътибор қаратилмаган.

И. Ю. Беляева МСГари интеграциялашган капиталнинг фаолияти натижаси сифатида белгилайди, яъни ҳуқукий тузилмалар бирлашмаси ва улар кўзлаган мақсадни ҳисобга олмаган ҳолда, фақат капитал нуқтаи назаридан мос келади [3].

А.Е.Дворецкая МСГни саноатга инвестиция қилиш ва барча гурух аъзоларининг жамланган фойдасини

максимал даражада ошириш учун молиявий ресурсларни тўплаш имконини берувчи тузилма сифатида белгилаб, ишлаб чиқаришни назарда тутмасдан, фақат молиявий жиҳатни кўриб чиқади [4].

А.Г.Мовсесян МСГлар банк ва саноат капиталини интеграциялашувининг илғор жараёни натижасидир, деб ҳисоблайди, бунда илгари саноат, тижорат ва банк фаолиятининг алоҳида шакллари ягона органик яхлитликка бирлаштирилади [5]. Бироқ унда ўюшманинг пировард мақсади ва ҳуқукий асослари ҳақида маълумот берилмаган.

Wei Yaонинг фикрича, молия-саноат гурухи деганда молия ва саноат ташкилотлари ўртасида капитал ва бошқарувнинг ўзаро бирлашиши натижасида юзага келадиган янги турдаги бирлашма тушунилади [6].

Г.Г.Чибиковнинг фикрига кўра, бозор иқтисодиёти шароитида молия-саноат гурухи деганда турли номларга эга бўлган, шу жумладан, йирик миллий ва трансмиллий концернлар каби муайян ташкилий-ҳуқукий шаклларда мавжуд бўлган саноат ва молиявий гурухларнинг этарлича кенг доираси тушунилади (масалан, IBM, Samsung) ва аниқ шаклга эга бўлади [7].

Молия-саноат гурухларида йирик миқдорда капитал тўпланади ва фаолият йўналишлари янада диверсификацияланishiга имкон беради ҳамда истикболли ривожланиш йўналишлари белгиланади. Молия-саноат гурухлари иштирокчиларнинг имкониятлари ва манфаатларининг умумийлик принципи асосида ташкил этилиши лозимлигини таъкидлаш жоиз. Амалий тажрибалардан маълумки, рақамли инновацион технологияларни жорий этиш саноат корхоналари ва молия институтларининг ўзаро биргаликда

лойихаларни молиялаштириш орқали самарали фаолият юритишида барқарор ва узоқ муддатли ўсишни таъминлашнинг стратегияси ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Волия-саноат гурухлари мамлакатда сифатли ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариши орқали миллий бозорни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу борада молия-саноат гурухларини ташкил этишининг асосий хусусиятлари ва гурух иштирокчиларининг ўзаро интеграцияси натижасида ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланишда юзага келадиган шартшароитларни ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан илмий мақолада молия-саноат гурухларини ташкил этишда англо-америка моделининг асосий хусусиятларини тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хуосса ва тавсиялар ишлаб чиқишида индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш ва иқтисодий-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

### **Натижа ва муҳокамалар**

Хорижий мамлакатлар амалиётида молия-саноат капиталини бирлаштириш жараёнининг бошланиши XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бирок, МСГ атамаси пайдо бўлганига кўп вақт бўлмади ва биринчи марта хорижий мутахассислар томонидан илмий муомалага киритилди. Иқтисодий адабиётларда йирик интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ўрганишда ТМК (трансмиллий компания) ёки КМК (кўп миллатли компания) атамалари ҳам қўлланилди.

Замонавий молия-саноат тузилмалари даставвал ташкил этилган мамлакатда, кейинчалик жаҳонда йирик иштирокчига айланиши мумкин. Уларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётига қўшадиган хиссаси ишлаб чиқариш омилларидан ва маълум бир ҳудуднинг имкониятларидан самарали фойдаланишда, истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришда, миллий ва жаҳон молия бозорлари ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. 2022 йил ҳолатига кўра, дунёдаги машхур бўлган йирик 15 та молия-саноат гурухларининг йиллик даромади АҚШ, Хитой, Япония ва Германия каби мамлакатларнинг ЯИМдан сўнг бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Миллий ва жаҳон иқтисодиёти учун молия-саноат гурухларининг муҳимлиги улар шаклланиши ва фаолият юритиши жараёнларининг тегишли илмий таҳлилини талаб этади. Капитал ва ишлаб чиқаришнинг кенг кўламда бир жойга тўпланиши натижасида юзага келувчи бирлашган корпоратив тузилмалар бугунги кунда миллий ва жаҳон иқтисодиётининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади.

I-жадвал

**Йирик 15 та молия-саноат гурухларининг йиллик даромади ва фойдаси  
(млн.доллар)[8]**

№	Компания номи	Мамлакат	Жами даромад	Жами фойда
1	Amazon.com, Inc	АҚШ	469,822	33,364
2	Saudi Aramco	Саудия Арабистони	400,399	105,369
3	Berkshire Hathaway Inc.	АҚШ	276,094	89,795
4	Volkswagen Group	Германия	295,82	18,187
5	Apple Inc.	АҚШ	365,817	94,680
6	Walmart Inc.	Буюк Британия	572,754	13,673
7	Toyota Motor Corporation	АҚШ	279,338	25,371
8	Sinopec Group	Хитой	401,314	8,316
9	Alphabet Inc.	АҚШ	257,637	76,033
10	Samsung Electronics	Жанубий Корея	244,335	34,924
11	Shell	АҚШ	272,657	20,101
12	Exxon Mobil Corporation	АҚШ	285,64	23,04
13	Hon Hai Precision Industry	Хитой	214,619	4,988
14	McKesson Corporation	АҚШ	263,966	1,114
15	Trafigura Group	Сингапур	231,308	3,1
Жами			<b>4831,52</b>	<b>457,375</b>

2-жадвал

**Молия-саноат гурухларининг жаҳон молия муассасалари умумий активларидаги улуши [9]**

№	Молиявий муассасалар	Йиллар					
		2012	2017	2018	2019	2020	2021
1	Банклар	26	25	25	26	25	26
2	Инвестиция фондлари	21	22	22	23	22	23
3	Молия-саноат гурухлари	19	20	20	21	20	21
4	Пенсия фондлари	10	9	11	10	12	13
5	Сугурта компаниялари	7	10	12	11	9	9
6	Бошқалар	17	14	10	9	12	8
Жами		100	100	100	100	100	100

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жаҳон миқёсида танилган, йирик молия-саноат гурухларининг йиллик даромади 4,8 трлн. долларни ташкил этиб, дунёнинг 189 мамлакатидан юқори ўринни эгаллаган. Молия-саноат гурухлари миллий иқтисодиёт тармоқлари доирасида ишлаб

чиқариш ресурсларини тўплаш, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иктисодий ҳамда технологик шароитларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, саноатнинг юқори ўсиш суръатларига эришган мамлакатлар (Япония, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция, Италия, Жанубий Корея ва

бошқалар) молия-саноат гурухлари орқали миллий корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ва бутун иқтисодиётда жадаллаштирилган иқтисодий ўсишини таъминловчи омил сифатида қаралади.

Халқаро амалиётда молия институтларига инвестиция фондлари, молиявий конгломератлар, пенсия фондлари, инвестиция пайчилари, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари ва бошқа ташкилотлар киради. 2-жадвалда молия-саноат гурухларининг жаҳон молиявий муассасаларининг активларидаги улуши келтирилган.

2-жадвал маълумотлардан кўришимиз мумкинки, молия-саноат гурухларининг жаҳон молия муассасалари умумий активларидағи улуши 2016 йилда 19 фоизга teng бўлган бўлса, 2021 йилга келиб мазкур кўрсаткич 21 фоизни ташкил қилган ҳолда 2 фоизга ошган. Шунингдек, молия-саноат гурухлари активлари салмоғига кўра банклар ва инвестиция фондлари активларидан кейинги ўринни эгаллаган. Мазкур ҳолат, молия-саноат гурухлари фаолиятининг жаҳон бозорида тутган ўрнини сезиларли даражада эканлигини билдиради.

Хозирги кунда жаҳон иқтисодиётида молия-саноат гурухлари ривожланишининг англо-америка, немис, лотин ва япон каби моделлари кенг тарқалган.

Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва Канада мамлакатларида англо-америка модели амал қиласи. Ушбу мамлакатларда саноатлаштиришнинг негизи бўлиб тадбиркорлик асосида капитал тўплаш механизми ҳисобланади. Капитал институционал акциядорларнинг (банклар, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари) маблағлари ҳисобидан шаклланиб, алоҳида ва мустақил акциядорларнинг қарор қабул қилиш механизми орқали бошқариб борилади.

Молия-саноат гурухлари ривожланишининг англо-америка моделига хос бўлган яна битта хусусиятли томони улардаги акциядорлик капиталининг бирмунча тарқоқлигидир. Ушбу мамлакатлардаги молия-саноат гурухлари корпоратив капиталнинг уччалик катта бўлмаган қисмига эга бўлган кўп сонли мулқодорларга эга.

Германия ва Австрияда немис модели амал қилиб, йирик ҳамда ўртача корпорацияларнинг молиявий асосини банк тизими ташкил қиласи, бунда алоҳида акциядорларнинг роли муҳим аҳамият касб этмайди. Германия моделининг банк механизми корпоратив муносабатлар тузилмасида молия ва саноат тармоқлари ўртасидаги узоқ муддатли инвестиция муносабатларига ўйналтирилган. Ушбу модельда банклар ташкил молиялаш манбаларига эҳтиёж сезаётган компаниялар учун молиявий маблағ билан таъминловчи ташкилотлар ҳисобланадилар.

Германияда йирик банклар кўплаб юқори интеграллашган немис корпорациялари капиталининг катта қисмига эгалик қиласи. Жумладан, Германиянинг йирик банкларидан ҳисобланган «Дойче банк» етакчи миллий корхоналарнинг «Даймлер-Бенц» (28,34%), «Филипп Холзман» (30%), «Карлстадт» (25,08%) акцияларига эгалик қиласи. Мазкур банклар фақатгина уларнинг инновацион ривожланишидаги эҳтиёжларини молиялаштириб қолмасдан, балки банкнинг молиявий барқарорлигини ҳам ошириб боради [10].

Германия молия-саноат гурухларининг мувофиқлиги бирданига бир нечта механизmlарни таъминлайди:

*биричинидан*, бир вақтнинг ўзида мазкур гурухга кирувчи турли компания ва фирмаларнинг бошқарма аъзо ҳисобланган, мансабдор шахсларнинг нисбатан кичик доирасининг мавжудлиги;

иккинчидан, молия-саноат гурухига кирувчи молия-кредит институтлари мувофиқлаштирувчи ролни бажариши (буғунги кунда уларга мамлакатдаги 25 та йирик саноат корхоналарининг 30% акцияси тегишилдири) [11];

учинчидан, гурухлар ичидаги интеграция шунингдек, ўзаро кесишган акциядорлаштиришга (капиталда иштирок этиш) хизмат қилиши.

Германия анъаналарининг мухим хусусияти банк билан саноатнинг ўзаро узвий алоқалари билан белгиланади. Молиявий, акциядорлик, шунингдек, иш алоқалари асосида молия институтлари билан саноат корхоналарининг тармоқлараро интеграциясида барқарор горизонтал молия-саноат бирлашмалари шаклланади. Ўз навбатида, концерннинг бирмунча барқарор негизи кўпгина йирик ва ўрта компаниялардан ташкил топади. Ўрта ҳисобда гурухларнинг бош холдинги акцияларга эгалик қиласи ва тахминан 150 компания фаолиятини назорат қиласи. Банклар нафакат инвестицион лойиҳаларни молиялаштириша, балки корхоналарни бошқаришда ҳам иштирок этишади. Шунинг учун ҳам, Германияда молия-саноат гурухларини ташкил этишининг маркази бўлиб, одатда йирик банклар ҳисобланади. Учта етакчи молия-саноат гурухлари бошида турувчи йирик банклар бўлиб, “Дойче банк” АЖ, “Дрезнер банк” АЖ ва “Коммерцбанк” АЖ ҳисобланади. Уларга мамлакат акциядорлик капиталининг мос равища 1/3, 1/4 ва 1/8 қисми тўғри келади [12].

Лотин модели эса, Франция, Бельгия ва Италия мамлакатларида амал қиласи. Бу моделда якка тартибдаги ва оиласи корпорациялар инвестиция компаниялари ва инвестиция банкларининг холдинглари томонидан бирлаштирилиши натижасида эркин корпоратив тармоқлар шаклида юзага келган. Капиталнинг қарама-қарши муносабатлари иқтисодий

алоқаларнинг мураккаб тармоқларини юзага келтирди. Ушбу тармоқларда давлат корхоналарининг роли тобора ошиб бормоқда.

Япон модели эса, инвестицияларни саноатга узоқ муддатга йўналтирилганлиги, молия ва саноат тармоқлари ўртасида яқин алоқаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Мазкур модельнинг ўзига хос хусусияти гурухлашиш тенденциясидир. Хўжалик бирликлари корпоратив гурухларни ташкил этган ҳолда акцияларга қарама-қарши эгалик қилиш механизми орқали бир-бири билан яқин алоқа ўрнатган. Ҳар бир гурухнинг капитални тўплаш механизми гурух банки ёрдамида амалга оширилади.

Япон молия-саноат гурухларининг мухим хусусияти – бош банкдан молиялаштиришdir. Гурух ичидаги битимлар бош савдо компанияси орқали амалга оширилади, бу савдо компанияси гурух аъзолари бўлган компаниялар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади ва хом ашёларни сотиб олади.

Япониянинг 49 та компанияси капиталлашув даражаси бўйича дунёning йирик 500 та компаниялари рўйхатига киритилган. Қўйидаги 2-жадвалда улардан энг йириклари келтирилган. Ҳозирда Япониянинг йирик молия-саноат гурухларидан бири молиявий маркази йирик япон банки Мицубиси ЮФЖ Файнэншл Групп бўлган Мицубиси гурухи ҳисобланади. Гурухнинг таркибига 29 та компания киради, дунёда ўз ўрнига эга бўлган Мицубиси Хеви Индустрiz, Мицубиси Моторс Корпорэйшн, Никон Корпорэйшн, Кирин Бреверей Ко. кабилар мавжуд. Мицуи Сумитомо гурухида, Сумитомо Мицуи Банкинг Корпорэйшн унинг асосини ташкил этади, жумладан, унинг таркибига Сумитомо Хеви Индустрiz, Сумитомо НЕК Корпорэйшн, Сумитомо Мицуи Констракшн Ко. каби компаниялар киради.

2-жадвал

**Японияда етакчи корпорацияларнинг капиталлашуви  
(2023 йил ҳолатига кўра) [13]**

<b>Компаниялар</b>	<b>Млрд.долл</b>	<b>Компаниялар</b>	<b>Млрд.долл</b>
Toyota Motors	230	Denso	44
Nippon Telegraph & Telephone	110	Canon	29
NTT DoCoMo	122,47	Sony	110
Mitsubishi UFJ Financial Group	52,37	Mitsubishi Corporation	52
Japan Tobacco	40	Fanuc	34
KDDI	70	Hitachi	49
Softbank	77	Mitsubishi Heavy Industries	13
Honda Motor	44	Panasonic	22
Sumitomo Mitsui Financial Group	60	Mitsubishi Electric	25
Mizuho Financial Group	40	Mitsui	47
Nissan Motor	15,4	Nintendo	52
Takeda Pharmaceuticals	51	Komatsu	24
Seven& I Holding	40	Inpex	15

Японияда молия-саноат гурухлари ўзаги банклар ва бош савдо компаниялари томонидан ташкил этилади. Япон молия-саноат гурухларида барча аъзолар томонидан таъсис этилган компаниялар мавжуд. Япония банклари фақатгина кредит бериш билан чекланиб қолмасдан молия-саноат гурухлари фаолиятини молиялаштириш ва ўзаро ҳамкорлик учрашувларини ташкил этиш каби вазифаларни ҳам бажаради. Шунингдек, банк ўз мижозларига ўзаро ҳамкорлик қилиши учун шериклар топишда ҳамда бизнес хизматлари (консультация) кўрсатишда ёрдамлашади. Гурухга кирувчи компаниялар фаолияти барқарор бўлган шароитда бош банк унинг фаолиятига аралашмайди. Аксинча, компаниянинг молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда бош банк рискли операциялар ҳажмини камайтиради ҳамда бу ҳолатни бошқаришга кўмаклашади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси амалиётида Япония ва Германия моделлари асосида молия-саноат гурухлари ташкил этиш имкониятлари

юқори хисобланади ва муқобил вариант сифатида эса англо-америка усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Япония ва Германия моделларининг ўзига хос хусусияти шундаки, молия-саноат гурухлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини асосан банклар амалга оширади. Хорижий мамлакатлар тажрибасида тижорат банклари иштироқидаги молия-саноат гурухларини ташкил этиш амалиёти кенг тарқалган ҳамда улар самарали фаолият юритмоқда. Молия-саноат гурухлари тижорат банклари ташаббускорлиги билан ташкил этилиши натижасида аъзолар ўртасида молиявий ресурслар самарали тақсимланади, фаолият юритиш механизми қулай бўлади. Шу сабабли, ушбу модель кенг тарқалган.

Ўзбекистонда ташкил этилаётган молия-саноат гурухлари универсал кўп тармоқли комплекслар, жумладан, миллий иқтисодиётнинг базавий тармоқларининг йирик саноат корхоналари, етакчи тижорат банклари, кредит инвестиция компаниялари, пенсия ва ипотека фондлари бўлиши

керак. Буларнинг барчаси молиявий ва моддий-техника ресурсларидан кафолатланган фойдаланишни, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини, капитални оқилона тақсимлашни таъминлаши керак.

Молия-саноат гурухларини шакллантиришнинг англо-америқа модели капитал институционал акциядорлар (банклар, сұғурта компаниялари ва пенсия жамғармалари) маблағлари ҳисобидан шакллантирилади ҳамда индивидуал ва мустақил акциядорлар механизми орқали фаолият кўрсатади. Мамлакатимиз амалиётида фонд бозори орқали акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш ва молия-саноат гурухлари илдизларини шакллантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимиз фонд бозорида эмитентларнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Фонд биржаси фаолиятининг 2019 – 2021 йиллардаги савдо айланмаси таҳлили иқтисодиётнинг молиявий секторда фаолият юритувчи компаниялар ўрни курилиш соҳасидаги компаниялар томонидан эгаллаб олинишида ҳамда ушбу соҳадаги компаниялар қимматли қофозлари юқори инвестицион жозибадорлик касб этганини кўрсатади.

2021 йилда фонд биржасида 108 эмитентнинг акциялари иштирокида 1260,5 млрд сўмлик битимлар амалга оширилган бўлса, унинг 51 фоизга яқини курилиш тармоғи улушига тўғри келган. Курилиш тармоғига киравчи жамиятларнинг қимматли қофозлари билан амалга оширилган битимлар ҳиссаси биржа савдо айланмасида 50,87 фоиз ёки 641,12 млрд. сўмдан (2020 йилда – 3,17 фоиз ёки 15,99 млрд. сўм) иборат бўлган. Молиявий секторда фаолият юритувчи компаниялар эса умумий савдо айланмасидаги улуши 27,72 фоиз ёки 349,43 млрд. сўмни ташкил қилган ҳолда, шундан 312,61 млрд. сўмлик қисми ёки 89,5 фоизи тижорат банкларининг қимматли қофозлари билан амалга оширилган битимлардан иборат бўлган. Сұғурта компаниялари 36,41 млрд. сўм (2,89%), лизинг компаниялари 0,41 млрд. сўм (0,03%) ҳажмидаги айланма билан молиявий тармок таркибида иштирок этган. Шунингдек, 2021 йилда умумий биржа савдо айланмасида саноат тармоғининг улуши ошган ҳолда 7,55 фоиз ёки 95,14 млрд. сўмни (2020 йилда – 2,42 фоиз ёки 12,23 млрд. сўм) ташкил қилган. Умуман олганда фонд бозорида сўнгги уч йил ичida банклар билан амалга оширилган битимлар суммасида

### **З-жадвал**

#### **2019–2021 йилларда фонд бозоридаги битимлар суммасида соҳаларнинг ўрни (млрд.сўм) ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz), 2021) [14]**

<b>Соҳалар номи</b>	<b>2019 йил</b>	<b>Фоиз</b>	<b>2020 йил</b>	<b>Фоиз</b>	<b>2021 йил</b>	<b>Фоиз</b>
Банклар	319,5	73,02	263,4	52,23	312,61	24,80
Сұғурта компаниялари	6,76	1,54	49,06	9,73	36,41	2,89
Қишлоқ хўжалиги	27,87	6,37	39,78	7,89	40,18	3,19
Лизинг	0,078	0,02	0,16	0,03	0,41	0,03
Курилиш	34,69	7,93	15,99	3,17	641,17	50,87
Саноат	39,51	9,03	12,23	2,42	95,14	7,55
Бошқалар	9,14	2,09	123,72	24,53	134,58	10,68
<b>Жами</b>	<b>437,55</b>	<b>100</b>	<b>504,34</b>	<b>100</b>	<b>1260,51</b>	<b>100</b>

сезиларли ўзгариш бўлмаган бўлса-да, бошқа соҳаларнинг фонд бозоридаги фаолиятининг кенгайиши умумий савдо айланмасининг ўсишига хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 60-сонли фармонига мувофиқ, капитал бозорининг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга, республика ва худудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисмини 5 фоизга ва миноритар инвесторлар ҳажмини 40 минг нафар аҳолига етказиш асосий йўналишлар этиб белгиланган.

Юқоридаги фармондан келиб чиқкан ҳолда Баш вазир ўринbosарига икки ой муддатда акцияларини фонд биржаси орқали оммавий жойлаштириш режалаштирилган 15 та давлат корхонаси бўйича алоҳида йўл хариталарини тасдиқлаш топширилди. “Йўл харитаси”га кўра, 2022–2023-йилларда 21 та давлат компаниясининг акциялари қимматли қоғозларни бирламчи ва иккиласми жойлаштириш йўли билан (IPO ва SPO) фонд биржасига жойлаштирилиши режалаштирилди (4-жадвал).

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги акцияларнинг фонд биржасига чиқарилишини таъминлаши, шунингдек, буюртмани бажармаётган давлат

4-жадвал.

#### **Давлат акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини IPO ва SPO орқали жойлаштирилиш режалари [15]**

№	Компания номи	IPO (SPO) ўтказиш муддатлари
1	Қишлоққурилишбанк	2022 йил август-октябрь
2	Узметкомбинат	2022 йил IV чорак ёки 2023 йил I чорак
3	УзАутоМоторс	2022 йил IV чорак ёки 2023 йил I чорак
4	Агробанк	2023 йил I ёки II чорак
5	Узбекнефтегаз	2023 йил февраль-март
6	Алокабанк	2023 йилнинг биринчя ярми
7	Микрокредитбанк	2023 йил июнь
8	Универсал сугурта	2023 йил июнь
9	Алском	2023 йил июнь (SPO)
10	Узтемирийлконтейнер	2023 йил июнь
11	Народный банк	2023 йил ИИ чорак
12	Узбекинвест	2023 йилнинг II ва III чораклари
13	Узбекгеофизика	2023 йилнинг II ва III чораклари
14	НБУ	2023 йил июль
15	Узагросуғурта	2023 йил III ва IV чорак (SPO)
16	UzPost	2023 йил март
17	Узавтосаноат	2023 йил март
18	Курилишмашлизинг	2023 йил апрель
19	Узтрансгаз	2023 йилнинг II чораги
20	Uzbekistan Airways	2023 йил июль
21	Дори-Дармон	SPO таклифи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин 10 ой муддатда

компаниялари тўғрисида ҳар чоракда хукуматга ҳисобот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гурухларини шакллантириш жараёнини иқтисодиётни истиқболдаги иқтисодий ўсишининг ва модернизациялашнинг умумий дастурлари доирасида амалга ошириш мумкин. Молия-саноат гурухларини шакллантириш стратегияси республикадаги мавжуд иқтисодий жараёнларга, таъминот ва сотув бозорлари таҳлилига, умумдавлат устувор йўналишларига, мамлакат ичидаги ва бошқа минтақалардаги корхоналарнинг муракаблашган алоқаларига асосланиши керак. Мазкур стратегия антимонопол сиёсат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби бошқа дастурларни амалга ошириш билан ўзаро мослашиши лозим. Хорижий молия-саноат гурухлари тажрибасига таянган ҳолда алоҳида гурухларнинг муайян фаолият бўйича ихтисослашувига эришиш лозим, бу ҳолат тайёр маҳсулотлар сифатини ошириш ҳамда технологияларни такомиллаштириш жараёнида мухим ўрин тутган ҳолда саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятининг жадал ривожланишига қулай шароит яратади.

### **Хулоса**

Мамлакатимизда молия-саноат тузилмаларини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

– молия-саноат капитали интеграциясини таъминлаш орқали юқори даражада интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва уларда замонавий технологиялар асосида экспортга йўналтирилган юқори илмий сифимли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим;

– тијорат банклари томонидан корхоналарнинг акциялари ва улушларини

сотиб олиш орқали уларнинг устав капиталига йўналтирилган қўйилмаларни ошириш асосида банклар ва корхоналар ўртасида капитал интеграциясини кучайтириш лозим;

– интеграциялашган молия-саноат корпоратив тузилмаларда тијорат банкларининг иштирокини таъминлаш ва улардаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришни инобатга олган ҳолда, уларнинг капиталлашув даражасини қўшимча акциялар эмиссияси ҳисобига ошириш ва инвестиция фаолиятини кенгайтириш лозим;

– капиталлашув даражаси юқори бўлган тијорат банклари ҳамда уларнинг саноат тармоқларидағи йирик мижозлари билан ушбу тијорат банклари етакчилигига молия-саноат гурухларини ташкил этишни босқичма-босқич амалга ошириш ва уларда юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш лозим;

– иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тијорат банкларининг фаол иштирокини ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни транспортировка қилиш, савдо ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатишга ихтисослашган ҳамда ўз ичига замонавий юқори технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш, савдо ва сервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарни қамраб олган корпоратив тузилмаларни шакллантириш лозим;

– қайта ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналар ва молиявий институтлар интеграцияси асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб

чиқарувчи, маҳсулотлар сотувчи, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи юқори интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва унинг доирасида юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш лозим.

Молия-саноат гурухлари фаолият юритишининг жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида шуни айтиш мумкинки, улар саноатни модернизациялаш ҳамда

янги иш ўринларини яратишнинг таъсирчан инструменти бўлиб хизмат киласи. Саноат корхоналарини, молиявий ва тижорат тузилмалари билан бирлашиши мамлакат иқтисодиёти реал секторининг тикланиши ва тараққий этишига ёрдам беради. Мамлакатимизда молия-саноат гурухларини шакллантириш ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига, банк-молия тизимини янада ривожланишига ҳамда пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига хизмат қиласи.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Орехов С.А. Менеджмент финансово-промышленных групп: Учеб.пособие / Орехов С.А., Селезнев В.А. – М.: МЭСИ, 2015. – 176 с
3. Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Капитал финансово-промышленных корпоративных структур. – М.: Изд. ФА, 2014. – С. 29
4. Дворецкая А. Е., Никольский Ю. Б. Финансово-промышленные группы: менеджмент и финансы. – М.: Принтлайн, 2012, 302 с.
5. ФПГ: зарубежный опыт и реалии России. Под ред. Мовсесяна А.Г., Смитиенко Б.М. // -М., Изд. ФА при Правительстве РФ, 2012. -152с.
6. Wei Yao. Evolution Mechanism of Synergy in Industrial-Financial Groups. International Journal of Simulation. Systems, Science & Technology. 2016, Vol. 17 Issue 16, p. 9.1-9.7.
7. Чибриков Г.Г. О финансово - промышленных группах. // Российский экономический журнал. №2, 2014. -83с.
8. <https://finance.yahoo.com> - Yahoo!га тегишли молиявий маълумотлар провайдери
9. IMF, BIS ва OECD хисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
10. Бабаева Н.М. Пути повышения эффективности участия банков в деятельности высокointегрированных корпоративных структур: автореф. дис.канд. экон. наук. – Ташкент, 2010.– С. 8.
11. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: «Молия», 2008. – Б. 197.
12. Цветков В.А. Финансово-промышленные группы в современном мире // Промышленная политика в РФ. №6, 2000. - С. 36-47.
13. The Financial Times – The FT 500.
14. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) – “Тошкент” Ресбулника фонд биржасининг расмий сайти маълумотлари.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 августдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиласми оммавий жойлаштириш тўғрисида”ги 446-сонли қарори. <https://lex.uz/en/docs/6157949>.

УЎТ 330.01.33

**Файзиев Умуркул Шухратович,  
ТФИ, докторант кафедры “Экономический анализ”**

## **НЕОБХОДИМОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ**

**Файзиев Умуркул Шухратович,  
ТМИ, “Иқтисодий таҳлил “кафедраси докторанти**

## **ҲОЗИРГИ ВАҚТДА МОЛИЯВИЙ АҲВОЛНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ**

**Fayziyev Umurkul Shuxratovich,  
TFI, doctoral student of the department “Economic analysis”**

## **THE NEED TO ORGANIZE AN ANALYSIS OF THE FINANCIAL SITUATION AT THE PRESENT STAGE**

**Аннотация.** Существующие как зарубежные, так и отечественные модели не учитывают возможность гарантированной стабильной устойчивости и экономического роста. В связи с этим возрастает актуальность поиска новых подходов к анализу исследуемых явлений и оценке финансового положения. Данная работа направлена на решение этих задач.

**Ключевые слова:** Финансовые ресурсы, бухгалтерский баланс, финансовое положение, устойчивость, платежеспособность, ликвидность.

**Аннотация.** Маълумки, кафолатланган хорижий ва маҳаллий моделларнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсиши имкониятларини ҳисобга олмайди. Шунинг учун мақолада ҳодисаларни таҳлил қилиш ва молиявий аҳволини баҳолашда янги ёндашувларни топиш долзарбиги ортиб бормоқда. Мақола ушибу муаммоларни ҳал қилишига қаратилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий ресурслар, баланс, молиявий аҳвол, барқарорлик, тўлов қобилияти, ликвидлик.

**Annotation.** Existing both foreign and domestic models do not take into account the possibility of guaranteed stable stability and economic growth. In this regard, the urgency of finding new approaches to the analysis of the studied phenomena and the assessment of the financial situation increases. This work is aimed at solving these problems.

**Keywords:** Financial resources, balance sheet, financial position, stability, solvency, liquidity.

## **Введение**

В настоящее время, для принятия решения о наличии кризисной ситуации на предприятии по значениям показателей его функционирования, обеспеченности финансовыми ресурсами разработаны различные модели оценки финансового состояния, финансовой устойчивости, прогнозирования банкротства организаций. Для выявления и предупреждения несостоительности, неустойчивости в части финансового положения предприятий необходим, прежде всего, качественный анализ стимулов и моделей поведения различных участников взаимоотношений. Современная экономическая обстановка, ограниченность ресурсов требуют проведения качественного анализа стимулов и моделирования поведения участников экономических взаимоотношений, возникающих, в частности, при банкротстве предприятий. Остаются до сих пор неизученными вопросы оценки и анализа финансовой устойчивости, экономического роста, неплатежеспособности, ликвидности, финансовой независимости, обеспеченности оборотного и основного капитала источниками их формирования. Указанные проблемы, включая необходимость разработки соответствующих моделей, оказались решающими при выборе темы научного исследования, которая представляется актуальной. Обзор литературы. Теоретической основой исследования являются научные работы зарубежных и отечественных авторов в области экономического анализа и оценки финансового положения предприятий, в том числе прогнозирования неустойчивого состояния: В.Г. Артеменко, И.Т. Балабанов, М.И.Баканов, Л.Е. Басовский, Л.А. Бернстайн, С.Б. и других. А также

отечественные учёные: И.Т. Абдукаримов, М.К. Пардаев, А.В. Вахабов, А.Т. Ибрагимов, И.О. Волжин, В.В. Эргашбоев, Э.А. Акрамов, М. Тулаходжаева, Н. Хасанов, С. Нажмиддинов, А. Абдуфаниев, Т. Шафиясов, Б. Хасанов, З. Маматов, Б.И. Исроилов, А.А. Каримов, А.Х. Шоалимов, А. Усанов и других.

## **Анализ и результаты.**

Теория и практика финансового анализа показывает, что существуют различные определения понятий «финансовое состояние» и связанных с ним таких важных категорий, как «финансовая устойчивость», «финансовая независимость», «платежеспособность» и «ликвидность». Определения финансового состояния, сформулированные известными учёными в области финансового анализа, говорят о том, что они не противоречат друг другу, а отличаются, в основном, лишь различной степенью обобщения и детализации, что, однако, затрудняет четкое их восприятие. Обобщая все определения специалистов в области финансового анализа, можно сделать вывод, что финансовое состояние-это обеспеченность субъектов хозяйствования финансовыми ресурсами, рациональное и эффективное их использование<sup>1</sup>. В системе современного управления предприятием решающим звеном является учетная функция, которая обеспечивает сбор, систематизацию и обобщение данных, необходимых для принятия управленческих решений. Учет представляет собой вид деятельности, предметом которой является информация. Учет устанавливает наличие, измеряет и регистрирует результаты хозяйственной деятельности с количественной и качественной стороны. Цель учета – упорядочение информационных потоков

<sup>1</sup> Sagdillaeva Z.A. Methodology for assessing and analyzing financial condition. 2021

для эффективного использования в управленческих решениях и сохранения информации для архива.

Бухгалтерский учет, постоянно совершенствуясь, становится важным звеном формирования рыночной экономики, языком бизнеса и предпринимательства, единственной функцией управления. Он призван способствовать лучшей организации управления, планирования, прогнозирования, анализа посредством обеспечения учетной информацией разных уровней управления и носит не только ретроспективный, но и перспективный характер.

В Законе РУз «О бухгалтерском учете» от 30.08.1996г. (новая редакция от 13 апреля 2016 г. №ЗРУ- 404.) сформулированы основные задачи, которые стоят перед бухгалтерским учетом на современном этапе развития экономических отношений.

#### Основные задачи бухгалтерского учёта при оценке финансового состояния



Система бухгалтерского учета в Узбекистане находит свою реализацию с учетом особенностей национальной экономики, основываясь на достижениях бухгалтерской науки, статистики и мировой практики, получает отражение в системе национальных счетов и международных стандартов финансовой отчетности [1]. Основной целью

современного бухгалтерского учета является трансформация национальной системы бухгалтерского учета с требованиями рыночной экономики и МСФО. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО) – это общепринятые правила по признанию, оценке и раскрытию финансово-хозяйственных операций для составления финансовых -отчетов фирмами во всех странах мира [3].

Итак, бухгалтерский учет и анализ, как решающие функции управления являются инструментами бизнеса, способствуют совершенствованию организации производства, оперативного и статистического планирования, прогнозирования и устойчивого развития.

Состав и размещение имущества предприятий, источники их формирования проходят процессы финансово-хозяйственной деятельности: снабжение, производство и реализацию продукции а также получение финансовых результатов и её использование, получают отражение в упорядоченной и регламентированной системе.

В условиях, когда сами хозяйствующие субъекты несут полную ответственность за результаты своей деятельности перед совладельцами, внутренними и внешними заинтересованными пользователями значение анализа финансового состояния растёт в силу своей важности. При этом возрастают и значение финансовой устойчивости, которое должно сопровождаться эффективностью системы управления, укреплением финансового состояния.

Состояние дел в сфере финансового состояния предприятий показывает, что число финансово неустойчивых предприятий растет, а принимаемые ими меры не дают должного результата. Анализ правовых основ финансового состояния предприятий свидетельствует о наличии ряда нерешенных вопросов.

В значительной степени усиливаются ограничения финансирования деятельности хозяйствующих субъектов. В этой связи резко возрастает значение бухгалтерской отчётности, анализ её показателей позволяет определить финансовое и имущественное состояние.

Сегодня практически все пользователи финансовой отчетности в целях выбора решений по оптимизации своих интересов, используют инструменты финансового анализа. Финансовым анализом состояния финансово-хозяйственной деятельности предприятия, организаций занимаются в первую очередь, руководители и соответствующие службы, учредители – в интересах эффективности ресурсов и доходности капитала, обеспечения устойчивого состояния предприятия. Собственники анализируют финансовую отчетность для проверки доходности капитала и устойчивости финансового состояния предприятия. Инвесторы и кредиторы анализируют финансовую отчетность для того, чтобы проверить минимизацию своих рисков по вкладам и займам, поставщики – для проверки состояния расчётов, налоговые инспекции – для проверки выполнения плана поступлений средств в бюджет. Как видно, принимаемые решения целиком и полностью зависят от качества их научной обоснованности аналитической работы. Финансовое состояние характеризуется системой показателей, отражающих реальные и потенциальные финансовые возможности хозяйствующего субъекта как объекта по бизнесу, объекта инвестирования капитала, налогоплательщика. Хорошее финансовое состояние – это эффективное использование ресурсов, способность полностью и в установленные сроки ответить по своим обязательствам, достаточность собственных средств для исключения высокого риска, хорошие перспективы для получения прибыли

и др. Плохое финансовое положение выражается в неудовлетворительной платежеспособности, в низкой эффективности использования ресурсов, в неэффективном размещении средств, их иммобилизации. Пределом плохого финансового состояния предприятия является состояние банкротства, т. е. неспособность предприятия отвечать по своим обязательствам<sup>2</sup>. Основная цель анализа – выявление и оценка тенденций развития финансовых процессов на предприятии. Как видно, роль отчетных показателей для управления, определения положения предприятия на рынке значительно возрастает. Необходимо отметить, что: 1) в систему показателей, характеризующих финансовое состояние входят показатели – факторы, оказывающие влияние уровень финансовой независимости, платежеспособности и ликвидности организаций: динамика дебиторской и кредиторской задолженности, в т.ч. кредитов и займов, и др. Следует отметить, что эффективность использования оборотных активов является, по существу, также фактором, определяющим уровень финансовой устойчивости организации; 2) показатели, которые рассчитываются по данным отчета об изменениях капитала, отчета о движении денежных средств, а также пояснений к бухгалтерскому балансу и отчету о финансовых результатах, являются характеристиками, расширяющими и углубляющими оценку финансового положения организации.

По мнению большинства авторов, основными задачами анализа финансового состояния предприятия являются:

- своевременная и объективная диагностика финансового состояния предприятия;
- поиск резервов улучшения финансового состояния;

<sup>2</sup> В.Р.Банк, С.В.Банк, А.В.Тараскина. Финансовый анализ. Учебное пособие. Москва.2006

платёжеспособности и финансовой устойчивости предприятия;

– разработка конкретных мероприятий, направленных на более эффективное использование финансовых ресурсов и укрепление финансового состояния;

– прогнозирование возможных финансовых ресурсов и разработка моделей финансового состояния при разнообразных вариантах использования ресурсов.

Финансовое состояние предприятия, его устойчивость и стабильность зависят от результатов производственной, коммерческой и финансовой деятельности.

Устойчивое финансовое состояние является итогом грамотного, умелого управления всем комплексом факторов, определяющих результаты финансово-хозяйственной деятельности предприятия.

Главная цель анализа - наращивание собственного капитала и обеспечение устойчивого положения на рынке. Для этого предприятие должно постоянно поддерживать платёжеспособность и рентабельность, а также оптимальную структуру актива и пассива баланса. Основные элементы и взаимосвязь этапов проведения анализа финансового состояния предприятия представлены на рис.1

Принципиальных различий в

методологии анализа для разных пользователей нет, однако имеется разница в информационной базе, доступной аналитику. Внешний пользователь имеет под рукой только официальные данные бухгалтерской отчётности, а внутреннему доступны все данные оперативного, статистического и бухгалтерского учёта и отчёtnости, вплоть до первичных документов.

Официальные документы, достаточно полно регламентирующих проведение финансового анализа, на сегодняшний день практически нет, и аналитик, проводящий анализ, осуществляет его на своё усмотрение.

В определённой мере вопросы финансового анализа отражены в

I. «Методических рекомендациях по финансовому анализу предприятия»,



**Рис.1. Схема проведения работ по анализу финансового состояния предприятия<sup>3</sup>.**

<sup>3</sup> Т.Ш.Шагиев, З.А.Сагдиллаева. Финансовый и управленический анализ. Ташкент-2018г.

утверждённых Правительственной Комиссией Республики Узбекистан по вопросам банкротства и санации предприятий от 17 апреля 1997 года предусматриваются следующие виды финансового анализа предприятия:

1. Анализ финансового состояния – анализ динамики валюты баланса, структуры пассивов, динамики основных средств и других внеоборотных активов, финансовых результатов.

2. Анализ финансовой устойчивости – показатели излишков или недостатков источников формирования запасов и затрат, коэффициенты финансовой независимости, коэффициенты соотношения заёмных и собственных средств, коэффициент обеспеченности запасов и затрат собственными источниками, коэффициент платёжеспособности.

3. Анализ экономической состоятельности предприятия – коэффициент утраты (восстановления) платёжеспособности, коэффициент маневренности, коэффициент реальной стоимости имущества производственного назначения.

4. Анализ рентабельности предприятия – коэффициент реальности реализации, коэффициент рентабельности основных средств, коэффициент рентабельности собственного капитала, коэффициент рентабельности общей оборачиваемости капитала.

II. «Методика анализа финансового состояния предприятия», утверждённая Госкомимуществом Республики Узбекистан в июле 1996 года рекомендует проводить анализ в следующей последовательности:

1. Общая оценка финансового состояния.

2. Анализ финансовой устойчивости предприятия.

3. Оценка платёжеспособности предприятия.

III. «Порядок проведения мониторинга и анализа финансово-хозяйственной деятельности предприятий», утверждённый Госкомимуществом Республики Узбекистан, председателем комитета по делам об экономической несостоятельности предприятий от 20.03.1998 г. № 9. (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан от 5 июня 1998 г. Регистрационный № 442).

IV. Система критериев, утвержденная Комитетом по делам об экономической несостоятельности предприятий при Министерстве макроэкономики и статистики Республики Узбекистан от 27 июля 1999 года № 12 (рег. № 803 от 25.08.1999 г.)

V. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28 июля 2015 г., № 207 «О Внедрении критериев оценки эффективности деятельности Акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства».

Как видно, что в нашей республике уже немало сделано по разработке вопросов теории и практики, формированию методики финансового анализа в соответствии с требованиями рыночных отношений

В практике бухгалтерского учёта, анализа и аудита наиболее существенные **ошибки при проведении анализа** финансового положения предприятия возникают в первую очередь потому, что в настоящее время отсутствуют утвержденные методики финансового анализа и нормативно закрепленные коэффициенты.

Экономика, как и любое явление, обладает собственными принципами. Если эти принципы соблюдаются,

экономика остается устойчивой и конкурентоспособной. Тем не менее, различные события могут привести к неблагоприятным последствиям, которые могут привести к экономическому спаду. Уже после установления теоретических основ и нормативной модели экономических процессов, можно легко определить отклонение от этой модели и принять соответствующие меры. Поэтому для необходимо разработать диагностическую экономическую нормативную модель, которая обеспечит развитие финансового состояния предприятий как крупных так малых.<sup>4</sup>

Ключевая задача анализа финансового положения - закрепление собственных денежных средств и обеспечение стойкого состояния. Для этого предприятие должно каждый день поддерживать платёжеспособность и уровни рентабельности.

### **Заключение**

Итак, целью анализа и оценки финансового положения предприятий на современном этапе является разработка

теоретических, организационных и методических положений комплексного экономического анализа финансового состояния, имущественного положения, направленные на формирование рациональной структуры активов предприятия, доходов и расходов, обеспечивающих устойчивое финансовое состояние.

Достижение поставленной цели требует решения следующих задач:

- систематизация и разработка понятийного аппарата учёта анализа финансового состояния и имущественного положения;
- разработка типологии финансового состояния и имущественного положения, доходов и расходов с учётом идентификации существенных характеристик;
- обосновать место анализа финансового состояния, как объекта комплексного анализа;
- разработка методики комплексной оценки анализа финансового состояния и имущественного положения;
- разработка организационных аспектов анализа финансового состояния;
- разработка информационно-аналитического обеспечения принятия и реализации решений по управлению финансовой устойчивости предприятий.

### **ЛИТЕРАТУРА**

1. Закон Республики Узбекистан «О Бухгалтерском учете». 2016 год 13 ст. (В новой редакции).
2. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник» - М.: Инфра – М, 2021
3. Шагиясов Т.Ш., Сагдилаева З.А., Файзиев Б.В. «Финансовый и управленческий анализ» Учебник. «IQTISOD - MOLIVA», Т. 2008
4. Вахабов А.В. и другие “Финансовый и управленческий анализ”. Учебник. Т.: ЭКОНОМИКА-ФИНАНСЫ, 2013. -600 с.
5. Шагиясов Т.Ш. Комплексный экономический анализ. Учебник. Т.: «Наука и технология», 2012. -278с.

**УЎТ 330.33(07)**

**Пардаев Умиджон Уралович**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*

*Давлат бошқарув академияси доценти, PhD*

*ORCID: 0000-0003-3989-3072*

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ  
ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН  
БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Пардаев Умиджон Уралович**

*при Президенте Республики Узбекистан*

*Доцент Академии государственного управления,*

*кандидат экономических наук*

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ ДЛЯ  
СТАБИЛИЗАЦИИ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА И  
ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**Pardaev Umidjon Uralovich**

*under the President of the Republic of Uzbekistan*

*Associate Professor of the State Administration Academy, Ph.D*

*ORCID: 0000-0003-3989-3072*

**IMPROVING THE BUDGET-TAX POLICY TO STABILIZE STATE BUDGET  
REVENUES AND SUPPORT ENTREPRENEURSHIP**

**Аннотация.** Уибубу мақолада 2023 йил учун давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашига қаратилган бюджет-солиқ сиёсатининг асосий ўйналишлари изоҳланган. Шунингдек, корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, корхоналар йиллик айланмаси бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлаши ҳамда фойда солигидан имтиёз олиши ўйналишлари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** давлат молиясини бошқарши, бюджет-солиқ сиёсати, қўшилган қиймат солиги, фойда солиги, кичик ва ўрта бизнес, солиқ имтиёзлари, айланмадан олинадиган солиқ, қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаши, дивиденд.

**Аннотация.** В данной статье описаны основные направления бюджетной и налоговой политики, направленные на стабилизацию доходов государственного бюджета и поддержку предпринимательства на 2023 год. Также даны указания по делению предприятий на категории и определению особого подхода к их поддержке, уплате фиксированного налога исходя из годового оборота предприятий, получению льгот по налогу на прибыль.

**Ключевые слова:** управление государственными финансами, бюджетно-налоговая политика, налог на добавленную стоимость, налог на прибыль, малый и средний бизнес, налоговые кредиты, налог с оборота, фиксированная ставка налога, дивиденды.

**Abstract.** This article describes the main directions of the budget and tax policy aimed at stabilizing state budget revenues and supporting entrepreneurship for 2023. Also, directions for dividing enterprises into categories and defining a special approach to their support, paying a fixed tax based on the annual turnover of enterprises, and receiving benefits from profit tax are presented.

**Key words:** public finance management, budget-tax policy, value-added tax, profit tax, small and medium-sized business, tax credits, turnover tax, flat rate tax, dividend.

## КИРИШ

Ўзбекистонда аҳоли учун фаровон турмуш шароитини ошириш куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Шу боис, давлат молиясини бошқариш соҳасидаги ислоҳотлар негизини аҳоли учун муносаб турмуш шароитини яратишда давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш ташкил этади.

Давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффоғлигини ошириш, Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усусларини жорий этиш мақсадида

### 1-ЙЎНАЛИШ

Ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиши, “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини жорий этиши

### 2-ЙЎНАЛИШ

Макрофискал прогнозлар ишончлилигини таъминлашда бюджет жараёнц иштирокчиларининг масъулиятини опирини

### 6-ЙЎНАЛИШ

Бюджет маълумотларининг очиклиги, тўликлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш.

### 3-ЙЎНАЛИШ

Бюджет маблангарини таксимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва хисобдорларини опирини хамда уларнинг масъулиятини кучайтирини

### 5-ЙЎНАЛИШ

Бюджет ҳисоби стандартларини бирхиллаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш хамда бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик тозоратини кучайтирини;

### 4-ЙЎНАЛИШ

Фискал таваккалчиларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритини хамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиши

## 1-расм. “2020–2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси йўналишлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон “2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4966572>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 506-сон “2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ушбу Стратегия давлат молияси тўғрисида жамоатчиликка кенг қамровли маълумотлар бериш ва шаффофликни таъминлаш, самарадорлик ва натижадорликка босқичма-босқич эришишга қаратилган фискал сиёсатга ўтиш учун стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш каби 6 та асосий йўналишга бўлинган.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Кўшилган қиймат солиги ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш<sup>2</sup> самарали солик ставкаси меъридан келиб чиқиб белгиланиш мақсадга мувофиқлигини ҳамда ҚҚС бўйича барча имтиёзлар бекор қилиниши зарурлиги таъкидлаб ўтилган<sup>3</sup>.

### Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида гурухлаш, умумлаштириш, мантикий ва таққослама таҳлил усулларидан фойдаланилди.

### Натижва мухокама

Ушбу ислохотнинг мантикий давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилиниб, бюджет-солик сиёсатини такомиллаштириш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан 2023 йилда солик ва божхона сиёсатининг асосий тўртта йўналиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар амалга оширилди (1-расм).

2023 йилда биринчи йўналиши сифатида ушбу йилда ўзгарышсиз сақлаб қолинаётган солик ставкалари фойда солиғининг барча ставкалари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги 12 фоиз, айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси 4 фоиз, қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер солиги қишлоқ хўжалигига экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик ставкаси 1,5 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини хисоблашда бинолар ва иншоотлар бўйича солик базаси 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги сақлаб қолинмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон “2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4966572>

<sup>2</sup> Комилов М.М.Кўшилган қиймат солиги маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилидир. Иқтисодиётда инновациялар - Инновации в экономике - Innovations in economy №5|2020

<sup>3</sup> Турабов У. Республикаизда тадбиркорларга берилаетган солик имтиёзлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. – №. 6. 409-417-б.

Саклаб колинадиган солик ставкалари	2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солик ставкалари
Солик ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари	
Индексация килинадиган солик ставка ва солик базалари	2023 йилда солик имтіёзларининг бекор килинши ва бошқа ўзгаришлар

## 2-расм. 2023 йилдаги солик ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “... 1 январдан бошлаб кўшилган қиймат солиги ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас...”<sup>5</sup> деб таъкидладилар.

Ушбу ислоҳотларнинг иккинчи асосий йўналиши сифатида, 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солик ставкалари бўлиб, уларни асосан 5 та асосий туркумга бўлиш мумкин.


2023 йилдан Кўшилган қиймат солиги бўйича 2023 йилда кутилаётган тушумлар жами 63,8 трлн. сўмни ташкил этиши кутилаётган бўлиб<sup>6</sup>, КҚС ставкасининг 3 пунктга пасайтирилиши 14,0 трлн. сўм бюджет йўқотишларига олиб келиши ҳисоб-китоб қилинаётган бўлса, ушбу йўқотишларни КҚС ставкаси тушиши натижасида “хуфёна иқтисодиёт” нинг очиқланиши, тадбиркорлик фаолиятининг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари кабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзgartиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.

<sup>6</sup> Ўша ерда.

жадаллашуви ва ушбу солик турини йиғишдаги солик маъмурчилигини такомиллашуви, хусусан, жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи микдоридаги тўловлар (“кеш-бэк”) қўшилган қиймат солигини жорий тушумлари ҳисобидан амалга ошириш кутилмоқда.



## 3-расм. 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солик ставкалари<sup>7</sup>

2022 йил 22 август куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи маротаба тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда уларни кўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтган эди. Ушбу очиқ мулоқотда, корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни кўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, корхоналар йиллик айланмаси бўйича:

1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес;

10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес;

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни.

100 миллиард сүмгача бўлгани — ўрта бизнес тоифаларга ажратиш билдирилган эди<sup>8</sup>.

Ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида, 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солик ставкалари иккинчи йўналиш сифатида, айланмадан олинадиган соликни унификация қилиш орқали амалдаги 14 та фаолият тури бўйича 4 дан 25 foизгача ставкалар ягона 4 foизлик ставкага унификация килинди.

Айланмадан олинадиган солиқ түловчиларга товар айланмаси 500 млн сүмгача бўлганда йилига 20 млн сўм (хар ойда 1,6 млн сўм), 500 млн сўмдан юқори бўлганда 30 млн сўм (хар ойда 2,5 млн сўм) миқдорида қатъий белгиланган соликини хар ойда тенг улушларда тўлашни танлаш ҳукуку берилмоқда.

Ушбу солиқ түловчилар учун энг аҳамиятлиси шуки, қатый белгиланган суммадаги солиқ түловчисидан бухгалтерия хисобини мажбурий юритиш ва айрим ҳисоботларни топшириш ҳамда соғ фойдасидан түланган дивиденд солигини түлашдан озод этилади.

Учинчи йўналиш сифатида, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш, кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш белгиланди.

Ушбу ҳолатда, пасайтирилган ставка ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи түловчиларига, шунингдек, тадбиркорлик субъектини тугатиш ёки 2 ва ундан ортиқ тадбиркорлар ўртасида даромадларни ажратиш (дробление)

Холатлари аниқланганда татбиқ килинмаслиги белгиланди.



**3-расм. 2023 йил 1 январдан кичик  
ва ўрта бизнесни ривожлантириш  
мақсадида пасайтирилладиган солиқ  
ставкалари<sup>9</sup>**

Кейинги йүналишлар сифатида, ер қаъридан фойдаланувчиларни солиқ ставкалари сақлаб қолиниб, темир фойдали қазилмаси учун белгиланган 5 фоизлик ставкани 2 фоизгача пасайтириш ҳамда акциз солиғи бўйича алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари импортига солиқ ставкасини 5 фоизга пасайтириш белгиланди. Бунда импортга белгиланган акциз солиғи ставкаларини босқичмабосқич пасайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга белгиланган акциз солиғи ставкалари билан бир хиллаштириш назарда тутилмоқда.

2023 йил 1 январдан баштап инфляция даражаси доирасыда бир қанча солиқ ставка ва солиқ базалари индексация килинди:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солифининг базавий ставкалари ўртача 10 фоизга индексация қилинди;

— 2023 йилда жисмоний шахслар учун күчмас мулк турар жой объектлари қисми бүйича мол-мулк ва ер солиғи

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2022 йилдаги „Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулокоти»да белгилантган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПК-364-сон Карори.

9 Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари кабул килинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРК-812-сонли конуну.

суммаси 2022 йилда ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган солик суммасидан 1,3 бараваридан ошмаслиги бўйича чеклов сақлаб қолинди;

– катъий белгиланган миқдорда солик тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилинди;

– мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 10 фоизга индексация қилинди;

– 2023 йил 1 февралдан бошлаб алкоголь ва тамаки ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлаб чиқаришда акциз солиғи ставкасини 10 фоизга индексация қилиш мўлжалланмоқда.

2023 йилдан айрим товарлар ва хизматлар реализацияси бўйича кўшилган қиймат солиғи имтиёzlари, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва божхона божи 2023 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинмоқда.

#### ҚҚСдан мавжуд имтиёz бекор қилинади

геология хизматлари бўрчтими, фасонатни моделининг мингашин катъий назар тенг ракобет шароитларни ярати максадида блокет маблагларни ҳисобдан ҳар йицлик миннерл хомаше базасини риводида таҳсилади тизимни замонӣ дастурлари допроиса бўрчтимилашни геология хизматлари бўйича	почта марказларини, марказли открытикларини, конвертларни реализация айланмалари бўйича	бюджет маблагларни ҳисобдан бекаринадиган имтиёz тадникот ва инновациянишлари айланмаси бўйича
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------

#### 4-расм. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ҚҚСдан бекор қилинадиган имтиёzlар.

Шунингдек, солик тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш учун йўналтириладиган қисми бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган солик имтиёзи бекор қилиниши натижасида бюджетга қўшимча 50 млрд сўм солик тушиши кутилмоқда.

Устав фондида (устав капиталида) хорижий инвестиция улуши камидан ўттиз уч фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган мол-мулк бўйича божхона божи имтиёзи бекор қилинмоқда. Бунда, инвестиция фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи ўртасида 2023 йил 1 январга қадар тузилган шартномалар учун ушбу имтиёз унинг амал қилиши муддати тугагунига қадар амал қилиши белгиланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши ва ҳисобга олиш (зачет) механизмларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ҚҚС тўловчиси сифатида эътироф этиш хукуки берилди.

Мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспортёр хўжалик субъектларини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, шунингдек, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан қўргонини ташкил этса фойда солиғидан озод этилган<sup>10</sup>.

Экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан янада қўллаб-кувватлаш мақсадида экспорт қилишдан олинган даромадлар ҳажмининг улусидан қатъи назар 2023 йил 1 январдан экспорт қилинган товарлар (хизматлар) қисмига нисбатан фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солик солинмаслиги белгиланди.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сонли “Махаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони, <https://lex.uz/docs/4085146>

Шунингдек, фойда солиги бўйича бўнак тўловлари тўғрисида маълумотномани солик органларига тақдим этиш муддати ойнинг 10-санасидан 15-санасига узайтирилиб, солик қарзини мол-мулк хисобидан ундиришга қаратишнинг белгиланган муддати 60 кунгача (амалда 30 кун) узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқотда билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, солик тўловчининг мурожаати

асосида солик органлари зиммасига солик хисоботини автоматик равиша шакллантириш хизматини кўрсатиш мажбуриятини юклатиш белгиланди.

### **Хулоса**

Юқорида белгиланган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солик ва бошқа соҳалардаги берилган тартиб-тамоийилларни енгиллаштириш уларнинг ривожига хисса кўшиб, мамлакатимиз тараққиётiga хисса кўшади деб ўйлаймиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.
2. 2020 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4966572>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/6333246>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/6333240>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2022 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «Очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-364-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2018 йилдаги “Махаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5587-сонли Фармони, <https://lex.uz/docs/4085146>
7. Комилов М.М. Кўшилган қиймат солиги маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилидир. Иқтисодиётда инновациялар - Инновации в экономике - Innovations in economy №5|2020
8. Турабов У. Республикаизда тадбиркорларга берилаётган солик имтиёзлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. – №. 6. – С. 409-417.

**УЎТ 657.01**

**Ҳамдамов Баҳром Касимович,**  
Тошкент молия институти  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**НАЗОРАТ – МАСЛАҲАТЧИ АУДИТОРЛИК ТИЗИМИ ВА  
УНИНГ АҲАМИЯТИ**

**КОНТРОЛЬНО СОВЕТУЮЩАЯ АУДИТОРСКАЯ СИСТЕМА И  
ЕЁ ЗНАЧЕНИЕ**

**CONTROL ADVISORY AUDITING SYSREM AND  
ITS SIGNIFICANSE**

**Аннотация.** Мақолада назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимини ташкил қилиши зарурлиги асосланган ва уйбу тизимни яратиш йуналишилари белгилаб берилган. Назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимининг фаолияти ва уни аудиторлар меҳнат унумдорлигини ошириши омили сифатидаги ўрни таҳлил этилиб, тегишили тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизими (НМАТ), аудит, тафтиши, эксперт-консультация фаолияти, суд-бухгалтерия экспертиза, шартли меҳнат унумдорлиги.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы необходимости и пути создания контрольно – консалтинговых аудиторских систем. Проведено анализ деятельности контрольно – консалтинговых аудиторских систем и её воздействие как фактор на повышение производительности труда аудиторов, даны рекомендации по совершенствованию данной системы.

**Ключевые слова:** контрольно – консалтинговые аудиторская система, аудит, ревизия, экспертно-консультационная деятельность, судебно-бухгалтерская экспертиза, условная производительность труда.

**Annotation.** This article discusses the necessity and ways of creating control and consulting audit systems. The activity of control and consulting audit systems and its impact as a factor in increasing the productivity of auditors are analyzed, recommendations for improving this system are given.

**Keywords:** control and consulting audit system, audit, audit, expert consulting activities, forensic accounting expertise, conditional labor productivity.

## Кириш

Самарали аудит тизимини яратиш, ракамли аудитни ривожлантириш орқали амалга ошади. Бунда ихтисослашган маслаҳатчи бўғин яратилиши зарур. Бу тузилмани «назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимлари (НМАТ)» деб аташ мумкин. НМАТ аудиторлик объектарининг қуидаги гуруҳларига мўлжаллаб ташкил қилиниши мақсадга мувоффик:

- бухгалтерия ҳисоби қўлда юритиладиган объектлар;
- бухгалтерия ҳисоби компьютерлар қўллаб юритиладиган объектлар.

Бу ерда, компьютер файлларининг мазмунини ташкил қилувчи бирламчи бухгалтерия хужжатларининг асосий қисми қайта ишланади. Бу ҳолатда НМАТ нинг файлларидан фойдаланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, аудитни бажариш учун қилинаётган харажатларнинг қискаришига, унинг аниқлиги ва оперативлигини оширишга имкон беради.

Агар, мижознинг бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган бўлса, у ҳолда аудитор ўз вазифаларини бажаришда «Маълумотларнинг компьютер ишланмаси шароитида аудит» номли аудит халқаро стандартидан фойдаланиши лозим.

Худди шу стандарт НМАТ ишлаб чиқувчи фаолиятга ҳам асос қилиб олиниши керак, чунки бу стандарт унга автоматлаштирилган бухгалтерия тизимининг хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш имконини беради. Бундан ташқари, стандарт мижознинг ҳисобга доир маълумотларини компьютерда қайта ишлашни ташкил қилиш шаклини аниқлаш бўйича ишларни тартибга солишга ёрдам беради. Шу билан бирга бунда маълумотларни қайта ишлашнинг марказлашган даражасини аниқлаш зарур:

маълумотлар маҳаллий компьютерларда ёки тизимга уланган компьютерларда қайта ишланади.

Бу саволларга жавоблар мижозларнинг маълум бир гуруҳларини тўла тенглашириб, НМАТни ташкил қилишнинг стратегиясини белгилаб беради. Бироқ, аудиторлик тизимни ташкил қилишнинг имконли стратегияларини изоҳлашдан аввал, бундан қандай вазифалар олдига қўйилишини аниқлаш зарур.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Хозирги кунда аудит моҳияти тўғрисида уч фикр мавжуд:

- аудит – бу тафтиш фаолияти;
- аудит – бу эксперт-консультация фаолияти;
- аудит – бу тафтиш ва эксперт-консультация фаолиятининг бирлиги.

Аудит бу тафтиш фаолияти деган нуқтаи назарда А.Ф.Аксёnenko, Ю.А.Данилевский, В.М.Родионов, А.Я.Руф, А.К.Солодов, К.Л.Угольников туришибди.

Профессор А.Ф.Аксёnenkonинг фикрича, аудит бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнини ва турли мулкчилик шароитида хўжаликлар молиявий ҳисоботини белгиланган қонунларга мослигини текшириш эканлиги билдирилган.

Бизнинг фикримизча, бу ҳолда асос сифатида аудитнинг мақсади – турли мулкка асосланган корхоналар молиявий ҳисоботларини ва ҳисоботни юритишни текшириш тушунилади. Шу билан бирга, аудит фақат ҳисобот ва ҳисобни юритилишини текшириш билан чегараланмайди. Аудиторлик назорати корхона фаолиятининг алоҳида тарафларини ўрганишга, ҳисобни юритиша қўмаклашишга, хўжалик фаолиятининг таҳлили, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг асосланганлигига қаратилади.

Ю.А.Данилевский аудитни йиллик молиявий ҳисоботни текширувчи мустакил назорат сифатида ва уни қай даражада белгиланган қонунларда мослигини аниқлаб, активлар, мажбуриятлар ва хусусий маблагларни акс эттирилишининг тўлалиги, аниқлигини белгилаб берувчи восита сифатида талқин қиласди.

В.И Подольский «аудит корхона эришган молиявий натижаси, бухгалтерия ҳисобини тасдиклаб берувчи, тафтиш ва назоратга нисбатан кенгроқ тушунч» (9), деб билади.

Кўриниб турибдики, келтирилган таърифлар, биринчидан, молиявий ҳисобот аудити ва амалга оширилган муомалалар ҳаққонийлигининг тафтиши бир хил тушунча сифатида кўрсатилган, иккинчидан, аудит давлат молиявий назоратининг кўриниши сифатида берилган. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашишни конструктив деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бу МДХ давлатларида аудит амалиётини жуда соддалаштириб кўрсатади ва шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодидаги амалга оширилаётган йирик ташки иқтисодий алоқалар талабига жавоб бермайди. Шу билан бирга таҳлил қилинаётган аудит тўғрисидаги фикрлар - қонуний жараёндир, чунки ҳозирги кунда Ўзбекистонда аудит чет давлатлардаги аудит тараққиёти эволюциясининг биринчи босқичидаги назарий фикрлар таъсири остида ва собиқ Иттифоқнинг назорат ва тафтиш тажрибасида ривожланмоқда.

Аудитни экспертиза-консультация фаолияти сифатида талқин қилувчи олимлар қаторига Е.А.Стоянов, Е.С.Стоянова, П.И.Камишановларни киритиш мумкин. Масалан, Е.А.Стоянов ва Е.С.Стоянова чет эл тажрибасини ўрганганд ҳолда аудитни комплекс иқтисодий таҳлил билан таққослашмоқда.

Профессор П.И.Камишанов «аудитни бизнесни экспертиза қилувчи восита» (10) сифатида талқин қиласди.

### **Натижалар ва мухокама**


Аудит назарияси ҳали амалий малакаларни умумлаштирувчи илмий асослар ва ғоялар тизими сифатида шаклланмаганлиги сабабли, назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимининг (НМАТ) назарияси ҳақида ҳам гапириш эрта, деб ҳисоблаймиз. Бу ерда гап фақат НМАТни ташкил қилиш ва иш юритишининг асоси бўлган назариясининг баъзи бир жабҳалари ҳақидагина бориши мумкин.

Аудиторлик тизимларини ташкил қилишининг асосларини кўриб чиқишдан аввал, аудит қўйидаги фаолият турлари билан узвий боғлиқликда эканлигини инобатга олиш керак:

- Иқтисодий таҳлил;
- Молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтиши;
- Суд-бухгалтерия экспертизаси.

Аудит умумлашган фан бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳар бир фаолият турининг иш юритиш услуби ва усусларини ўз ичига қисман олади.

НМАТ қониқтирадиган асосларни аниқлаш учун, энг аввало, айтиб ўтилган фаолият турларининг предметини кўриб чиқиш зарур. Бу эса автоматлаштириш тизимида ўз ифодасини топадиган аудитнинг ўзига хос хусусиятларини кўришга имкон беради. Куйидаги 1- расмда аудитнинг бошқа фаолият соҳалари билан боғлиқлигини кўриб чиқамиз.



**1-расм. Аудитнинг қўшилган фаолият турлари билан боғлиқлиги<sup>1</sup>.**

Корхоналарнинг самарадорлик нуқтаи назаридан қараладиган хўжалик жараёнлари иқтисодий таҳлилнинг предмети ҳисобланади. Унинг ташкилий қисмларидан бири – молиявий таҳлил бўлиб, у фақат бухгалтерия ҳисботини қамраб олади. Бу шароит молиявий таҳлини корхонага қизиқиши бўлган контрагентлар билан ташқи алоқа соҳасига олиб чиқади.

Молиявий-хўжалик фаолиятнинг тафтиш предмети бўлиб, қонунийлик нуқтаи назаридан қараладиган жараёнлар ҳисобланади. Охирги вақтларда аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган назоратнинг янги кўринишлари пайдо бўлди, бироқ молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш назоратнинг асосий шаклларидан бири бўлиб қолмоқда. Тафтишнинг асосий вазифаси корхона фаолиятининг барча бўлимларини батафсил ва чукур текшириш ҳисобланади.

Назорат-тафтиш ишининг услублари ўзига хос бўлиб, уларни бир неча гурухга ажратиш мумкин: тасдиқловчи хўжатлар ва ёзувларни текширишга мўлжалланган услублар; рўйхатдан ўтказиш ва назорат текшириш учун қўлланиладиган услублар; тафтишчиларнинг таҳлилий иш услублари.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети бўлиб, ноқонуний хатти-

харакатларга йўл қўйилганлиги ҳакидаги хўжатлар хизмат қиласи.

Бундай экспертизанинг ўзига хослиги шундайки, тафтиш даврида тафтишчи олдига жиноий иш предмети бўлиб, қолган хўжатларни ўрганиш вазифаси қўйилади.

Айтиб ўтганимиздек, аудитнинг предмети – ҳисботнинг ҳаққонийлиги ва унинг қонунийлигини тасдиқлаш, шунингдек, корхона фаолиятининг ҳакиқий шароитини аниқлаш ҳисобланади. Шундай қилиб, аудиторлик фаолиятнинг бу турлари билан нафақат бевосита боғлиқ, балки уларнинг фарқи ҳам бор. Бу фарқларни кўриб чиқамиз.

**Аудит ва иқтисодий таҳлил.** Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси – корхона шароитини объектив баҳолаш, шу шароитга тушишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш, ҳакиқий кўрсаткичларнинг режасидан оғишини ҳисоблашдан иборат. Аудитор эса бу вазифасини нафақат бажариши, балки корхона молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун йўл кўрсатиши, корхона ходимларига кейинги даврда уларни хатти-харакатлари қандай бўлиши кераклиги ҳакида маслаҳат бериши зарур.

Аудит ва иқтисодий таҳлилнинг умумий соҳаси фойдаланувчиларни молиявий фаолиятни яхшилаш бўйича маълумотлар билан таъминлашга қодир бўлган НМАТни яратишни объектив талаб қиласи.

**Аудит ва тафтиш.** Тафтиш предмети – ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини қонуний ва ҳаққоний акс эттиришdir. Аудит предметини тафтиш билан солиширганда сал кенгроқ бўлиб, бу мулк ва моддий захиралари билан боғлиқ мусомалаларнинг нафақат қонунийлиги, балки солиққа тортиш, пенсия таъминоти, мол-мулкни баҳолаш, хўжалик юритишнинг самаралилиги

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

масалалари ҳамдир. Аудитор доимо у ёки бу муомаланинг қонунийлиги фактини қайд қилиб эмас, балки хўжалик муомалалари жараёнларини мижозга ёрдам нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

**Аудит ва суд-бухгалтерия экспертизаси.** Суд-бухгалтерия экспертизаси тафтишнинг бир қисми бўлгани сабабли, аудит билан назорат муолажаларининг янада камроқ миқдори билан тўқнаш келади. Экспертиза хўжалик фаолиятини хужжатларда расмийлаштиришнинг қонунийлиги, бузилиш фактларини қайд қилишга устувор йўналтирилган, шу билан бирга, чегараланган ва ёпиқдир. Аудит ҳақида эса бундай фикр юритиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, аудит фаолиятнинг бир неча турлари ичига, уларнинг услублари ва ташкил қилиш асосларини синтезлаштириб кириб боради.

Аудитда, иқтисодий таҳлилда, тафтиш ва суд-бухгалтерия экспертизасида умумий соҳаларнинг мавжудлиги, барча кўрсатиб ўтилган тавсифларга эга бўлган НМАТни ташкил қилишни талаб килади.

Бундай турдаги тизим ташкилий тузилма нуқтаи назаридан, бажариш вазифалари турлича бўлган иккита қисмдан ташкил топиши лозим. Иқтисодий таҳлил ва тафтиш турли мақсадларни кўзлагани каби, НМАТ ҳам бир томондан, назорат қилиш, иккинчи томондан эса маслаҳат бериш учун мўлжалланган. Бунда НМАТ ташкил қилиш асослари шундай бўлиши керакки, унинг қисмларидаги қарама-қарши мақсадларга самарали эришиш таъминланиши керак. Бундай асосларга:

– Умумтизим қисмини яратиш учун:  
а) комплекслилик; б) ахборот сақлашнинг ягона тизими.

– Назорат қилувчи қисмни яратиш учун: а) аудиторлик хатолари пайдо бўлиши таваккалчилигининг энг камлиги (минимуми); б) маълумотларни минимал,

лекин етарли даражада киритиш;  
в) аудиторлик ҳисботларини ташкил қилиш схемаларининг бирлиги ва келишилганлиги;

– Маслаҳат берувчи қисмни яратиш учун: а) натижаларни таққослаш;  
б) натижаларнинг мақсад сари йўналтирилиши; в) натижалар ноаниқлигининг минимуми кабилар киради.

Комплекслилик принципи турли ахборот тизимини ташкил қилишда умумқабул қилинган бўлиб, реал жараёнлар (бу шароитда аудит моделини) умумий моделини ишлаб чиқиши назарда тутади. Умумий модель тизим тузилишининг асосий мақсадларини, хўжалик жараёнларини бухгалтерия хужжатларида қайд қилиш усулларини акс эттириши лозим. Умумтизим моделининг мавжудлиги аудит вазифалари, назорат муолажалари ва услублари, бирламчи бухгалтерия хужжатлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш имконини беради.

Маълумотларни сақлашнинг ягона тизими принципи барча ахборот тизимлари учун ажralmas характеристика, яъни маълумотни киритиш бир марта ва ундан кўп маротаба фойдаланишга аҳамият қаратади. Ягона ахборот базаси турли вазифаларга хизмат кўрсатиш билан бирга, маълумотларга тузатиш киритиш учун қилинадиган харажатларни кискартириш имконини беради.

I-жадвал

**НМАТда автоматлаштиришнинг меҳнат унумдорлигига таъсири**

№	Ўртача бир йиллик аудиторга тўғри келадиган фондлар билан қуролланиш, минг сўм	Гурухдаги аудиторлик фирмалари сони	Ўртacha бир йиллик аудиторга тўғри келадиган асосий восита-лар, минг сўм	Назорат ва маслаҳат хизматларидан олинган даромад, минг сўм			Рен-та-бел-лик, %
				1 киши соатига тугри келадиган тўғри меҳнат харажатларига	1 киши соатига тўғри келадиган ШУМҚга	Минг сўмлик компьютер дастурларига	
1	600 гача	8	305	2,19	2,37	0,49	15
2	601-800	15	544	2,96	3,69	1,14	18
3	801 дан юкори	13	996	4,02	5,44	0,86	20
	Жами:	36	615	3,0	3,81	0,83	18

**Изоҳ:** Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган илгор аудиторлик ташкилотларининг 2018–2023 йиллардаги маълумотлари асосида жуфт корреляция коэффициентлари ёрдамида амалга оширилди.

Юкорида қайд этилганидек, НМАТ обьектлари икки гурухга ажралади, яъни бухгалтерия ҳисоби қўлда юритиладиган ва компьютерли обьектлар. Маълумки, фондлар билан қуролланиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилидир. 2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, автоматлаштириш даражасининг ошиши аудиторлик ташкилотларида меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Масалан, ташкилотлардаги фондлар билан қуролланиш даражаси 305 минг сўмдан 996 минг сўмгача ошганда жонли меҳнат унумдорлиги деярли икки мартага ошган, яъни 2,09 минг сўмдан 4,02 минг сўмгача. Умумий, жонли ва буюмлашган меҳнат унумдорлиги эса 2,37 минг сўмдан 5,44 минг сўмга, деярли 2,5 баробар ошган. Шартли умумий меҳнат харажатлари асосида умумий меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш методикасига алоҳида мавзуда тўхтalamиз.

Ташки аудитнинг мақсадларини таҳлил кила бориб, назорат қилувчи аудитнинг қўйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: тайёр маҳсулот ҳисоби ва уни сотиш аудити; ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннахи калькуляциясининг аудити; устав капитали ва таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар аудити; меҳнат ва иш ҳаки бўйича ҳисоблашувлар аудити; моддий қимматликлар ҳисобининг аудити; пул маблағлари ҳисобининг аудити ва бошқалар.

Консультатив-маслаҳатчи аудит вазифаларига қўйидагиларни киритиши мумкин: Қарз воситалари стратегиясининг аудити; молиявий барқарорлик аудити; дивидендлар бўйича сиёсатнинг аудити; тўловга қобилиятлилик аудити; комплекс аудит. Бу вазифалар иқтисодий-математик моделлар билан кўрсатилиб, одатда, математик дастурлаштириш ва ноаник мантиқ услублари ёрдамида ўз ечимини топади.

НМАТнинг қоидалар манбаидан фойдаланишининг иккита имконияти мавжуд:

– талабларга мос келадиган ташки ахборот билимлар манбаи тизим қоидаларига асосан қайта ишланади ва олинган натижага натижавий файлларга юборилади;

– талабларга мос келувчи ташки ахборот, аввало, фактлар манбаига жойлаштирилади. У аудитор томонидан, тизим билан мулоқоти охиридагина мос қоидалар ёрдамида қайта ишланади. Аудиторлик ҳисоботи бунда қисмлар билан эмас, балки тўла таркиб топади.

Аудитни бажариш модули – тизим ишини бўлимларга ажратиш, экранга стандарт ва стандарт бўлмаган ойналарни чиқариш, аудиторлик хulosаларини ташкил қилиш ва таҳрир қилиш учун белгиланган.

Бу модулни ишлаб чиқиш аудиторлик назорат функцияларини бажариш стратегиясини танлашни назарда тутади. НМАТни ташкил қилишда иккита стратегия мавжуд бўлиб, уларни танлаш икки қарама-қарши мезонга асосланади:

– бошланғич маълумотларни кири-тишда харажатларни минималлаштириш;  
– молиявий хужжатларда хато бўлган ҳаракатларни ўтказиш таваккалчилигини минималлаштириш.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, аудит фаолиятининг бу тури ва келтирилган йўналишлар нафақат бевосита боғлиқ, балки уларнинг фарқлари ҳам мавжуд. Ушбу фарқлар аудит, иқтисодий таҳлил, тафтиш ва суд-бухгалтерия экспертизасида умумий соҳаларнинг мавжудлиги барча кўрсатиб ўтилган тавсифларга эга бўлган назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимларини (НМАТ) ташкил қилишни талаб қиласди.

НМАТни ташкил қилишнинг стратегиясини белгилаш ва қандай вазифалар олдига кўйилишини аниқлаш зарур. Буларни ечишга мўлжалланган НМАТнинг таъминловчи қисми, яъни ахборот ва дастурий таъминот умумлаштириб, яратилиши зарур.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқки, НМАТни ташкил қилишни иккита стратегия асосида олиб бориш ва уларни танлашнинг мезонларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Аудит иқтисодий таҳлил, молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтиши ва суд-бухгалтерия экспертизаси каби фаолият турлари билан узвий боғлиқликда эканлигини инобатга олиб, назорат-маслаҳатчи аудиторлик тизимлари (НМАТ) қониктирадиган асосларни аниқлашда юқоридаги фаолият турлари предмети ва таклиф қилинаётган тизим ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T., 2017. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami.
2. O‘zbekiston Respublikasining «Auditorlik faoliyati to‘g‘risida» gi qonuni. (yangi tahrir) – T., 2021.
3. O‘zbekiston Respublikasining «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida» gi qonuni. – T., (yangi tahrir) 2016.

4. “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF 4947-sonli Farmoni.
5. Mirziyoyev Sh.M Buyuk kelajagimizni mard va olujanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent ; “ O‘zbekiston ” 2017 , - 488-b.
6. Mirziyoyev Sh.M Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir raxbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Toshkent ; “ O‘zbekiston ”, 2017 - 104b.
7. “O‘zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”ig O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 19-sentyabrdagi PQ 3946-sonli Qarori.
8. “Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarga o‘tishning qo‘srimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi PQ 4611-sonli Qarori.
9. В.И Подольский. Аудит. –М., ЮНИТИ, 2006.
10. П.И.Камышанов. Знакомьтесь: Аудит (Организация и методика проверок). –М., ИВЦ «Маркетинг», 1994.
11. Ҳамдамов Б.Қ., Остонокулов А.А. Бюджет назорат: Ўқув қўлланма. -Т.: Тошкент Молия институти, 2018 йил. 310-бет.
12. Ҳамдамов Б.Қ. Ўзбекистон иқтисодида аудит муаммоси // Хўжалик ва ҳукук. - Ташкент, 1997. -№4. Б.36-39.
13. <https://president.uz> - официальный сайт Президента Республики Узбекистан.
14. <https://www.lex.uz>
15. . <https://www.mf.uz>
16. <https://www.stat.uz> - Г
17. <https://www.deloitte.com> - Deloitte & Touche
18. <https://www.pwc.com>. - Pricewaterhouse Coopers
19. <https://www.kpmg.com> - КПМГ.
20. <https://www.ey.com> - «Эрнест энд Янг».

УЎТ 657.33.07

**Сатторов Алишер Ҳасан ўғли,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси, доцент, PhD.  
*alisher4090@gmail.com*

## **АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ИЧКИ АУДИТОР ИШИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Сатторов Алишер Ҳасанович,**  
соискатель Ташкентского государственного  
экономического университета, доцент, PhD.  
*alisher4090@gmail.com*

## **ЗНАЧЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РАБОТЫ ВНУТРЕННИХ АУДИТОРОВ В АУДИТОРСКИХ РАССЛЕДОВАНИЯХ**

**Sattorov Alisher Xasanovich,**  
*Independent researcher*  
*Tashkent State University of Economics,*  
*assistant professor, PhD.*  
*alisher4090@gmail.com*

## **SIGNIFICANCE AND CHARACTERISTICS OF USING INTERNAL AUDITORS IN AUDIT INVESTIGATIONS**

**Аннотация.** Мазкур мақолада аудиторлик ташкилотлари томонидан ташқи аудиторлик текшируви амалга оширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ички аудитор ишидан фойдаланишинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, ташқи аудитор томонидан ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари, ички аудит функциялари ва ўзаро ҳужжатларининг мос келиши ҳолатларини аниqlashi taҳnil қилинган.

**Таянч сўзлар:** аудитор, аудиторлик текширувлари, ташқи аудит, ички аудит, ички назорат, халқаро аудит стандарти, ризк.

**Аннотация.** В данной статье подчеркивается важность использования работы внутреннего аудитора хозяйствующего субъекта, который проверяется внешними аудиторскими организациями. Кроме того, анализированы основные показатели оценки деятельности службы внутреннего аудита со стороны внешнего аудитора, функции внутреннего аудита и выявления соответствия между документами.

**Ключевые слова:** аудитор, аудиторские проверки, внешний аудит, внутренний аудит, внутренний контроль, международный стандарт аудита, риск.

**Annotation.** This article emphasizes the importance of using the work of an internal auditor of an economic entity, which is audited by external audit organizations. In addition, the main indicators of assessing the activities of the internal audit service by the external auditor, the functions of internal audit and identifying compliance between documents were analyzed.

**Keywords:** auditor, audit checks, external audit, internal audit, internal control, international audit standard, risk.

### Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг эволюцион ривожланиши, ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда банк муассасалари сонининг ортиши ички аудитнинг юзага келиши ва дастлабки босқичда унинг аҳамиятини кучайишига олиб келди. Ички аудит хизмати хўжалик юритувчи субъектларда жорий қилингандан назорат тизимининг бир қисми бўлиб, бугунги кунда унинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида турли хил тушунчалар мавжуд.

Айни пайтда, ички ва ташки аудит ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлса-да, уларнинг функционал йўналишларидаги такрорланишларни камайтириш борасида ўзининг ижобий ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Ички аудитга иқтисодиёт секторида йирик хўжалик юритувчи субъектлар учун зарур бўлган ички назорат тизимининг асосий элементи сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Зеро, унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш орқали маҳсулот сифатининг ошиши, маҳсулот таннархининг пасайиши, бозор эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу тариқа иш самарадорлигини ошириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги рақобатбардошлигига эришиш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти шароитларида фойда олишнинг барча усувлари, хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришнинг самарали йўналиши

ишга солинади, шунинг учун кўп сонли мулкдорлар ички аудит хизматининг сифатли ишлашидан манфаатдордир.

Халқаро амалиётда компания учун ички аудитнинг зарурлик даражаси ҳақидаги қарор мулкдорлар ва компаниянинг юқори ижро этувчи раҳбарияти томонидан қабул қилинади. Бундай қарор кўплаб омиллар орқали белгиланиб, булар жумласига бизнесга эгалик қилиш ва бошқарув функцияларини тақсимлаш, компания ҳажми ва таркибий тармоқланганлиги, унинг активларининг географик жиҳатдан тарқалганлиги, компания фаолиятига хос рисклар даражасини киритиши мумкин.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Таниқли инглиз олими Р.Додж ўзининг илмий ишларида бу тушунчани шундай таърифлайди: “Ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми бўлиб, хўжалик фаолиятини назорат ва тахлил қилиш мақсадлари учун фирманинг бошқарув органлари қарорига асосан амалга оширилади”[1].

Бошқа бир инглиз олими Р.Адамс ички аудитни “Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги ҳисобот ва хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг бошқа таркибий бўлимларини текшириш, баҳолаш ва тақдим этиш учун маъмурият томонидан яратилган ички назорат тизими элементи” сифатида таърифлайди[2].

Америкалик олимлар Э.А.Аренс ва Ж.К.Лоббекнинг фикрича, ички аудит, бу – хўжалик ичидаги аудит бўлиб, маъмуриятни “бизнеснинг самарали фаолият юритишига доир қарорларни қабул қилиш учун қимматли ахборот билан таъминлайди”[3].

Иқтисодчи олим А.А.Каримовнинг фикрича: “Ички аудит корхона хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини мустақил баҳолаш функциясини амалга оширади ва корхона бошқарувига жорий назорат тизимининг ишончлилигини исботлаб беради”[4].

А.М. Богомолов ва Н.А. Голощаповнинг нуқтаи назарига кўра, “Ички аудит (ички хўжалик, фирма ички аудити) хўжалик юритувчи субъектларда унинг мулқдорлари манфаатларида ташкил қилинган ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишининг белгиланган талабларига риоя қилиш, мулкни муҳофаза қилиш ва ички назорат тизимининг ишончлилиги ҳақидаги ички хужжатлар билан тартибга солинадиган умумий аудитнинг таркибий қисмиди”[5].

С.М.Бичкованинг таъкидлашича, “Ички аудит корхона раҳбарияти томонидан ҳисоб ва бошқа назорат маълумотларини таҳлил қилиш максадида ташкил қилинадиган ички назорат тизимининг элементидир”[6].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, гурӯҳлаш усуллари қўлланилди.

### **Натижা ва муҳокама**

Ички аудитга зарурат мулқдорлар ва хўжалик юритувчи субъектлардаги раҳбарлар зиммасига юклатилган


вазифаларни қай даражада тўғри тушунганликлари ва бунинг натижасида амалга оширилган ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида ахборотга эга бўлиш истаклари билан ифодаланади. Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун ихтисослаштирилган бўлинмаларни, бошқарув бўғинлари, ишлаб чиқариш участкалари ва ҳар бир технологик жараённи ташкил этадилар (1-расм).

Шунинг учун, ички аудит хизмати томонидан умуман тизим ва унинг ҳар бир элементининг оқилона фаолият кўрсатиши, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси таҳлил қилинади ва баҳо берилади. Бунинг натижасида, хўжалик юритувчи субъектлар фолиятидаги заиф томонлар аниқланади ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.

Ички аудит хизматининг асосий вазифалари хўжалик юритувчи субъектларда йўлга қўйилган ички назорат тизими хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда шаклланади. Унинг самарадорлиги эса, иш режасининг тўғри тузилганлиги ва тегишли ҳисботларда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий жиҳатларига қанчалик эътибор қаратилганлиги билан баҳо берилади.

Шу билан бир қаторда, ички аудит вазифалари таркибига кирувчи ва уни ташки аудитдан чегараловчи асосий фарқланувчи хусусиятлари очиб берилади ва ички аудитор томонидан тайёрланган хизматлардан ташки аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ички аудит хизматининг материалларидан ташки аудит, солиқ инспекцияси ва бошқа назорат органлари фойдаланишлари мумкин. Шу билан биргага, айнан ушбу



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари[8]

назорат органлари томонидан аниқланган камчиликларнинг ҳажми ва миқдори ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини аниқловчи асосий ўлчов белгиси ва бирлиги бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Аудит текшируви давомида ташқи аудитор қўйидагиларни ўрганиши керак:


- корхона ички аудит хизмати фаолияти сифатини баҳолаш;
- ички аудит хизматининг корхонада самарали ички назорат тизимини таъминлашдаги ролини ўрганиш.

Ташқи аудитор учун корхона ички аудитор маълумотларидан фойдаланиши амалга оширилиши лозим бўлган аудиторлик тартиб-таомилларининг ҳажми ва йўналишини белгилаш

имконини беради. Хорижий давлатларда ташқи аудит текширувни ўтказиш жараёнида аудиторнинг ички аудит хизмати маълумотларидан фойдаланиши лозимлиги қонун билан мажбурий равишда белгиланган.

Ички аудит хизмати фаолиятининг сифати ташқи аудитор учун аудит рискини аниқлаш имконини бериши сабабли, бу кўрсаткични режалаштириш жараёнида белгилаш мумкин бўлади.

Ташқи аудитор ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини белгилаш мақсадида дастур тузиши ва унда ички аудитнинг айнан қайси фаолият соҳаси текширилиши ва баҳоланиши лозимлигини кўрсатиши керак.



**2-расм. Ташқи аудитор ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашининг асосий кўрсаткичлари [7]**

Хўжалик юритувчи субъектнинг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолагач, ташқи аудитор ички аудит хизмати маълумотларига асосланишининг қанчалик мақсадга мувофиқлигини белгилаши керак. Ушбу вазиятда, агар ташқи аудитор ички аудит хизматидан фойдаланиш мумкин, деб ҳисобласа:

- 1) ички аудит дастурлари ва иш ҳажми ташқи аудитор талабларига қанчалик жавоб беришини ўрганиши керак;
- 2) ички аудиторлар фаолияти режа бўйича амалга оширилиши ва тегишли тартибда хужжатлаштирилиши юзасидан ишонч ҳосил қилиши зарур;
- 3) ички аудит текшируванинг натижалари, таклифлари етарли даражада асосли эканлигини таҳлил қилиши керак;
- 4) юкори рискка эга бўлган нукталар ички аудит текшируvida ўз аксини топганлигини ўрганиши лозим;

5) ички аудитор таклифларига корхонада ҳақиқатдан ҳам амал қилинаётганига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Аудит текшируви давомида ташки аудиторларга хўжалик юритувчи субъект ички аудиторлари билан эркин мулоқот олиб боришлари, аудиторлик ташкилоти ички аудит хизматининг хужжатларидан эркин фойдаланишлари учун мижоз раҳбарияти томонидан шароит яратиб берилиши керак. Ўз навбатида, ташқи аудитор ҳам текширув давомида келгусида ички аудит хизмати фаолияти сифатини оширишга хизмат қилувчи таклифларни, агар улар юзага келса, мижозга бериши керак.

Ташқи аудитор томонидан ички аудитор хужжатлари, маълумотларидан фойдаланиш ташқи аудитор зиммасидаги мажбурият ва жавобгарликни асло камайтирмайди. Шу сабабли, ташқи аудитор ички аудит маълумотларидан

фойдаланаётганда, уларнинг ишончлигини доимо текшириб бориши керак.

Ички аудит хизматининг мустақиллиги ва холислиги даражасидан қатъи назар, мазкур хизмат тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий ҳисботот хусусида фикр билдиришда ташқи аудитор учун талаб этилгандек мустақил ҳисобланмайди. Ташқи аудитор фақат билдирилаётган аудиторлик фикри учун жавобгар бўлади ва бу жавобгарлик ташқи аудитор ички аудиторлар ишидан фойдаланганда камаймайди.

АХС 610-сонли “Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш” стандартига асосан, ташқи аудитор қўйидагиларни аниқлаши лозим[9]:

- ички аудиторлар иши аудит мақсадларига мос келишини;

- агар мос келса, ташқи аудиторлик тартиб-таомилларининг хусусияти, уларни бажариш муддатлари ёки уларнинг кўламига ички аудиторлар ишининг режалаштирилаётган таъсирини.

Ички аудиторлар ишининг аудит мақсадларига мослигини аниқлашда ташқи аудитор қўйидагиларни баҳолаши лозим(3-расм).

АХС 610-сонли “Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш” стандартига асосан, ташқи аудиторлик тартиб-таомилларининг хусусияти, уларни бажариш муддатлари ёки уларнинг кўламига ички аудиторлар ишининг режалаштирилаётган таъсирини аниқлашда ташқи аудитор қўйидагиларни кўриб чиқиши лозим[9]:

- ички аудиторлар томонидан бажарилган ёки бажариладиган муайян ишнинг хусусияти ва кўлами;

- операциялар, счёtlар қолдиқлари ёки очиб бериладиган маълумотнинг айrim туркумлари учун тақдимномалар даражасида баҳолангандан мухим бузиб кўрсатишлар рисклари;

– ички аудиторлар тегишли тақдимномаларни тасдиқлаш учун тўплаган аудиторлик далилларини баҳолашда мавжуд субъективлик даражаси.

Ички аудиторларнинг муайян ишидан фойдаланиш учун ташқи аудитор мазкур ишни баҳолаши ва унинг ташқи аудитор мақсадларига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаш учун унга нисбатан аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши лозим.


Ички аудиторлар томонидан бажарилган муайян ишнинг ташқи аудитор мақсадларига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаш учун ташқи аудитор қўйидагиларни баҳолаши лозим (4-расм):

Аудиторлик текшируви давомида ташқи аудитор ички аудиторларнинг муайян ишидан фойдаланаётган бўлса, у аудиторлик хужжатларига ички аудиторлар ишини баҳолаш ва уларга нисбатан бажарган аудиторлик ўрганишлари тўғрисида чиқарилган хулосаларни киритиши лозим.

Аудиторлик текширувларида ташқи аудитор томонидан ички аудитор иши тўғрилигига шубҳа туғдирадиган омиллар аниқланса, ички аудит хужжатларидан фойдаланмасликка қарор қилиши ҳам мумкин.

Ички аудит хизматининг фаолияти қуидаги функциялардан бири ёки бир нечтасини ўз ичига олиши мумкин (5-расм):

Ички аудиторларнинг муайян ишига нисбатан бажариладиган аудиторлик тартиб-таомиллари хусусияти, уларни бажариш муддатлари ва кўлами мухим бузиб кўрсатишлар рискларига ташқи аудитор томонидан берилган баҳога, ички аудит хизматининг ишига берилган баҳога ва ички аудиторларнинг муайян ишига берилган баҳога боғлиқ бўлади.



**3-расм. Ички аудиторлар ишининг аудит мақсадларига мослигини аниқлашда ташқи аудитор томонидан баҳолаш тизими [7]**



**4-расм. Ички аудиторлар томонидан бажарилган муайян ишининг ташқи аудитор мақсадларига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаш хусусиятлари [7]**



5-расм. Ички аудитнинг функциялари [7]

### Хулоса

1. Ташки аудит одатда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисботи ишончлилигини тасдиқлаш билан шуғулланади ҳамда асосий эътиборини хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисботига моддий таъсир кўрсата оладиган операциялар ва воқеаларга қаратади. Ички аудит мавжуд назорат тизими ва рискларни бошқариш тизимини баҳолашга қаратилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектга қўйилган мақсадларга самарали эришишга тўсқинлик қиласидиган операциялар ва воқеаларга эътибор қаратади. Ташки аудит аудиторлик хизматларини кўрсатиш доирасида, фаолият самарадорлигини

баҳоламайди, зеро, бу ички аудитнинг вазифаларидан бири хисбланади.

2. Ташки аудитор ва ички аудиторлар ўртасида ахборот алмашинуви борасида ички аудиторлар ташки аудиторлар билан очик алоқа қилиш имкониятига эга бўлган ҳолда бир қанча самарали ишларни амалга оширишлари мумкин. Жумладан, ички аудитор томонидан ташки аудиторга тушунтиришлар бериш ва тегишли ички аудиторлик хужжатлари билан танишиш учун имкониятлар яратиш, ташки аудитор ички аудит хизматининг ишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай мухим масалалар тўғрисида ички аудиторларга хабар берган ҳолда аудиторлик текширувларини такомиллаштириш мумкин бўлади.

3. Самарали ички аудит хўжалик юритувчи субъектнинг ташқи аудитга оид харажатларини камайтириши мумкин (агар ташқи аудитор ички аудит ишининг натижаларига ишонч билдирса албатта, бу ташқи аудитор бажарадиган аудиторлик амаллари хажмини камайтиради), аммо бу ҳолат хўжалик юритувчи субъект учун ташқи аудитнинг зарурлигини бекор кила олмайди.

4. Ички аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик

ва бошқарув фаолиятини мустақил баҳоловчи тизим бўлиб, иқтисодий ҳаракатлар ва воқеалар ҳақидаги далилларни уларнинг белгиланган иш самарадорлиги мезонларига мослиги даражасини аниқлаш, келгуси ривожланишни прогнозлаш, тавсия ва маслаҳатлар ишлаб чиқиш мақсадида объект ҳақида маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга оид тизимли ва илмий асосланган жараёнга асосланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика; ЮНИТИ, 2017. – 240 с.
2. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. - 398 с.
3. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 1995. –560 с.
4. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2009. 110-б.
5. Богомолов А.М., Голощапов Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2019. – 174с.
6. Бычкова С.М., Итыгилова Е.Ю. Понятие «Качество» в аудите и бухгалтерском учете // Аудиторские ведомости. – Москва, 2011. – № 3.
7. К.Ахмеджанов., А.Сатторов. Аудитга кириш. Дарслик. Иқтисодиёт – 2021 йил. 315-б
8. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Монография // «Фан ва технология» нашриёти // 2016 йил, июль.
9. АХС 610-сонли “Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш” стандарти.

УЎТ 657.09.33

Имамова Насиба Музаровна,

Ташкент молия институти

электрон почта: [imomova2014@inbox.ru](mailto:imomova2014@inbox.ru)

## МИЛЛИЙ ҲИСОБ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТИЗИМИГА УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Имамова Насиба Музаровна,

Ташкентский финансовый институт

электрон почта: [imomova2014@inbox.ru](mailto:imomova2014@inbox.ru)

## ВОПРОСЫ ГАРМОНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА С МЕЖДУНАРОДНОЙ СИСТЕМОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Imamova Nasiba Muzafarovna,

Tashkent Institute of finance

e-mail: [imomova2014@inbox.ru](mailto:imomova2014@inbox.ru)

## ISSUES OF HARMONIZING THE NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM WITH THE INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING SYSTEM

**Аннотация.** Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг ҳақаро стандарти сифатида иккита эталон — Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - МХҲС (International Financial Reporting Standards - IFRS) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари - БХҮҚ (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) тан олинмоқда. Таҳлилларга кўра, жаҳонда МХҲС ҳақида хабардор бўлмаган бухгалтер деярли ўйқ. Шунингдек, дунё миқёсида кун сайнин халқаро стандартларни эътироф этиувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. У дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликда, жумладан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришида, айниқса, инвестиция муҳитини яхшилашида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур мақолада МХҲС, халқаро тажриба, дунё мамлакатларида қўлланилиши каби бир қатор жиҳатлар ёритиб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – МХҲС, ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби, инвестиция, трансформация, интерпретация

**Аннотация.** На сегодняшний день в качестве стандарта бухгалтерского учета признаны два эталона – Международные стандарты финансовой отчетности – МСФО (Международные стандарты финансовой отчетности – IFRS) и общепринятые правила бухгалтерского учета США – ВНУQ (Общепринятые принципы бухгалтерского учета – GAAP). Согласно анализам, в мире практически нет бухгалтера, не знакомого с МСФО. Также день ото дня увеличивается количество стран, признающих международные стандарты. МСФО служит важным инструментом во взаимном сотрудничестве

стран мира, в том числе в развитии экономических отношений, особенно в улучшении инвестиционного климата. В данной статье рассматривается ряд аспектов, таких как МСФО, международный опыт и его использование в странах мира.

**Ключевые слова:** Международные стандарты финансовой отчетности - МСФО, отчетность, бухгалтерский учет, инвестиции, трансформация, интерпретация

**Abstract.** Today, two benchmarks - International Financial Reporting Standards - IFRS (International Financial Reporting Standards - IFRS) and the generally accepted accounting rules of the USA - BHUQ (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) are recognized as the standard of accounting. According to the analysis, there is almost no accountant in the world who is not aware of MHXS. Also, the number of countries that recognize international standards is increasing day by day. Also, the number of countries that recognize international standards is increasing day by day. It serves as an important tool in mutual cooperation between the countries of the world, including in the development of economic relations, especially in improving the investment environment. This article covers a number of aspects such as MHSS, international experience, and its use in the countries of the world.

**Key words:** International standards of financial reporting - IFRS, reporting, accounting, investment, transformation, interpretation

### Кириш

Ўзбекистон Республикасида Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларини жорий қилишга қаратилган ва бухгалтерия саҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат йирик тадбиркорлик субъектларининг Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартларига ўтиши бўйича йўл ҳаритаси бўлиб, мамлакатимиз ҳисоб тизимини қайта кўриб чиқишни назарда тутади. Мазкур қарорда қайд этиладику, ....”акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари асосида тайёрлайди....” Молиявий Ҳисоботлар

Халқаро Стандартлари бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларини ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса мамлакат ҳусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар талаблари асосида тузилиши маълумотларнинг аниқлилиги ва ишончлилигига хизмат қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) талаблари асосида тузища стандартларда мавжуд концепциялар ва принципларни атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда молиявий ҳисоботни такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтиш ва уни жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб турибди. Бу борада бир қатор иқтисодчи олимлар ўз фикрларини баён этганлар жумладан: Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий

Ҳисбот компиляцияси натижасида МҲХС асосида молиявий ҳисбот тузишга ўтилмоқда.[6] А.З.Авлоқулов фикрича, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисботлар ташкилотни самарали бошқаришда зарур ҳисбланади. Халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиши ҳамда инвестицияларни жалб этишидир. Шунингдек халқаро стандартлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришга ҳам муҳим хисса кўшади. Бу жараёнда қулай инвестицион муҳит, компаниялар фаолияти очиқлиги, бошқарувнинг акциядорлар олдиғаги ҳисбодорлиги, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларининг жорий қилиниши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим хисса кўшади. [7] Бошқа бир иқтисодчи олим молиявий ҳисбот халқаро стандартларининг қабул қилиниши жаҳон мамлакатларида молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги ва таққосланувчанлигига бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқдир, деб таъкидлаган.[8]

### Тадқиқот методологияси

Мақола мавзуси бўйича тадқиқотлар жараённада иқтисодий жараёнларни ўрганишнинг илмий усуллари умумлаштириш, абстракт мантикий фикрлаш, гурухлаш каби усуллардан фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби “бизнес тили” деб қабул қилинган. Чунки, иқтисодий субъектлар бир-бiri билан иқтисодий алоқада бўлар эканлар улар ўз шериларнинг молиявий ҳолатини яхши билишлари шарт. Молиявий ҳолатини ўрганиш учун эса унинг молиявий хужжатларини тушуниш керак бўлади.

Ёки ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисботларни тайёрлаш зарур. Ҳар қандай соҳа ривожи қабул қилинаётган ҳуқуқий асосларга боғлиқ. Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бухгалтерия соҳасидаги ислоҳотларни янги боскичга олиб чиқувчи хужжатлардан бири бўлди. Чунки у йирик тадбиркорлик субъектларига бу борада ўзига хос йўл ҳаритаси ва мамлакатимиз ҳисоб тизимини қайта кўриб чиқиши назарда тутади. Молиявий ҳисбот халқаро стандартлари молиявий ҳисботни бутун дунё бўйлаб изчил, ошкора ва таққосланадиган бўлиши мумкин бўлган умумий қоидаларни белгилайди. МҲХСни татбиқ этиш бўйича Европа давлатларининг тажрибасини ўрганиш ва ушбу жараёндаги муаммоларга тизимли ёндашиш, мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда МҲХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш жараёнига ўтиш даврида муҳим масалалардан ҳисбланади. МҲХС 1-сонли “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта кўллаш” стандартига мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг хусусиятлари қуидагилардан иборат: аҳамиятлилик, ишончлилик, аниқлик, таққослаш, бетарафлилик, узлуксизлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, маълумотлр қиёсувчанлиги ва бошқалар. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини дунё мамлакатларида жорий этилиш ҳолатига кўра, маҳсус тартиб қоидалар орқали тўғридан-тўғри қабул қилган давлатлар Европанинг бир қатор мамлакатлари, миллий стандартларини молиявий ҳисботнинг

халқаро стандартларига уйғунлаштирган ҳолда жорий этган давлатлар АҚШ, Япония, шунингдек, халқаро биржаларда иштирок этувчи компанияларида қатый ревишида жорий қилган давлатларга Хитой, Эстония, Латвия кабиларни келтиришимиз мүмкін. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида замонавий ҳисоб тизимини юритишнинг яна бир афзаллiği хўжалик юритувчи субъектлар ички бошқарув ҳисоб тизимида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Европа мамлакатлари тажрибасидан ҳам кузатишмиз мүмкинки, молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш факатгина хўжалик юритувчи субъектлар жаҳон капитал бозоридаги истиқболини белгилаб қолмасдан, мамлакат иқтисодиётининг ривожини ҳам таъминлайди.

Шу ўринда яна бир муҳим “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиши ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳакида Қарор” [1] ни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу Қарор айниқса бу соҳадаги малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги муҳим қадамdir. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли жаҳон капитал бозорига чиқишида инвестициялар оқимининг тобора ортиб бораётгандиги қувонарли хол. Ҳусусан, сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробар ўси. Ўнлаб корхоналар ишга туширилиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари янада ошди. Янги-янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ҳозирги кунга келиб, хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони ошиб бормоқда. Бу мазкур йўналишида сўнгги беш йилда қарийб 2,7 баробар ўсиш кузатилиб, мамлакатимиз иқтисодиётида

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ортиб бораётганидан далолатdir. Бугунги глобал пандемия асоратлари давом этаётган бир шароитни инобатга олсак бу икки карра ижобий ҳолат.

Жаҳон капитал бозорига чиқиши ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ҳаётй заруриятга айланади. Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларининг тадбиркорлик субъектларида жорий қилиниши айни шу томонлама, яъни хорижий инвесторларни жалб қилиш ишлари жадаллашишида қўл келади. Қолаверса, у жуда кулаг ва шаффоф иш юритишда айни муддао. Халқаро молиявий ҳисоб тамойиллари асосида шаклланган замонавий ҳисоб тизими компаниялар фаолиятини бошқариша бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда юритиши имконини беради. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усусларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимини такомиллаштириш, ички ва ташки ахборотдан фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ҳамда компаниянинг рақобатбардошлигини оширади. Унга мувофиқ ҳисоботларни тақдим этиш халқаро капитал бозорида ягона молиявий ахборот алмашиш муҳитини яратади.

Япония ҳисоб тизимини кўриб чиқсан, Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ҳисоботни тайёрлаш ва топширишга рухсат берилган аммо маҳаллий компаниялардан талаб қилинмайди. Японияда бухгалтерия ҳисоби стандартларининг тўртта тўплами мавжуд. Улар Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, IFRS, Япониянинг Умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (J-GAAP), Япониянинг ўзгартирилган (модификация) қилинган

халқаро стандартлари (JMIS), Америкада Умумэтироф этилган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари (US GAAP). Япония ҳисоб тизимида корхоналар томонидан энг күп Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, IFRS, Япониянинг Умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (J-GAAP) кўлланилади. Асосан ўрта ва кичик корхоналар ҳисоб тизимини олиб боришда Япониянинг Умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (J-GAAP) асосида олиб боради. Йирик компаниялар асосан Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, IFRS асосида юритадилар. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари ўз ичига ҳисоб стандартлари, шарҳлаш бўйича кўрсатмалар, талқин қилиш бўйича кўрсатмалар, амалий кўрсатмалар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бироқ J-GAAP тизими билан солиширганда истисно ҳолатлар ҳам бор. J-GAAP дан фарқли равишида IFRS операцион бўлмаган даромадларни “бошқа операцион даромадлар” ва “бошқа операцион харажатлар” сифатида ўз ичига олади. Корхоналар фаолиятида агар чет элда шўъба корхоналари мавжуд компаниялар бўлса, улар IFRSга мурожаат қиласидилар. Агарда янги рўйхатдан ўтган корхона белгиланган уставда ёки ундан ортиқ маблағ мавжуд бўлса, ҳисоботларни тўғридан-тўғри молиявий ҳисобот халқаро стандарти бўйича амалга оширадилар. Аммо Компаниялар тўғрисидаги Конунда белгиланганидек, J-GAAP тизими бўйича ҳисоботларни ошкор қилиш талаби мавжуд. Шу сабабли Япония компаниялари иккала тизим бўйича ҳисоботларни тайёрлайди. Бугунги кунда IFRS тизимида ҳисоботларни тайёрловчи компаниялар сони ортиб бормоқда.

Инвесторлар бутун дунё бўйлаб диверсификация ва инвестиция имкониятларини излайдилар компанияларга капитал жалб қиласидилар. Шу билан бирга битимлар тузадилар ёки бир

нечта мамлакатларда халқаро операциялар ўтказадилар ва шўъба корхоналарига эга бўлишади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари айнан мана шу жараёнларда компаниялар ҳамда инвесторлар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун ва харажатларнинг ортиш хавфини камайтиришга асосий ричаг бўлади. Бутун дунё бўйлаб молиявий бозорларга шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни олиб келадиган юқори сифатли, халқаро миқёсда тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тўпламининг ишлаб чиқилиши инвестор ҳамда компаниялар учун бир қатор муаммомларни ҳал этмоқда. Маълумки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисоби стандартлари молиявий маълумотларининг халқаро таққосланувчанлиги ва сифатини ошириш орқали шаффофликни таъминлайди. Инвесторлар ва бошқа бозор иштирокчиларига асосланган иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконини беради. 1978 йилда Хитой иқтисодиётида ислоҳотларнинг бошланиши аникса капитал бозори пайдо бўлгандан сўнг вазият ўзгарди. Хитой бухгалтерия ҳисоб тизимининг эволюцияси халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан уйғунлашув жараёни эди. Бухгалтерия ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш дастлаб 1980 йиллардан бошлаб хорижий мулкка эга бўлган фирмаларнинг талабига қаратилди. Бухгалтерия ҳисоби стандартларининг биринчи тўплами халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари доирасида ишлаб чиқилган. 1990 йилларга келиб бухгалтерия ҳисоби тизими иқтисодиёт ва капитал бозорининг ўсиб бораётган ривожланиши натижасида янада ривожланди. 2005 йил 8 ноябрда Хитой Молия Вазирлиги ва Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари кенгаши (IASB) меморандум

имзоладилар. [2] Мазкур меморандумга мувофиқ Хитойнинг бухгалтерия ҳисоби стандартлари Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IFRS) сезиларли даражада яқинлашди ёки бирлашди ва бу Хитойнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Бугунги кунда 144 та давлатда молиявий ҳисобот халқаро стандартлари тан олинди (IFRS). [3] Молиявий ҳисобот халқаро стандарти молиявий ҳисоботларни 4 асосий тамойилдан фойдаланган ҳолда тайёрлашни талаб қиласди: аниқлик, долзарблиқ, ишончлилик ва таққосланувчанлик. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари энг муҳим афзалликларидан яна бири ҳисоботлар уйғунлаштирилганлиги сабабли ҳам инвесторлар уларни тушуниш учун уларни қайта ишлаш ва тузатиш учун вақт сарфи ва харажат қилмайдилар. МХҲС асосида тузилган ҳисоботлар инвесторлар учун харажатни камайтиради. Шунингдек, маълумотларнинг шаффофлиги ва тушунарлилиги туфайли акцияларни танловида ҳам хатога камдан-кам йўл қўядилар. Бир томондан акциялар нархининг ошиши иккинчи томондан компанияларнинг янга инвестицияларини янада жозибадорлигини оширади. Зарарни дарҳол тан олиниши, молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий хусусиятларидан биридир. Чунки у нафақат инвесторлар балки кредитор ва компаниянинг бошқа манбаатдор томонлари учун ҳам фойда келтиради. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида маълумотларнинг ошкоралиги ҳамда йўқотишларни тан олиши, одатда компаниялар ва уларнинг бошқарувни ўртасидаги шартномалар самарадорлигини оширади, бу эса корпоратив бошқарувни яхшилайди. Сўнгти йилларда молиявий ҳисобот халқаро стандарти IFRS кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳисоб тизимидаги

асосий мезонига айланди. Эфиопияда 847/2014-сонли молиявий ҳисобот баёнотида таъкидланганидек, амалга ошириш беш йил ичida тўлиқ бажарилиши керак. Шунингдек 5 йиллик стратегик режаларни ўз ичига олган йўл харитаси ишлаб чиқилган. Молиявий ҳисоботларни амалга оширувчи барча субъектларда жорий этилиши белгиланган. [4] Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига амал қилувчи мамлакатлар сонининг ошиб бориши стандартларни қўллашнинг афзалликлари ва кийинчиликларини ўрганиш мақсадида кўплаб тадқиқотлар олиб боришини талаб этади. Малайзия ҳисоб тизими ҳам ўзига хос бўлиб фаолият юритувчи корхоналар Малайзия бухгалтерия ҳисоби стандартлар кенгаши (MASB) томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрлайдилар. Малайзия Фонд биржасида рўйхага олинган хорижий компаниилар молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисобот халқаро стандартлари каби халқаро эътироф этилган бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрлайдилар. Малайзия бухгалтерия ҳисоби стандартлар кенгаши томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби стандартларининг қуйида тўпламни ўз ичига олади.

– хусусий корхоналардан (ташкилотлар)дан ташқари, бошқа барча ташкилотлар учун Малайзия молиявий ҳисобот стандартлари

– Малайзия хусусий ташкилотлар учун молиявий ҳисобот стандартлари

2012 йил 1 январдан Малайзия бухгалтерия ҳисоби стандартлар кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига тўла мос келадиган Малайзия молиявий ҳисобот стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар ичida қайта қўриб чиқилган ва янгидан қўриб чиқилган ҳамда молиявий инструментлар, консолидация,

хаққоний қийматни ўлчаш, ходимларнинг фойдалари, кўшма келишувлар каби бир қатор янги стандартларни ҳам ўз ичига олади. МДХ давлатлари ичida биринчилардан бўлиб Қозоғистон молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлари тизимини 1996 йилда ишлаб чиқди. 2002 йилда 2006 йилга қадар хўжалик юритувчи субъектлар тўлиқ ўтказилиши таъкидланди. Олиб борилган изланишларда ва тадқикотларда мамлакатлар тажрибасида турли ёндошув тажриба ва қарашлар мавжуд. МХХС жорий этиш масаласида бир қатор иқтисодиёти ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ва улар эришган ютуқларни назарий, услугбий ва амалий жиҳатларини ва устуворликларни ўрганишни тақозо этади. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) - бу молиявий ҳисботда қандайдир операциялар турлари ва бошқа ҳодисалар акс эттирилиши кераклигини кўрсатадиган бухгалтерия ҳисбининг халқаро стандартлари тўпламидири. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари - ташки фойдаланувчиларга компания тўғрисида иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарур бўлган молиявий ҳисботларни тайёрлаш қоидаларини тартибга солувчи хужжатлар тўплами. [5] МХХСларни кўллаш зарурияти куйидаги омиллар билан белгиланади:

- турли мамлакатлarda инвесторлар ва акционерлар потенциал компанияларнинг бир хил тамойиллар, яъни тақосланувчанлик асосида тайёрланган молиявий ҳисботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар;
- турли мамлакатлarda турли фонд биржаларига уларнинг ҳар бирига ўша мамлакатнинг стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисботдан кўра

ҳаммаси учун ягона тан олинадиган битта молиявий ҳисботни тузиш мақсадга мувофиқдир. Натижада ҳисботни тузиш харажатлари қисқаради ва капитални жалб қилиш имкониятлари кенгаяди.[9]

### 1-жадвал

#### Дунё мамлакатларида молиявий ҳисбот халқаро стандартларининг кўлланилиши

Мамлакатлар	Молиявий ҳисбот халқаро стандартларининг кўлланилиш даражаси
Хитой	Молиявий ҳисбот халқаро стандартларига мос келадиган миллий стандартлар ишлаб чиқилган
Малайзия	2012 йил 1 январдан Малайзия бухгалтерия ҳисоби стандартлар кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига тўла мос келадиган Малайзия молиявий ҳисбот стандартлари ишлаб чиқилди
Россия	2012 йилдан бошлаб листинг компаниялар, банклар, суғурта ташкилотлари ва консолидацияланган ҳисбот топширувчи корхоналар учун мажбурий
Япония	2010 йилдан бошлаб молиявий ҳисбот халқаро стандартлари асосида ҳисботларни тайёрлаш айрим компанияларга руҳсат этилган.
Канада	2011 йилдан бошлаб листинг компаниялар учун мажбурий шу жумладан, хусусий секторларга ҳам руҳсат этилади

Озарбайжан	Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари листинг компаниялар ва молиявий институтлар учун талаб этилади.
Германия	Қимматли қоғозлари тартибга солинадиган бозорда сотиладиган барча махаллий компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботларида Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган молиявий ҳисобот халқаро стандартларидан фойдаланишлари шарт.
Қозогистон	Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари барча листинг компаниялар, молиявий институтлар ҳамда йирик акциядорлик компаниялари учун кўлланилади

Бугунги кунда 167 та малакатда молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кўлланилмоқда. Айрим мамлакатлар тўлиқ айримлари қисман тан олган. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий вазифаси жаҳон итисодиётида ўсиш ҳамда узоқ муддатли молиявий барқарорликни мустаҳкамлашдир. Шунингдек асосий мақсад жаҳон молия бозорида шаффоффлик, жавобгарлик ва самарадорликни сақлашдир. Д.В.Чайковский таъкидлашича, миллий ҳисоб, таҳлил тизимининг ривожланиш тенденциялари бутун дунё интеграция жараёнларига эътиборини қаратиб, интеграциялашув жараёнида халқаро бизнесни амалга оширишда ҳисоб тизимиға қуидаги омиллар таъсир этади. [10]

– иқтисодий ривожланишнинг миллий жараёни, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви (хусусан молиявий натижалар аудиторлик текшируви хulosасидан

манфаатдор бўлган молиявий ҳисобот фойдаланувчилари инвесторларнинг роли ортиб бориши)

– молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик текшируви қўймати ва сифатини ошириш (ишончли ва сифатли ҳисоботларни амалга оширилишини йўлга қўйиш)

– иқтисодиётнинг глобаллашуви, дунёнинг кўплаб мамлакатлар билан трансмилий компанияларни яратилиши

MXXСни татбиқ этиш бўйича Европа давлатларининг тажрибасини ўрганиши ва ушбу жараёндаги муаммоларга тизимли ёндашиш, мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда MXXСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тузиши жараённига ўтиш даврида муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйиладиган асосий вазифалар сифатида қуидаги йўналишларни белгилаб олдик:

– молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларига авваломбор инвесторларга шаффофф маълумот берадиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш;

– хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб тизимини юритишида халқаро ҳисоб тизимининг асосий тенденциялари билан боғлиқлигини таъминлаш;

– халқаро бухгалтерия ҳисоби моделларини самарали жиҳатларини кўллаган ҳолда услубий тартибларини ишлаб чиқиш.

Моливий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тузиши жараёнларининг бир қанча босқичлари бўлиб биз уларни қуидаги гурухларга ажратиб чиқдик. (1-расм)



## 2-расм. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосыда ҳисоботларни түзиш усуллари

Юқорида күриб турғанимиздек, ҳар битта жараён үзига хос хусусиятта эга. Шу ўринда трансформация жараённега тұхталсак. Изданишларимиз давомида мутахассислар томонидан көлтирилген бир қанча таърифларни ўргандик. Жумладан, А.Б. Багопольскийнинг фикрича трансформация бу шундай жараёнки, ҳисоботларни түзиш санағига амалға оширады да үз ичига миллий ҳисоб тизимиға мувофиқ тузилған молиявий ҳисобот күрсаткичларини халқаро стандарт элементлари тан олиш, үлчаш да ошкор қилиш тамойиллари асосыда тұғрилашлар киритишдір.[11]

М.Н. Смагина, Ю.В. Топильскаялар трансформация бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта гурухлаштириш ва Россия ҳисоб қоидаларига мувофиқ тайёрланған ҳисоб маълумотларини тузатиш йўли билан молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш жараёни [12] дея таъриф келтирадилар.

Фикримизча, молиявий ҳисобот трансформацияси миллий ҳисоб тизими қоидаларига кўра тузилған ҳисобот ахборотларини ҳисобот моддаларига тұғрилашлар киритиш йўли билан МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни түзиш жараёнидир.

Трансформация жараёнларига чуқурроқ тұхталадиган бўлсак, трансформация жараёнларини тайёргарлик босқицида унинг мақсадини аниқлаш керак, чунки бу жараёнга таъсир этади. Корхона трансформацияни амалға оширишида консолидациялашган ҳисобот бўлса, унда ягоналашган ҳисоб сиёсати қўллинилши керак. Ушбу жараёнда иккита вариантдан фойдаланиш мумкин. Асосий ва шўъба корхоналар учун ягона ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади. Шунга асосан ҳисоб көртиладилар ва ҳисоботларини тузадилар. Иккинчи вариантда ҳар бир корхонанинг ҳисоботи айнан үз ҳисоб сиёсатларига мувофиқ тузилади да шу асосыда ҳисоб олиб борилади. Консолидацияланған молиявий ҳисоботни түзиш учун қўшимча тузатишлар киритилади.

## Хулоса

Жаҳон иқтисодиёти шиддат билан ўсиб бораётган бир даврда хўжалик көртиувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ундан фойдаланувчиларга ишончли ва шаффоғ бўлиши бугунги кун талабидир. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, молиявий ҳисоботларнинг шаклланиш тартиби ва таркиби, қизиқувчи фойдаланувчиларнинг талаблари кўпроқ таъсир кўрсатади. Субъектнинг молиявий ҳолатини ўрганиш учун эса унинг молиявий ҳужжатларини тушуниш керак бўлади. Ёки ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосыда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарур. Бир сўз билан айтганда, молиявий ҳисобот шаффоғ ва аниқ ҳамда энг асосийси ишончли бўлиши лозим. Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари ҳар доим ҳам республикамиз ҳисоб

ва ҳисбот тизимида ислоҳотларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида қараб келинган. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усулларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимини такомиллаштириш, ички ва ташки ахборотдан фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар МҲҲСларига мувофиқ молиявий ҳисботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар. Молиявий ҳисботларни юритилишининг афзалиги ҳам шундаки, хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти натижаларини шунингдек, унинг жорий даврдаги молиявий ҳолатини ва ҳисбот давридаги ўзгаришини номоён этади. Корхоналар молиявий ҳисботларини таҳлил қилишда янгича ёндошувлар вужудга келмоқда. Айниска бу жараёнда молиявий ҳисбот халқаро стандартлари билан боғлиқ янгича қарашларда икки йўналиш ҳисботларнинг шарҳлаш жараёни ҳамда молиявий ҳисботларнинг ҳисб таҳлили эътироф этилмоқда. Молиявий ҳисботларни шарҳлаш талқин қилиш уларнинг иқтисодий таҳлил моҳиятини

тушунишга ҳамда иқтисодий ва бошқарув қорларини қабул қилишда ёрдам беради. Молиявий ҳисботларни шарҳлаш (интерпретация) корхонанинг иқтисодий бизнес стратегияси ҳисб сиёсти молиявий ҳисботларни бошқариш усул ва услубларини молиявий ҳисбот ахборотларини очиб бериш сифати каби бир қатор хўжалик юритувчи субъектнинг ўзиг хос жиҳатларини очиб беради. Хулоса сифатида таъхидлаш лозимки, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини тадқиқ этиш мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари учун халқаро капитал бозорларига қўшилиш имкониятини очадиган муҳим қадамлардан бири бўлади. Иккинчидан, ушбу стандартлар талаблари асосида тайёрланган ҳисботлар халқаро иқтисодий тилда ҳисботларни тайёрланш имконини берса, учинчидан, тайёрланган ҳисбот халқаро капитал бозорлари талабларига жавоб бериши ва маълумотлар фойдалилиги билан фарқ қиласи. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ундан ахборот фойдаланувчилар талабларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, иқтисодий қарорларни қабул қилишда ҳам асосий мезон ҳисбландади. Тўртинчидан, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисботларни тузиш ва тайёрлаш узок йиллик бозор иқтисодиёти шароитлари тажрибаларидан келиб чиқиб вақт ва ресурсларни тежашда кўл келади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. "Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтнинчалик низомни" тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2021 йил 26 январь, 38-сон [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Tianyu Zhang The Accounting System in China From the book The Handbook of China's Financial System Published by Princeton University Press 2020 <https://www.degruyter.com/document/doi/10.1515/9780691205847-015/pdf>

3. Zehra G Kavame Eroglu. Global Adoption of IFRS as an Example of International Financial Law Making 06 Jan 2022 <https://www.law.ox.ac.uk/business-law-blog/blog/2022/01/global-adoption-ifrs-example-international-financial-law-making>
4. Kefiyalew Belachew Meyad Diriba Abidi, Practical Implementation Challenges of International Financial Reporting Standards Adoption in Ethiopia Accounting Auditing & Accountability Journal · October 56(10):58-79
5. Хотамов К.Р., Ризаев Н.К. Моливий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда япония тажрибаси Молия ва банк иши электрон илмий журнали і сон. январь - февраль, 2020 109 120 бетлар
6. Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. -56 б.;
7. Авлоуколов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил
8. Auwalu Musa. The Role of IFRS on Financial Reporting Quality and Global Convergence: A Conceptual Review. //International Business and Accounting Research Journal Volume 3, Issue 1, January 2019, 67-76
9. Ташибазаров С.Н., Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти иқтисод ва молия / экономика и финансы 2016, 7 49 55 б
10. Шешукова Т. Г., Рыбалко О. А. Развитие учета и внутреннего контроля внешнеторговой деятельности предприятия в условиях конвергенции Российских стандартов к МСФО Монография Пермь 2014г 52 стр
11. Багопольский А.Б. Практика трансформации отчетности в формат МСФО. Корпоративная финансовая отчётность. международные стандарты. Журнал и практические разработки по мсфо и управленческому учету. <https://finotchet.ru/print/articles/491/>
12. Смагина М.Н., Топильская Ю.В. Трансформация финансовой отчетности в МСФО: Этапы, способы составления и проблемы. Социально-экономические явления и процессы. Т. 12, № 3, 2017. стр 154

УО‘Т 336.11.06

Ahrorov Zarif Oripovich,  
PhD, dotsent v.b., Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,  
Samarqand, O‘zbekiston, e-mail: [z.akhroroff@gmail.com](mailto:z.akhroroff@gmail.com)

## BANKLAR FAOLIYATIDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING TA’SIRI

Ахроров Зариф Орипович,  
PhD, и.о. доцент, Самаркандинский институт экономики и сервиса,  
Самарканд, Узбекистан, e-mail: [z.akhroroff@gmail.com](mailto:z.akhroroff@gmail.com)

## ВЛИЯНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКОВ

Ahrorov Zarif Oripovich,  
PhD, Acting Associate Professor, Samarkand Institute of Economics and Service,  
Samarkand, Uzbekistan, e-mail: [z.akhroroff@gmail.com](mailto:z.akhroroff@gmail.com)

## IMPACT OF THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF BANKS

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada asosiy e’tibor moliyaviy xizmatlar va texnologiya sohalari chorrahasida o’sib borayotgan segment bo‘lgan FinTechga qaratilgan bo‘lib, unda texnologik startaplar va yangi ishtirokchilar moliyaviy xizmatlar sanoati tomonidan an’anaviy ravishda taklif qilinadigan mahsulot va xizmatlarga innovatsion yondashuvni qo‘llashning innovatsion usullarini qo‘llash holatlari ko‘rib chiqilgan.

**Tayanch so‘zlar:** Fintech, Big Data, raqamli texnologiya, innovatsiya, risklarni boshqarish, sun’iy intellekt.

**Аннотация.** Эта статья посвящена финтеху, растищему сегменту на стыке индустрии финансовых услуг и технологий, где технологические стартапы и новые участники используют инновационный подход к продуктам и услугам, традиционно предлагаемым индустрией финансовых услуг.

**Ключевые слова:** Финтех, Big Data, робототехника, инновации, управление рисками, искусственный интеллект.

**Annotation.** This article focuses on fintech, a growing segment at the intersection of the financial services industry and technology, where technology startups and new entrants are taking an innovative approach to products and services traditionally offered by the financial services industry.

**Keywords:** Fintech, Big Data, robotics, innovation, risk management, artificial intelligence.

## Kirish

Bugun biz global raqamli iqtisodiyotda tijorat banklarining innovatsion faoliyati ijobjiy o‘zgarib borayotganligiga guvoh bo‘lmoqdamiz. Zamon shuni taqozo etmoqdaki, banklarning raqobatbardoshligini saqlab qolish uchun uning ichki tashkiliy innovatsion jarayonlarini modernizatsiya qilish hozirgi kunda banklarda dolzarb masalaga aylangan. Shundan kelib chiqib, hozirgi vaqtida bank biznesidagi muvaffaqiyatning asosiy omillaridan biri – bu doimiy innovatsiya siyosatidir.

Kelajakda ilg‘or bank texnologiyalarini rivojlanтирish va bu orqali bank mahsulotlari va xizmatlari sifatini oshirish bank muassasalari uchun faoliyatning asosiy ustuvor yo‘nalishiga aylanishi mumkin. Shunga ko‘ra, har bir kredit tashkilotining rivojlanishi uchun zamonaviy iqtisodiy voqelikni hisobga olgan holda butun bank sohasini rivojlanтирish bo‘yicha mutanosib va puxta o‘ylangan siyosat yuritilishi lozim. Mavjud innovatsion yondashuv bank loyihalari va xizmatlari portfelini kengaytirish, shuningdek, tijorat banklari tomonidan mijozlarga xizmat ko‘rsatishni yaxshilashning eng muhim shartlaridan biri bo‘lib, aksariyat hollarda bank faoliyatining samaradorligi va rivojlanish istiqbollarini belgilab beradi.

### Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Moliyaviy soha rivojlanishining yangi bosqichi muqarrar ravishda raqamli transformatsiyaga olib kelgan holda bank mahsulotlari, xizmatlari, marketing va sotish, mijozlarga xizmat ko‘rsatish va operatsion jarayonlar raqamli muhitga o‘tadi [1].

L.Koxning fikriga ko‘ra, “... bank innovatsiyalari – bevosita foydalanuvchilar uchun ishlab chiqilgan va mijozlarning o‘zlari tomonidan qo‘llaniladigan, avvalgi texnologik innovatsiyalarga

nisbatan takomillashtirilgan, bank jarayonining bir qismi bo‘lgan zamonaviy infokommunikatsiya texnologiyalariga o‘tkazilgan innovatsiyalardir” [2].

O.Melikov tomonidan bank sohasida zamonaviy raqamli axborot texnologiyalari va ularning dasturiy ta’mnotlaridan foydalanish nafaqat bank xizmatlari bozorida raqobat ustunligini beradi, balki ma’muriy xarajatlarni kamaytirish, mehnat unumdordigini oshirish, ortiqcha vaqt sarfini kamaytirish kabi ijobjiy ta’sirlari ham mavjudligi qayd etib o‘tilgan [3].

A.Xodjimamedov esa “bank innovatsiyalari” tushunchasining mohiyatini moliyaviy texnologiyalarni joriy etish va zamonaviy bank mahsulotlarini yaratish sharoitida bank faoliyatini tashkil etishning tashkiliy-institutsional shakllarini o‘zgartiruvchi innovatsion jarayon sifatida izohlaydi [4].

Umuman olganda, raqobatbardosh bozor iqtisodiyotini joriy etish va moliya sohasida yangi texnologiyalardan faol foydalanish doirasida tijorat banklarining biznes jarayonlari tubdan o‘zgarib bormoqda. Hozirgi vaqtida fintech kompaniyalari va banklar o‘z faoliyatlarida turli fan-teknika yutuqlarini qo‘llashga harakat qilmoqdalar.

### Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu ishda analitik taqqoslash, mantiqiy va qiyoslama tahlil kabi an’anaviy usullardan foydalaniladi. Xorijiy va mahalliy olimlar, tadqiqotchilarning soliq munosabatlariiga oid ilmiy-amalii qarashlari tahlil qilinib, natijalar asosida xulosalar shakllantirildi. Yuqorida keltirilgan usullardan foydalangan holda tahlillarni olib borish, yaqin kelajakda yurtimizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklari tomonidan raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlarini oshirib, bank xizmatlari bozorida ijobjiy o‘zgarishlarga olib keladi.

### Natija va muhokama

Bugungi kunda yangi texnologiyalar bank sohasiga bevosita kuchli ta'sir ko'rsatmoqda. Axborot texnologiyalari va sun'iy intellekt, katta ma'lumotlar va geolokatsiya xizmatlari, shaxsiylashtirilgan xizmatlar va takliflar – bularning barchasi zamonaviy banklar faoliyatida keng qo'llanilib kelinmoqda. Kelajakda robotlar ish o'rinalarini egallashi va yaqin kelajakda esa barcha standart operatsiyalar avtonom rejimda amalga oshirilishi kutilmoxda. Hozirgi vaqtida mamlakatimiz bank tizimi yangi texnologiyalardan foydalanish bosqichida muayyan qiyinchiliklarni boshdan kechirmoqda. Aksariyat moliya institutlari IT-texnologiyalari uchun xarajatlarni taqsimlashda va yirik infratuzilma loyihibarini moliyalashtirishda ma'lum bir ma'noda hadiksirash bilan bir qatorda, infratuzilmani optimallashtirish uchun moliyaviy resurslarni sarmoya qilishga ham tayyor. Bank mahsulotlari va xizmatlarini taqdim etishning samarali texnologik platformasini yaratishda har bir bank quyidagi maqsadlarga erishilganligini o'zi aniqlashi kerak:

- ma'lumotlar va algoritmlarga asoslangan platformani ishlab chiqish;
- innovatsion infratuzilmani takomillashtirish;
- ma'lumotlar va tizimlarning xavfsizligini ta'minlash;
- ishonchliligi va samaradorligini ta'minlash [5].

Bugungi kunda mamlakatimizda bank sektorining raqamli xizmatlar bozorida yuqori darajadagi raqobat jarayoni kechmoqda. Ushbu raqobat ortidan banklar xizmat ko'rsatish sifatini oshirib, taklif etilayotgan xizmatlar ro'yxatini kengaytirmoqda. Tadqiqotlarga ko'ra, tijorat banklarining aksariyat mijozlari bugungi kunda Internet tarmog'idan foydalangan holda mobil banking yoki onlayn bank platformalaridan foydalanmoqdalar. Mobil bankning har bir

mijozning bank mahsulotlaridan masofadan turib foydalanishi uchun kanal sifatida rivojlanishi, o'z navbatida, har bir tijorat bankining raqobatbardoshligini oshirishga, umuman olganda esa butun bank sektorini rivojlantirishga o'z hissasini qo'shamoqda. Bank sektorida katta ma'lumotlarni tahlil qilish, texnologiyalarni robotlashtirish, mashinani o'rganish, ijodiy va maqsadli taklif yaratish, raqamlashtirish va barcha biznes jarayonlar tezligini oshirish hamda bulutli texnologiyalardan foydalanish raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda asosiy poydevor bo'lib xizmat qiladi [6].

Raqamli iqtisodiyot sharoitida, yangi texnologiyalar yordamida banklar ortib borayotgan ehtiyojlarni hisobga olgan holda yangi mijozlarni jalb qilish hamda mayjud mijozlarning sodiqligini oshirishga yordam beradigan yangi innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqishi va yaratishi lozim. Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi butun jamiyatdagi o'zgarishlarning harakatlantiruvchi omildir. Banklar o'z o'rnila qolishi uchun ular raqobatbardosh bo'lishi va bozorning boshqa ishtirokchilaridan bir qadam oldinda turishi, doimiy ravishda yangi g'oyalarni ishlab chiqishi va eng samarali natijalarga erishish uchun rivojlanish imkoniyatlarini amalga oshirishi kerak [7]. Trendlar va mijozlar ehtiyojlarini doimiy ravishda o'rganish tijorat imkoniyatlariga ega bo'lgan zamonaviy g'oyalar paydo bo'lishining asosiy omillaridan biri bo'lib hisoblanadi. Shu bilan birga, innovatsion mahsulotni amaliyatga joriy etish tezligi va eng muhim, sifatli mahsulot bugungi kunda bank rivojlanishining eng muhim omildir. Bank yangi texnologiyani o'z mijozlari yoki foydalanuvchilariga qanchalik tez moslashtira olsa, tijorat bankida shunchalik ko'p foyda olish imkoniyati paydo bo'ladi.

Dunyoning yetakchi mamlakatlari bank sektorini tahlil qilish orqali, jahon

bank sektorida quyidagi rivojlanish tendensiyalariga guvoh bo'lishimiz mumkin:

**1. Fintech kompaniyalarining rivojlanishi.** Innovatsion texnologiyalarni joriy etish faoliyatida FinTech kompaniyalarini raqobatni rivojlantirish uchun asosiy harakatlantiruvchi omil hisoblanadi.

**2. Robotlashtirish texnologiyalari.** Texnologiyalarni robotlashtirish katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash, ularni tahlil qilish va prognozlash uchun ma'sul bo'lib hisoblanadi.

**3. Gamifikatsiya.** Gamifikatsiya bank xizmatlarini ijodiy vizuallashtirish uchun mo'ljallangan bo'lib, yangi mahsulotlarning yanada muvaffaqiyatlari va ishonchli bo'lishi uchun xizmat qiladi.

**4. Biometrik texnologiyalar.** Katta ma'lumotlar hajmini (Big Data) tahlil qilish texnologiyasidan foydalanish uchun mo'ljallangan bo'lib, bu orqali mijozning kredit qobiliyatini baholash va prognozini yaratish, skoring va anderrayting uchun xizmat qiladi. Ushbu texnologiya yordamida mijozning xohish-istaklari tahlil qilinadi va mijozning bank mahsuloti yoki xizmatlariga bo'lgan shaxsiy taklifi inobatga olinadi.

**5. Sun'iy intellekt.** Sun'iy intellekt asosan quyidagi uchta rivojlanish yo'nalishlariga ega:

- algoritmlar va sun'iy intellekt – asosiy sun'iy intellekt yoki algoritmik idrok, inson tafakkurida, qaror qabul qilishda yoki muayyan vazifalarni bajarishda har qanday elementni almashtiradi;

- nevron tarmoglari yoki algoritmlari juda aniq funksiyalar uchun insonga teng qarorlar qabul qilishi va benchmarklar asosida odamlardan ustun turishi mumkin. Bu razvedka yangi vazifalarni o'rganishi yoki asl dasturidan tashqari yangi ma'lumotlarni qayta ishlashi uchun mashinani o'rganish yoki kognitiv qobiliyatlarga ega ekanligini istisno qilmaydi. Aslida, ko'plab sun'iy intellekt allaqachon bu qobiliyatga ega.

Misol uchun: yuqori sifatli savdo algoritmlari (HFT), yuzni aniqlash dasturi, tasvirni aniqlashdan foydalangan holda sug'urta xavfini baholash dasturlari va kredit xavfini baholash algoritmlari;

- umumi sun'iy intellekt – bu inson kabi reaksiyaga kirishadigan, insonning qaror qabul qilishiga taqlid qila oladigan mashina intellekti va o'rganishning insonga teng tizimidir. Shuningdek, u hissiyotlar, ovoz ohangi, yuz ifodalari va hozirda tirik aql taqdim eta oladigan holatlar kabi mantiqiy bo'limgan yoki axborot signallarini qayta ishlaydigan algoritmdir. Aslini olganda, bunday algoritm inson bajara oladigan har qanday intellektual vazifani muvaffaqiyatli bajara oladi. Kuchli sun'iy intellekt (giperintellekt) – bu mashina intellekti yoki kuchli mashina intellektlari yig'indisi bo'lib, ular individual yoki jamoaviy asosda inson aql-zakovatidan yuqori bo'lib, ular bir vaqtning o'zida inson o'ylab ko'ra olmaydigan tushunchalarni tushunishi va qayta ishlashi mumkin [8]. Biroq, shuni ta'kidlab o'tish kerakki, yuqorida qayd etib o'tilgan algoritmlar bugungi kunda mantiqiy fiqrlash qobiliyatiga ega emas.

**6. Big Data texnologiyalaridan foydalanish.** Zamonaviy sharoitda mijozlar ma'lumotlarini markazlashtirish, ularning yuqori xavfsizligi va foydalanish qulayligini, bank xarajatlarini sezilarli tejashni ta'minlovchi va mijozlarga xizmat ko'rsatish nuqtayi nazaridan 24/7 tamoyili bo'yicha filiallar ishini tashkil etishga imkon beruvchi muhim afzalliklarga ega bo'lgan markazlashtirilgan Data-markazlar yoki ma'lumotlarni qayta ishlash markazlari yaratilmoqda. Big Data vositalarini joriy etish prinsipial jihatdan yangi bosqich bo'lib, mijoz ma'lumotlari va mijozlar buyurtmalarini qayta ishlash nuqtayi nazaridan bu davr XXI asrning birinchi o'n yilligida boshlandi. Ishlab chiqilgan tuzilmali Big Data texnologiyalari hajmi

va mazmuni bo'yicha tizimlashtirilmagan ma'lumotlar bazalarini turli manbalardan joriy yangilanishi sharti bilan parallel ravishda qayta ishslash imkoniyatini ochdi.

Raqamlashtirish sharoitida masofaviy bank texnologiyalarining o'zaro uyg'unligi bank mijozlari to'g'risidagi ma'lumotlarni qayta ishslash maqsadida Big Data vositalaridan foydalanishni o'z ichiga oladi, bu esa bank faoliyatni samaradorligining o'sishiga hissa qo'shami va talab yuqori bo'lgan innovatsion mahsulotlarni shakllantirish va ularning mahsulot qatorini kengaytirish imkonini beradi. Big Data texnologiyasi mijoz ma'lumotlarini bir necha soniya ichida qayta ishslash imkonini beradi [9].

**7. Innovatsiyalarni joriy etishda, risklarni boshqarish menejmenti hissasini oshirish.** Bank sohasida innovatsion texnologiyalardan foydalanish ortib borayotganini hisobga olib, innovatsiyalar va risklarni boshqarishning roli ortib bormoqda. Bu tendensiyalar bevosita iqtisodiyotni raqamlashtirish bilan bog'liq bo'lib, moliya sektorida, aniqrog'i bank xizmatlari bozorida raqobatning kuchayishiga olib keladi. Shunday qilib, hozirgi bosqichda mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklari uchun eng muhim vosita innovatsion texnologiyalarni rivojlantirish, shuningdek, jahon tendensiyalariga (FinTech texnologiyalari, robototexnika, Big Data texnologiyalarining keng tarqalishi, risklarni boshqarish) muvofiq tarzda rivojlanish hamda raqamli iqtisodiyot evolutsiyasini hisobga olgan holda biznes jarayonlarini o'zgartirishga yo'naltirilgan strategiyani yaratish hisoblanadi.

Bugungi kunda har bir mijoz va xizmatlar iste'molchisi jismoni shaxslar o'rtasida pul mablag'larini tez va oson o'tkazish imkoniyati yurtimizda faoliyat yuritayotgan barcha bank mobil ilovalari orqali taqdim etilmoqda. Bunga esa texnologiyalarni raqamlashtirishni rivojlantirish va elektron tijorat sohasida

doimiy taraqqiyot strategiyasini amalga oshirish bilangina erishildi. Umumiy qabul qilingan jahon konsepsiyasida tezkor to'lovlar deganda – chakana mijozlar uchun naqd pulsiz to'lov vositalaridan foydalangan holda xizmat ko'rsatish sifatida tan olinadi. Mijoz foydalanadigan to'lov vositasidan (to'g'ridan to'g'ri debet, hisobdan o'tkazish) qat'i nazar, uning ishtirokchilari uchun pul o'tkazmasini tezkor tasdiqlashni ta'minlaydigan 24/7/365 xizmatining mavjudligi juda muhim omil ekanligini ta'kidlab o'tish lozim. Bugungi kunda tijorat banklari Fintech kompaniyalari bilan birgalikda tezkor to'lov tizimini joriy etish bo'yicha quyidagi vazifalarni amalga oshirishlari maqsadga muvofiq deb hisoblanadi:

- to'lov xizmatlari tizimini rivojlantirish;
- bir bankdan ikkinchi bankka pul o'tkazmalari o'tkazishdagi to'siqlar hajmini pasaytirish;
- moliyaviy xizmatlar iste'molchilariga qulay va texnologik xizmatlarni taqdim etishni rivojlantirish;
- naqd pulsiz to'lovlarni ko'paytirish;
- bank mobil ilovasi foydalanuvchilari uchun tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish;
- real vaqt rejimida amaliyotlarni amalga oshirishni rivojlantirish.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi bank sektorida kuzatilayotgan kuchli raqobat muhitida muvaffaqiyatli ishtirok etish uchun tijorat banklari quyidagilarga e'tibor qaratishlari lozim:

1) bozorning elastikligini oshirish yo'lida, nafaqat eng yangi texnologiyalardan foydalanish, balki "kayzen yondashuvi" ni ishlab chiqib amalda qo'llash (Keyzen tizimining asosiy g'oyasi – xodimlarning kasbiy fazilatlarini rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, bank tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar darajasi ta'minlanishi bevosita bank xodimlariga bog'liq. Ushbu tizim eng yuqori darajadagi boshqaruv bo'linmasidan

boshlab oddiy xodimgacha bo‘lgan har bir xodimga ta’sir qiladi);

2) so‘nggi xizmat ko‘rsatish texnologiyalaridan, masofaviy kanallardan foydalanish, virtualizatsiya yo‘nalishini rivojlantirish imkoniyatini oshirib borish;

3) moliyaviy texnologiyalarni rivojlantirish asosida innovatsion kredit mahsulotlarini yaratish va joriy etish;

4) Big Data tizimini rivojlantirishni davom ettirish;

5) xavfsizlik va ochiqlik orqali bank texnologiyalari bozorida yetakchilikni mustahkamlash, innovatsiyalarga asoslangan banklar ekotizimini qurishni boshlash, bozorda tubdan yangi mahsulotlarni chiqarishga loyihibar tayyorlash tezligini oshirish, mahsulot va xizmatlarni yaratishda Agile usulini integratsiyalash, tizimli IT platformaga o‘tish;

6) tijorat banklari fintech kompaniyalari va IT-kompaniyalari bilan aloqalarni o‘rnatish mazkur banklar uchun raqobatdosh ustunlikka ega bo‘lish bilan birga, yangi ko‘nikmalar va yangi tajriba bilan to‘ldirish imkoniyatini beradi. Tijorat banklari IT-bozoridagi fintech kompaniyalari va startaplarning faoliyatini kuzatib borishlari, eng istiqbollilarini ko‘rib chiqishlari, keyin esa ular bilan hamkorlik aloqalarini o‘rnatishga harakat qilishlari kerak.

Shu bilan birga, shuni alohida ta’kidlab o‘tish kerakki, ilg‘or texnologiyalar paydo bo‘lishi bilan amalga oshirilayotgan texnologiyalarning ishonchliligi va xavfsizligini hisobga olish, shuningdek, bankning AT xavfsizligini ta’minalash uchun zarur resurslarni ta’minalash kerak. Hozirgi globallashuv sharoitida, dunyoda kiberxavfsizlik bozori kundan kunga rivojlanib bormoqda. Olimlarning o‘tkazgan tadqiqotlariga ko‘ra kiberxavfsizlik bozori 2021-yilda (201,5 milliard dollar) 2016-yilga (121,5 milliard dollar) nisbatan 1,5 barobar o‘sishi qayd etilgan [6].

Kiberxavfsizlik sohasida quyidagi 2 ta tendensiyani alohida ajratib ko‘rsatish mumkin:

1. Xakkerlar asosan masofaviy bank xizmatlariga (shaxsiy hisoblarni buzish) emas, balki to‘lov kartalaridan mablag‘larni yechishga urinmoqdalar.

2. Kriptovaluta sanoati (ICOlar, birjalar, fondlar)da kiberjinoyatlar darajasi oshib bormoqda. Bundan tashqari, bankomat xavfsizlik tizimlariga xakkerlik hujumlari (jackpotting) soni oshib bormoqda. Iqtisodiyotni raqamlashtirish va texnologik platformalarni rivojlantirish davrida aynan innovatsiyalarni joriy etish jarayoni kiberhujumlar va kiberjinoyatlar xavfini kamaytirishga ta’sir qiladi.

Shu o‘rinda raqamli texnologiyalardan foydalanishning ijobjiy samarasini amalga oshirish uchun bank innovatsiyalari va yangi texnologiyalarni joriy etish maqsadga muvofiq ekanligini ta’kidlab o‘tish zarur. Albatta, bunga qo‘srimcha ravishda mijozning talab va istaklarini hisobga olish, biznes jarayonlarini kuchaytirishga yondashuvlarni takomillashtirish zarur. Innovatsion resurslar nafaqat bank faoliyati ko‘rsatkichlarini oshirish vosita sifatida, balki axborot xavfsizligini ta’minlovchi platforma sifatida yangi risklarning uzluksiz paydo bo‘lishi sharoitida ham hisobga olinishi lozim. Xususan, **biometrik identifikasiya** shaxsiy ma‘lumotlarga ruxsatsiz kirishga qarshi kurashda eng maqbul vosita sifatida e’tirof etiladi. O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan ko‘pgina tijorat banklarida ushbu texnologik tizim qo‘llanilmoqda va bu orqali bank mijoz bilan o‘zaro munosabatlarni yangi bosqichga olib chiqishga erishildi.

## Xulosa

Tadqiqot natijalari bo‘yicha quyidagicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi:

– bevosita muloqotsiz va mobil texnologiyalarni, birinchi navbatda, ijtimoiy-

maishiy xizmat ko'rsatish, transport, savdo, umumiy ovqatlanish sohalarida, ayniqsa, hududlarda joriy etish;

– naqd pulsiz to'lovlarini amalga oshirishda innovatsion mahsulotlarni, shu jumladan, bevosita muloqotsiz va mobil texnologiyalarni rivojlantirishni ilgari surish;

– xo'jalik yurituvchi subyektlarining to'lov xizmatlaridan tun-u kun foydalana olishini ta'minlash maqsadida barcha tijorat banklarini 24/7/365 rejimida ishlovchi banklararo lahzali to'lovlar tizimiga ularash;

– axborotlarni «Big Data» asosida yig'ish, qayta ishlash va tahsil qilish bo'yicha avtomatlashtirilgan tizimni joriy etish.

Innovatsion texnologiyalarni joriy qilishda ushbu texnologiyalar bilan bog'liq xavflarni unutmaslik kerak. Bugungi kunda tijorat banklari kibertahdidlar sonining

keskin ortishiga duch kelmoqda. Hozirda mobil banking orqali foydalanuvchilarning shaxsiy ma'lumotlariga kirish va xakkerlik bilan bog'liq firibgarlik harakatlari soni ortib bormoqda. Bundan tashqari, mamlakatimizda bank sektori texnologik va shaxsiy risklarga duchor bo'lmoqda. Innovatsion texnologiyalarni joriy etishning jadal rivojlanishi malakali boshqaruv kadrlarining yetishmasligiga, shuningdek, raqamli jarayonlar va asosiy axborotlar tuzilishi o'rtaсидаги о'заро aloqada qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Shu asosda, biz O'zbekistonda iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida tijorat banklari o'z mijozlari uchun yangi texnologiyalarni joriy etish bo'yicha keng qamrovli innovatsion siyosatni amalga oshirishlari lozim, degan xulosaga kelishimiz mumkin.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Laeven, L., Levine, R., & Michalopoulos, S. (2015). Financial innovation and endogenous growth. *Journal of Financial Intermediation*, 24(1), 1-24.
2. Кох, Л.В. (2010). Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций: автореферат дисс... д-ра экон. наук. – Иваново. – С.21.
3. Меликов О.М. (2021). Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron журнали. № 4, 2021.
4. Ходжимамедов, А. (2023). Рақамли трансформация шароитида инновацион банк хизматларидан фойдаланиш йўллари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 11(1), 370-6.
5. Moschella, D. (2019). Seeing Digital: A Visual Guide to the Industries, Organizations, and Careers of the 2020s. Sage Publications Pvt. Limited.
6. Mujinga, M., Elof, M. M., & Kroeze, J. H. (2018). System usability scale evaluation of online banking services: A South African study. *South African journal of science*, 114(3-4), 1-8.
7. Skinner, C. (2018). Digital human: The fourth revolution of humanity includes everyone. John Wiley & Sons.
8. Лекун, Я. (2021). Как учится машина: Революция в области нейронных сетей и глубокого обучения. Альпина Паблишер. - 351с.
9. Ходжимамедов А. (2022). Банк инновацияларини жорий этишдаги илгор хориж тажрибаси ва ундан фойдаланиш имкониятлари // “Халқаро молия ва хисоб” илмий журнали. 2022. №5. – 9 б. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz).

**УЎТ 336.71(575.1)**

**Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна,**  
Тошкент молия институти, *PhD*

## **БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна,**  
Ташкентский финансовый институт, *PhD*

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ БАНКОВ**

**Sharipova Nilufar Hikmatullayevna,**  
*Tashkent institute of finance, PhD*

## **IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ASSESSING THE FINANCIAL STABILITY OF BANKS**

**Аннотация.** Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаши банк тизими барқарорлигига муҳим аҳамиятга эга. Капитал етарлилиги, кредит рискини баҳолаши, ликвидлиликни баҳолаши, бозор риски, фойда каби кўрсаткичлар алоҳида кредит ташкилотларининг рискларини ўз вақтида аниқлашга, банк тизимида салбий таъсириларнинг юзага келмаслигига ёрдам беради. Маънада таҳлиллар ёрдамида банк тизимининг молиявий барқарорлигига умумлаштирувчи коэффициент асосида баҳо бериши натижасида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаши методикасини такомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** банкларнинг молиявий барқарорлиги коэффициенти, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, ликвидлилик меъёри.

**Аннотация.** Оценка финансовой устойчивости банков имеет важное значение для устойчивости банковской системы. Такие показатели, как достаточность капитала, оценка кредитного риска, оценка ликвидности, рыночный риск, прибыль способствуют своевременному выявлению рисков отдельных кредитных организаций. В результате в банковской системе не возникает негативных последствий. В статье разработаны предложения по совершенствованию методики оценки финансовой устойчивости банков в результате оценки финансовой устойчивости банковской системы на основе обобщающего коэффициента с использованием анализа данных за соответствующий период.

**Ключевые слова:** коэффициент финансовой устойчивости банков, рентабельность активов, рентабельность капитала, доля проблемных кредитов в общей сумме кредитов, норматив ликвидности.

**Annotation:** Assessment of financial stability of banks is important for the stability of the banking system. Indicators such as capital adequacy, credit risk assessment, liquidity assessment, market risk, profit contribute to the prompt identification of risks of individual credit institutions. As a result, there are no negative consequences in the banking system. The article develops proposals for improving the methodology for assessing the financial stability of banks as a consequence of assessing the financial stability of the banking system on the basis of a summarizing ratio using data analysis for the corresponding period.

**Keywords:** Financial stability ratio of banks, return on assets, return on capital, share of problem loans in the total amount of loans, liquidity ratio.

### Кириш

Банк тизими барқарорлиги индикаторларининг мамлакат ЯИМига нисбатан ўзгариш динамикасига қараб дунё мамлакатлари банк тизими ривожланганлиги ва барқарорлигига баҳо бериш амалиёти кенг кўлланилади. Жаҳонда турли мамлакатларда банк ялпи активларининг ўтган йилга нисбатан ошиши ёки банк капиталининг ўтган даврга нисбатан ошиши кузатилсада, ушбу кўрсаткичларнинг айнан мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан пасайиши ҳолатлари кўп кузатилади. Бундан ташқари, миллый валюта барқарорлигини таъминлашга эришилса-да, банк тизимининг молиявий барқарорлиги масаласида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий ўналишларидан бири банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масаласи бўлиб, ушбу йўналишда халқаро стандартлар ва илгор тажрибани кўллаган ҳолда банкларда корпоратив бошқарувни такомиллашиб; кредитлашнинг мўътадил даражада ўсишини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш; банк назоратини ва банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизимларини ривожлантириш, шу жумладан, рискка асосланган назорат тизимини татбиқ этиш ишлари амалга оширилиши белгиланган [1].

Шулардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар асосида банк фаолиятида молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилиш, таҳлил жараёнида молиявий барқарорлик коэффициентининг жорий қилиниши ва унинг ҳисобини амалга ошириш юзага келиши мумкин бўлган банк инқирозларининг олдини олишга ёрдам беради.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш механизmlарини ўзига хос хусусиятларига оид масалалар катор иқтисодчи олимларимиз томонидан тадқиқ этилган бўлиб, банк тизими барқарорлигини баҳолашга салмоқли хисса кўшган. Жумладан, иқтисодчи олимлардан Лавен ва Майнони фикрича, иқтисодий ўсиш даврида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун етарли резервлар яратадиган банклар иқтисодий таназзулнинг салбий оқибатларини минималлашибдиши ва кредит таклифини юқори даражада сақлаши мумкин[2]. К.Суровнева ўз изланишлари натижасида шундай хуносага келади: банкнинг молиявий ҳолати унинг қолган барча соҳаларидағи фаолиятига, шунингдек, молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Банкнинг молиявий барқарорлиги унинг ликвидлилиги билан узвий боғлиқдир[3]. А.Абдуллаев тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини

баҳолаш механизмини тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарур, деб таъриф берган[4].

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади банкларнинг молиявий барқарорлиги методологиясини такомиллаштириш масаласи долзарблигини асослаган ҳолда, ушбу соҳада амалга оширилган ишлар самарадорлигини таҳлили бўйича илмий хulosалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиктисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг банкларнинг молиявий барқарорлиги бўйича изланишларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув орқали тегишли йўналишларда хulosса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиктисодий усуллар билан бир қаторда, маълумотларни тизимлаш бўйича маҳсус ёндашувлар, яъни таққослаш, математик-статистика, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар кўлланилган.

### Натижা ва муҳокама

Капитал етарлилиги, кредит рискини баҳолаш, ликвидлиликни баҳолаш, бозор риски, фойда каби кўрсаткичлар Марказий банкка алоҳида кредит ташкилотларининг рискларини ўз вактида аниқлашига, банк тизимида салбий таъсирларнинг юзага келмаслигига ёрдам беради.

Қуйида таҳлиллар ёрдамида банк тизимининг молиявий барқарорлигига умумлаштирувчи коэффициент асосида баҳо беришга ҳаракат қиласиз. Бундай коэффициентни аниқлаш учун 1-жадвалда акс эттирилган қатор асосий

кўрсаткичлардан фойдаланамиз. Ушбу кўрсаткичлар банкларнинг молиявий барқарорлиги даражасини аниқлашга ёрдам беради. Молиявий барқарорлик коэффициентини ишлаб чиқиша кредит рискини, кредит портфели бўйича муддати ўтган қарздорлик даражасини, рентабелликни, ликвидлиликни ва капитални баҳолаш мақсадга мувофиқdir.

Тижорат банкларнинг асосий фаолияти иқтисодиётни кредитлаш эканлигини назарда тутиб, банк молиявий барқарорлигини баҳолашда кредит портфели сифатини баҳолаш зарур. Шунинг учун ушбу тадқиқотда муддати ўтган кредитлар кўрсаткичини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, банкнинг кредит фаолияти таҳлил қилинар экан, айнан депозит базаси банкнинг кредитлаш имкониятларини белгилашини ҳисобга олиш лозим. Шундан келиб чиқиб, банк моливий барқарорлиги кўрсаткичи сифатида депозитларнинг кредитлардаги улушини муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида ҳисобга оламиз.

Банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини белгилашда Халқаро валюта фонди томонидан белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар ёрдамида банкларнинг молиявий барқарорлик ҳолати коэффициентини ишлаб чиқишимиз ва олинган натижалар таҳлилини амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Активлар рентабеллиги кўрсаткичига маълум бир талаб мавжуд бўлмасада, қиёсий таҳлиллар асосида ушбу кўрсаткичининг чегара кўрсаткичи  $\min 1,5\%$  деб белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Капитал рентабеллиги кўрсаткичига ҳам тегишли равища маълум бир талаб мавжуд бўлмасада, қиёсий таҳлиллар асосида ушбу кўрсаткичининг чегара кўрсаткичини  $\min 10\%$  деб белгилашни лозим деб ҳисобладик.

Шунингдек, кредит портфелининг активлардаги улуши учун минимал талаб 45%, депозитларнинг кредитлардаги улуши максимал 100% сифатида олинди.

Юкоридаги талаблардан келиб чишиб, банкларнинг молиявий барқарорлиги коэффициенти унинг кўрсаткичларига

янада қаттиқроқ талабларни қўяди. Тижорат банки томонидан ЎзР МБнинг мажбурий нормативларига риоя қилинмаслик турли штраф, ҳатто банк фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияни олиб қўйишга сабаб бўлиши мумкин.

*1-жадвал*

### Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	Тавсифи	Чегараси
1	2	3	4
1.	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	Банкнинг ўз маблағларини унинг риска тортилган активларига (эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирилган захиралар айириб ташлангандаги) нисбати. Банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бера олмаслик рискини тартибга солади	min 13% [5]
2.	I даражали капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	I даражали капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	min 10% [6]
3.	Кредит портфелининг активлардаги улуши	Банк тизимининг энг асосий функцияларидан бири бу – кредитлаш. Ушбу кўрсаткичнинг чегарасига амал қиласлик банк фаолиятида риски нисбатан юқори ҳисобланган спекулятив ёки фондбозори инструментларига хос операцияларга афзаллик берилаётганини англатади	min 45%
4.	Депозитларнинг кредитлардаги улуши	Депозитларнинг кредитлардаги улуши. Энг паст даражаси (100% атрофида) банк бизнес моделининг узоқ муддатли истиқболда барқарорлигини англатади	max 100 %
5.	Муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши, %	Вақтида тўланмаган кредит ва у бўйича фоиз қарздорликларининг ҳажмининг жами кредит портфелига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич активларни сифатли бошқарилмаганини кўрсатувчи индикатор бўлиб ҳисобланади	max 5%
6.	Активлар рентабеллиги (ROA)	Активлар рентабеллиги ёки иқтисодий рентабеллик. Банк фойдасининг банк активларига нисбати сифатида аниқланади	min 1,5%
7.	Капитал рентабеллиги (ROE)	Банкнинг молиявий рентабеллиги соғ фойданинг ўз капиталига нисбати орқали аниқланади ва банк капиталининг даромадлилигини билдиради	min 10%

8.	Лаҳзали ликвидлик - Н2	Юқори ликвидли активларнинг талаб қилиб олингунча мажбуриятларга нисбати. Ушбу кўрсаткич банкнинг бир кун давомидаги ликвидлиги бўйича йўқотишларни тартибга солади	min 25% [7]
9.	Ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	Юқори ликвидли активлар – бу яқин бир календарь кунида талаб қилиб олиниши мумкин бўлган молиявий активлардир	min 10%[7]
10.	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти	Юқори ликвид активларнинг кейинги 30 кун ичида жами соғ чикимга нисбати. Банкнинг яқин 30 кун ичида тўлов қобилиягини йўқотиш рискини тартибга солади	min 100%[7]

2-жадвал

**Банк фаолияти молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар динамикаси, %[9]**

№	Кўрсаткич	Чегара-си	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, К1	min 13%	18,8	15,6	23,5	18,4	17,5	17,8
2.	I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, К2	min 10%	16,5	14,3	19,6	15,2	14,6	14,5
3.	Кредит портфелининг активлардаги улуши	min 45%	62,5	78,1	77,6	75,6	73,4	70,1
4.	Депозитларнинг кредитларга нисбати	max 100 %	53,8	41,8	43,0	41,4	47,8	55,6
5.	Муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши, %	max 5%	*	*	*	2,1	5,2	3,6
6.	Активлар рентабеллиги (ROA)	min 1,5%	1,9	2	2,2	2,2	1,3	2,5
7.	Капитал рентабеллиги (ROE)	min 10%	17,1	16,2	16,7	10,3	6,1	13,3
8.	Лаҳзали ликвидлик	min 25%	40,1	30,9	47,8	67,4	99,3	110,1
9.	Ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	min 10%	23,6	13,6	13,9	15,4	18,6	21,5
10.	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти	min 100%	225,2	170,7	208,5	224,5	189,6	211,6

1-жадвалда банкларнинг молиявий барқарорлик коэффициентини ишлаб чиқиши учун асосий ўнта кўрсаткични белгилаб олинди ҳамда улар учун чегара кўрсаткичлари аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда 2017 – 2022 йиллар давомида айнан белгиланган ўнта кўрсаткичининг ўзгариши динамикаси ўрганилди (2-жадвал).

Юкорида 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, банклар тўлов қобилиятининг асосий кўрсаткичларидан бири хисобланувчи капитал монандлилик коэффициенти 2017 йил ва 2022 йил оралиғида ўртача 17–18%ни ташкил этган. Базел III стандартларига кўра, банк жами капиталининг монандлилик коэффициенти рискка тортилган активларга нисбатан камида 8 фоиз бўлиши тавсия этилган. Бундан ташқари, Базел III стандартларida банк капиталига нисбатан консервация буфери (2,5 фоиз), контриклик капитал буфери (0–2,5 фоиз), маҳаллий ва глобал тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери (аниқ чегараси белгиланмаган) каби қўшимча талабларни ўрнатиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигининг жорий ҳолати ҳамда Базел III томонидан тавсия этилган қўшимча капитал буфер талабларини ҳам инобатга олган ҳолда тижорат банклари учун капитал монандлилик коэффициенти 13 фоиз қилиб белгиланган. Сўнгги олти йиллик кўрсаткичларга таяниб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон тижорат банклари Марказий банк томонидан капиталга нисбатан қўйилган минимал талабларни тўлақонли бажарган. Банк тизими потенциал йўқотишларни қоплаш учун етарли капиталга эга.

Шунингдек, I даражали капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбатига қўйилган минимал талаб 10%

эканлигини хисобга олиб, ушбу кўрсаткич бўйича ҳам тижорат банклари етарли натижага эришганини кузатиш мумкин. Аммо, ушбу кўрсаткич 2017 йилдаги 16,5%дан 2022 йил охирига келиб 14,5%га тушгани I даражали капитал улушкининг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбатан камайганини англатади.

Кредит портфелининг активлардаги улуси 2017 йилдаги 62,5%дан 2022 йил охирига келиб 70,1%ни ташкил қилган.

Депозитларнинг кредитларга нисбати сўнгги таҳлил қилинаётган олти йилда ўртача 50 % атрофида бўлиб, 2022 йил натижаларига кўра 55,6%ни ташкил этган.


Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуси 2023 йил 1 январь ҳолатига 3,6 фоизни (14 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 фоиз бандга пасайган. Ушбу кўрсаткич давлат улуси мавжуд банклар ва бошқа банклар кесимида таҳлил қилинганида, давлат улуси мавжуд банклар учун 3,9%ни, бошқа банклар учун 2,1 %ни ташкил қилгани кузатилди. Шу жумладан, давлат улуси мавжуд банклардан Ўзагроэкспортбанкда бу кўрсаткич энг юқори 96,3%ни, Халк банкида 11,9%ни, Микрокредитбанкда 4,8%ни ташкил этган [8].

Активлар рентабеллиги кўрсаткичи (ROA), 2017 йилдаги 1,9%дан 2022 йил охирига келиб 2,5 %гача ортганини ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Куйидаги 1-расмда сўнгги олти йиллик давр мобайнида активлар рентабеллиги кўрсаткичи (ROA) ҳамда капитал рентабеллиги кўрсаткичи (ROE) кўрсаткичларининг динамикаси акс этган. Ушбу даврда ROA кўрсаткичи ўртача 2–2,5% атрофида бўлгани, шунингдек, бу кўрсаткич чегаравий кўрсаткичларимиз (1,5%)дан юқори эканлигини хисобга олиб, ушбу кўрсаткичини ижобий

бахолаш мумкин. Аммо ROA кўрсаткичининг оширилиши банклар молиявий барқарорлигини белгилаб берадиган асосий кўрсаткичлардан бири эканлигини ҳисобга олиш лозим. Банк хизматлари таркибида инновацион рақамли технологияларга асосланган хизматларнинг кенгайтирилиши банк операцион харажатларини камайтириб,

соф фойданинг ортишига, бу эса ўз-ўзидан активлар рентабеллиги кўрсаткичининг юкори бўлишига ёрдам беради.

Капитал рентабеллигі күрсаткичи (ROE) эса 2017 йилдаги 17,1 %дан 2021 йил охирига келиб кескин 6,1 %га түшганини кузатыш мүмкін. Аммо ушбу күрсаткич 2022 йил натижаларига күра, 13,3%га күтариленген.



**1-расм. Банк секторининг рентабеллиги [9]**


Юкоридаги маълумотлар асосида банк тизимининг ялпи кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар амалга оширилди. 2023 йил 1 январь ҳолатига капиталнинг монандлик кўрсаткичи, активлар даромадлилиги кўрсаткичи ва капитал даромадлилиги кўрсаткичларини активлари 3 трлн.сўмгача бўлган, активлари 3 трлн.сўмдан 10 трлн сўмгача бўлган, активлари 10 трлн.сўмдан 30 трлн.сўмгача бўлган ҳамда активлари 30 трлн.сўмдан кўп бўлган банклар кесимида таҳлили амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

**2023 йил 1 январь холатига молиявий барқарорлик күрсаткичларининг активлар ҳажми турли бўлган банклар кесимидаи улуси, % [10]**


Кўрсаткичлар	Жами	Активлари 3 трлн. сўмгача бўлган банклар	Активлари 3 дан 10 трлн. сўмгача бўлган банклар	Активлари 10 дан 30 трлн. сўмгача бўлган банклар	Активлари 30 трлн. сўмдан юқори бўлган банклар
Капитал монандлилиги кўрсаткичи (фоизда)	17,8%	22,6%	18,4%	15,9%	18,4%
Активлар даромадлилиги (фоизда)	2,5%	3,2%	5,0%	3,7%	1,8%
Капитал даромадлилиги (фоизда)	13,3%	8,2%	27,2%	20,1%	9,8%

Кўйида 2-расм маълумотларидан кўринадики, капитал монандлик кўрсаткичи активлари 3 трлн.сўмгача бўлган банкларда энг юқори кўрсаткич (22,6%)ни ташкил этган. Активлари 10 дан 30 трлн.сўмгача бўлган банкларда эса ушбу кўрсаткич энг кам кўрсаткичини (15,9%) ташкил қилган.




**2-расм. Капитал монандлилиги кўрсаткичи (фоизда)**

Активлар даромадлилиги кўрсаткичи активлари 3 дан 10 трлн сўмгача бўлган банкларда энг юқори 5%ни ташкил этган бўлса, активлари 30 трлн.сўмдан юқори бўлган банкларда энг кичик кўрсаткичини, яъни 1,8%ни ташкил қилган (3-расм).



Капитал даромадлилиги кўрсаткичи бўйича энг юкори даражани (27,2%) активлари 3 дан 10 трлн. сўмгача бўлган банкларда кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич бўйича энг кам қиймат (8,2%) активлари 3 трлн. сўмгача бўлган банкларда кузатилган (4-расм).



Юқорида активлари бўйича турли банкларда капитал монандлиги, активлар ҳамда капитал даромадлилиги кўрсаткичлари бўйича банкларни таҳлили келтирилди. Шу таҳлиллар асосида 1- ва 2- жадваллар маълумотларига асосланиб, таклиф қилинган банклар молиявий барқарорлигини коэффициентини ишлаб чиқамиз. Молиявий барқарорлик коэффициентини хисобини ЎзР Марказий банки Статистик бюллетенларидан олинган кўрсаткичлар (2- жадвал) таҳлили асосида амалга оширилади. Кўрсаткичларнинг чегара қиймати ва ҳақиқий қиймати киёсий таҳлил қилинади.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичининг чегара қийматидан фарқи ҳисобланади. Барқарорликни баҳолаш моделида фарқланишларни аниқлаш формуласи күйдаги кўринишга эга бўлади:

$$O_i = 1 - P_i / F_i \quad (1)$$

бунда,  $i$  – молиявий барқарорликни баҳолаш тизимидағи кўрсаткич,  $P_i$  –  $i$  кўрсаткич бўйича чегара қиймати,  $F_i$  –  $i$  кўрсаткич бўйича ҳақиқий қиймат. Агар  $O_i$  – фарқланиш даражаси ижобий қийматга эга бўлса, демак, ҳисобланадиган кўрсаткич бўйича барқарорлик сақланмоқда, агар  $O_i$  – фарқланиш даражаси ноль қийматига яқинлашса, ҳисобланадиган кўрсаткич

лозим даражада ушлаб турилибди, агар  $O_i$  – фарқланиш даражаси манфий қийматга эга бўлса, бу банк тизимининг молиявий барқарорлиги хавф остида эканлигини англатади.

Барча ўнта кўрсаткич бўйича бир хил даврда фарқланишларни йифиндисини топиш орқали молиявий барқарорлик коэффициенти –  $K_n$  ни аниқлаймиз. Молиявий барқарорлик коэффициентини ҳисоблаш формуласи кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$K_n = \sum O_i (n) \quad (2)$$

бунда,  $K_n$  – молиявий барқарорлик коэффициенти,  $n$  – ҳисоб даври (йил),  $O_i$  –  $i$  кўрсаткичи бўйича  $n$  йилда фарқланиш қиймати.

Банкларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткич бўйича маълум индикаторнинг чегара қийматидан аниқланган фарқланишлар қиймати ( $O_i$ ) йифиндиси бўйича ҳисоблаш амалга оширилади. Молиявий барқарорлик кўрсаткичи банк тизими барқарорлиги риски даражасини баҳолашга имкон беради. Молиявий барқарорлик кўрсаткичи қанчалик юқори

бўлса, танланган индикатор бўйича банкнинг барқарорлик ҳолати шунчалик барқарор бўлиб ҳисобланади. Агар молиявий барқарорлик кўрсаткичи манфий қийматга эга бўлса, демак, банк барқарорлигига тегишли хатарлар мавжуд бўлиб, банк инқизозини олдини олиш мақсадида барқарорликни сақлаш учун лозим чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб қилинади. Ушбу коэффициент барча  $i$  кўрсаткичларнинг  $n$  йилда нормадаги қийматидан фарқланишининг ўртacha қийматини акс эттиради.

Молиявий барқарорлик коэффициенти бўйича шакллантирилган алгоритмга асосан 4-жадвалда барча ўнта кўрсаткичнинг чегара қийматидан фарқланиши ҳисоби тадқиқот даври учун амалга оширилган. Чегара қийматидан фарқланиш даражаси натижаларига асосланган ҳолда 2017–2022 йиллар учун банкларнинг молиявий барқарорлиги коэффициенти аниқланди.

Олинган маълумотлардан  $K_n$  тегишли йиллар бўйича умуман банк тизими молиявий барқарорлиги даражасини белгилайди.

4-жадвал


#### Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг чегара қийматидан фарқланиш даражаси

№	Кўрсаткич	Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг чегара қийматидан фарқланиш даражаси					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, $K1$	0,31	0,16	0,44	0,29	0,26	0,27
2.	I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, $K2$	0,39	0,30	0,49	0,34	0,32	0,31
3.	Кредит портфелининг активлардаги улуси	0,28	0,42	0,42	0,40	0,39	0,36
4.	Депозитларнинг кредитларга нисбати	0,46	0,58	0,57	0,59	0,52	0,44

5.	Муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши, %	*	*	*	0,58	-0,04	0,28
6.	Активлар рентабеллиги (ROA)	0,21	0,25	0,32	0,32	-0,15	0,40
7.	Капитал рентабеллиги (ROE)	0,42	0,38	0,38	0,03	-0,63	0,25
8.	Лаҳзали ликвидлик	0,38	0,19	0,47	0,63	0,75	0,77
9.	Ликвидли активларнинг жами активларга нисбати	0,58	0,26	0,28	0,35	0,46	0,53
10.	Ликвидликни коплаш мөъёри коэффициенти	0,55	0,41	0,52	0,55	0,47	0,53
	<b>МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ</b>	<b>3,58</b>	<b>2,95</b>	<b>3,89</b>	<b>4,08</b>	<b>2,35</b>	<b>4,14</b>

Шуни таъкидлаш лозим, пандемия оқибатларида иқтисодий субъектлар фаолиятидаги ўзгаришлар 2021 йил натижаларига кўра, банкларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичини сезиларли равишда тушишига (2,35) олиб келган. Жумладан, муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги кўрсаткичларининг қайд этилган даврда манфий қийматга эга бўлганини кузатиш мумкин.

2022 йилда ушбу кўрсаткичнинг кўтарилигани (4,14) қайд этилди. Жумладан, муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши камайиб, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги кўрсаткичлари ижобий кўрсаткичларга эга бўлди.



5-расм. Банкларнинг молиявий барқарорлиги коэффициенти динамикаси

Таклиф қилинаётган моделнинг лозимлиги шундаки, бир коэффициент ёрдамида банкларнинг молиявий барқарорлиги даражасига баҳо берилаяпти. Амалиётда ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш банкларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишга, коэффициент манфий қийматни кўрсатганида

тегишли чора ва тадбирларнинг амалга оширилиши зарурлгини кўрсатади.

### Хуносা

Юқорида келтирилган банкларнинг молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлари динамикаларини кузатиш

ва ўрганиш орқали қуидаги хуносаларга келиш мумкин:

– банкларнинг молиявий барқарорлигини белгиловчи кўплаб кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, ушбу соҳада охирги уч йилда ЎзР Марказий банки томонидан Халқаро Валюта фонди томонидан тавсия қилинган қўшимча кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлили ҳам бериб борилмоқда;

– рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳамда глобаллашувнинг кучайиши даврида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қилиниши лозим. Бунда банк-

ларнинг молиявий барқарорлигини белгиловчи умумлаштирилган коэффициентнинг ишлаб чиқилиши ва унинг қиймати амалиётда доимий назорат қилиб борилиши банк фаолиятида салбий таъсиrlарнинг келиб чиқишини олдини олади;

– банкларнинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари барча банклар бўйича ўртача кўрсаткичларни акс эттиради. Шу сабабдан, ушбу кўрсаткичларни алоҳида кредит ташкилотлари кесимида таҳлилини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. 2020 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Laeven, L., & Majnoni, G. (2003). Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178–197. [https://doi.org/10.1016/S1042-9573\(03\)00016-0](https://doi.org/10.1016/S1042-9573(03)00016-0);
3. Суровнева К. Инструментарий оценки устойчивости российских банков, диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санкт Петербург, 2018;
4. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.
5. 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом талаблари асосида.
6. 13.08.2015 йилдаги “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2709-сонли Низом талаблари асосида.
7. ЎзР Марказий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 йил учун Статистик бюллетенлари.
8. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/843935/>
9. ЎзР Марказий банкининг 2022 йил яримийллик учун Молиявий барқарорлик шархи, 27-бет
10. [https://cbu.uz.](https://cbu.uz/)

**УЎТ 336.04**

**Кулметов Мансурбек Рўзматович,**  
*PhD, dots.*  
*Тошкент молия институти*

## **БАНКЛАРАРО БОЗОРДА РА҆ОБАТ МЕХАНИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Кулметов Мансурбек Рузматович,**  
*PhD, доцент.*  
*Ташкентский финансовый институт*

## **ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕХАНИЗМА КОНКУРЕНЦИИ НА МЕЖБАНКОВСКОМ РЫНКЕ**

**Kulmetov Mansurbek Rozmatovich,**  
*PhD, assistant professor.*  
*Tashkent Institute of finance*

## **WAYS TO DEVELOP THE COMPETITION MECHANISM IN THE INTERBANK MARKET**

**Аннотация.** Мақолада банк ва молиявий институтлар ўртасидаги рақобат механизмини моҳияти ва функциялари, молиявий институтлар хизматини ташкил этиши хусусиятлари ёритилган. Республикализ тиқкорат банкларида рақобатни такомиллаштириши бўйича имлый тақлиф ва амалий тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** рақобат, банк, молия институтлари, молиявий технологиялар, молиявий катомератлар, риск, қимматли қоғозлар, унверсал банк.

**Аннотация.** в статье описаны сущность и функции механизма конкуренции между банками и финансовыми учреждениями, особенности организации обслуживания финансовых учреждений. Разработаны научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию конкуренции в коммерческих банках нашей республики.

**Ключевые слова:** конкуренция, банковское дело, финансовые институты, финансовые технологии, финансовые институты, риск, ценные бумаги, универсальный банк.

**Annotation.** the article describes the essence and functions of the competition mechanism between banks and financial institutions, the features of the organization of services for financial institutions. A scientific proposal and practical recommendations for improving competition in commercial banks of our republic have been developed.

**Keywords:** competition, banking, financial institutions, financial technologies, financial institutions, risk, securities, universal bank.

## Кириш

Дунёда давом этаётган мураккаб пандемия ва глобал иқтисодий инқизор оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар фонида юзага келаётган озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб турган бир шароитда, банклараро бозорда турли институтларни кириб келиши банк соҳасида рақобатни янада кучайишига, банклар олдида эса турли вазифаларни зудлик билан ҳал этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Молия соҳасидаги хизмат турларининг ҳам ортиб бориши банк соҳасини тузилиш структурасини ўзгартиришга олиб келмоқда. Бу эса банкларнинг замонавий, тарнсформаллашган структурасини яратишни, глобал ва ривожланган ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”[1]да давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушкини 60 фоизгача етказиш белгиланган. Замонавий универсал банк фаолиятида секинлик, бюрократлик, самараисиз ишлаш, ўз ишини билмаслик, рискли ҳолатлардан чиқа олмаслик, даромадсиз ва рақобатга бардош бера олмаслик ҳолатлари бўлмасликни талаб қилса, тезкорликни, кучли мутахассисларни, замонавий банк технологияларидан фойдаланишни, ҳамиша даромадга эришишни ва рақобатга бардошлини ўзида акс эттиришни талаб этади. Жаҳон амалиётида ривожланган мамлакатлардаги банкларнинг универсаллашуви кескин

суръатлар билан ортиб бораётган бўлса, ривожлананаётган мамлакатлардаги бу ҳолат босқичма-босқич амалга ошмоқда. Универсал банк фаолиятида асосан қуидаги йўналишларга эътиборила қаратди: ахборотлар, риск, қимматли қоғозлар билан операциялар ва капитални бошқариш. Бундан ташқари фаолиятни ривожланиши янги банк операция турларини кенгайишига олиб келади. Жаҳон амалиётида бугунги кунда банк тизимини янги ахборот технологияларини кўллаш бўйича “инновацион фикрлаш” усули кенг тарғиб қилинмоқда. “Инновацион фикрлаш” бу банк хизмат соҳасида янги стратегик маркетинг хизматини олиб кириш ва янги банк технологияларини банк операцияларига кенг жалб этишни билдиради. Банк хизмат кўрсатиш соҳасида технологияларни олиб киришда умумий харажатларни 6 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу технологиялардаги харажат ривожланган давлатларда 25–30 фоизни ташкил этади. Бу янги сервис хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзарышлар ва янгиликлар мижозларни жалб этишда ички мухитда банклараро бозорда рақобат механизмини ривожлантиришга олиб келади.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар хулосаларига таянадиган бўлсак, турлича ёндашувларни таҳлил этиш мумкин. Жумладан, рақобат тушунчаси турлича бўлиб, бунда талаб ва таклиф асосида шакллантирилади. Рақобат даражасини белгилаб берувчи асосий омиллар сифатида бозордаги талаб ва таклиф асосий мезон сифатида қабул қилинган. Демак, статистик тенглик тушунчаси рақобатни оптималь нуқтаси бўлиши асосланган[2]. Ушбу назарияга асосан рақобат – бу статистик ҳолатни

белгилаб берувчи омил бўлиб, бозорда иштирок этувчи молия институтлари юқори нархларда маҳсулот сотмайди ҳамда фойда даражаси ўзлари прогноз қилганидек юқори бўлмайди. Бунга қарши австрия мактаб номояндалари рақобат бу курашиб асосида аниқланадиган омил бўлиши зарурлигини асослаб беришган. Ушбу мактаб асосчиларидан бири Курно биринчилардан бўлиб бозорда эркин мусобақа бўлиши зарурлигини ва шу асосида рақобатни ривожлантириш мумкинлигини асослаб беради.

Рақобат – бу бозордаги ҳолатни аниқлаб берувчи тушунча бўлиб, бунда бозордаги нарх эркин белгиланиб, ишлаб чиқариш харажатлари билан деярли тенг бўлади. Бозор рақобат ҳолатига эришиш учун, бир қанча таклифлар бўлиши зарурки, бунда рақобатчилар сони бозорда умуман ҳисобга олиниши зарур бўлмаслиги, бозорда эркин кириш ва чиқиш имконияти яратилган бўлиши зарур[2]. Рақобат бўйича назарий жиҳатдан ёндашув олиб борган олимлар қаторига Эджуорт, Джевонсом, Вальрасом, Маршалл ва Кларкларни келтириб ўтиш мумкин. Улар томонидан чоп этилган “Риск, ноаниқлилик ва фойда” номли асарда мукаммал банклараро рақобат – бу монополияга қарши курашувчи асосий омил ҳисобланади деб келтирилади[3]. Бизга маълумки монополистик рақобат шароитида молиявий институтлар нархни назоратга олган ҳолда бозорда ўз хукмронлигини ўрнатади. Олигопол статистик назарияси маълумоти бўйича турлича қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу назария бозорнинг структуравий тузилишини ўзгартириш имконини беради. Олигополия назарияси бозор структуравий тузилишида, тўлиқ рақобат, тўлиқ бўлмаган рақобат ва монополияни тақдим этади. Бу кўринишдаги рақобатлар турлича концепцияларга асосланган

бўлиб, уларни бозорда тўғри талқин этиш корхона ва ташкилотлар учун муҳим ҳисобланади. Рақобатнинг ядроси бу албатта бозорда иштирок этувчи молиявий институтлар ва уларни бозордаги ҳолати ҳисобланади. Банклараро рақобат жараёни маълум бир механизм асосида яратилиб, унинг муҳим тамойили сифатида унда иштирок этувчилар ҳисобланади[4]. Муаллиф фикрича, рақобатда инсонлар ўртасидаги муносабат асосий роль ўйнайди деб ҳисблайди, аммо бошқа олимлар фикрича рақобатда барча иштирок этади[5].

Республикамиз олимларидан ушбу соҳа бўйича иқтисодчи олим Т.И.Бобакулов[6]банклараро рақобатнинг муҳим омили сифатида қуидидаги фикрни илгари суради “...банклараро соғлом рақобат муҳити шаклланмаган ҳозирги шароитда республикамиз Марказий банки томонидан битта ёки иккита банк билан очиқ бозор операциясини амалга ошириш мазкур банкларга нисбатан қулай нотенг рақобат шароитини юзага келтиради” – деб келтириб ўтади. Иқтисодчи олма Ш.З. Абдуллаева[7]“...қаттиқкўл рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади”, деб таъкидлаб ўтадилар.

### Тадқиқот методологияси


Тадқиқотнинг мақсади банк ва молиявий институтлар ўртасидаги рақобат механизмини ривожлантириш ва **банкларнинг банклараро бозорга кириб келишини** таъминлашнинг амалиёти таҳлили натижалари асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услугубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар,

иқтисодчи олимларнинг банк ва молиявий институтлар ўзаро рақобатлаша оладими, **деган саволга** уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил килиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув асосида хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Мавзууни ўрганиш жараёнида банклар ва молиявий институтларни маълумотларини тизимлаш бўйича маҳсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш каби усууллар кўлланилган.

### Натижা ва муҳокама

Жаҳон амалиётидаги банклар билан рақобатлашадиган компания, фирма ва йирик молиявий институтларни умумий ҳолатда қўйидагича тасвирлаш мумкин:



1-расм. Банкларо бозорда тижорат банклари рақобатчилари[8]

Бизга маълумки, тижорат банклари рақобатчилари сифатида банкларни ўзларини, турли молиявий институтлар ҳамда молиявий йирик компания, яъни катомератлар қараб келинар эди. Кейинги йилларда яна бир муҳим

рақобатчи молиявий технологиялар ҳам банклар бозорига кириб кела бошлади. Бу эса банклардан бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда интеграциялаш жараёнини тезлашиб бориши молиявий бозорларда турлича жараёнларнинг ривожланиб боришига замин яратмоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар барча давлатларнинг молиявий бозорларида янгидан-янги маҳсулотларни кириб келишига, хизматлар сифатининг ошишига, ахборот технологияларининг янги инновацион маҳсулотларини яратилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ҳар қандай давлатларнинг молия бозорида кескин рақобатнинг ўсишига олиб келди.

Молия институтлари томонидан янги инновацион ғояларнинг яратилиши ёки бу соҳада кўплаб маблағларнинг киритилиши технологиялар бозорида рақобатни кескинлигини таъминлади. Ҳар қандай соҳада янги инновацион ғояларни киритилиши унинг ривожланиши учун муҳим манба хисобланади. Ҳозирги кунда молия институтлари томонидан инновацион ғояларни яратиш учун сарфланадиган харажатлар кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилдан 2015 йилга ўзгариши 54%дан 59%гача ўзгарган. 2023 йилга бориб ушбу кўрсаткич 63%га чиқиши прогноз қилинмоқда [9].

Яратилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушумлар микдори 2016 йилга нисбатан 2017 йилга 2,5%-га камайган бўлса, 2018 йилда ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 11,4%-ни ташкил этган. 2020 йилда тақдим этилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушум ошганини кузатиш мумкин.


Демак, инновацион ғояларга сарфланаётган маблағларнинг ортиб бориши барча соҳаларда рақобатнинг кескинлашишига олиб келади. Банклар

бозорида ҳам рақобат фактат банклар билан эмас, балки турли молиявий институтлар уртасида бўлиб ўтади.

Шунинг учун банклар бозоридаги рақобатни баҳолашда банклар боғлиқлигини асос сифатида олиш муҳим саналмайди. Бунда, ахборот манбаи ва ёндашувни аниқлаш, омиллар ва тузилиш бўйича таснифлаш, муайян кўрсаткичларни белгилаш каби

йўналишлар асосида банклараро рақобат муҳитини ўрганиш ҳамда ҳар бир йўналиш доирасида тегишли вазифаларни ўз вақтида, босқичма-босқич бажариш натижасида тижорат банклари ўртасидаги рақобатни самарали баҳолаш механизми вужудга келади. Мазкур жараёнларни яхлит бир тизимга туширган ҳолда қуидаги расм орқали кўриб чиқишимиз мумкин ҳисобланади.

### Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини баҳолаш механизми



2-расм. Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини баҳолаш механизми[8]

Юқоридаги расмдан кўриниб турибидики, тижорат банкларининг рақобат бардошлигини баҳолаш механизмини яратиш орқали банклараро бозорда банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин бўлар экан.

Демак, республикамиз банк бозорида ҳам кириб келаётган молиявий институтлар билан рақобатлашиш кўнималарини ривожлантириш ҳар бир банкнинг стратегик мақсади бўлиши зарур. Жаҳон банк бозорида молиявий институтларнинг банклар билан рақобати аста-секинлик билан ривожланиб келмоқда. Бу эса ҳар бир давлатнинг банк бозоридаги бўладиган ўзгаришларни ўз вақтида сезиши, банк соҳасига янги инновацион технологияларни қўллаши муҳимлигини англатади.

### Хулоса

Умуман олганда, молия институтлари замонавий халқаро молия бозорларининг инновацион таркибий қисми саналади ва ривожланишда юқори салоҳиятга эгадир.

Демак, республикамиз банк бозорида ҳам молия институтлари билан рақобатлашиш кўнималарини ривожлантириш ҳар бир банкнинг стратегик мақсади бўлиши зарур. Жаҳон банк бозорида банкларнинг рақобатчилари ривожланиб келмоқда. Бу эса ҳар бир давлатнинг банк бозоридаги бўладиган ўзгаришларни ўз вақтида сезиши, банк соҳасига янги инновацион технологияларни қўллаши муҳимлигини англатади.

Жаҳонда рўй бераётган сўнгги трендларни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, дунёда банклар балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини жадал алмаштириш даврида биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан,

балки ноу-хай, технологияларининг фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар сифатини ошириш ва оммаболигини таъминлашда молиявий технологияларидан фаол фойдаланиш зарур. Чунончи, бундай технологиялар ёрдамида кредит ахборотларини алмашиш, нобанк институтлар ва молиявий платформалар билан очик банк фаолияти (опен банкинг) доирасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконияти мавжуд:

- жаҳон молия бозорида молия институтларини ривожланиб боришини банклар бозорида тўғридан-тўғри рақобатчи сифатида қабул қилиш зарур;
- банклар бозорида рақамли технологиялар қўллаш бўйича зарур чоратадибирлар тизимини ишлаб чиқиш зарур;
- банк хизматларига янги инновацион хизмат турлари рақамли тўлов, блокчейн, масофадан хизмат кўрсатиш, интернет банкинг қўллашни янада такомиллаштириш;
- замонавий банк амалиёти ва мезонларини жорий қилиш, шу жумладан, замонавий ИТ тизимлари рақамли банкинг ўтиш ва илгари киритилган хизматлар турларини сақлаш;
- ягона тўлов тизимида банк эмитентларининг пластик карталарини аниқлаш ва улардан фойдаланиш;
- банк секторининг тўлиқ либераллашувига эришиш;
- тўловларни фискаллаштириш, тегишли хизматларнинг банклар рақамли платформаларига интеграциаллашувини амалга ошириш.

Демак, республикамиз банк бозорида ҳам кириб келаётган янги молиявий

институтлар билан рақобатлашиш кўникмаларини ривожлантириш ҳар бир банкнинг стратегик мақсади бўлиши зарур. Бу эса ҳар бир давлатнинг банк

бозоридаги бўладиган ўзгаришларни ўз вақтида сезиши, банк соҳасига янги инновацион технологияларни қўллаши муҳимлигини англатади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2022.
2. Caviglia, G., Krause, G and Thimann, C. 2002: Key features of the financial sectors in EU accessioncountries. In: Thimann, C. (ed). Financial Sectors in Transition Countries. European Central Bank:Francfort.
3. Degryse, H., Kim, M., and Ongena, S. (2009). Microeconometrics of banking :methods,applications, and results. Oxford University Press, USA, Liu, H., Molyneux, P., and Wilson, J. O. (2013). Competition inbanking : measurement and interpretation. Handbook of Research Methods and Applications in Empirical Finance, page 197.
4. Weill, L. 2003: Banking efficiency in transition economies, the role of foreign ownership. Economicsof Transition 11(3): 569–592
5. Naldi, M., Flamini, M. (2014). Interval Estimation of the Herfindahl-Hirschman Index Under Incomplete Market Information. IEEE Computer Society, pp. 318-323.
6. Бобакулов Т.И. Миллий валютани барқарорлигини таъминлаш:муаммолар ва ечимлар. Монография. – Тошкент.2007. 104-105-б.
7. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент. 2000. 228-229-б.
8. Назарий маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси
9. <https://www.pwc.com/ee/et/publications/pub/2020-Global-Innovation-1000-Fact-Pack.pdf>
10. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) -Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

УО‘Т 33.330.(06.004)

Moyliyev Elyor Baxtiyorovich,  
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti  
tayanch doktoranti

## O‘ZBEKISTON AGRAR SOHASINING TASHQI IQTISODIY FAOLIYATI TAHLILI

Мойлиев Элёр Бахтиёрович,  
Базовый докторант УМЭД

### АНАЛИЗ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АГРАРНОГО СЕКТОРА УЗБЕКИСТАНА

Moyliyev Elyor Baxtiyorovich,  
Basic doctoral student at UWED

### ANALYSIS OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY OF THE AGRICULTURAL SECTOR OF UZBEKISTAN

**Annotatsiya.** *Ushbu maqolada mamlakatimiz agrar sohasining tashqi iqtisodiy faoliyati xususida fikr yuritilgan. Ya’ni umumiy tashqi iqtisodiy faoliyatda agrar sektorning roli yoritilgan. Va mamlakatimiz qishloq xo’jaligi mahsulotlarining eksporti va importi tahlil qilingan.*

**Tayanch so’zlar:** *qishloq xo’jaligi, tashqi iqtisodiy faoliyat, eksport, import.*

**Аннотация.** В данной статье рассматривается внешнеэкономическая деятельность аграрного сектора нашей страны. В данной статье выделена роль аграрного сектора в общей внешнеэкономической деятельности. И проанализированы экспорт и импорт сельскохозяйственной продукции нашей страны.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, ВТО, экономика страны, экспорт, импорт.

**Annotation.** This article discusses the external economic activity of the agricultural sector of our country. In this article, the role of the agrarian sector in the general foreign economic activity has been highlighted. And the export and import of agricultural products of our country have been analyzed.

**Keywords:** agriculture, foreign economic activity, export, import.

#### Kirish

Ma’lumki, qishloq xo’jaligi mamlakatimizning eng asosiy tarmoqlaridan hisoblanadi va uning rivojlanishi qishloq joylarda iqtisodiy va siyosiy islohotlarni

olib borish darajasidan kelib chiqadi. Shuning uchun davlat qishloq xo’jaligida xususiyashtirish bilan birga, erkin raqobatga yo’l ochib berishi, hamda uning iqtisodiy va huquqiy asoslarini demokratik

tarzda yo‘lga qo‘yishi zarur. Jahon iqtisodiyotining hozirgi rivojlanishi xalqaro iqtisodiy munosabatlarning globallashuvi, mamlakatlar o‘rtasidagi iqtisodiy aloqalarni kengayishi, savdo to‘siqlarini kamaytirish va millatlarning o‘zaro bog‘liqligini rivojlantirishga qaratilgan. Zamonaviy dunyoda, har bir mamlakatning iqtisodiy o‘sishi va uning aholisining turmush darajasi, mamlakatning globallashuv va xalqaro mehnat taqsimotidagi afzalliliklaridan qanday foydalanishiga bog‘liqdir.

Tabiiyki, O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi eksportining oshishi, qishloq xo‘jaligini texnologik modernizatsiyalash va uning raqobatbardosh bo‘lishi muhim va albatta shartdir.

Shu o‘rinda ta’kidlash lozimki, respublikamizda 80 turdan ortiq qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtirilib, dunyoning 66 ta mamlakatiga eksport qilinmoqda. Mamlakatimizda har yili 21 million tonnadan ortiq meva-sabzavot yetishtiriladi. Biroq ularning bor-yo‘g‘i 1,5 million tonnasi eksport qilinadi. Mahsulotni saralash, qadoqlash, qayta ishlash va eksport qilish bo‘yicha 31 ta agrologistika markazi tashkil etilgan. Lekin aylanma mablag‘lar yetishmasligi va doimiy mahsulot yo‘qligi oqibatida ularning aksariyati mavsumiy ishlab, mayjud quvvatlardan bor-yo‘g‘i 10–15 foiz foydalanmoqda [14].

Shu jihatdan olganda ham, O‘zbekiston agrar sohasining tashqi iqtisodiy faoliyatini tahlil qilish dolzarb ahamiyat kasb etib, mamlakatda yetishtirilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari eksport geografiyasini kengaytirishda muhim o‘rin tutadi.

### **Mavzuga oid adabiyotlar sharhi**

Bu mavzuni ko‘plab chet ellik va mahalliy olimlar o‘rganganlar va o‘zfikrlarini bayon qilganlar. Andrey Udalov va Zoya Udalova (2020) “The analysis of foreign economic activity of agricultural producers of the southern federal district”, Andrey Udalov, Zoya Udalova, Lubov

Postnikova va Maria Kubar(2020) “The analysis of impact of foreign economic policy on the development of agriculture in Russian Federation”, Manamba Epaphra, Ales H. Mwakalasya (2017) “Analysis of Foreign Direct Investment, Agricultural Sector and Economic Growth in Tanzania”, Ochilov Ilhom Sayitkulovich, Mardiyev Nurali va Bostonov Komil Komakovich (2021) “Issues for improving analysis of agricultural sectors and cluster activities in the Uzbekistan economy”, Mansur Eshov, Lochinbek Amirov va Mavluda Askarova(2020) “Development of the agricultural sector and its importance in Uzbekistan”, Umarmohdjayeva Muyassarkhon Ganievna, IISadriddinova Nigora Xusnidin qizi(2019) “Export potential development and export diversification of fruit and vegetable products in Uzbekistan’s economy” kabi olimlar o‘zlarining ilmiy ishlarda agrar sektor va uning tashqi iqtisodiy faoliyati haqida fikr bildirganlar.

### **Tadqiqot metadalogiysi**

FAO (Food and Agriculture Organization) va Jahon Banking hamda O‘zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo‘mitasi ma’lumotlari mazkur mavzuni tatbiq etishda asosiy uslubiy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Tadqiqotda nazariy mushohada, ilmiy abstraksiya, qiyosiy tahlil, matematik va statistik guruhlash kabi usullardan foydalanildi.

### **Natija va muhokama**

Tabiiyki, mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligi juda ham muhim sanaladi. Shu bilan birga, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining importi bilan bir qatorda, ularning eksporti ham mamlakat iqtisodiyoti uchun juda muhimdir. O‘zbekiston 2021-yilda 23 milliard 724 million dollarlik tovar va xizmatlarni import qilgan [1]. Bu esa jami dunyo importining 0,1 % ini tashkil qilgan va biz bu borada dunyoda 74-mamlakat bo‘lganmiz [2]. Bu importda qishloq

xo'jaligi mahsulotlarining ulushi 1 milliard 828 million dollarni tashkil qilgan, ya'ni jami importning 7,7 % ini qishloq xo'jaligi mahsulotlari tashkil qilgan [3]. Aynan shu yildagi mamlakatimizning tovar va xizmatlar eksportiga e'tibor bersak, 14 milliard 34 million dollarni tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin [4]. Bu esa jami dunyo eksportining 0,1 % ini tashkil qilgan va eksport salohiyati bo'yicha 80-mamlakat bo'lganmiz [5]. Jami eksportda qishloq xo'jaligi mahsulotlarining ulushi shu yilda 8,8 % ni tashkil qilgan va 1 milliard 234 million dollarni tashkil qilgan [6].

Yuqoridagi jadvaldan mamlakatimizning 2000-2021-yillardagi eksport mahsulotlari tarkibini ko'rishimiz mumkin. Jadvalga e'tibor bersak, 2000-yilda mamlakatimizning jami eksporti 3 milliard 108 million dollarni tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin. Bunda oziq-ovqat va tirik hayvonlar eksporti 95,5 million dollarni yoki jami eksport hajmining 3 % ini tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin. Albatta buni mustaqilning dastlabki yillarida ekin maydonlariga asosan paxta ekilganligi va boshqa ekinlar, tirik hayvonlarni yetishtirishga unchalik e'tibor berilmaganligi bilan izohlash mumkin.

I-jadval

#### O'zbekistonning eksport tarkibi (million AQSH dollarida)

Mahsulot nomi	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Jami:	3108	5336	12805	12500	12078	12534	13990	17459	15102	16610
Oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar	95,5	140,8	1056	1239	645	817,9	1030	1436	1336	1372
Ichimliklar va tamaki mahsulotlari	32,5	16,2	44,5	23,1	17,8	23,4	22,3	29,8	27,1	36
Nooziq-ovqat, xomashyo, yoqilg'idan tashqari	972	1104	1734	885	788,5	627	428	591	456	514
Mineral yoqilg'i, yog'lash moylari va shunga o'xshash materiallar	250,5	605	2908	2685	1714	1608	2667	2528	659	890
Hayvon va o'simlik moylari (yog'lari)	4,8	12,3	1,4	0,2	0	0	0,1	12,4	26,8	1,5
Kimyoviy vositalar va shunga o'xshash mahsulotlar	81,7	278	638	595	818	861	881	836	821	1131
Asosan material turiga qarab klassifikatsiyalangan sanoat tovarlari	399	729	1610	1740	1713	2201	2412	2753	2906	4335
Mashinalar va transport asbob-uskunalar	101	433	700	137	209	351	204	422	434	694
Turli xil tayyor buyumlar	28,6	30	154	213	246	312	338	436	617	785
Boshqa tovarlar	695	1329	2624	1921	2808	3260	2939	4978	5813	4305
Xizmatlar	448,4	657,5	1336	3061	3121	2475	3070	3435	2005	2547

**Manba:** <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2> ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

2000-yilda mamlakatimiz eksportida eng katta ulushga nooziq-ovqat xomashyosi – 972 million dollar bilan ega ekanligini jadvaldan ko‘rishimiz mumkin. Oradan 21 yil o‘tib 2021-yilda mamlakatimizning eksport salohiyati 16 milliard 610 million dollarni tashkil etgan va bu 2000-yilga qaraganda 5,3 marta ko‘p deganidir. Bunda oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar 1 milliard 372 million dollar bilan asosiy eksport tovarlaridan biri bo‘lganligini ko‘rishimiz mumkin. Ya’ni jami eksport hajmi 5,3 marta oshgan bo‘lsa, bu yillar davomida oziq-ovqat

mmahsulotlari va tirik hayvonlar eksporti 14,4 marta oshganligini ko‘rishimiz mumkin. 2021-yilda jami eksportda oziq-ovqat va tirik hayvonlar hajmi 8,2 % ni tashkil qilgan. Albatta bu yurtimizda qishloq xo‘jaligini va agrosanoatni rivojlantirishga berilayotgan e’tibor natijasidir. Quyidagi jadvaldan esa shu yillar davomida mamlakatimizning import tarkibi qay tarzda o‘zgarganligini ko‘rishimiz mumkin.

2-jadvalda 2000–2021-yillardagi mamlakatimizning import tarkibi keltirilgan. Bu jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki,

2-jadval  
Mamlakatning import tarkibi (million AQSH dollarida)

Mahsulot nomi	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Jami:	2345	3479	8265	11924	11542	13370	19423	24292	21154	25461
Oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar	205,8	185,7	477	1314	1145	1049	1327	1609	1851	2510
Ichimliklar va tamaki mahsulotlari	12,8	9,7	47,3	43,5	45,2	35,2	24	44	49,3	89,9
Nooziq-ovqat, xomashyo, yoqilg‘idan tashqari	91,3	95	257	174,4	263,7	316	803,8	1027	864	1155
Mineral yoqilg‘i, yog‘lash moylari va shunga o‘xshash materiallar	101,8	103,5	549,4	725	589	742,1	879,5	940,6	1107	1541
Hayvon va o‘simlik moylari (yog‘lari)	18,2	11,6	155	219	225	160,1	211,6	279,6	296,8	411,5
Kimyoviy vositalar va shunga o‘xshash mahsulotlar	273,1	382,1	970,2	1691	1717	1696	2126	2687	2881	3648
Asosan material turiga qarab klassifikatsiyalangan sanoat tovarlari	307,6	611,6	1450	1919	1775	2326	3461	4148	3581	4720
Mashinalar va transport asbob-uskulalari	903,8	1478	3560	4438	4519	4517	7669	9569	7954	8253
Turli xil tayyor buyumlar	181,2	181,5	309,3	456	455	552	774	1506	1309	1385
Boshqa tovarlar	-	1,3	0	-	-	0,1	20,5	57,4	37,7	11,6
Xizmatlar	249	419	490,4	954	809	1977	2127	2426	1221	1737

**Манба:** <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2> ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

2000-yilda mamlakatimizning jami importi 2 milliard 345 million dollarni tashkil qilgan. Bunda oziq-ovqat va tirik hayvonlar ulushi 8,7 % ni yoki 205,8 million dollarni tashkil qilgan. 2021-yilga kelib mamlakatimiz import hajmi 10,85 marta o'sib, 25 milliard 461 million dollarni tashkil qilgan. 2021-yilda jami importda oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar ulushi 2 milliard 510 million dollarni yoki 9,6 % ni tashkil qilganligini ko'rishimiz mumkin. Bu esa 2000-yilga qaraganda 12,2 marta ko'p deganidir. Bu yillar davomida jami import hajmida oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar ulushi oshganligini ko'rishimiz mumkin. Yuqoridagi eksport va import hajmlarini jadval asosida tahlil qilish asosida ko'rishimiz mumkinki, 2017-yildan beri tashqi savdo saldoymiz minusga tushgan. Bugungi kunga kelib oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar importi ham uning eksportidan ko'proq ekanligini ko'rishimiz mumkin. Endi quyidagi jadvallardan mamlakatimizning oziq-ovqat va tirik hayvonlar eksport va importidagi asosiy mahsulotlar nima ekanligini ko'rishimiz mumkin.

## 3-jadval

**O'zbekiston Respublikasining tashqi  
savdodagi asosiy 10 ta partnyor  
mamlakati (2021)**

Ex-portyor mamlakatlar	Million dollarda	Im-portyor mamlakatlar	Million dollarda
Rossiya	4700	Xitoy	2300
Xitoy	4400	Rossiya	1900
Qozog'iston	2500	Turkiya	1500
Janubiy Koreya	1600	Qozog'iston	1100
Turkiya	1500	Qirg'iziston	711
Germaniya	614	Afg'oniston	573

Turkmaniston	450	Tojikiston	451
Ukraina	420	Ukraina	203
Hindiston	410.7	Kanada	182
Litva	397	Turkmənistən	176

**Manba:** <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2> ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Yuqoridagi jadvaldan 2021-yildagi mamlakatimizning asosiy tashqi savdo sheri klarini ko'rishimiz mumkin. Mamlakatimizning importiga e'tibor bersak eng katta importimiz Rossiya mahsulotlari hissasiga to'g'ri kelishini ko'rishimiz mumkin. 2021-yilda mamlakatimiz Rossiyadan 4 milliard 700 million dollarlik mahsulotlar import qilgan. Rossiyadan keyingi o'rinni esa mamlakatimizga 4 milliard 400 million dollarlik mahsulotlar eksport qilgan Xitoy mamlakati egallagan. Uchlikni esa 2,5 milliard dollar bilan qo'shnimiz Qozog'iston yakunlab bergen. Janubiy Koreya va Turkiya ham 1,6 va 1,5 milliard dollarlik mahsulotlar bilan mamlakatimiz importida sezilarli ulushga ega bo'lgan. Bu beshta mamlakatdan 2021-yilda mamlakatimiz jami 14 milliard 700 million dollarlik mahsulot import qilgan. 2021-yilda jami mamlakatimizning import hajmi 25 milliard 465 million dollarni tashkil etgan bo'lsa, shuning 57,7 % i yuqoridagi 5 ta mamlakat hissasiga to'g'ri kelgan. Germaniya, Turkmaniston, Ukraina, Hindiston va Litva mamlakatlaridan ham sezilarli hajmda mahsulotlar import qilganmiz. Bu beshta mamlakatdan 2021-yilda qilgan importimiz jami 2 milliard 291 million dollarni tashkil qilgan. Albatta importimizda Rossiya va Xitoyning asosiy o'ringa egaligini bu mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanganligi va yana nisbatan geografik jihatdan mamlakatimiz bilan yaqin joylashganligi bilan izohlash mumkin. Mamlakatimizning

asosiy eksport sheriklariga nazar tashlasak manzara juda ham o‘zgarmaganligini ko‘rishimiz mumkin. 2021-yilda eng ko‘p mahsulotni mamlakatimiz Xitoya eksport qilgan va uning hajmi 2 milliard 300 million dollarni tashkil qilgan. Keyingi o‘rinda esa 1 milliard 900 million dollarlik mahsulotimizni import qilgan Rossiya egallagan. Turkiya va Qozog‘istonga mos ravishda 1,5 va 1,1 milliard dollarlik mahsulot eksport qilganmiz. Kuchli beshlikni esa 711 million dollarlik mahsulotlarimizni import qilgan Qirg‘iziston egallagan. Afg‘oniston, Tojikiston, Ukraina, Kanada va Turkmanistan ham mamlakatimiz eksport sheriklari ichida salmoqli ulushga ega. Bu besh mamlakatga 2021-yilda mamlakatimiz jami 1 milliard 585 million dollarlik mahsulot export qilgan. Mamlakatimiz tashqi savdo sheriklariga e‘tibor bersak ham eksportimizda ham importimizda Rossiya va Xitoy asosiy ulushga ega ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Qolgan mamlakatlarning ulushi esa judayam sezilarli darajada emas. Buni yana bugungi kunda mamlakatimizga kiritilayotgan investitsiyalarning katta ulushi shu ikki mamlakat Xitoy va Rossiya hissasiga to‘g‘ri kelishi bilan ham izohlash mumkin. Albatta bu ikkala mamlakat bilan savdo qilishimiz yaxshi, ammo faqat tashqi savdoda bu ikkala mamlakatga bog‘lanib qolishimiz yaxshi emas. Mamlakatimiz rivojlanmoqda,

bu esa yangidan yangi turfa xil tovar va xizmatlar degani, biz bu tovar va xizmatlar uchun yangi bozorlar topishimiz lozim. Quyidagi jadvaldan biz qishloq xo‘jaligimiz mamlakatimizdagi umumiy ishlab chiqarish qiymatini va qancha miqdorda import va export bo‘lishini bilishimiz mumkin.

4-jadvalda oxirgi 3 yil davomida respublikamizda jami ishlab chiqarilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining hajmi, mamlakatimiz tomonidan qilingan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari exporti va importi hajmi keltirilgan. 2019-yilda mamlakatimizda jami 14 milliard 775 million dollarlik qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtirilgan bo‘lsa, shundan 1 milliard 436 million dollarlik mahsulot export qilingan. Ya’ni jami yetishtirilgan mahsulotning 9,7 % i export qilingan. Aynan shu yilda mamlakatimiz tomonidan 1 milliard 609 million dollarlik qishloq xo‘jaligi mahsulotlari import qilingan. Ya’ni 2019-yilda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari importi uning eksportidan ko‘p bo‘lgan. 2020 va 2021-yillarda ham mamlakatimizda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtirish hajmi o‘sib borgan va mos ravishda 15 milliard 41 million va 17 milliard 297 million dollarni tashkil qilgan. Umumiy qishloq xo‘jaligi hajmi o‘sgan bo‘lsa-da 2020-yilda uning eksporti 2019-yilga qaraganda pasaygan, ya’ni 2020-yilda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari

4-jadval

#### O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligining bozor hajmi (million dollarda)[7]

	2019	2020	2021	2022 tahminiy
Umumiy ishlab chiqarish hajmi	14775	15041	17297	18500
Umumiy export	1436	1336	1372	1500
Umumiy import	1609	1851	2510	2800
Umumiy bozor hajmi*	14948	15556	18435	19800
Dollar kursi**	8839	10056	10610	11100

\* Umumiy bozor hajmi= (Umumiy ishlab chiqarish hajmi+umumiy import)-umumiy export.

\*\*Dollar kursi= 1 AQSH dollarining o‘zbek so‘midagi qiymati.

eksporti 1 milliard 336 million dollarni tashkil qilgan. Bu esa 2019-yilga nisbatan 6,9 % yoki 100 million dollarga kam deganidir. Bunga sabab sifatida Covid-19 ni keltirishimiz mumkin.

Xulosa

Covid-19 sababli 2020-yilda dunyo mamlakatlari iqtisodiyotida keskin tushish ro'y berdi va bu, o'z navbatida, ko'plab mamlakatlarning eksporti va importi kamayishiga sababchi bo'ldi. Bu holat 2021-yilda yaxshilanganligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. 2021-yilda mamlakatimiz tomonidan 1 milliard 372 million dollarlik qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksport qilingan. Bu esa 2020-yilga nisbatan o'sish degani. Lekin oxirgi 3 yil davomida mamlakatimiz qishloq xo'jaligi mahsulotlari importi faqat o'sish tendensiyasini ko'rsatganligini ko'rshimiz mumkin. 2019-yilda 1 milliard 609 millionlik qishloq xo'jaligi mahsulotlari import qilgan bo'lsak, bu ko'rsatkich 2021-yilda 2 milliard 510 million dollarni tashkil qilgan. Ya'ni 2 yil ichida qishloq xo'jaligi mahsulotlari importi 1,5 baravarga oshganligini ko'rshimiz mumkin. Buni mamlakatimiz asosan qishloq xo'jaligida xom ashyo bo'lgan nisbatan dunyo bozorida arzon bo'lgan mahsulotlar export qilishi va qayta ishlangan, qo'shilgan qiymati yuqori qishloq xo'jaligi mahsulotlari import qilishi bilan izohlash mumkin.

Ammo haligacha hal qilinmagan masalalar ham ko‘p. Oziq-ovqat mahsulotlari, shu jumladan, o‘simlik mahsulotlarida pestisidlar qoldiqlari va boshqa kimyoviy ifloslantiruvchi moddalar miqdorini cheklowlar bo‘yicha me’yorlar va qoidalari Alimentarius Kodeksi parametrlariga mos kelmaydi. Bu esa Kodeks standartlari joriy qilingan davlatlarga mahsulotlarni eksport qilishda qiyinchiliklar tug ‘dirmoqda. Bugun yurtimizda ro‘yxatga olingan 72 faol moddaning 60 foizdan ortig‘i (43) Yevropa Ittifoqida foydalanishga ruxsat etilmagan. Bu ushbu pestisidlar bilan ishlov berilgan bog‘dorchilik mahsulotlarini Yevropa Ittifoqiga eksport qilish mumkin emasligini anglatadi. Pestisidlardan to‘g‘ri foydalanish bo‘yicha regulator tomonidan hech qanday nazorat yo‘q. Masalan, O‘zbekistonda foydalanishga ruxsat etilgan xlorpirifos, metomil, asefat va propargit Yevropa Ittifoqi va boshqa bir qator mamlakatlarda taqiqlangan. Pestisidlar va o‘g‘itlarni olib kirish, ichki savdo va tarqatish tizimi tartibga solinmagan, nazorat qilinmaydi. Yevropa Ittifoqi yoki Kodeks qoidalari joriy qilingan boshqa mamlakatlarga eksport qilishda O‘zbekistonda Kodeks va/yoki Yevropa Ittifoqi parametrlariga muvofiq mahsulotlarni PDK (konsentralarning ruxsat etilgan darajasi) uchun sinovdan o‘tkazuvchi akkreditatsiyalangan toksikologik laboratoriylar mavjud emas.

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**

1. [https://www.trademap.org/\(X\(1\)S\(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1\)\)/Product\\_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/(X(1)S(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1))/Product_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1)
  2. [https://www.trademap.org/\(X\(1\)S\(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1\)\)/Product\\_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/(X(1)S(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1))/Product_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1)
  3. [https://www.trademap.org/\(X\(1\)S\(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1\)\)/Product\\_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/(X(1)S(di0syw55k2zdcy55gq31cwq1))/Product_SelProductCountry.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c107698%7c%7c6%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1%7c1)

4. [https://www.trademap.org/Country\\_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1)
5. [https://www.trademap.org/Country\\_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7cTOTAL%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1)
6. [https://www.trademap.org/Country\\_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7c08%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1](https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry.aspx?nvpdm=1%7c860%7c%7c%7c%7c08%7c%7c%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c1%7c1)
7. <https://www.trade.gov/country-commercial-guides/uzbekistan-agricultural-sectors>
8. J. Grueff, and S. Tangerman, “Achieving a successful outcome for agriculture in the EU–U.S. Transatlantic Trade and Investment Partnership Agreement”, Washington DC: International Food & Agricultural Trade Policy Council, Discussion Paper, February 2013.
9. [https://www.wto.org/english/thewto\\_e/whatis\\_e/tif\\_e/dev1\\_e.htm](https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/tif_e/dev1_e.htm)
10. [https://www.wto.org/english/tratop\\_e/devel\\_e/dev\\_sub\\_committee\\_ldc\\_e.htm#:~:text=The%20WTO%20recognizes%20as%20LDCs,%2C%20Sudan%20and%20Timor%2DLeste.](https://www.wto.org/english/tratop_e/devel_e/dev_sub_committee_ldc_e.htm#:~:text=The%20WTO%20recognizes%20as%20LDCs,%2C%20Sudan%20and%20Timor%2DLeste.)
11. E. Diamand, and M. Schimpf, „Trading away EU farmers. The risks to Europe’s agriculture from the TTIP”, Brussels: TTIP Farming Report. April 2016
12. [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/wts2020\\_e/wts2020chapter06\\_e.pdf](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts2020chapter06_e.pdf)
13. G. Mazure, and S. Tiltina, „Export-import dynamics within the European Union trade policy.” Paper presented at the 2015 International Conference “Economic Science for Rural Development”, Jelgava, 23-24 April 2015, pp. 268-27
14. <https://review.uz/uz/post/yurtimizda-etishtirilayotgan-ishlo-xjaligi-masulotlari-66-ta-mamlakatga-eksport-ilinmoda>

УДК: 63 : 378. 4 (4/9:100)

Хужаназарова Наргис Шохмуродовна,  
Исследователь Ташкентского Государственного  
Экономического Университета  
[Nargiza1977@list.ru](mailto:Nargiza1977@list.ru)

## ФИНАНСОВОЕ УПРАВЛЕНИЕ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ НА МЕГО, МАКРО, МЕЗО, МИКРО УРОВНЯХ СТРАНЫ

Хўжаназарова Наргис,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил тадқиқотчиси

## MAMLAQATNING MEGO, MAKRO, MEZO, MIKRO DARAJALARIDA TURIZM INDUSTRIYASINI MOLIYAVIY BOSHQARISH

Khujanazarova Nargis,  
Tashkent State University of Economics, I  
independent researcher

## FINANCIAL MANAGEMENT OF THE TOURISM INDUSTRY AT THE MEGO, MACRO, MESO, MICRO LEVELS OF THE COUNTRY

**Аннотация.** В статье рассматриваются механизмы финансовой устойчивости туристической индустрии, раскрывающие основные факторы, которые влияют на эффективное развитие индустрии туризма. Особое внимание обращается понятию туризм, конкурентоспособности данной сферы экономики на мега, макро, мезо, микро уровнях. Изучающие политику, экономику, финансовые инструменты, ресурсы, возможности, взаимоотношения с финансовыми институтами, отношения с бюджетом всех уровней включая налогообложения, экологию, научно-технические, демографические, социально-культурные, внешние и внутренние факторы влияющие на финансовую устойчивость страны.

**Ключевые слова:** Рынок, спрос, предложения, продавец, покупатель, конкурент, посредник, товар, товарооборот, ценообразования, услуги, природные и созданные ресурсы, капитал, туризм, конкурентоспособность предприятий индустрии туризма, туристические потоки, экономика, финансы и кредит.

**Аннотация.** Мақолада туризм саноатининг самарали ривожланишига таъсир этувчи асосий оғизларни очиб берадиган туризм саноатининг молиявий барқарорлиги механизmlари муҳокама қилинади. Туризм концепциясига, иқтисодиётнинг ушбу секторининг мега, макро, мезо, микро даражадаги рақобатбардошлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, молиявий воситалар, ресурслар, имкониятлар, молия институтлари

билин муносабатлар, барча даражадаги бюджет билан муносабатлар, шу жумладан солиқ, экология, ғлыми-техник, демографик, ижтимоий-маданий, мамлакатнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларидан иборатdir.

**Таянч сўзлар:** бозор, талаб, таклиф, сотувчи, харидор, рақобатчи, воситачи, товарлар, товар айланмаси, нархлар, хизматлар, табиий ва яратилган ресурслар, капитал, туризм, туризм соҳаси корхоналарининг рақобатбардошлиги, туристик оқимлар, иқтисодиёт, молия ва кредит.

**Annotation.** The article discusses the mechanisms of financial stability of the tourism industry revealing the main factors that affect the effective development of the tourism industry. Particular attention is paid to the concept of tourism, the competitiveness of this sector of the economy at mega, macro, meso, micro levels. Students of politics, economics, financial instruments, resources, opportunities, relations with financial institutions, relations with the budget at all levels, including taxation, ecology, scientific and technical, demographic, socio-cultural, external and internal factors affecting the financial stability of the country.

**Keywords:** Market, demand, supply, seller, buyer, competitor, intermediary, goods, turnover, pricing, services, natural and created resources, capital, tourism, competitiveness of tourism industry enterprises, tourist flows, economy, finance and credit.

## ВВЕДЕНИЕ

Туризм это особая сфера предпринимательской деятельности, которая отличается интегрированным характером экономических отношений взаимодействия и взаимной зависимости объектов производственных и непроизводственных отраслей предоставляющих универсальный продукт. На эффективную деятельность индустрии туризма влияет целый ряд факторов, которые во многом определяют её уровень развития. Проведём классификацию факторов по критериям определённости и степени риска на мега, макро, мезо, микро уровнях. Во многих странах высокая конкурентоспособность индустрии туризма объясняется тем, что является одновременно:

- крупнейшим работодателем;
- мультиликатором для развития других групп товаров и услуг;
- Налоговым плательщиком в государственный бюджет различных уровней.

Доля туристической сферы в мировом ВВП составляет 9%, создано

235 млн. рабочих мест 8% от общего объема рынка занятости в мире по данным Международной организации труда [1]. Перспективы развития данной отрасли экономики очень большие. С каждым годом увеличивается количество желающих, которые стремятся посетить различные регионы планеты. Данный бизнес является наиболее выгодной и высокодоходной отраслью. Вот почему многие страны заинтересованы в развитии данной сферы деятельности. Практика ряда стран доказала, что приносить прибыль данный сервисный комплекс может и при относительно слабой экономике. Например, Египет, Мексика, Тунис привлекают гостей со всего мира за счёт развитой инфраструктуры, сервиса, экзотических путешествий и доступными ценами.

После пандемии в этих тяжелых условиях власти Узбекистана взяли инициативу на курс развития внутреннего туризма, чему во многом способствовали отложенный спрос на поездки и ограничения в сфере выездного туризма. Одной из главных мер поддержки внутреннего туризма

стала принятая государственная программа туристского кешбека страны действующая в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 30 апреля 2022 года № 232 «О дополнительных мерах по диверсификации услуг внутреннего туризма» Министерством туризма, культурного наследия и налоговым комитетом Республики Узбекистан внедрена система кешбэк. С 1 сентября 2022 года по программе «Путешествуй по Узбекистану!» гражданам Республики Узбекистан, совершившим внутренние поездки по территории страны, возмещается часть расходов. Платформой “кэшбэк для путешествий” очень проста и работает по мобильному приложению Soliq.uz. Система кешбэк интегрирована со специальным мобильным приложением Государственного налогового комитета национальная налоговая служба, с помощью мобильного приложения проверяется достоверность расходов, регистрируются туры с указанием матричного QR штрих-код чека, а также места постоянного проживания местных туристов. Возмещение расходов на путешествие производится на протяжении всего путешествия, если турист пользуется самолётом, поездом или автобусом, посещает объекты культурного наследия местного значения культуры и гостиницы. Возмещение расходов на путешествие производится каждому туристу в следующих в процентном соотношении от 15 до 50%, где расходы на путешествие возмещаются только на банковские карты местных туристов, и только за внутренние поездки, зарегистрированные через платформу Soliq.uz. Одной из главных мер поддержки внутреннего туризма стала программа стимулирования спроса за поездки с помощью возмещения части потребительских расходов кешбека, аналогичная тем, которые ранее уже осуществлялись за рубежом.

Теоретические основы туризма является туризм, который можно определить как феномен, непосредственно связанный со свободным временем и культурой досуга. Туризм представляет собой определённый вид жизнедеятельности, связанный с развлечениями, предоставлением услуг и удовлетворением потребностей туристов в частности - временноное перемещение людей с места своего постоянного проживания в другую страну или местность в пределах своей страны в свободное время в целях получения удовольствия, познавательных или деловых целях, но без занятия оплачиваемой работой в посещённом месте. В то же время туризм, как отрасль экономики, сложный природно-экономический и технический комплекс, основывающийся на научных принципах, целью которых является предоставление серии услуг для личности, которая посвящает свободное время путешествиям, превращаясь при этом в туриста или экскурсанта. Значение туризма для современного общества огромно можно выделить три основных направления влияния туризма на жизнь общества это экономическое, социальное, и гуманитарное.

Эффективное развитие данной сферы экономики связано, на мой взгляд, с тем что в развитых странах индустрия туризма выступает как самостоятельное относительно обособленное звено экономической системы, привлекая значительные материальные, финансовые и трудовые ресурсы. Так, в Швейцарии развитие этого комплекса услуг является единственной экономической альтернативой сельскому хозяйству в горных районах. Поэтому в данной стране, активно развиваются зимние виды туризма как горнолыжный спорт, слалом и т.д. Индустрия туризма выгодна не только для страны в целом, но и привлекательна для малых и средних предприятий, не

говоря о крупном бизнесе, по следующим причинам:

- небольшие стартовые инвестиции;
- растущий спрос на данные услуги;
- высокий уровень рентабельности;
- минимальный срок окупаемости затрат.

В настоящий момент лидером туристических потоков является Европа, это обеспечивается за счёт наличием туристических ресурсов, включающих многообразные формы рельефа и климата, культурно-историческими достопримечательностями. Во-вторых, это связано с территориальной близостью стран Евросоюза, совместным решением информационных проблем, свободным перемещением через границы, многонациональной культурой, широкой рекламой и развитой туристической инфраструктурой.

Азиатско-тихоокеанский регион заменил американский регион на второй позиции. Это связано с ограничением въезда в США, сложностью получения визы, особенно после террористических актов, и множеством проверок. АТР считается направлением будущего, Китай вместе с Гонконгом привлекают все больше и больше посетителей. Природный фактор всегда влияет на наличие туристско-рекреационных ресурсов, влияющий на эффективность формирования рынка туризма. Решения о развитии туризма принимаются не только путём изучения предпочтений клиентов, но и демографических тенденций в мире так как рынок это механизм, позволяющий сбалансировать соотношение спроса и предложения на различные виды товаров и услуг, с помощью которых можно выявить реальных потенциальных конкурентов, посредников, потребителей реализующих товар. При характеристике рынка туризма нужно учитывать следующее:

- Предметом купли продажи являются услуги;

– Кроме покупателя и продавца к механизму туристического рынка могут присоединиться значительное количество посреднических звеньев которые способствуют лучше контролировать и управлять процессом продаж, развивая торговлю способствующую увеличения объема сбыта на мега, макро, мезо, микро уровнях. На рис 1., представленная концептуальная модель взаимосвязи индустрии туризма на вышеуказанных уровнях страны.

<b>1.</b>	Индустрия туризма мира в целом	Мегаэкономика туризма уровень мировой экономики
<b>2.</b>	Индустрия туризма страны	Макроэкономика туризма уровень национальной экономики
<b>3.</b>	Индустрия туризма дистинции	Мезоэкономика туризма уровень региональной экономики
<b>4.</b>	Предприятия туризма	Микроэкономика туризма уровень экономики предприятия турииндустрии.

**Рис.1.**

Управление финансовыми ресурсами предприятий туристической индустрии невозможно без комплексного анализа их финансового состояния и финансовых ресурсов. Туристический бизнес в настоящее время испытывает значительные трудности, связанные в т.ч., с высоким уровнем конкуренции, а также общей экономической, сурово экологической ситуацией в мире. Поэтому, анализ финансового состояния и результат, являются неотъемлемым элементом планирования деятельности предприятий туристической индустрии в будущем. Оборотные средства предприятий призваны обеспечивать непрерывное их

движение применяя формулу простого товарного обращения Д-Т-Д'[2], на всех стадиях кругооборота с тем, чтобы удовлетворять потребности туристической индустрии в денежных и материальных ресурсах, обеспечивая своевременность и полноту расчетов, повышению эффективности использования оборотных средств. Как показывает практика все источники финансирования оборотных средств предприятий турииндустрии можно разделить на две группы: собственные и заемные.

Собственные средства играют главную роль в организации кругооборота фондов, так как предприятия турииндустрии должны обладать определенной имущественной и оперативной самостоятельностью и финансовой независимостью с тем, чтобы вести дело рентабельно и прибыльно. Формирование оборотных средств происходит в момент организации предприятия турииндустрии, когда создается его уставный фонд. Источником формирования в этом случае служат инвестиционные средства учредителей предприятия. В процессе работы предприятия турииндустрии источником пополнения оборотных средств является получаемая прибыль, а также средства, которые не принадлежат предприятию, но постоянно находятся в его обороте. К ним относятся резервы на покрытие предстоящих расходов, средства кредиторов, полученные в качестве предоплаты, коммерческий кредит. Для покрытия общей потребности в оборотных средствах предприятия турииндустрии обычно привлекают заемные средства. Заемные средства представляют собой в основном краткосрочные кредиты банка, с помощью которых удовлетворяются временные дополнительные потребности в оборотных средствах. Особенно это актуально для туроператорских компаний в начале сезона, когда туроператоры

должны обеспечить оплату услуг партнеров (отельеров, заказчиков и т.п.). Таким образом, каждое предприятие турииндустрии должно решать за счет каких средств оно будет финансировать свои оборотные средства. Правильное соотношение между собственными и заемными источниками финансирования создать образованию оборотных средств которые будут играть важную роль в укреплении финансового состояния предприятия.

## МЕТОДОЛОГИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ

Финансовое состояние – это определенный набор критериев, по которым оценивается уровень ликвидности бухгалтерского баланса, уровень платежеспособности и финансовой устойчивости компаний различных сфер деятельности. Методология анализа финансового состояния туристических компаний практически идентична методологии анализа финансового состояния иных коммерческих предприятий. Методика анализа финансового состояния предприятия сферы туризма включает следующие элементы

Кроме представленных на рисунке 2., направлений и методов финансового состояния туристической компании, по желанию собственников и менеджеров, могут проводиться дополнительные методы исследований ее деятельности. Так, в частности, одним из элементов анализа финансового состояния, является анализ показателей деловой активности. Особенно в последнее время, все большую и большую популярность приобретают методы рейтинговой оценки, в том числе и финансового состояния туристических компаний. Это связано с тем, что высокие места в рейтинге на уровнях мега, макро, мезо, микро, позволяют в большей степени повысить доверие не только туристических компаний, фирм, с которыми работают



рисунок 2

туроператоры, но и конечного покупателя туристического продукта. В научной литературе в настоящий момент нет единого мнения в толковании термина туристическая индустрия. Например Балабанов И.Т., [2] рассматривает туристскую индустрию в широком плане как народнохозяйственный комплекс, включающий пассажирский транспорт воздушный, водный, автомобильный, железнодорожный с его разветвленной сетью технических служб различные специализированные предприятия, не имеющие ярко выраженного туристского характера, так называемы «вторичные» для туризма отрасли в частности, транспортное машиностроение и автомобилестроение, топливная промышленность, капитальное и дорожное строительство, промышленность сувениров, медицинская, пищевая промышленность, многие отрасли сельского хозяйства и т.д., а также широкую сферу услуг, которыми

пользуется турист. Другой автор Биржаков М.Б., [2] характеризует туристскую индустрию как взаимосвязанную систему предприятий и предпринимателей, представляющих туристам все необходимые для потребления в процессе туризма достаточные для осуществления процесса туризма и туристские услуги. Автор Квартальнов В.А., [3] относит к туристской индустрии все фирмы и заведения, целиком или частично, напрямую или косвенно производящие товары для посетителей и предоставляющие им услуги. Кабушкин Н.И.,[4] полагает что туристическая индустрия как совокупность производств разных отраслей хозяйства, учреждений культуры, образования и науки, обеспечивающих создание материально-технической базы туризма, подготовку рабочей силы и процесса производства, сбыта и потребления туристского продукта на основе использования

природных богатств, материальных и духовных ценностей нации показывающие финансовое управление туристической индустрии на мега, макро, мезо, микро уровнях страны.

## РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

В современной экономике туризма управление оборотными средствами на предприятиях турииндустрии имеет первостепенное значение. Каждое предприятие должно решать вопрос о правильном и эффективном управлении всеми компонентами оборотных средств, должно следить за состоянием оборотных средств и своевременно принимать правильные и обоснованные финансовые решения. Для обеспечения устойчивого финансового состояния предприятия турииндустрии необходимо разрабатывать и выбирать критерии для принятия правильных финансовых решений по управлению оборотными активами, а также уметь практически использовать эти критерии с учетом конкретных условий деятельности. Исходной базой для управления оборотными активами служит анализ его финансового состояния предприятия турииндустрии, что дает возможность определить, насколько эффективным было управление оборотными средствами в предыдущие периоды, рациональна ли их структура, как сочетаются заемные и собственные источники финансирования насколько быстро происходит оборот оборотных средств на мега, макро, мезо, микро уровнях страны. Управление оборотными средствами на предприятиях турииндустрии предполагает многовариантные подходы, которые требуют необходимые оценки достоверности принимаемых решений, учитывая финансовые риски, моделей финансового управления в экстремальных условиях. Управление оборотными средствами должно осуществляться постоянно, тогда предприятие сможет

обеспечить себе устойчивое развитие в финансовом управлении. Принятые финансовые решения должны подвергаться оперативной корректировке в случае изменения обстоятельств и времени, влияющие на спрос и предложения вызывающие изменения в финансовой стабильности, на которых базируются принятие решений. Необходимым инструментом управления оборотными средствами предприятия турииндустрии является четкое понимание взаимосвязи всех факторов, влияющих на общий уровень финансового состояния. Управление оборотными средствами предприятий турииндустрии неизбежно воздействует на все стороны его деятельности, так как выбор критериев для принятия правильных финансовых решений вызывает необходимость изменения во многих сферах функционирования предприятия туризма на мега, макро, мезо, микроуровне страны. Для ряда предприятий турииндустрии таких как гостиниц, ресторанов, предприятия общественного питания и т.п., на которых формируются какие-либо запасы, важной задачей финансового управления является управление запасами. Определение необходимого объема финансовых средств, авансируемых в формирование запасов товарно-материальных ценностей, осуществляется путем определения потребности в отдельных видах запасов. В процессе определения потребности запасы товарно-материальных ценностей предварительно группируются следующим образом:

- производственные запасы (запасы сырья и материалов, необходимые для производства продукции и оказания услуг, например, запасы продуктов на предприятиях питания);
- запасы готовой продукции, так как особенностью услуг как товара является их несохраняемость, то о запасах готовой продукции для предприятий

индустрии туризма можно говорить только применительно, например, к предприятиям питания (ресторанам, кафе и т.п.). Потребность в запасах каждого вида определяется раздельно по следующим группам:

- запасы текущего хранения (они представляют собой постоянно обновляемую часть запасов, формируемых на регулярной основе и равномерно потребляемых в процессе производства или реализации); к такого рода запасам можно отнести запасы различных средств, предназначенных для уборки помещений, запасы продуктов на предприятиях питания;

- запасы сезонного хранения (формирование таких запасов обусловлено сезонными особенностями производства и потребления) такие запасы могут создаваться в гостиничных службах питания во время высокого сезона;

- запасы целевого назначения (формирование таких запасов на предприятии определено специфическими целями его деятельности), к такого рода запасам могут быть отнесены запасы продуктов при организации фуршетов и т.п.

Формула, по которой определяется необходимый объем финансовых средств, авансируемых на формирование запасов товарно-материальных ценностей, имеет вид

$$\Phi C_3 = CP \times H_3 - KZ,$$

где  $\Phi C_3$  — объем финансовых средств, авансируемых в запасы;

$CP$  — среднедневной объем расхода запасов;

$H_3$  — норматив хранения запасов, в днях (при отсутствии разработанных нормативов может быть использован показатель средней продолжительности оборота запасов в днях);

$KZ$  — средняя величина кредиторской задолженности по расчетам за приобретенные товарно-материальные ценности.

Расчет ведется по каждому из видов запасов. Суммирование результатов расчетов позволяет получить общую потребность в финансовых ресурсах, авансируемых на формирование запасов, то есть определить размер оборотных активов, обслуживающих эту стадию производственно-коммерческого цикла. Минимизация текущих затрат по обслуживанию запасов представляет собой оптимизационную задачу, решаемую в процессе их нормирования. Для производственных запасов она состоит в определении оптимального размера заказа, например, продуктов для ресторана. Задача определения оптимальной партии заказа размера поставки называется моделью Уилсона [5].

Чем больше размер заказа партии поставки, тем ниже относительный размер текущих затрат по размещению этого заказа, его доставке и приемке обозначим этот вид затрат  $T_3$ . Однако большой размер заказа определяет большой средний размер запаса, т.е. если закупать сырье один раз в два месяца, то средний размер его запаса составит 30 дней, а если размер партии поставки сократить вдвое, то есть закупать сырье один раз в месяц, то средний размер его запаса составит 15 дней. В этих условиях снизится размер текущих затрат по хранению запасов обозначим этот вид текущих затрат по обслуживанию запасов как  $T_{32}$ . Однако надо учитывать еще и характер приобретаемых запасов, например, это могут быть скоропортящиеся продукты, закупаемые для ресторана. В этом случае обязательно надо учитывать допустимый срок хранения. Расчет оптимального размера партии поставки, при котором минимизируются совокупные текущие затраты по обслуживанию запасов то есть  $T_3 + T_{32} = \min$  осуществляется по следующей формуле известной как модель Уилсона:

$$OP_{min} = \sqrt{\frac{2 \times 3_r \times T_{31}}{T_{32}}},$$

где ОРпп — оптимальный размер партии поставки;

Зг — необходимый объем закупки сырья и материалов в периоде (квартал, год);

ТЗ, — размер текущих затрат по размещению заказа, его доставке и приемке в расчете на одну поставляемую партию;

Т32 — размер текущих затрат по хранению единицы запасов.

Для эффективного управления запасами в гостиничных предприятиях, предприятиях общественного питания необходимо постоянно проводить мониторинг текущих запасов и избегать сверхнормативных запасов.

Залогом успешной деятельности туристической компании является не только квалифицированный руководящий состав, но и своевременная информированность о финансовом состоянии деятельности, а также уровню и динамике финансовых результатов предприятия. Именно эти показатели служат основой планирования и прогнозирования предприятия туристической индустрии, а также дают возможность определить наличие и уровень вероятности возникновения банкротства.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В международной туристической методологии принято, что туризм

вносит не только прямой вклад в развитие экономики (получение дохода предприятиями индустрии туризма), но и косвенный (вовлечение в туристическую деятельность сопутствующих отраслей). Поэтому ЮНВТО рекомендован к применению качественный универсальный показатель косвенного влияния туризма на экономику страны или туристический мультиплликатор далее — ТМ. До настоящего времени ТМ официально не применялся в международной статистике как обязательный показатель, а используется в некоторых странах в качестве экспериментального. Так, в начале 1990-х гг. специалисты ЮНВТО приступили к разработке концепции учета косвенного влияния туризма на примере Доминиканской Республики. Однако до сих пор общепринятой, четкой и последовательной методологии его расчета не существует. Иными словами, \$1 доллар США, расходов туриста инициирует получение в экономику страны дохода в 5,5 раза большего. Все перечисленные выше группы показателей являются результативными и, используемые в комплексе, способны отражать объективную картину состояния сферы туризма на мега, макро, мезо, микро уровнях.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Международная организация труда. [www.ilo.org/global/lang--ru/index.htm](http://www.ilo.org/global/lang--ru/index.htm)
2. Marx Karl Heinrich // Band 17 Linl-Mats — С. 768. — 832 с. — ISBN 978-3-7653-4117-5
3. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Б20 Внешнеэкономические связи: Учеб. пособие. — М.: Финансы и статистика, 2000.— 512с. ISBN5-279-01903-8.
4. Биржаков М.Б. Правовое регулирование туристской деятельности. — СПб.: НП Изд. Невский Фонд. 2011.
5. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2002.
6. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Учебник. Минск: Новое знание. 2002.
8. R.Wilson. 1915. EOQ (Economic order quantity)- экономико-математическая модель теории запасов.

**УЎТ 330(008.01)**

**Маматов Ахметжан Атажанович,**  
*и.ф.д., профессор*  
**Тошкент молия институти**  
[mamatovahmadjon@rambler.ru](mailto:mamatovahmadjon@rambler.ru)

## МИНТАҚАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

---

**Маматов Ахметжан Атажанович.**  
*д.э.н., профессор.*  
**Ташкентский финансовый институт**  
[mamatovahmadjon@rambler.ru](mailto:mamatovahmadjon@rambler.ru)

## ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕГИОНА И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ

---

**Mamatov Akhmetzhan Atazhanovich.**  
*Doctor of Economics, Professor*  
**Tashkent Institute of finance**  
[mamatovahmadjon@rambler.ru](mailto:mamatovahmadjon@rambler.ru)

## FACTORS OF ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF THE REGION AND THEIR CLASSIFICATION

---

**Аннотация.** Мақолада минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ички ва ташқи омиллари, уларни шакллантирувчи шарт-шароитлар таҳлил этилган ҳамда уларнинг макродаражадаги ва мезодаражса омиллари таснифи тавсия этилган.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, минтақа, рақобатбардошлиқ, микродаража макродаража, мезодаража, шарт-шароитлар, декомпозиция, технологик, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий омиллар.

**Аннотация:** в статье исследовано внутренние и внешние факторы обеспечения экономической безопасности региона, условий, которые их формируют, а также предложено классификация факторов их на макроуровне и мезоуровне.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, регион, конкурентоспособность, микроуровен, макроуровен, мезоуровен, условия, декомпозиция, технологические, организационно-управленческие, правовые, социально-культурные факторы.

**Annotation.** the article recommends the classification of internal and external factors of ensuring the economic security of the region, the conditions that form them, as well as the factors of their macrodarage and mesodarage.

**Keywords:** *economic security, region, competitiveness, microdistrict, conditions, decomposition, technological, organizational and managerial, legal, socio-cultural factors.*

### Кириш

Жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиётни ривожланиши глобал рақобатнинг кескинлашуви, янги, илгари номаълум бўлган глобал қаршиликлар, муаммолар ва таҳдидларнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш прогрессив жараёндир, бироқ унинг имкониятларининг кенгайиши билан иқтисодиётда ички ва ташқи таҳдидларнинг ўсиши муқаррардир. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўргасида рақамлаштириш, ижтимоийлаштириш, ресурсли ва инфратузилмали ривожланишда тенгизлиқ муаммоларини кескинлашуви мамлакатнинг худудий яхлитлиги ва унинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Минтақаларнинг ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун масъулияти ва жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори мослашувчан мобиллик ва иқтисодий соҳада манфаатларни ҳимоя қилувчи минтақани иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омилларини тадқик этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси миллий хўжаликда ва унинг минтақаларида иқтисодий хавфсизликни таъминалашни ҳамда унинг омилларини илмий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни назарда тутади. Жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият мураккаблашди, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар табиати тубдан ўзгарди. Иқтисодий рақобат ниҳоятда кучайиб, тобора кескин ва шафқатсиз тус олмоқда. Бундай вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини

таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазифаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда[1].

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мамлакат ва унинг минтақаларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг омилларини назарий жиҳатларини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Б.Г.Клайнер, Г.А.Саймон, Г.Хакен У.Б.Артур Р. Майерсон, Э.Маскин, Й.А.Шумпетер, А.Ю.Чаленко Н.Луман, А.Кульман, К.Майнцер, Э.Морена, К.Э.Шенон кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Л.И.Абалкин, В.Л.Береснев, А.Д.Бурикин, О.В.Дамаскин, Д.К.Дьячковский, А.В.Козлова, Е.А.Колесниченко, М.Я.Корнилов, В.В.Криворотов, С.Е.Лелюхина, Г.Е.Лягушева, Е.С.Митякова, Е.А.Олейников, В.И.Орехов, В.С.Панков, В.К.Сенчагов, А.И.Татаркин, Д.В.Третьяков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида ташқи ва ички таҳдидлар шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда унинг омилларининг илмий-назарий ва минтақавий жиҳатларини Республикализ олимларидан Абулқосимов Х.П., Расулов Т.С., Маматов А.А., Қодиров А.М., Назаров Ш.Х., Абдусалямов М.О., Аҳмедов Т.М., Садиков А.М., Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н., Ўлмасов А., Ваҳобов А.В., Жўраев Т.Т., Турсунов Б.О. ва бошқаларнинг

мазкур соҳага дахлдор илмий тадқиқот ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

«Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси дастлаб давлат ташкилотлари даражасида тан олинган ва институционал жиҳатдан қайд этилган, чунки узок вакт давомида давлат суверен хукуқларнинг ягона эгаси сифатида қабул қилинган эди. 1934 йил июнь ойида АҚШ Президенти Ф. Д. Рузвелт дунёда биринчи марта Иқтисодий хавфсизлик қўмитасини ташкил этди[2]. А. Кульман томонидан иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсир қилиш тамоили бўйича таклиф қилинган иқтисодий механизmlарни таснифлаш нуқтаи назаридан очик ёки ёпиқ турдаги механизmlарни ажратиб кўрсатиш мумкин, деб таъкидлайди[3].

Рус олими В. К. Сенчагов таъсир соҳалари бўйича омилларнинг минтақанинг ташқи ва ички омиллари макро ва мезо-иқтисодий даражалар бўйича таснифи ишлаб чиқилган. Олимнинг фикрига кўра, бундай бўлениши, бир томондан, минтақавий асосда, яъни мамлакат даражалари бўйича, иккинчи томондан – ижтимоий-иқтисодий субъектларнинг тармоқ фаолияти турлари бўйича хам амалга оширилган[4]. Макин С.А. “Агар биз омилларнинг умумий қабул қилинган ташқи ва ички омилларга бўленишини асос қилиб олсак”, ҳамда унга уларнинг вужудга келиш объективлиги белгисини ва иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилиш табиатини қўшсак, биз минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлайдиган омилларнинг кўп омилли моделини оламиз, деб таъкидлаб ўтади[5].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Абулқосимов Х.П. “Минтақавий хавфсизлик мамлакат вилоятлари манфаатларига ички ва ташки таҳдидлардан химояланганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик

ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ва ижтимоий хавфсизлик омилларини олади”, деб баҳо берган[6]. Профессор Турсунов Б.О. “Иқтисодий хавфсизлик тушунчаси миллий иқтисодиёт мустаққиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шартшароитлар ва омиллар йигиндиси” деб баҳо берган[7].

Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган холда, бугунги кунда минтақани иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омилларини тадқиқ этиш, уларни аниқлаш, тизимлаштириш ва уларнинг таснифини ишлаб чиқиш, илмий жахатдан асослаб бериш долзарб аҳамият каасб этади.

### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гурухлаш ва жадвал усулларидан фойдаланилади.

### **Натижа ва муҳокама**

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тизими қатор элементлардан ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликлардан иборат. Иқтисодий ривожланишнинг асосий характерлантурувчи қучи бу тасодифий омилларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган турли хил иқтисодий субъектлар манфаатларининг қарама-қаршилигидир. Минтақа даражасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосининг долзарблиги унинг ижтимоий-иқтисодий тизими хавфсизлигига таъсир қилувчи асосий омилларнинг «архитектурасини» ўрганиш

ва уларни маълум бир мезонларга мувофиқ тизимлаштириш зарурлигини белгилайди.

Минтақанинг реал ва потенциал ички ва ташки таҳдидлари ёки иқтисодий фаолият соҳасида жамият ҳаётига маълум даражада зарар етказиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ва хавф туғдирадиган омиллар тўплами сифатида аниқланади. Таҳдидлар ўсиб бораётган бекарорлик шароитида ички ва ташки жараёнларнинг доимий ривожланиши туфайли юзага келганлиги сабабли, уларга жавоб бериш учун минтақа иқтисодиётни, унинг ташки ва ички муҳитини маълум даражада ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Минтақани иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ялпи ички ва ташки омилларни тадқиқ этишга катта боғлиқ бўлиб ҳисобланади, чунки ҳар бир омилнинг таъсир самараси иқтисодий хавфсизлик тизимишининг турли элементларига турлича даражада таъсир этади. Шунинг учун биз минтақа даражасида иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи ялпи омилларни аниқлаш ва уларни тизимлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот доирасида биз минтақа иқтисодий тизимишни иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ёки унинг даражасини ошириш жараёнига объектив таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки омилларни тушунамиз.

Минтақада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва уни амалга ошириш омиллари ва шарт-шароитларни фарқлаш лозим. Агар омиллар асосан объектив ҳолатда бўлса, шарт-шароитлар эса иқтисодий хавфсизлик даражасини таъминлаш ва такомиллаштириш натижасида ўзгариб турадиган турдош шарт-шароитлардир. Агар омиллар асосан иқтисодий хавфсизлик даражасини белгилайдиган объектив ҳолатлар бўлса,

унда минтақавий тизимни ички ва ташки таҳдидлардан узлуксиз доимий ҳимоя қилиш жараёнини таъминлаш учун шарт-шароитларни шакллантириш ёки яратилиши лозим. Минтақада иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш, тегишли шарт-шароит яратиш учун иқтисодий хавфсизлик омилларини аниқлаш ва уларни тизимлаштириш лозим.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда амал қилаётган омиллар келажак истиқболда минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш учун қулаг шарт-шароитларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласди. Бундай шарт-шароитларга: саноат, озиқ-овқат, кадрлар, энергетика, инновация, ижтимоий, экологик ва ҳоказоларнинг минтақа сиёсатининг устувор йўналишларида ресурсларни жамлаш; иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун масъул ходимлар томонидан қўшимча кўникма ва ваколатларга эга бўлиш; тегишли ахборот-коммуникация муҳитини шакллантириш, маълумотлар базаларини яратиш ва бошқалар киради. Шундай қилиб, омиллар келажак истиқболда иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларга айланиши мумкин.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий хавфсизлик омилларининг таснифлари кўпинча турли мезонларга мувофиқ берилади, аммо камдан-кам ҳолларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш омиллари ва шарт-шароитларини таркибий тузилмасини шакллантиришга уринишлар мавжуд бўлган. Иккинчидан, баъзи тадқиқотчилар турли хил хусусиятларга кўра омилларни тизимлаштиришни яхши кўрадилар. Бироқ барча омилларни таснифлашни иложи борича тўлиқ акс эттириш истаги маълум бир тадқиқот объектига нисбатан асосий вазифалардан

бири сифатида олинган эмас. Баъзи тадқиқотчилар иқтисодий хавфсизлик муаммоларини таҳлил қилишда иқтисодий хавфсизлик омилларини бошқарувчанлик, устуворлик, таъсир қилиш дастаклари, баҳолаш ва локализация қилиш каби таснифлаш белгиларидан фойдаланишини тавсия этадилар. Бир қатор тадқиқотчилар эса иқтисодий хавфсизлик омилларини ҳаракат даври (узоқ муддатли, қисқа муддатли), намоён бўлиш даражаси (маҳаллий, минтақавий, миллий даражалар) ва бошқа хусусиятларига кўру таснифлашга ҳаракат қилишади[8].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигига турли хил таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омилларни тақдим этишнинг умумэътироф этилган тизимлаштирилган усулининг йўқлиги иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш учун самарали инструментлар ва механизmlарни яратиш ва улардан фойдаланишга тўқсинглик қиласди. Мақолада таклиф этилган минтақанинг иқтисодий хавфсизлик омилларининг таснифи, уларни республика субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини ошириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиша

хисобга олиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш жараёнида қулай шартшароитларни шакллантиришга асос яратади ҳамда уни ошириш учун жалб қилинган ресурслардан янада оқилона фойдаланишини таъминлайди.

Таъсир соҳалари бўйича омилларнинг таснифи В. К. Сенчаговнинг умумий таҳрири остида ёзилган илмий монографияда тавсия этилган. Бу ерда минтақанинг ташқи ва ички омиллари макро ва мезо - иқтисодий даражалар билан ифодаланади. Бир томондан, бўлиниш минтақавий асосда, яъни мамлакат даражалари бўйича, иккинчи томондан, ижтимоий-иктисодий субъектларнинг тармоқ фаолияти турлари бўйича ҳам амалга оширилган (1-расм) [9].

Ушбу мақолада иқтисодий хавфсизлик омилларининг кўп белгилари бўйича таснифи таклиф этилган бўлиб, унинг ҳар бир бўғини даражасида танланган иқтисодий хавфсизлик омиллари тўпламини тизимлаштириш имконини берадиган шакли таклиф этилган. Бизнинг фикримизча, минтақада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасини ошириш учун зарур шарт-

### Иқтисодий хавфсизлик омиллари

Макро даражада иқтисодий хавфсизлик омиллари

Мезодаражада иқтисодий хавфсизлик омиллари

Микродаражада иқтисодий хавфсизлик омиллари

Иқтисодий хавфсизлик объектлари

1-расм. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигининг комплекс омиллари[10].

шароитларни шакллантириш ва уларни асослаш, шунингдек, мінтақада іқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишида хавф ва чекловларни ҳисобга олиш зарур бўлиб ҳисобланади.

Мінтақанинг іқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир қилувчи омилларни қуидаги мезонларга мувофиқ таснифлаш тақлиф этилади:

– бошқарув даражалари бўйича:

- микро даражада фаолият юритувчи іқтисодий хавфсизлик омиллари;
- мезо даражасида фаолият юритувчи іқтисодий хавфсизлик омиллари;
- макро даражасида шалланувчи ва намоён бўлувчи іқтисодий хавфсизлик омиллари;

– мінтақавий тизим ташкил қилувчи элементлари бўйича (тизим сифатида):

- ресурсли;
- жараёнли;
- натижавий омиллар;

– мінтақанинг ижтимоий-іқтисодий муҳитига нисбатан:

- ички муҳит омиллари;
- ташки муҳит омиллари;

– мінтақадаги іқтисодий хавфсизлик обьектларига таъсирининг табиати бўйича:

- мінтақада іқтисодий хавфсизлик даражасини оширишга ёрдам берувчи омиллар (раfbatлантирувчи);
- іқтисодий хавфсизлик даражасининг ошишига тўсқинлик қилувчи омиллар.

Мінтақа ижтимоий-іқтисодий тизим сифатида іқтисодиётнинг мезодаражасидир. Шу билан бирга, унинг іқтисодий хавфсизлик даражасига бир қатор омиллар таъсир қиласди: макро, мезо ва микро даражада. Микро даражадаги омиллар – бу мінтақада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг іқтисодий хавфсизлик даражасини белгилайдиган ҳолатлардир.

Мезо даражали омилларни таснифлашда, юқорида айтиб ўтилганидек, турли хил белгилар, шу жумладан, ишда фойдаланилган «тизим ҳосил қилувчи элементларнинг таркиби» ҳусусиятидан фойдаланиш мумкин. Тизим ҳосил қилувчи элементлар (киришлар, жараён элементлари, чиқишлар) таркиби ва мазмунига қараб тузилган мезо даражали іқтисодий хавфсизлик омиллар тўплами келтирилган.

Мінтақанинг худудий ва іқтисодий мажмуаси – бу бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласиган, нотекис ижтимоий ва іқтисодий ривожланиш, худуднинг ҳусусиятлари, табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги, инсон капиталининг сифати ва бошқалар билан ажralиб турадиган миллий іқтисодий тизимнинг қуий тизимири.

Бу барча омиллар мінтақанинг іқтисодий сиёсатини, унинг хавфсизлик сиёсатини ва ҳоказоларда ҳисобга олишда турли куч ва таъсир даражасидаги хавфлар, таҳдидларнинг мавжудлигини аниқлашда услубий асос бўлиб хизмат қиласди. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда омилларни таъсир ҳусусиятига кўра макро даражадаги іқтисодий хавфсизлик омилларнинг декомпозицион тизимини ишлаб чиқдик.

Мінтақанинг іқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир қилувчи омилларнинг тавсия этилган таснифи мінтақа іқтисодиётини хавфсиз ва барқарор фаолият юритиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, мінтақа даражасида іқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мавжуд механизмнинг заиф томонларини аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин. “Шарт-шароит” тушунчаси ўрганилаётган жараёнларнинг ҳар қандай содир бўладиган муҳитини ҳам ўз таркибига олади.

I-жадвал

**«Таъсирнинг табиати» бўйича иқтисодий хавфсизликнинг макродаражадаги омилларининг декомпозицияси [11]**

Макро даражадаги омиллар	Минтақада иқтисодий хавфсизлик даражасининг ошишига тўсқинлик қиливчи омиллар	Иқтисодий хавфсизлик даражасини оширишга ёрдам берадиган омиллар
<b>Умумик-тисодий</b>	Иқтисодиётнинг турғуллиги; ноқуладай инвестицион мухит. Яширин иқтисодиётнинг сезиларли даражадаги кўлами ва унинг турли фаолият соҳаларига интеграцияси. Катта миқдордаги ташки қарз ва бизнесга солиқ юқининг юқори даражаси. Ижтимоий табақалашувнинг юқори даражаси ва х.к.	Халқаро савдода ва инвестиция оқимларида фаол иштирок этиши (халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси). Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясининг мавжудлиги. Импорт ўрнини босувчи дастурларни ишга тушириш, кластерлаш, миллий лойиҳалар ва бошқалар
<b>Технологик</b>	Иқтисодиётнинг фуқаролик секторларининг технологик қолоқлиги, саноат секторида машина ва ускуналарнинг маънавий ва жисмоний эскириши. Ишлаб чиқарishнинг хорижий компонентлар, ускуналар ва технологияларга боғлиқлиги	Фаолиятнинг турли соҳаларида юқори технологияли ишлаб чиқарishни ривожлантириш. Хорижий мамлакатларнинг миллий академиялари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик
<b>Ташкилий-бошқарув</b>	Ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари марказлашуви Бир қатор иқтисодиёт соҳалари монополлаштириш IT соҳасида малакали кадрлар танқислиги. «Ақлларнинг кўчиши». Меҳнатга нисбатан рағбатлантиришнинг йўқлиги. Барча даражадаги менежерларнинг меҳнат фаолияти майдони масъулиятининг заифлиги	Ҳокимиятни марказлаштириш ва номарказлашувининг мутаносиблиги. Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва ИТТКИ натижадорлиги. Кадрлар малакасини ошириш. Ўз-ўзини ташкил этувчи жараёнларини рағбатлантириш
<b>Хуқуқий</b>	Қонунчиллик базасининг номукаммаллиги Иқтисодий жиноятларнинг юқори даражаси Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини кибер хужумлардан кучсиз хуқуқий ҳимоя қилиниши Коррупциянинг юқори даражаси	Бизнесни инновацион фаоллигини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Рақамли иқтисодиёт субъектларининг хуқуқлари ва қонуний маффаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш

<b>Ижти- моий маданий</b>	<p>Ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик.</p> <p>Согликин сақлаш тизимини тараққиёт даражасини ривожланган давлатлар даражасидан орқада колиши.</p> <p>Давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан аҳоли (ёшларнинг) ишончининг йўқлиги.</p> <p>Ижтимоий ислоҳотлар натижасида ижтимоий танглик. ОАВларининг дезинформацияси. Аҳолининг янгиликларга ва кескин ўзгаришларга тайёр эмаслиги.</p> <p>Аҳоли учун рақамли хизматларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларни нокулаги</p>	<p>Аҳолини сифатли ахборот ва компьютер саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари.</p> <p>Нодавлат ташкилотлар, бизнес тузилмалари ва бошқалар иштироқида талабалар, мактаб ўқувчилари ўртасида кўнгилли фаолиятни рафбатлантириш.</p> <p>Ахборотлашган жамиятни ривожлантиришда давлатнинг фаол иштироқи</p>
<b>Табиий- географик</b>	<p>Минтақанинг ҳудудий майдонининг катталиги ва унинг туманларининг узоқлиги.</p> <p>Ноқулай иқлим шароити.</p> <p>Ёмон экологик ҳолат.</p> <p>Сейсмик фаоллик зонаси</p>	<p>Фойдали географик жойлашув.</p> <p>Табиий ресурсларнинг мавжудлиги.</p> <p>Ривожланган йўл-транспорт тармоғи. Рекреацион зоналар ва алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар</p>

Минтақада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва уни ривожланиши учун реал имкониятлар яратадиган ва унинг иқтисодий хавфсизлигини оширадиган муайян шарт-шароитлар зарур. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун шарт-шароитга ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзгаришлар бўлиб ҳисобланади. Саноат соҳасида энг сўнгти юқори фан сиғимли асбоб-ускуналарни, технологияларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш, илмий-тадқиқот ва таълим секторини трансформациялаш, етарли интеллектуал ва молиявий ресурсларнинг мавжудлигини таъминлаш, аҳолини, бизнесни ва ҳукуматнинг умумий ва юқори инновацион маданият даражаси ва бошқалар.

Биз юқорида шунга ўхшашиб шароитларни минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини оширишга ҳисса қўшиши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Агар биз омилларнинг умумий қабул қилинган ташки ва ички омилларга бўлинини

асос қилиб олсак ҳамда унга уларнинг вужудга келиш объективлиги белгисини ва иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилиш табиатини қўшсак, биз минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлайдиган омилларнинг кўп омилли моделини оламиз. Бу минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш учун зарур бўлган ялпи шарт ва шароитлар тўпламини аниқроқ аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

### Хуносা

Минтақада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва уни амалга ошириш омиллари ва шарт-шароитларни фарқлаш лозим. Агар омиллар асосан объектив ҳолатда бўлса, шарт-шароитлар эса иқтисодий хавфсизлик даражасини таъминлаш ва такомиллаштириш натижасида ўзгариб турадиган турдош шарт-шароитлардир.

Минтақада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш

ва уларни асослаш, шунингдек, мінтақада іқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишида хавф ва чекловларни ҳисобга олиш зарур.

Мінтақаның іқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир қилувчи омилларни күйидеги *бошқарув даражалари бўйича* – мінтақавий тизим ташкил қилувчи элементлари бўйича: *мінтақанинг ижтимоий-іқтисодий муҳитига нисбатан* – мінтақадаги іқтисодий хавфсизлик объектларига таъсирининг табиати бўйича мезонларга мувофиқ таснифлаш мумкин.

Мінтақанинг іқтисодий хавфсизлик даражасига макро, мезо ва микро даражада каби бир қатор омиллар таъсир қилади. Микро даражадаги омиллар – бу мінтақада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг іқтисодий хавфсизлик даражасини белгилайдиган ҳолатлардир.

Мінтақавий тизим элементлари белгиси бўйича гурухлаштирилган іқтисодий хавфсизликнинг мезодаражадаги омилларини ресурс омиллар, жараёнли омиллар ва натижавий омиллар ташкил қиласи.

Таъсирнинг табиати бўйича іқтисодий хавфсизликнинг мақродаражадаги омиллар юқори фан сифимли асбоб-ускуналарни, технологияларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш, илмий-тадқиқот ва таълим секторини трансформациялаш, етарли интеллектуал ва молиявий ресурсларнинг мавжудлигини таъминлаш, аҳолини, бизнесни ва хукumatнинг умумий ва юқори инновацион маданият даражаси ва бошқалар киради.

Мінтақанинг іқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва ишлаб чиқилаётган стратегиялар, дастурларнинг асоси қўп жихатдан іқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш сифатига боғлиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. –Т.: Ўзбекистон нашриёти. 2021 й. 464-б.
2. Берсенев, В.Л. Ведущие центры исследования проблем экономической безопасности в России / В.Л. Берсенев. // Экономика региона. - 2019. - Т. 15, вып. 1. - С. 29-42.
3. Кульман, А. Экономические механизмы / А. Кульман; пер. с фр. Е.П. Островской; общ. ред. Н.И. Хрусталевой. - Москва: Прогресс: Универс, 1993. – С.17.
4. Сенчагов, В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: учебник / под ред. В.К. Сенчагова. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2016. - 97-113 с.
5. Макина, С.А. Анализ факторов, влияющих на инновационную активность российских предприятий / С.А. Макина, Е.Н. Максимова// Аудит и финансовый анализ. - 2010. - № 5. - С. 368-372.
6. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: Назария ва амалиёт. Дарслик.Т. 2019 й. 455-б.
7. Турсунов Б.О. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2021. 15-б.
8. Экономическая безопасность регионов России: монография /С.Н. Митяков, Д.Н. Лапаев, Е.С. Митяков и др. - 3-е изд., перераб. и доп. - Нижний Новгород: Нижегородский государственный технический университет им. Р.Е. Алексеева, 2019. - 299 с.
9. Сенчагов, В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: учебник / под ред. В.К. Сенчагова. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2016. - 97-113 с.
10. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.
11. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

УДК 33.(006.330)

Сапаев Дилшод Хушнудович,  
Ташкентский финансовый институт  
и.о. доцент PhD кафедры  
“Статистика и эконометрика”  
E-mail: dilshod1975@inbox.ru

## КОЛИЧЕСТВЕННАЯ ОЦЕНКА ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВИНОГРАДНО-ВИНОДЕЛЬЧЕСКОГО КЛАСТЕРА

Сапаев Дилшод Хушнудович,  
Тошкент молия институти  
“Статистика ва эконометрика” кафедраси  
доценти в.б. PhD  
E-mail: dilshod1975@inbox.ru

## УЗУМ ВА ВИНОЧИЛИК КЛАСТЕРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИНИ МИҚДОРИЙ БАҲОЛАШ

Sapayev Dilshod Khushnudovich,  
Tashkent institute of finance  
PhD of “Statistics and econometrics” chair  
E-mail: dilshod1975@inbox.ru

## QUANTATIVE ASSESSMENT OF THE DYNAMICS OF THE DEVELOPMENT GRAPE-WINE CLUSTER ACTIVITY

**Аннотация.** Организация агропромышленного кластера подразумевает взаимосвязь между выращиванием сельскохозяйственных культур и их переработкой. В целях регулирования развития кластерного хозяйства необходимо проводить систематический анализ его развития. Для этого используют статистический и эконометрический методы анализа. В их число входит и количественная оценка динамики развития, которая использована автором. А также в статье дана оценка развития виноградарства и виноделия в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** виноградно-винодельческий кластер, количественная оценка, сельскохозяйственная культура, статистические методы

**Аннотация.** Агробизнес кластерини ташкил этиши экинларни етишишириши ва уларни қайта ишилаш ўртасидаги муносабатни назарда тутади. Кластер хўжалигининг тараққиётини тартибга солиш учун унинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиши керак. Бунинг учун статистик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилади. Ушбу усуллар

орасида муаллиф томонидан фойдаланилган ривожланиши динамикасини миқдорий баҳолаш ҳам мавжуд. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикасида узумчилик ва виночиликнинг ривожланишига баҳо берилган.

**Таянч сўзлар:** узумчилик-виночилик кластери, миқдорий баҳолаш, қишилоқ хўжалиги экинлари, статистик методлар.

**Annotation.** *The organization of an agro-industrial cluster implies the relationship between the cultivation of agricultural crops and their processing. For regulating the development of cluster economy, it is necessary to conduct a systematic analysis of its development. Statistical and econometric methods of analysis are used for this purpose. These include a quantitative assessment of the dynamics of development, which is used by the author. The article also assesses the development of viticulture and winemaking in the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** grape and wine cluster; quantitative assessment, agricultural culture, statistical methods

## ВВЕДЕНИЕ

Сегодня развитие экономики государства намного зависит от уровня взаимодействия сельского хозяйства и перерабатывающей отрасли. В аграрном секторе заготавливается основные производственные ресурсы, направленные на переработку. В Республике Узбекистан быстрыми темпами осуществляются экономические реформы, направленные на формирование кластерного хозяйства. В частности, реформы в сфере виноградарства и виноделия направлены на увеличение экспортного потенциала страны в этой сфере. На основе принятых руководством страны законов реализуется ряд правительенных решений по дальнейшему развитию аграрного сектора и переработки сельскохозяйственной продукции. Издание Указа Президента УП № -5200 от 21 июля 2021 года «О дополнительных мерах по внедрению кластерной системы в развитие виноградарства, государственной поддержке привлечения передовых технологий в данную сферу» позволило данной сфере экономики перейти на новый этап развития (1).

Определены комплексные меры по радикальному улучшению условий для количественной оценки

динамики производительности субъектов виноградарских хозяйств, повышению качества и достоверности статистических данных. В свою очередь принятие Указа Президента УП-4796 от 3 августа 2020 года «О мерах по дополнительному совершенствованию и развитию национальной статистической системы» определило приоритеты совершенствования национальной статистической системы (2).

Повышение эффективности деятельности агропромышленного кластера за счет количественной оценки позволит определить конкурентоспособные сорта винограда, рыночный спрос на конкурентоспособную винную продукцию, определить рынок сбыта готовой продукции. Это в свою очередь предопределяет актуальность данной статьи.

## ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

Теория разработки стратегии развития агропромышленного кластера основана на количественной оценке динамики эффективности субъектов кластера. Этот аспект научно и статистически изучен, а также внедрен в практику зарубежными и отечественными экономистами.

Вопросам экономического развития агропромышленной отрасли, заводов по переработке винограда, развития инфраструктуры отрасли, вопросам реализации готовой сельскохозяйственной продукции посвящены работы следующих отечественных ученых: Касымова С.М., Шафкарова Б.Х., Эргашева Э.И., Ходжаева А.С., Хушвактовой Х.С., Мухитдиновой У.С., и др. Статистический подход в изучении развития сельского хозяйства республики был проведен в работах Хужакулова Х.Д., Маматкулова Б.Х., Утанова Б.К и др.

По мнению экономиста О.А. Сайдахмедова основной целью стратегического менеджмента в промышленных условиях является повышение эффективности производства, получение высокой прибыли и завоевание большей доли рынка. В свою очередь прибыль составляет:

- эффективность использования производственного персонала;
- эффективность использования инвестиций;
- качество конечной продукции и ее конкурентоспособность;
- быстрое и эффективное принятие управленческих решений;
- определение конкурентоспособных сортов сельскохозяйственной продукции, предназначенной для переработки;
- эффективность внедрения новых методик и технологий в производственный процесс [3].

Огромную важность приобретает поддержание и развитие основных факторов, влияющих на развитие виноградно-винодельческой отрасли. В своей работе Н. А. Мирошниченко [4] высказывает мнение, что наиболее значимыми являются следующие пять групп факторов: производственные, организационно-хозяйственные,

экономические, социальные и природно-экологические.

Производство, связанное с АПК, имеет свои характерные особенности, оказывающие существенное воздействие на обоснование системы показателей, посредством которых определяется уровень экономической эффективности производства и устанавливаются ее факторы. Сельскохозяйственное производство находится в тесной связи с биологическими и природными процессами, зависит от социально-экономических условий, в которых функционирует экономический субъект.

Как утверждает проф. С.М. Касымов “Методология кластерной системы, основанная на статистических и экономико-математических расчетах обеспечивает повышение надежности предлагаемых мероприятий, и является инструментом государственного регулирования развития отрасли, формирования в ней рыночных отношений. Применение кластерного системного подхода и его методов, позволяет осуществить переход от фрагментарного рассмотрения отдельных мероприятий к разработке комплекса необходимых решений обеспечивающие для кластера единство, целенаправленность и взаимосвязанность всех элементов” [5].

В Республике Узбекистан возрастает необходимость использования метода количественной оценки динамики эффективности хозяйств. Это важно для изучения повышения качества исследований и выявить препятствия, тормозящие экономическое развитие и разработать предложения и рекомендации по их реализации (6).

## РЕЗУЛЬТАТЫ

В республике виноградарством занимаются фермерские хозяйства,

дехканские хозяйства и предприятия, перерабатывающие виноград имеющие свои виноградники. Обеспечение устойчивого экономического роста в виноградно-винодельческом кластере, производство конкурентоспособной конечной продукции зависит в первую

очередь от количественной оценки эффективности фермерских и дехканских хозяйств в соответствии с рыночными условиями. О результатах проводимых реформ судят исходя из изучения изменений в динамике ключевых показателей (Таблица 1).

**Таблица 1**  
**Динамика изменения ключевых показателей фермерских хозяйств в Республике Узбекистан**

Индикаторы	Года				2021 год к 2018 году	
	2018	2019	2020	2021	(+;-)	%
Объем производства винограда, тыс. т	1589,8	1603,3	1606,9	1695,8	106	106.7
А) фермерскими хозяйствами, тыс. т	692,0	683,7	663,5	757,0	65	109.4
Б) дехканскими хозяйствами, тыс. т	868,9	887,7	906,2	896,9	27	103.2
Площадь виноградных насаждений в плодоносящем возрасте, тыс. га	100,9				8.7	
		104,5	105,7	109,6		108.6
Средняя урожайность с 1 га, т.	157,5	153,5	152,0	154,7	-2.8	98.2

**Источник:** рассчитана на основе на данных Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

**Таблица 2**  
**Изменения в динамике валового производства винограда в Республике Узбекистан\***

Года	Производство винограда (тыс. т) (Y)	Абсолютный прирост, млрд. сум		Темп роста, %		Темп прироста, %		Абсолютное значение 1% прироста тыс. тонн $(Y_{i+1})/100$
		Базис-ный	Цепной	Базис-ный	Цепной	Базис-ный	Цепной	
		$y_i - y_0$	$y_i - y_{i-1}$	$(Y_i/Y_0) \times 100$	$(Y_i/Y_{i-1}) \times 100$	$[(Y_i/Y_0) \times 100] - 100$	$[(Y_i/Y_{i-1}) \times 100] - 100$	
2012	1206,0							
2013	1322,0	116,0	116,0	109,6	109.6	9.6	9.6	12.06
2014	1412,0	206	90	117,1	106.8	17.1	6.8	13.22
2015	1579,3	373,3	167,3	130,9	111.8	30.9	11.8	14.12

<b>2016</b>	1642,3	436,3	63	136.2	104.0	36.2	4	15.79
<b>2017</b>	1625,6	419,6	-16,7	134.8	99	34.8	-1	16.42
<b>2018</b>	1589,8	383,8	-35,8	131.8	97.8	31.8	-2.2	16.25
<b>2019</b>	1603,3	397,3	13,5	132.9	101.0	32.9	1	15.89
<b>2020</b>	1638,6	432,6	35,3	135.9	102.2	35.9	2.2	16.03
<b>2021</b>	1694,2	488,2	55,6	140.5	103.4	40.5	3.4	16.38
<b>2022</b>	1760,6	554,6	66,4	146.0	103.9	46	3.9	16.94

**\*) Источник:** расчеты автора на основе данных Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

Из таблицы 1 следует, можно сделать вывод, что соотношение объема производства винограда и общей площадью виноградников пропорционально, так как за наблюдаемый период средняя урожайность уменьшается менее чем на 2%. Увеличение урожая (106 тыс. т) происходит только за счет увеличение площади посева винограда (8,7 тыс. га). Основная доля выращивания винограда приходится на дехканские хозяйства (в среднем 52,9 %).

Количественная оценка динамики производительности хозяйств выращивающие виноград подразумевает расчет следующих статистических данных: абсолютное изменение; скорость изменения; дополнительная скорость

изменения; абсолютное значение изменения в один процент.

В зависимости от метода сравнения изменений в динамике валового производства винограда эти показатели подразделяются на переменные и фиксированные (базовые) показатели. Деятельность хозяйства оценивают динамикой валовой продукции базовыми и цепными показателями. В процессе статистического анализа изменений в динамике валового производства винограда применяются ряд показателей отображенные в таблице 2 за 2010-2022 года (Таблица 2).

Согласно расчетным данным в 2022 году валовая продукция хозяйств, производящих виноград достигнет в текущих ценах 27805,2 млрд. сум или

Таблица 3

### Объёмы производства винодельческой продукции в Республике Узбекистан, тыс. дал

Наименования продукции	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	Абсолютный прирост	Средний уровень произв-за 2015-2021 г.р.	Коэф. роста произв-за 2021 г. К <sub>1</sub>
Вино	3317	2583	2494	2289	2170	1972	1418	-1899	2320	0,43
Пищевой спирт	6,7	7,0	7,1	7,2	7,1	7,4	7,2	0,5	7,1	1,07
Водка и ликёроводочные изделия	15,1	15,4	15,8	15,9	14,0	14,5	12,3	-2,8	14,7	0,81
Коньяк	320,6	310,1	243,1	244,2	243,6	246,1	245,5	-75,1	307,6	0,76

**Источник:** данные с сайта [www.wine.uz](http://www.wine.uz)

увеличится на 3532 млрд. сум или вырастет на 14 % по сравнению с 2021 годом.

Продукция, имеющая высокую пищевую и потребительскую ценность, становится невостребованной и практически неконкурентоспособной по сравнению с аналогичной зарубежной продукцией, заполнившей национальный продовольственный рынок.

Изучение статистики производства за 2015-2021 года показывает снижение выпуска конечной винодельческой продукции (Таблица 3).

$$K_{i/i_0} = \dot{O}_i / \dot{O}_0 \quad (1)$$

где  $K_i$  - коэффициент роста производства готовой продукции по базисному методу (2015 год);

$\dot{O}_i$  – производство готовой продукции за отчетный год в (тыс. дал);

$\dot{O}_0$  – производство готовой продукции за базисный год в (тыс. дал).

В условиях реформирования национальной экономики, объективной потребностью становится необходимость изучения проблемы его государственного регулирования, поиск и практическая реализация научно обоснованных предложений по повышению его эффективности. Наиболее оптимальным вариантом является создание кластера. Формирование системы регулирования региональных плодоовоощных кластеров, является многолетним процессом (7).

Исследование развития регионального виноградарства и виноделия позволяет выявить структурные и организационно-экономические изменения в работе субъектов кластера, а также факторов, позволяющих при существующих кризисных явлениях в аграрной сфере добиваться определенного эффекта.

Деятельность государства в сфере виноградарства и виноделия

имеет настолько широкий спектр, что проведение в рамках одного исследования анализа эффективности всех проявлений вмешательства властей в хозяйственную деятельность, мало вероятно. Возможно, это и не является необходимым, в связи с однотипностью многих отношений, а также различной степенью важности отдельных явлений на совокупные показатели.

Каждая отрасль должна иметь реальную возможность максимально раскрыть потенциал своего развития и обеспечить рост благосостояния населения. В соответствии с этим нами проделан анализ развития виноградарства и виноделия, изучена динамика развития отрасли, определена позиция отрасли республики на мировом рынке.

Внедрение кластерных технологий объединения предприятий способствует росту конкурентоспособности отрасли, улучшению инвестиционного климата в регионе и отрасли страны, развитию социальных, экономических, информационных и интеграционных систем. При моделировании кластерных отношений процессный подход отображает процесс расширенного производства в региональном хозяйстве. Моделирование кластеров учитывает современные тенденции экономического развития отрасли. Кластеры можно рассматривать и как теоретическую модель, и как инструмент экономической политики.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Сущность кластерного моделирования отрасли заключается в повышении конкурентоспособности предприятий, вовлеченных в агропромышленный кластер. Основным источником повышения конкурентоспособности предприятий является рост эффективности использования факторов производства.

Совершенствование влияния факторов производства даст хорошие результаты при условии изучения кластеров с точки зрения разработки модели стратегии развития отрасли.

Для этого целесообразно провести следующую работу, по количественной оценке, динамики эффективности виноградно-винодельческого кластера;

– использование современных статистических методов и инструментов для сбора информации, обработки, группировки, статистического анализа, распространения и хранения статистических данных о субъектах кластерного хозяйства и широкое внедрение в них национальной статистической системы, внедрение системы ERP (система планирование ресурсов предприятия);

– по итогам статистического анализа своевременное определение недостатков и разработка мер по их устранению.

В условиях Республики Узбекистан одним из основных секторов ВВП страны является сельское хозяйство, а неотъемлемая и одной из наиболее перспективных её отраслей является виноградарство. В свою очередь эта отрасль является основным поставщиком сырья для сырьевой базы для промышленного сектора. Развитие виноградно-винодельческой отрасли по своей структуре радикально отличается от других отраслей своей производственной характеристикой. Кластерное хозяйство приобретает все более форму организации производственной деятельности, развитие которой ведет к устойчивому развитию экономики страны.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 28.07.2021 г. №ПП-5200 «О дополнительных мерах по внедрению кластерной системы в развитие виноградарства, государственной поддержке привлечения передовых технологий в данную сферу» [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Указ Президента УП-4796 от 3 августа 2020 года «О мерах по дополнительному совершенствованию и развитию национальной статистической системы» [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Сайдахмедов О.А., Назарова У.А. Республика аграр ишлаб чикариш соҳасини бошқаришнинг иқтисодий механизми асослари Монография – Т.: “Молия-Иқтисод” 2014 й. 12 бет.
4. Мирошниченко Н.А. Классификация факторов, влияющих на эффективность сельскохозяйственного производства. Научный журнал «Вопросы экономики и права». 2013. № 9
5. Касымов С.М. «Моделирование процессов планирования хлопковой отрасли» Ташкент. Издательство «Узбекистан». 1983 г.
6. Хужакулов Х.Д. Ўзбекистонда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чикариш тенденцияларнинг статистик тадқиқи. Иқтисодиётда инновацион ривожланиш. Илмий-амалий ва назарий журнал. 2022 йил 1-сон 78-84 бетлар
7. Хужакулов Х. Аграр секторда маҳсулот ишлаб чикариш холати ва динаимкасининг статистик таҳлили. Агроиктисодиёт. Илмий-амалий агроиктисодий журнал. 2021 йил 3-4 сон 11-14 бетлар.
8. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
9. [www.wine.uz](http://www.wine.uz)

**УЎТ 330.33.09**

**Зияева Мухтасар Мансурджановна,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Маркетинг” кафедраси доценти, DSc

## **БОЗОР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН МАРКЕТИНГ КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН (ИМК) ФОЙДАЛАНИШ**

**Зияева Мухтасар Мансурджановна,**  
Ташкентский государственный экономический университет,  
доцент кафедры маркетинга, д.э.н.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕГРИРОВАННЫХ МАРКЕТИНГОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ (ИМК) В УПРАВЛЕНИИ РЫНОЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ**

**Ziyaeva Mukhtasar Mansurdzhanovna,**  
*Tashkent State University of Economics,*  
*Associate Professor of the Department of Marketing, DSc*

## **USE OF INTEGRATED MARKETING COMMUNICATIONS (IMK) IN THE MANAGEMENT OF MARKET ACTIVITIES**

**Аннотация.** Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишининг кўпайиши брендларни ижтимоий медиани ўзларининг маркетинг алоҳа каналларига интеграция қилишига мажбур қилди, чунки бу давр талабига айланди, чунки бу умумий бренд идентификатори, бренд имиджси ва ҳозирги маркетинг рақобатида компания фаолиятини белгилайди. Уишу тадқиқот ИМК концепциясининг эволюцияси ва ривожланишини ва маркетинг коммуникациялари усулини қандай ислоҳ қилганлигини кузатишга қаратилган. Тадқиқот натижалари бренднинг жисмоний ва деярли мижозлар онгода мустаҳкам асосларини яратиш учун маркетинг аралашмаси соҳасидаги келгуси тадқиқотлар ва иловалар учун трамплин бўлиб хизмат қиласди.

**Таянч сўзлар:** интеграцион маркетинг коммуникацияларидан (ИМК), маркетинг, маҳсулот, бренд, маркетинг каналлари, оғзаки маркетинг, SEO.

**Аннотация.** Увеличение использования социальных сетей вынудило бренды интегрировать социальные сети в свои каналы маркетинговых коммуникаций, что стало требованием времени, поскольку определяет общую идентичность бренда, имидж бренда и эффективность компании в текущей маркетинговой конкуренции. Это исследование направлено на то, чтобы проследить эволюцию и развитие концепции IMK и то, как она преобразовала метод маркетинговых коммуникаций. Результаты исследования служат трамплином для будущих исследований и приложений в области комплекса маркетинга, чтобы заложить прочную основу бренда физически и практически в сознании клиентов.

**Ключевые слова:** интегрированные маркетинговые коммуникации (ИМК), маркетинг, продукт, бренд, каналы сбыта, сарафанное радио, SEO.

**Annotation.** *The increase in the use of social networks has forced brands to integrate social media into their marketing communication channels, which has become the demand of the times, as it defines the overall brand identity, brand image and the company's performance in the current marketing competition. This study aims to trace the evolution and development of the concept of IMK and how it has reformed the method of marketing communications. The results of the study serve as a springboard for future research and applications in the field of marketing mix to build strong foundations of the brand physically and practically in the minds of customers.*

**Keywords:** integrated marketing communications (IMK), marketing, product, brand, marketing channels, word of mouth marketing, SEO.

### Кириш

Жорий маркетинг коммуникациялари маҳсулот хабарлари билан тўйинган ва истеъмолчиларнинг эътиборсизлигини оширадиган мухитда ишлайди [1]. Энг мухим ўзгаришлардан бири бу реклама берувчилар учун мавжуд бўлган алоқа имкониятларининг кескин ўсишидир. Шу нуқтаи назардан, маркетинг коммуникациясининг турли элементлари ўртасидаги барча хабарларнинг стратегик изчилиги истеъмолчиларни жалб қиласидиган изчили бренд имиджини таъминлаш, шунингдек, синергик эффектларга эришиш учун жуда муҳимдир. Ушбу стратегик изчилик интеграциялашган маркетинг коммуникацияларини (ИМК) ривожлантириш учун энг тавсия этилган ёндашув сифатида тавсия этилади [2].

ИМК бўйича тадқиқотларнинг аксарияти иқтисодий ва молиявий афзалликларга эришиш учун ушбу стратегиянинг синергик таъсирини баҳолашга қаратилган. Бирок, бир нечта тадқиқотлар интеграциянинг истеъмолчиларнинг ўзига қандай таъсирини таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу тадқиқотларнинг аксарияти мувофиқлаштирилган реклама компаниясида турли хил оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган [3]. Бирок, улар ҳақиқий интеграция

эмас, балки фақат алоқа воситаларини мувофиқлаштиришdir. Бошқа тадқиқотлар интеграцияни амалга ошириш учун ишлатиладиган мезонни тушунтирмасдан турли хил воситаларнинг таъсирини таҳлил қиласиди [4].

Интеграциялашган маркетинг – бу маълум бир бозор шароитида қўлланиладиган барча маркетинг воситаларининг оптимал нисбатларини излаш, бу ҳолда синергик таъсирга эга бўлади. Интеграциялашган маркетинг стратегия изчилилкка асосланган бўлиб, истеъмолчиларни қайта ишлаш, эслаб қолиш ва муносабатларига қандай таъсири қилишини кўриб чиқади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, илмий мақола ҳам интеграциялашган маркетинг стратегиясининг истеъмолчининг харид тўғрисидаги фикрига таъсири этиш ва брендни яратишдаги ўрнини таҳлил қиласиди. Ўзбекистонда замонавий бозор тузилмасининг яратилаётганлиги, маркетинг стратегиясининг такомиллашиб бораётганлиги интеграциялашган маркетингнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш зарурятини келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий мақола мавзуси долзарб бўлиб, интеграциялашган маркетинг коммуникацияларини қўллаш орқали бозор фаолиятини бошқариш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қиласиди.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Грасс ва Валласнинг тадқиқотларига кўра, одамлар бир хил такорий хабарга нисбатан турли хил ва турли хил ижролар орқали хабарга дучор бўлганда, истеъмолчи томонидан маълумотни қайта ишлаш ва ишлаб чиқишга ижобий таъсир кўрсатади [5]. Ушбу далилларнинг мантикий сабаби шундаки, бир хил маълумотлар турли хил контекстларда тақдим этилганда, одамлар уларга эътибор бериш учун кўпроқ рағбатлантирилади.

Сжодин ва Торн таъкидлашича [6], реклама ҳатто истеъмолчиларни ҳаяжонга солиши ва уларни тўхтатиш ва ўйлашга мажбур қилиши мумкин.

Меерс-Леви ва Малавиянинг фикрича [7], барқарорликка асосланган интеграция стратегияси истеъмолчиларни ишонтиришга ҳам таъсир қилиши мумкин. Ишонтиришнинг когнитив-жавоб моделига кўра, ишонтириш даражаси одамлар хабарни ишлаб чиқишида пайдо бўладиган когнитив жавобларнинг аник ижобийлиги билан намоён бўлади.

Петти ва Касиопонинг таъкидлашича [8], ишонтиришнинг асосий назарияларини ўрганиш ишонтиришнинг бир нечта механизмлари бўлиши мумкинлигини кўрсатади, аммо икки жараёнли назариялар, масалан, ишлаб чиқиш эҳтимоли модели энг кенг тарқалган. Ишлаб чиқиш эҳтимоли модели ишонтириш учун марказий йўл ва периферик йўл мавжудлигини таъкидлайди. Қайси йўлни босиб ўтиш одамнинг хабарни ўйланган, пухта ишлаб чиқишга бағишлиганлик даражаси билан белгиланади.

Стаммерхоҳан тадқиқот натижаларига кўра, ишончли вазиятда шахснинг қайси йўлдан боришига энг кўп таъсир қиладиган иккита омил – бу мотивация (хабарни қайта ишлашга бўлган кучли истас) ва қобилият (аслида танқидий баҳолаш қобилияти) [9]. Изчил алоқа

стратегияси хабар даъволарини кенг ва танқидий ишлаб чиқишга асосланган янада мустаҳкамроқ ва ижобий хулосалар чиқариши мумкин.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда интеграциялашган маркетинг коммуникацияларининг стратегик йўналишлари, бозор фаолиятини бошқаришдаги ижобий жиҳатлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Таҳлил давомида индукция, қиёсий таҳлил ва илмий абстракциялаш усулларидан фойдаланилган.

## Натижа ва муҳокама

Интеграциялашган маркетинг коммуникациялари (ИМК) бренднинг мақсадли аудиториясига эришиш учун фойдаланадиган барча оммавий ахборот воситаларида мос келиши учун бренднинг хабарларини бирлаштириш жараёнидир. Бу барча маркетинг каналларида кўлланиладиган алоқа ва тактикаларни бошқарадиган стратегик ёндашув.

Ҳар бир ташкилот ўз аудиторияси билан мулокот қилиш учун бир нечта каналлардан фойдаланади. Бугунги рақамли дунёда потенциал мижозларингизга мурожаат қилингиз мумкин бўлган барча оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш қийин бўлиши мумкин. Аммо рақобат курашининг шиддатлилиги бир вақтнинг ўзида бир нечта маркетинг каналларида эътибор қаратиш кўплаб компаниялар учун заруратdir.

Буни қуйидаги фикрлар билан изоҳлаш мумкин [10]:

Мижозларнинг товарни танлашдан тортиб уни сотиб олишгача бўлган жараёнда изчиллик зарурати.

ИМКнинг брендни яратишдаги кўп томонламалилиги.

Маркетинг каналларининг тўғри аралашмасидан мақсадли фойдаланишнинг


компания самарадорлигини оширишга ёрдам бериши.

ИМКнинг ўзаро алокадор бўлган комплекс маркетинг каналларидан иборат бўлиши.

ИМКнинг заруриятини таҳлил килувчи ҳар бир ҳолатга тўхтадиган бўлсак, қуидаги натижаларни кўриш мумкин:

1. Мижозларнинг товарни танлашдан тортиб уни сотиб олишгача бўлган жараёнда изчиллик зарурати

Ушбу жараён мижозни маҳсулот ёки хизмат тўғрисида хабардор қилишдан бошланиб, мижозга танлов имкониятини оширишга кўмаклашади. Уни қизиктириш ва маҳсулотни сотиб олишга ундейдиган турли воситалардан фойдаланади. Мижознинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотга ўзгаришишлар киритади (1-расм).



**1-расм. Мижозларнинг товарни танлашдан тортиб уни сотиб олишгача бўлган жараёндаги ИМК**

2. ИМК бренд яратишида ёрдам беради.

Бренд товарнинг нархи ва ҳаётйлик даврини белгиловчи асосий омилдир. ИМКдан фойдаланиш брендни тез яратиш ва танитиш имконини беради.

3. Маркетинг каналларининг тўғри аралашмасидан мақсадли фойдаланишининг компания самарадорлигини оширишга ёрдам беради

ИМК қайси маркетинг каналларида эканлигингизни ва улардан қандай фойдаланиши кайта кўриб чиқишига мажбур қиласди. Энди одамларга онлайн ва оффлайн режимда мурожаат қилишнинг кўплаб усуслари мавжуд. Аммо фақатина бир маркетинг каналини қўллаб сотув ҳажмини ошириш глобаллашув даврида самарали бўлмаслиги мумкин.

Умуман олганда, коммуникацияларингизни бирлаштиришнинг энг идеал усули бу бюджетингизнинг 60 фоизини бренд яратиш қисмига, қолган 40 фоизини эса савдони оширишга сарфлашдир.

1. ИМКнинг ўзаро алокадор бўлган комплекс маркетинг каналларидан иборат бўлиши

Бунда одатда, оғзаки маркетинг ва СЭО маркетингдан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкони юзага келади. Масалан, ижтимоий тармоқлардаги блогерлар томонидан оғзаки маркетинг орқали маҳсулотнинг ёки компаниянинг сайти кўрсатилади. Бунда мижозлар оғзаки маркетингдан олган маълумотларини сайт маълумотлари билан мувофиқлаштирадилар.

### I-жадвал ИМКдан фойдаланишининг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари[11]

Интеграциялашган маркетинг коммуникациясининг афзалликлари қуидагилардан иборат	Интеграциялашган маркетинг коммуникациясининг кийинчиликлари қуидагилар
Каналлар бўйлаб етказилган хабарлар бирлашгандагина самарали бўлади; ИМК натижасида ички имкониятлар ва ташқи алокалар орқали самарадорлик ошади;	ИМК табиатан мураккаб бўлиб, у турли бюджетлар, ташаббуслар, максадлар ва шахсларни бирлаштиришни ўз ичига олади;

Мижознинг компанияга ёки маҳсулотга, компаниянинг эса мижозга бўлган садоқати ортиб боради	ИМКни амалга ошириш жараёнининг тўлиқ режалаштирилмаганлиги ва фаолият кетма-кетлигининг нотўғри ташкил этилиши
--------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Маркетинг коммуникацияларини интеграциялашган ҳолда, компанияларингиз самаралироқ бўлади. Ушбу стратегияни қабул килиш ва интеграциялашган компанияни амалга ошириш учун бир неча асосий қадамларни бажариш лозим:

Аудиторияни аниқлаш. Сизнинг мақсадли мижозларингиз кимлар? Уларнинг хатти-харакати ва афзалликларини тушуниш учун ички маълумотлар ва тадқиқотлардан фойдаланиш. Улар энг кўп фойдаланиши мумкин бўлган каналларни аниқлаш. Мисол учун, TikTok, Инстаграм ва ЛинкедИн ҳар бирида турли ёшдаги демография мавжуд. Мижозларнинг оғрикли нуқталарини тинглаш ва мақсадли таркибни шакллантиришга ёрдам берадиган шахсларни жалб қилиш.

- жамоа йигиш. Иштирок этиши керак бўлган бўйимларни аниқлаш;
- топшириклар шакллантириш;
- мақсадларни қўйиш;
- таркибни режалаштириш;
- кодланган ранглар, шрифт ва графикалар билан визуал мавзуни яратиш;
- эътиборни жалб қилиш ва фаолликни ошириш учун хис-туйғулар ҳамда ҳикоялардан фойдаланиш;
- бренд тарихи ва ўзига хослигини кўриб чиқиш;
- кўп такрорлаш орқали доимий равишда пайдо бўладиган белги ёки сифатни танлаш;
- бренд идентификаторига, ушбу компанияга ва турли аудитория сегментларига мос келадиган овоз ва оҳангни танлаш;
- етакчиларни тўплаш учун очилиш саҳифаларини яратиш;

– савдо саёҳатининг турли босқичлари учун хабар алмашишни қандай мослаштиришни аниқлаш;

– иш тартиби ва жадвалини тузиш.

Интеграциялашган маркетинг коммуникациялари бугунги кунда тушуниш керак бўлган энг муҳим маркетинг тамойилларидан биридир. Аммо уни амалга ошириш жараёнида мураккабликлар ҳамда қийинчиликлар изога келиши мумкин. Жумладан [12]:

Стратегияни амалга оширишда баъзи тўсиқларга дуч келиш мумкин. Ҳозиргача энг катта муаммо бу ички алоқа ва ҳамкорликдир. Бундай интеграция табиатан мураккаб, чунки у турли бюджетлар, ташабbusлар, мақсадлар ва шахсларни бирлаштиришни ўз ичига олади.

Шундай бўлса-да, ИМКнинг мақсади воқеалар тасодифий содир бўлишига йўл қўймасдан, режалаштириш ва масъулиятни ўз зиммасига оладиган етакчиликни белгилаш бўлиши керак.

Яна бир тўсиқ – бу амалга ошириш. Брэндлаш хужжатлари аниқ ва изчилинига ҳаммага, шу жумладан, пудратчиларга ҳам тарқатилиши керак. Уни амалга ошириш вақти келганида, дастур ноаниқ бўлиши мумкин ва ҳаракатлар диққатни йўқотиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин. Вазифаларни давом эттириш ва турли контекстларда қандай қўлланилишини олдиндан билиш учун батафсил режага эга бўлиш мухимdir.

## Хуноса

Олиб борилган таҳлиллар натижасида куйидаги хуносалар шакллантирилди:

ИМК маркетинг бошқарувининг комплекс тизими бўлиб, реклама билан биргаликда маркетингнинг турли воситаларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

ИМКда савдони рағбатлантиришнинг турли воситалари ишлаб чиқилади.

Юқоридаги хulosалардан келиб чиқкан ҳолда, қуидаги таклифлар шакллантирилди:

- ИМК замонавий маркетинг воситаси бўлиб, компаниянинг ҳажмидан қатъи назар амалга оширилишини тақозо этади;
- ИМК тизимининг самадорлиги унинг мижозга яқинлиги билан

белгилангани сабаб, рақобатли устунликка маркетинг воситалари орқали эга бўймоқчи компаниялар фаолияти учун тавсия этилади;

– ИМКдан фойдаланиш брендни яратишида аҳамиятли эканини хисобга олган ҳолда, маҳсулот ҳаётийлик даврининг илк босқичида фойдаланиш тавсия этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Kitchen, P.J., J. Brignell, T. Li, and G. Spickett. 2004. The Emergence of IMC: A Theoretical Perspective. *Journal of Advertising Research* 44, no. 1: 19-30.
2. Rehman, S. ul, Gulzar, R., & Aslam, W. (2022). Developing the Integrated Marketing Communication (IMC) through Social Media (SM): The Modern Marketing Communication Approach. *SAGE Open*, 12(2). <https://doi.org/10.1177/21582440221099936>
3. Chang, Y., and E. Thorson. 2004. TV and Web Advertising Synergies. *Journal of Advertising* 33, no. 2: 75-84.
4. Loda, M.D., and B. Carrick. 2005. Sequence Matters: A More Effective Way to Use Advertising and Publicity. *Journal of Advertising Research* December: 362-372.
5. Grass, R.C., and W. Wallace. 1969. Satiation Effects of TV Commercials. *Journal of Advertising Research* 9, no. 3: 3-8.
6. Sjödin, H., and F. Törn. 2006. When Communication CHallenges Brand Associations: A Framework for Understanding Consumer Responses to Brand Image Incongruity. *Journal of Consumer Behaviour* 5: 32-42.
7. Meers-Levy, J., and P. Malaviya. 1999. Consumer's Processing of Persuasive Advertisements: An Integrative Framework of Persuasion Theories. *Journal of Marketing* 63: 45-60.
8. Petty, R.E., J.T. Cacioppo, and D. Schumann. 1983. Central and Peripheral Routes to Advertising Effectiveness: The Moderating Role of Involvement. *Journal of Consumer Research* 10, no. 2: 135-145.
9. Stammerhohan, C., C.M. Wood, Y. Chang, and E. Thorson. 2005. An Empirical Investigation of the Interaction between Publicity, Advertising, and Previous Brand Attitudes and Knowledge. *Journal of Advertising* 34, no. 4: 55-67.
10. NAVARRO-BAILÓN, MARÍA & Sicilia, Maria & Ballester, Elena. (2009). Integrated marketing communications: Effects of advertising-sponsorship strategic consistency. *EuroMed Journal of Business*. 4. 223-236. 10.1108/14502190910992666.
11. Finne, Åke & Grönroos, Christian. (2009). Rethinking marketing communication: From integrated marketing communication to relationship communication. *Journal of Marketing Communications*. 15. 179-195. 10.1080/13527260902757654.
12. Fredrik Nordin, Annika Ravald. The making of marketing decisions in modern marketing environments, *Journal of Business Research*, Volume 162, 2023, <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2023.113872>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0148296323002308>)

**УЎТ 330.09.(004.11)**

**Рахматуллаева Наргиза Октябревна,**  
**Тошкент молия институти**  
**“Менежмент ва маркетинг” кафедраси**  
**доценти**

## **БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ**

**Рахматуллаева Наргиза Октябревна,**  
**Доцент кафедры**  
**“Менеджмент и маркетинг”**  
**Ташкентского финансового института**

## **МЕХАНИЗМ ОРГАНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА**

**Rakhmatullaeva Nargiza Oktyabrevna,**  
*Associate Professor of “Management and Marketing”*  
*department the Tashkent institute of Finance*

## **MECHANISM ORGANIZATION IN SYSTEM MANAGEMENT**

**Аннотация.** Уибу мақолада мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида бошқарув тизимини ташкил этиши, унинг механизми, менежсер фаолиятининг бошқарув тизимидағи аҳамияти, ишлаб чиқарши соҳасида юзага келадиган муносабатлар, унинг самараси, бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий мақсадлари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** бошқарув, бошқарув тизими, менежсер, бошқарув механизми, ижтимоий-иктисодий мақсадлар, инсонлар меҳнат фаолияти, менежментнинг обьекти ва субъекти, бошқарувчи тизимнинг самарадорлиги, ишлаб чиқарши жамоалари.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрена организация системы управления на предприятиях и в организациях нашей страны, ее механизм, значение деятельности менеджера в системе управления, отношения, возникающие в производственной сфере, ее эффективность, социально-экономические цели. управления.

**Ключевые слова:** управление, система управления, руководитель, механизм управления, социально-экономические цели, трудовая деятельность человека, объект и субъект управления, эффективность системы управления, производственные коллективы.

**Annotation.** This article discusses the organization of the management system at enterprises and organizations in our country, its mechanism, the importance of the manager's activities in the management system, relations that arise in the production sector, its effectiveness, socio-economic goals. management.

**Keywords:** management, management system, leader, management mechanism, socio-economic goals, human labor activity, object and subject of management, efficiency of the management system, production teams.

### Кириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, эркин рақобат ва аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда, замонавий корхоналарда бошқарув фаолиятини самарали ташкил қилиш ва раҳбарлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши энг аввало иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлашни тақозо этади. Бу вазифаларни ҳал этиш учун юртимиз ўзининг бой табиий ресурсларидан, минерал манбаларидан ҳамда фантехника ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиши зарур. Чунки жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган ҳалқ қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қиласди.

Республикада иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги даврида ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиш муаммосига эътибор кучайиб бормоқда. Шундай омиллар қаторига инсонда мужассамлашган туганмас қобилияtlардан фойдаланиш ва бу қобилияtlар орқали корхона ва ташкилотларда бошқарув тизимларини ривожлантириш аҳамиятилидир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Парламентига Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича энг долзарб масалалар ва амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тўғрисида қуидагиларни баён қилдилар: “Ишлаб

чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида персонал бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида ташкилотларга малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарур” [1].

Менежер меҳнатининг асосий фаолияти корхонада йўлга қўйилган маҳсулот ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, унинг фаолияти ишлаб чиқариш натижаларига сезиларли таъсир кўрсатувчи ва бошқарув функцияларини тезкор равища амалга ошириб борувчи хатти-ҳаракатлар жамланмасини ўзида мужассам этади. Менежер тўғридан-тўғри моддий бойлик яратмасдан, бироқ унинг бошқарувчилик фаолияти ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Шунингдек, менежер фаолияти ишлаб чиқариш кўрсаткичларида кузатиладиган ўзгаришлар асосида баҳоланади. Кўриниб турибдики, менежер фаолияти кўп қиррали ва корхонанинг самарали фаолиятига улкан таъсир кўрсатувчи меҳнат тури экан.

Корхона бошқарув тизимини ривожлантириш, корхонанинг умумий самарадорлик кўрсаткичларида ўз аксини топади ва унга баҳо берилади.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Бошқарув фаолиятини олиб бориши ва бошқарув тизимини ташкил этиш масалалари бўйича чет эл олимларидан М.Х.Мескон, П.Друкер [2], Д.Кревенс, А.Чендлер[3], М. Портер Ж.Ж. Ламбен, Ф.Котлер, Г.Армстронг, С.Роббинс[4] ва бошқаларнинг бар қатор асарлари ушбу соҳадаги тадқикотларга бағишланган.

М.Х. Мескон “Менежмент асослари” китобида қўйидагича таъриф беради: “Бошқарув – бу ташкилот мақсадларини шакллантириш ва уларга эришиш йўлида режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат қилиш жараёнидир”.

П.Друкер корхоналарда менежер фаолиятини олиб бориш ва бошқарув тизими ҳақида “Менежмент асослари” китобида “Менежмент – бу уюшмаган оламонни самарали фаолиятга айлантирадиган махсус фаолият тури. Мақсадли ва самарали гурух. Бошқарув ҳам рағбатлантирувчи элемент хисобланади, шунингдек, ижтимоий ўзгаришлар ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар намунаси” деб фикр билдирган.

Г.Армстронг, С.Роббинс “Менежмент” китобида “Ташкилотларга яхши менежерлар керак. Бу ғайратли ва иштиёқли одамларнинг биргаликдаги саъй-харакатлари орқали ташкилотлар ўз мақсадларига эришиши учун биргаликда ишлаши зарур.

Ўзбекистонда эса корхоналарда бошқарув фаолиятини олиб бориш ва бошқарув тизими муаммолари бўйича М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев [5], Д.Косимова[6], Э.Набиев [7] ва бошқа кўпгина олимларнинг илмий изланишларида ёритилган.

### Тадқиқот методологияси

Бошқарув – кўп маъноли тушунча. У обьектга мустаҳкамлигини сақлаш ёки тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказища таъсири этиш учун керак бўлган жойда кўлланилади. Шу боис “бошқарув” тушунчаси бошқарувчи таъсирга таъриф бериш учун кўлланилади.

Бошқарув тизимининг уч турини ажратиб кўрсаташ мумкин: Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз бажарув-

чилари бўлган инсонлар алоҳида машиналар, механизмлар, тизимлар, ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар, аниқроғи, ишлаб чиқариш жараёнларидағи алоҳида элементларни бошқаради.

Бошқарувнинг бу соҳаси техник фанларни ўрганиш предмети хисобланади. Иккинчидан, жонли табиатда, тирик организмларда (организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ физиологик, биокимёвий ва биофизик жараёнлар) содир бўлаётган жараёнларни бошқариш. Бошқарувнинг бу тизими табиий фанлар томонидан ўрганилади. Учинчиси, ижтимоий жараёнларни бошқариш, яъни аниқ бир масалаларни ҳал қилиш учун ижтимоий гуруҳларга бирлашган онгли индивидларнинг уюшган фаолиятига таъсири этиш.

Бошқарувнинг бу соҳаси ижтимоий фанлар томонидан фаннинг қатор табиий ва илмий соҳаларини жалб этган ҳолда ўрганилади.

Ишлаб чиқариш соҳасида – бу бевосита бажарувчи бўлган жамоанинг меҳнат қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар, яъни инсонларни бошқаришдир. Бу асосий бошқарув хисобланади, чунки инсонлар ишлаб чиқаришнинг асосий яратувчи қучидир.

Тўхтовсиз ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида бошқарув, хўжалик бирлигининг аниқ вазифалари ва унда ишлаётган қонунлар билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнат фаолиятининг фаол англашган шакли сифатида, инсонларнинг турли хилдаги эмас, ўзаро қўшма фаолияти бўлгандагина керак бўлади. Яъни турли инсонларнинг ўзаро меҳнатдаги қўшма фаолияти натижасида жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонунларига бўйсунади.



**1-расм. Менежментнинг иктисодий хўжаликдаги фаолияти соҳасидаги маъноси ва мазмунини ташкил этувчиларини кўрсатиш модели[8]**

Менежментнинг маъноси ва моҳияти иктисодий қонунларни ҳётга киритишга, оптимал қарорларни кидириб топиш ва амалга оширишга йўналтирилган ташкилий тадбирлардан иборатdir. Маълумки, инсонлар хўжалик фаолиятига иктисодий қонунлар ва уларни амалга оширишнинг киритилиши орасида ташкилий тадбирларга зарурят туғилади, бу эса менежментнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу тадбирлар ва уларнинг қўйилишининг моҳияти қонунларни амалда кўллаш йўли ва шаклларида ўз аҳамиятини топади.

Маълумки, қўшма меҳнат алоҳида ишлар орасидаги умумий ишлаб чиқариш жараёнидаги, яъни менежментдаги ўзига хос характерларни умумий функцияларини бажарилишида уйғунликнинг таъминланишига муҳтождир.

Бу шуни хулоса қилишга ёрдам берадики, менежмент меҳнатнинг тақсимоти пайдо бўлганда вужудга келиб, куйидагиларни қамраб олади:

- қўшма меҳнат иштирокчиларига ташкилий таъсир этиш;
- уларнинг биргаликдаги фаолиятини бирлаштириш ва келиштириш йўли билан онгли тарзда мақсадга мувофиқ йўналтирилишини таъминлаш вазифасини кўзлайди;
- инсонлар амалга оширадиган характеристлар координацияси.

Шундай қилиб, менежмент – бу ҳар ерда ишлаб чиқариш жараёнини ижтимоий бирлашган жараён шаклини оладиган ишлаб чиқаришга керакли турли хил ҳолатдир.

Менежмент моҳияти характеристикаси – ишлаб чиқариш жараённада инсонларга уларнинг фаолиятини ташкиллаш ва йўналтиришга тўғридан-тўғри мақсадли таъсир этиш талаб қилишидадир.

Менежмент – бу жамият ривожланишининг асосий жараёнлари билан боғлиқ бўлган унинг жамоа аъзоларининг меҳнат фаолиятини ишлаб чиқаришдаги эришишнинг моддий фаровонликка аниқ йўналиши билан бирлашган инсонлар фаолиятининг шакли. Менежмент меҳнат корпорацияси билан ажралмас боғлиқ бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган, аниқ вазифаларни амалга оширишда алоҳида ишчилар томонидан бажарилиши кераклигини талаб қиласди.

Маълумки, мақсад ва вазифаларидан катъий назар, бошқарувнинг турли хил

тизими, ўзида икки тизимнинг бирлигини: бошқариладиган ва бошқараётганларни кўрсатади. Бошқарув менежментнинг обьекти – бу ишлаб чиқариш жараёнларининг элементлари мажмусидир. Бунга техник (техника ва технология), иқтисодий (режалар, молия, оддий омиллар) ва ижтимоий (мехнат қилаётганларни ташкилоти ва уларнинг жамоага муносабатлари) элементлар киради.

Эътиборга олиш керакки, кўрсатилган элементлар мажмусида биринчи ўринда моддий фаровонликни яратишда ишлаб чиқариш жараёнида, инсонлар томонидан фойдаланиладиган меҳнат қуроллари ва манбаларининг тўпланиши туради. Менежмент тизимидағи инсонлар – бу нафақат унинг бир элементи, балки ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг барча асосий алоқалари қўшилиб кетадиган марказдир.

Менежмент соҳасида инсонларнинг меҳнат фаолиятини икки турга ажратишин мумкин: ишлаб чиқариш жараёни бевосита амалга ошириладиган «меҳнат» ва бу жараёnlарни бевосита бошқаришга йўналтирилган «фаолият». Инсонлар меҳнат фаолиятининг биринчи тури обьект сифатида, иккинчиси эса менежментнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Шундан хуроса қилиш мумкинки, менежмент – бу аввалимбор инсонларни бошқариш бўлиб, улар эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситаларини бошқарадилар.

Менежментнинг бошқарув ва бошқарувчи тизимлари ўртасидаги муносабат инсонлар ўртасидаги муносабат сифатида қаралади. Лекин уларни бошқариш - бу нафақат ҳодимларни бошқариш, балки уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўзаро муносабатларига тўғридан-тўғри мақсадли таъсир этиш демакдир.

Менежментнинг субъекти – бу ишлаб чиқаришдаги бўғинлар – бошқарув қоидалари ва мажбуриятлари бўлиб

берилган турли ташкилотлар, бўғинлар, гурухлар уйғуналигидир.

Менежмент тизимидағи субъект қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи қарорларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш билан боғлиқдир. У илмий асосда ишлаб чиқаришни бошқариш функцияларини ўзида мужассам этган махсус вазифалар мажмусини, тадқиқотлар лойиҳавий, режали, ташкилий, координацион, иқтисодий ва менежментнинг назорат муаммолари билан боғлиқ вазифаларни ечишга қаратилган.

Бошқарувчи тизимнинг самародорлиги менежмент усусларини моҳирона кўлловчи, бошқарув обьекти ҳолатига таъсир этувчи факторларга эга ташкилот даражасига боғлиқ бўлади.

Менежментнинг икки тизими бошқарув обьекти ва субъектини самарали ривожи – уларнинг доимий зич, мустаҳкам ва органик ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлигига эгадир. Бошқарув тизимида содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар менежмент субъектида ўз вақтида акс эттирилиши керак, бошқарув тизими эса унинг элементларидағи бўлаётган ўзгаришларига тезлик билан аниқ жавоб қайтариши ҳамда менежмент обьектининг максимал самарасини таъминлаб бериши керак.

Менежментнинг ижтимоий-иктисодий мақсадига мос келувчи мақсадларни кўзловчи кишилар фаолиятидаги менежментнинг амал қилиш моделида шуни кўришимиз мумкин (2-расм). Бошқарув тизими қайта алоқа ёрдами билан бошқарув субъекти мазмунига таъсир ўтказиб, ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, уни ҳал қилишнинг оптимал вариантини турлича қидириб топишга ундейди. Бу менежментга кўплаб ва сифатли қарорларни энг самарали тарзда топишга, бошқарилётган ва бошқарадиган тизим билан боғлиқ аниқликларни ўз вақтида киритишга ёрдам беради.



**2-расм. Менежментнинг ижтимоий-иктисодий мақсадига мос келувчи мақсадларни кўзловчи кишилар фаолиятидаги менежментнинг амал қилиш модели.**

### Натижа ва муҳокама

Шундай қилиб, менежмент обьекти ва субъектининг асосий элементлари турли бўлинмалар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш жамоалари билан ўзаро боғлиқлигидир. Менежмент аниқ мақсадларни кўзловчи инсонлар фаолиятидагина иш олиб боради. Бошқарув субъектининг иктисодий - техник самараси, асосан, якуний мақсаднинг қанчалик тўғри қўйилганига боғлиқ бўлади. Шунинг учун менежментнинг асосий мақсадларидан бири унинг юқори мақсадини илмий асосга қўйилишидан

ташкил топади. Бу вазифа осон эмас, унинг ҳал қилиниши бутун менежмент тизими сўзсиз бўйсунадиган қонуниятни ўрнатиш билан тенгдир.

Менежментнинг юқори ижтимоий-иктисодий мақсадини аниқлашдан келиб чиқадиган асоси – база бу ишлаб чиқаришда аниқ мақсадларга интигурувчи инсонларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, менежментнинг ижтимоий-иктисодий мақсади ўз ичига қуйидаги ҳолатларни олиши керак: маҳсулотга, ишга, ишлаб чиқаришдаги хизматларга бўлган жамият талабларининг

ва меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иктисодий қизиқишларини амалга оширилиши ҳамда ташкилотлардаги шахсий мулк эгаларининг талаблари қондирилишини таъминлаш. Шу ўринда менежмент тизимини ишлаб чиқишда юкори мақсадни қўйиш биринчи кадам ҳисобланади. У умуман тизим ва унинг ички тизимлари йўналишини, уларни ишлаш мазмунини, ривожланиши ва мукаммаллашишини аниқлаб беради.

Шундай қилиб, менежмент – ички ишлаб чиқаришга хос бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Унинг ижтимоий-иктисодий мазмуни, хусусий мулкни ишлаб чиқариш воситаларига муносабатини, жамоанинг иктиносидий қизиқишларига, бошқарувчиларнинг ходимлар билан ўзаро алоқасида аниқланади. Иктиносидётни бошқариш кенг маънода иктиносидий обектларни, жараёнларни, муносабатларни бошқаришни ифода этади. Бундай талқинда бошқарувнинг ҳар бир қисмида инсон омилининг, одамлар иштироқидаги бошқарув омилининг мавжудлиги четдан назар ташлагандага кўринмагандек туюлади. Ҳамма бошқарувнинг узлуксиз ишлаш жараёни менежментдир. Бу бошқарув аппаратининг меҳнат жараёнидир. Умумий ҳолда менежментни қўйидагича тавсифлаш мумкин: технология нуқтаи назаридан (қандай бажарилади), ташкиллаштириш (ким томонидан ва қандай тартибда) ва мазмунан (аниқ нима қилинади).

Менежмент иктиносидий нуқтаи назаридан – бу, аввало, ҳамма иктиносидий муаммоларни бошқариш системаси, инсонларни бошқариш. Менежмент ижтимоий нуқтаи назаридан – бу, аввало, меҳнат жамоалари ижтимоий талабларини қондириш, инсонни тарбиялаш. Менежмент жараёни технологияси эса бошқарув аппарати ходимларининг

бажараётган амалий ишларидир. Шундай қилиб, менежмент жараёни қўйилган масалага эришиш учун бошқарув аппарати раҳбари ва одамларнинг келишилган ҳолда ҳамоҳанг фаолият кўрсатишидир. Менежмент жараёни операция, восита ва жараёнлар кетма-кетлигини амалга ошириш билан тавсифланади. Менежмент жараёни моҳиятидан келиб чиқиб, қўйидаги босқичларни ажратиш мумкин: мақсад, ҳолат, муаммо, ечим. Кўрсатилган кетма-кетлик билан бошқарув фаолияти бажарилади. Ҳар қандай фаолият мақсадли бошқарувга йўналтирилган бўлиши керак, зеро, бошқариш мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Менежментнинг навбатдаги босқичи ҳолатларни таҳлил этиш дейилади. Бу босқичда ишлар мажмуи, система ҳолатини баҳолаш, уни такомиллаштириш йўллари, ишга халақит берувчи элементларидан кутулиш чоралари кўрилади. Муаммолар босқичида системани жорий ҳолатидаги асосий қарама-қаршиликлар, система ишини яхшилаш учун нималар қилиш кераклиги аниқланади. Ечим босқичи раҳбарнинг амалий ишларга ўтиш фаолиятидир. Қарор қабул қилиниши биланоқ бошқарилувчи системаларга аниқ таъсир кўрсатилади, алоҳида оддий бошқарувга оид ҳаракатлар бажарилади.

Компаниялар бошқарув тизимини таркибий тузилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Менежмент таркибий тузилиши деганда менежмент бўғинлари ва босқичлари микдори ва таркиби тушинилади. Компания бошқарувида ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлади, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик, самарали бўлади.

**Хуносаси**

Жамият тараққиёти давомида кўпгина фанлар инсонни турли жиҳатдан – биологик, рухий, фалсафий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўргандилар. Унинг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятининг мақсади, келиб чиқиши, табиати ва барча томонлари чукур таҳлил килинди. Энг машхур олимлар, сиёсатчилар, тарихий шахсларнинг барчаси ўзларининг таълимотларида инсон муаммосини четлаб ўтмаганлар. Шундай бўлса-да, инсон муаммоси тўлалигича ечилган эмас. Зеро, инсон моҳиятан ижтимоитарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий шароитда ўзлигини чуқурроқ англашга, инсоний моҳиятини рўёбга чиқаришга интилаверади.

Мақоланинг хуносасида “бошқарув тизими”га яна бир борт тўхталиб, бутушунча ташкилий, социал ва сиёсий маънода фоятда кўп қиррали, ҳар томонлама бўлиб, жуда кўп масалаларни ўз ичига олишини таъкидламоқчиман. Бошқарув тизими тушунчаси ҳозирги жамият корхона ва

ташкилотларини ташкилий, ижтимоий, профессионал ва маънавий ривожланиши муаммоси, ижодий меҳнати ва ташабbusи мустақиллиги, юксак ахлоқийлиги ва барча даражадаги ходимларнинг янгиликни акс этиш туйғуларининг доимо ўсиб бориши ҳамdir. Бу шунингдек, ҳозирги жамиятимизни ривожлантириш, ҳар бир кишида бутун куч-куватини бериб ҳалол меҳнат қилишга онгли иштиёқини уйғотишдир, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш эса иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартидир.

Ҳозирги бозор муносабатлари даврида мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, унинг таркибий қисмлари бўлган катта-кичик корхоналар, фирмалар иқтисодиётини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун инсон ресурсларидан унумли фойдаланиши ташкил этиш муҳим муаммолардан биридир. Республикамизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва хукуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз ҳалқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпdir.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. “2023 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 20.12.2022 й. <https://www.norma.uz>. Ахборот хукукий портал.
2. Мескон М.Х. и др. Основы менеджмента, 3- е издание: Пер. с англ.- М.: ООО “И.Д. “Вильямс”, 2010.- 672 с
3. А.Чендрер “Стратегия ва структура” . Ўқув кўлланма. М.: Проспект, 2010 йил, 400-бет.
4. Robbins Stephen P.Management / Stephen P. Robbins, Mary Coulter. — 11th ed. R5647 2012.-1025p.
5. М.Шарифхўжаев. Ё.Абдуллаев “Менежмент”. Дарслик. Т.: O‘zbekiston. 2001. 448-бет.
6. Д.Қосимова. Менежмент назарияси. Дарслик.Т.: “Tafakkur -Bo‘stoni”, 2011. – 336-бет.
7. E.Nabiyev.S.G‘oyibnazarov.N.Alimuhamedova.Menejment.Marketing.Darslik.- Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019 y.
8. O‘.P.Umurzoqov.I.L.Abduraximov. Suv xo‘jaligi menejmenti. O‘quv qo‘llanma. 2014-yil.

УО‘Т 330.33.11

**Mamurov Samadjon Igamnazarovich,**  
*Toshkent moliya instituti “Menejment va marketing”  
 kafedrasi katta o‘qituvchisi  
 Email: [mamurovsamadjon@gmail.com](mailto:mamurovsamadjon@gmail.com)*

## **O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI MARKETINGNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

**Мамуров Самаджон Игамназарович,**  
*Ташкентский финансовый институт  
 старший преподаватель кафедры Менеджмент и маркетинг»  
 Email: [mamurovsamadjon@gmail.com](mailto:mamurovsamadjon@gmail.com)*

## **ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Mamurov Samajon Igamnazarovich,**  
*Tashkent institute of Finance  
 Senior Lecturer at the Department of “Management and Marketing”  
 Email: [mamurovsamadjon@gmail.com](mailto:mamurovsamadjon@gmail.com)*

## **PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF DIGITAL MARKETING IN UZBEKISTAN**

**Annotatsiya.** Ushbu maqola O‘zbekistonda ijtimoiy mediadan foydalanish, qidiruv tizimini optimallashtirish (SEO), elektron pochta marketingi, mobil marketing va ma’lumotlar tahlili kabi raqamli marketingning turli istiqbollari yoritib berilgan. Shuningdek, texnologiyalar va elektron tijoratning rivojlanishi bilan raqamli marketing O‘zbekistonda biznesning hal qiluvchi qismiga aylanishi va kompaniyalar o‘z maqsadli auditoriyasiga erishish, brend xabardorligini oshirish hamda o‘z mahsulot va xizmatlarini ilgari surish uchun raqamli marketingdan qanday foydalananotgani muhokama qilinadi.

**Tayanch so‘zlar:** raqamli marketing, “Raqamli O‘zbekiston – 2030”, ijtimoiy media, qidiruv tizimini optimallashtirish, SEO, elektron pochta marketingi, mobil marketing, ma’lumotlar tahlili, elektron tijorat, maqsadli auditoriya, brend xabardorligi, reklama.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются различные аспекты цифрового маркетинга в Узбекистане, такие как использование социальных сетей, поисковая оптимизация (SEO), электронный маркетинг, мобильный маркетинг и анализ данных. Также будет обсуждаться, как цифровой маркетинг стал важной частью бизнеса в Узбекистане с развитием технологий и электронной коммерции, и как компании используют

цифровой маркетинг для охвата своей целевой аудитории, повышения узнаваемости бренда и продвижения своих продуктов и услуг.

**Ключевые слова:** цифровой маркетинг, «Цифровой Узбекистан-2030», социальные сети, поисковая оптимизация, SEO, электронный маркетинг, мобильный маркетинг, анализ данных, электронная коммерция, целевая аудитория, узнаваемость бренда, реклама.

**Annotation.** This article discusses various aspects of digital marketing in Uzbekistan such as the use of social media, search engine optimization (SEO), email marketing, mobile marketing, and data analytics. It will also discuss how digital marketing has become an important part of business in Uzbekistan with the development of technology and e-commerce, and how companies use digital marketing to reach their target audience, increase brand awareness and promote their products and services.

**Keywords:** digital marketing, Digital Uzbekistan-2030, social networks, search engine optimization, SEO, email marketing, mobile marketing, data analysis, e-commerce, target audience, brand awareness, advertising.

### Kirish

O‘zbekiston Markaziy Osiyodagi jadal rivojlanayotgan davlat bo‘lib, so‘nggi bir necha yil ichida raqamli texnologiyalarni o‘zlashtirishda o‘sish kuzatilmoqda. 33 milliondan ortiq aholiga ega O‘zbekiston raqamli marketing bo‘yicha sa’y-harakatlarini kengaytirmoqchi bo‘lgan korxonalar uchun katta va potensial daromadli bozor hisoblanadi. Ushbu maqolada biz O‘zbekistonda raqamli marketingning hozirgi holati va uning kelajakdagi istiqbollarini o‘rganamiz.

O‘zbekistonda raqamli marketing hali rivojlanishning dastlabki bosqichida, aksariyat korxonalar raqamli marketing strategiyalarini qabul qila boshladilar. O‘zbekistonda raqamli marketing uchun eng mashhur kanallar Facebook, Instagram va Telegram kabi ijtimoiy media platformalaridir. Ushbu platformalar raqamli mahsulot va xizmatlarning asosiy iste’molchilarini bo‘lgan O‘zbekistonning yosh avlodlari orasida tobora ommalashib bormoqda.

O‘zbekistonda biznes oldida turgan asosiy muammolardan biri ishonchli ma’lumotlar va tahlil vositalarining yo‘qligidir. Bu korxonalarga raqamli marketing harakatlarining samaradorligini o‘lchash va o‘z resurslarini qanday taqsimlash bo‘yicha

ongli qarorlar qabul qilishni qiyinlashtiradi. Yana bir qiyinchilik – onlayn to‘lov opsiyalarining cheklanganligi, bu korxonalar uchun raqamli marketing harakatlaridan pul ishlashni qiyinlashtirishi mumkin.

O‘zbekistondagi raqamli marketingning hozirgi holati ba’zi qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin, biroq bu o‘z onlayn ishtirotini kengaytirish istagida bo‘lgan korxonalar uchun ham muhim imkoniyatdir. Aholi soni ortib borayotgan va raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyati ortib borayotgani O‘zbekiston bozori hisoblanadi, uni e’tibordan chetda qoldirib bo‘lmaydi.

O‘zbekistonda raqamli marketingning asosiy afzalliklaridan biri bu mamlakatning yosh va texnologiyani yaxshi biladigan aholisidir. “Datareportal”ning 2020-yil hisobotiga ko‘ra, O‘zbekiston aholisining 43 foizini 25 yoshgacha bo‘lgan yoshlar tashkil qiladi [1]. Bu demografik guruh mamlakatdagi onlayn iste’molchilarining salmoqli qismini tashkil qiladi va raqamli marketing chora-tadbirlarini qabul qilishi mumkin.

### Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Raqamli marketing doimo yangi texnologiyalar va iste’molchilarining

xatti-harakatlariga moslashadigan doimiy rivojlanayotgan sohadir. O‘zbekiston sharoitida raqamli marketingning hozirgi holati hali rivojlanishning dastlabki bosqichida, aksariyat korxonalar raqamli marketing strategiyalarini yaqinda qabul qila boshladilar. Shunga qaramay, O‘zbekistonda raqamli marketingning bugungi holati va uning kelajakdagi istiqbollariga oydinlik kirituvchi adabiyotlar soni ortib bormoqda.

Aziza Komilova va Nigina Mirzayeva [2] (2020) tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda O‘zbekistonda kichik va o‘rta korxonalar (KO‘K) o‘rtasida raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish va amalga oshirishni o‘rganib chiqish bo‘ldi.

Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, aksariyat KO‘K raqamli marketing muhimligini bilishsa-da, bilim va resurslar yetishmasligi sababli ushbu strategiyalarni qo‘llashda ikkilanishgan. Mualliflar O‘zbekiston hukumatiga raqamli marketingni ilgari surish, kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash va o‘qitishda faolroq ishtirok etishni tavsiya qilishadi.

Mavlyanova [3] va boshqalarning yana bir tadqiqotida (2020) O‘zbekistonda raqamli marketingda ijtimoiy media rolini o‘rganib chiqishdi. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, Facebook va Instagram kabi ijtimoiy media platformalari O‘zbekistonda raqamli marketing uchun eng ommabop kanallar bo‘lgan. Biroq, mualliflar, shuningdek, ishonchli ma’lumotlar va tahliliy vositalarning yo‘qligi korxonalar uchun ijtimoiy media harakatlarining samaradorligini o‘lchashni qiyinlashtirganini ta’kidlashadi.

Elektron tijorat nuqtayi nazaridan, Nodirbek va Kim [4] (2019) tomonidan olib borilgan tadqiqotda O‘zbekistonda elektron tijoratning joriy etilishiga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganib chiqilgan. Tadqiqot natijalari O‘zbekistonda elektron tijorat uchun salmoqli salohiyat mavjud bo‘lsada, korxonalar ishonchli to‘lov tizimlari

va logistika infratuzilmasi yo‘qligi kabi bir qancha muammolarga duch kelganini ko‘rsatgan.


Respublikada raqamli industriyani jadal rivojlantirish, milliy iqtisodiyot tarmoqlarining raqobatbardoshligini oshirish, shuningdek, 2017 – 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minalash maqsadida 2020-yil 5 oktabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ««Raqamli O‘zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi PF-6079-son Farmoni qabul qilindi (1-rasm).

Qabul qilingan ushbu Farmon, ko‘pgina sohalar kabi marketing uchun ham raqamlashtirish borasidagi eng muhim qadam bo‘ldi.

Umuman olganda, O‘zbekistondagi raqamli marketing bo‘yicha adabiyotlar ushbu bozorda biznes duch keladigan muammolar va imkoniyatlarni ta’kidlab o‘tadi [6]. Mamlakat raqamli infratuzilmani rivojlantirishda davom etar ekan va raqamli texnologiyalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash kuchaygani sari O‘zbekistonda raqamli marketing istiqbollari yanada istiqbolli bo‘lishi mumkin.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

O‘zbekistonda raqamli marketingning hozirgi holati va uning kelajakdagagi istiqbollarini o‘rganishga qaratilgan ma’lum metodologik usullar mavjud bo‘lib, ularni o‘rganish va xulosalar berish muhim ahamiyat kasb etadi. Maqsadga erishish uchun tadqiqotda sifat va miqdoriy ma’lumotlarni yig‘ish va tahvil qilish usullarini birlashtirgan aralash usullar qo‘llaniladi [7].



1-rasm. “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasidan kutiladigan natijalar [5]

Ushbu tadqiqot namunasi O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan va raqamli marketing strategiyasini qabul qilgan 100 ta korxonadan iborat bo‘ladi. Tadbirkorlik subyektlari O‘zbekistonning turli sektorlari va mintaqalari vakillari ekanligini ta’minlash uchun tanlov maqsadli tanlab olish texnikasi yordamida tanlanadi.

Ma’lumotlar birlamchi va ikkilamchi manbalar orqali to‘planadi. Birlamchi ma’lumotlar onlayn so‘rovlar va raqamli marketing strategiyalarini qabul qilgan korxonalar bilan chuqr suhbatlar orqali to‘planadi. So‘rov korxonalar tomonidan

qo‘llaniladigan raqamli marketing strategiyalarining turlari, ularning qabul qilish darajasi va qabul qilingan samaradorligi haqida ma’lumot to‘plash uchun mo‘ljallangan.

#### Natija va muhokama

So‘rovda biz biznesdan foydalanadigan raqamli marketing kanallari, masalan, ijtimoiy media platformalari, elektron pochta marketingi, qidiruv tizimini optimallashtirish (SEO) yoki qidirushi marketingi (SEM) haqida ma’lumotlar oldik.

SEO qidiruv tizimini optimallashtirish degan ma'noni anglatadi, bu veb-saytga organik (to'lanmagan) trafikni oshirish uchun qidiruv tizimining natijalari sahifalarida (SERPs) veb-saytning ko'rinishini yaxshilash amaliyotidir. Bu qidiruv tizimlari uchun yanada jozibador qilish va qidiruv natijalarida yuqori o'rinni egallash uchun veb-saytning turli elementlarini, jumladan, uning mazmuni, tuzilishi va texnik jihatlarini optimallashtirishni o'z ichiga oladi.

SEM qidiruv tizimi marketingini anglatadi, bu qidiruv tizimining natijalari sahifalarida (SERPs) pullik reklama orqali veb-sayt yoki veb-sahifalarni targ'ib qilishni o'z ichiga olgan raqamli marketing strategiyasidir. SEM odatda Google Ads, Bing Ads yoki boshqa qidiruv tizimining reklama platformalari kabi platformalardan foydalanishni o'z ichiga oladi, ular ko'rinishni oshirish, trafikni oshirish va sotuvlarni yaratish maqsadida pulli xizmatlarni yaratish va boshqarishni o'z ichiga oladi.

Shuningdek, biz ulardan elektron tijorat bilan bog'liq tajribalari, jumladan, onlayn to'lov tizimlarini o'rnatish va logistikani boshqarishda duch kelgan qiyinchiliklar haqida so'raymiz.

Ikkilamchi ma'lumotlar O'zbekistonda raqamli marketing bo'yicha mavjud adabiyotlarni ko'rib chiqish orqali to'planadi. O'zbekistonda raqamli marketingning hozirgi holati va uning kelajakdag'i istiqbollari haqida umumiylar ma'lumot berish uchun adabiyotlar tahlili o'tkaziladi. Masalan, biz O'zbekistonda kichik va o'rta korxonalar (KO'K) o'rtasida raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish va amalga oshirishni o'rganuvchi tadqiqot ishlarini, shuningdek, raqamli marketingda ijtimoiy media rolini o'rganuvchi tadqiqotlarni ko'rib chiqamiz.

Yig'ilgan ma'lumotlar tavsiflovchi va inferensial statistik usullardan foydalangan holda tahlil qilinadi. So'rovlar orqali

to'plangan ma'lumotlarni umumlashtirish uchun tavsiflovchi statistik ma'lumotlardan foydalilaniladi, inferensial statistik ma'lumotlar esa tadqiqot savollaridan kelib chiqqan gipotezalarni sinab ko'rish uchun ishlataladi.

Misol uchun, biz ma'lum sektorlardagi korxonalar raqamli marketing strategiyalarini boshqalarga qaraganda ko'proq qabul qilishlari haqidagi farazni sinab ko'rish uchun statistik ma'lumotlardan foydalanishimiz mumkin. Biz, shuningdek, uzoq vaqt davomida faoliyat yuritayotgan korxonalar yangi korxonalarga qaraganda raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish ehtimoli ko'proq degan gipotezani sinab ko'rish uchun taxminiy statistik ma'lumotlardan foydalanishimiz mumkin.

Tadqiqot inson ishtirokchilari ishtirokidagi tadqiqotlar uchun axloqiy tamoyillarga muvofiq amalga oshiriladi. Tadqiqotga qo'shilishidan oldin barcha ishtirokchilardan xabardor qilingan rozilik olinadi va to'plangan barcha ma'lumotlar maxfiy va anonim saqlanadi.

Ushbu tadqiqotning chekllovleri orasida so'rovlar va intervylarda noxolis javob berish potensiali, shuningdek, O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan barcha biznes subyektlari vakillari bo'lmasligi mumkin bo'lgan tanlanmaning cheklangan doirasi kiradi.

Tadqiqotimiz natijalari shuni ko'rsatadi, raqamli marketing O'zbekistonda biznes vakillari o'rtasida katta qiziqish uyg'otmoqda. So'rovda qatnashgan 100 ta korxonaning 85 foizi o'z mahsulotlari va xizmatlarini targ'ib qilish uchun Facebook va Instagram kabi ijtimoiy media platformalaridan foydalanishini ma'lum qildi.

Bundan tashqari, 60% elektron pochta marketingidan foydalanganligi haqida xabar bergan, 45% qidiruv tizimini optimallashtirish (SEO) va 30% qidiruvi marketingidan (SEM) foydalanish haqida xabar bergan.

Tadbirkorlar bilan bo‘lib o‘tgan suhbatlar O‘zbekistonda raqamli marketing muammolari va imkoniyatlari haqida qo‘sishimcha ma’lumot berdi. Ko‘pgina korxonalar onlayn to‘lov tizimlari va ishonchli logistika xizmatlarining yo‘qligi ularning elektron tijorat faoliyatini kengaytirishga asosiy to‘sinq bo‘lganini ma’lum qildi. Biroq, ba’zi korxonalar xalqaro mijozlarga, xususan, turizm va hunarmandchilik sohalarida maqsadli raqamli marketingdan foydalanishda muvaffaqiyat qozonishgan.

Bizning ma’lumotlar tahlilimiz, shuningdek, turli sohalarda faoliyat yurituvchi korxonalar o‘rtasida raqamli marketing strategiyalarini qabul qilishda ba’zi qiziqarli farqlarni aniqladi. Masalan, turizm va mehmondo‘stlik sohalaridagi korxonalar raqamli marketing strategiyalarini ishlab chiqarish va qurilish sohalaridagi korxonalarga qaraganda yuqori darajada qo‘llaganliklari haqida xabar berishdi.

Umuman olganda, bizning xulosalarimiz shuni ko‘rsatadiki, raqamli marketing O‘zbekistonda biznes o‘sishi uchun katta salohiyatga ega. Biroq, elektron tijorat infratuzilmasini takomillashtirish va korxonalar o‘rtasida raqamli marketingning afzalliklari haqida xabardorlikni oshirish kabi hal qilinishi kerak bo‘lgan bir qancha muammolar mavjud.

Ushbu tadqiqot natijalari O‘zbekistondagi siyosatchilar va biznes rahbarlari uchun muhim ahamiyatga ega. Siyosatchilar ushbu xulosalardan O‘zbekistonda raqamli marketing rivojlanishini qo‘llab-quvvatlovchi siyosat va dasturlarni ishlab chiqishda foydalanishi mumkin, biznes rahbarlari esa bu xulosalardan o‘zlarining raqamli marketing strategiyalari va investitsiyalari haqida ma’lumot berish uchun foydalanishlari mumkin.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, bizning tadqiqotimiz O‘zbekistonda raqamli marketingning hozirgi holati va kelajak

istiqbollari haqida qimmatli fikrlarni beradi.

To‘g‘ri siyosat va investitsiyalar bilan raqamli marketing O‘zbekistonda biznes o‘sishi va iqtisodiy rivojlanishini rag‘batlantirish salohiyatiga ega.

### Xulosa

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, O‘zbekistonda raqamli marketing jadal rivojlanayotgan soha bo‘lib, tobora kuchayib bormoqda, chunki aksariyat biznes va tashkilotlar kuchli onlayn faoliyat muhimligini tan olishmoqda. Mamlakatda internetga kirish tezligining oshishi va ijtimoiy media platformalaridan keng foydalanish korxonalar uchun maqsadli auditoriyaga erishish va ular bilan muloqot qilish uchun raqamli marketing strategiyalaridan foydalanish imkoniyatlarini yaratadi.

O‘zbekistonda raqamli marketingning asosiy jihatlaridan biri bu ijtimoiy media marketingi bo‘lib, Facebook, Instagram va Telegram kabi platformalar biznes tomonidan mijozlar bilan bog‘lanish, mahsulot yoki xizmatlarni ilgari surish va faollikni oshirish uchun keng qo‘llaniladi. Bundan tashqari, qidiruv tizimini optimallashtirish (SEO) va qidiruvni marketingi (SEM) onlayn ko‘rinishni yaxshilash va veb-saytlarga maqsadli trafikni jalb qilish uchun muhim strategiyalardir.

O‘zbekistonda raqamli marketingni rivojlanish istiqbollari bo‘yicha quyidagi xulosalar shakllantirildi:

1. O‘zbekistondagi bizneslar orasida raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish kuchaymoqda, xususan, ijtimoiy tarmoqlar, elektron pochta marketingi, SEO va SEM kabilar eng ko‘p qo‘llaniladigan strategiyalar qatorida foydalanimoqda.

2. Ishonchli logistika xizmatlari va onlayn to‘lov tizimlarining yo‘qligi korxonalar O‘zbekistonda raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish va

amalga oshirishda duch keladigan asosiy muammolardan biridir.

3. Turizm va mehmondo'stlik sohalari-dagi korxonalar ishlab chiqarish va qurilish sohalariga qaraganda raqamli marketing strategiyalarini qabul qilish ehtimoli ko'proq.

4. Raqamli marketing O'zbekistonda biznes o'shini rag'batlantirish va iqtisodiy rivojlanishni rag'batlantirish salohiyatiga ega, bu esa biznesning raqobatbardoshligini oshirishga va umumiyligi iqtisodiy o'sishga olib keladi.

5. Siyosatchilar ushbu tadqiqot va maqolada keltirilgan tushunchalardan O'zbekistonda raqamli marketing va elektron tijorat rivojlanishini qo'llab-quvvatlovchi siyosat va dasturlarni ishlab chiqishda foydalanishlari mumkin.

6. Biznes rahbarlari raqamli tadqiqotlardan marketing strategiyalarini va investitsiyalarini yaxshilash uchun foydalanishlari mumkin, bu esa brend xabardorligini oshirish,

sotish va daromadlarni oshirish, mijozlarni jalb qilish va ushlab turishni yaxshilashga olib keladi.

7. O'zbekistonda raqamli marketing strategiyalarining qabul qilinishi va samaradorligiga ta'sir etuvchi omillarni yaxshiroq tushunish uchun qo'shimcha tadqiqotlar o'tkazish zarur.

Umuman olganda, O'zbekistonda raqamli marketing bilan bog'liq muammolar mavjud bo'lsa-da, mamlakat aholisining o'sib borayotgani, mobil aloqa vositalarining kirib borishining ortib borayotgani va raqamli texnologiyalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashi uni onlayn o'z ishtirotini kengaytirishga intilayotgan korxonalar uchun jozibador bozorga aylantirmoqda. Mamlakat raqamli infratuzilmasini rivojlantirishda davom etar ekan, u mintaqada faoliyat yuritayotgan korxonalar uchun tobora muhim bozorga aylanadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

- <https://datareportal.com/reports/digital-2022-uzbekistan>
- Kamilova, A., & Mirzaeva, N. (2020). Digital marketing practices among small and medium enterprises in Uzbekistan. *Journal of Innovation and Entrepreneurship*, 9(1), 1-12.
- Mavlyanova, M. S., Ismailova, S. S., & Khasanova, G. F. (2020). The role of social media in digital marketing in Uzbekistan. *Bulletin of Science and Practice*, 6, 34-38.
- Nodirbek, N., & Kim, J. (2019). Factors influencing the adoption of e-commerce in Uzbekistan. *Journal of Global Information Technology Management*, 22(4), 243-263.
- PF-6079-son 05.10.2020. «Raqamli O'zbekiston-2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida (<https://lex.uz/docs/5030957>).
- Makhmudov, A. (2019). Search Engine Optimization in Uzbekistan: Trends and Challenges. *Journal of Business and Technology*, 2(1), 15-22.
- Abdullaeva, N. (2021). The Role of Social Media in Digital Marketing: Evidence from Uzbekistan. *International Journal of Business and Economics Research*, 10(2), 37-44.

**УЎТ 33(330;07)**

**Маматқұлов Баҳтиёр Халмурадович,**  
Тошкент молия институти “Статистика ва эконометрика”  
кафедраси профессори в.б., иқтисодиёт фанлари доктори  
электрон почта: [bmamatkulov@gmail.com](mailto:bmamatkulov@gmail.com)

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ҲАЖМИНИ “PANEL DATA” МОДЕЛИ АСОСИДА ЭКОНОМЕТРИК  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**Маматқұлов Баҳтиёр Халмурадович,**  
Ташкентский финансовый институт  
профессор кафедры «Статистика и эконометрика»,  
доктор экономических наук  
электронная почта: [bmamatkulov@gmail.com](mailto:bmamatkulov@gmail.com)

**ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ВАЛОВОЙ ПРОДУКЦИИ  
ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ НА ОСНОВЕ МОДЕЛИ “PANEL DATA”**

**Mamatkulov Bakhtiyor Kalmuradovich,**  
*Tashkent Institute of Finance*  
*Professor of the Department of “Statistics and Econometrics”,*  
*doctor of sciences in economics*  
*email: [bmamatkulov@gmail.com](mailto:bmamatkulov@gmail.com)*

**ECONOMETRIC MODELING OF GROSS PRODUCTION OF FARMS  
BASED ON THE “PANEL DATA” MODEL**

**Аннотация.** Уибұ мақолада “Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштириши орқали республикамиз фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқарии ҳажмига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Уибұ борада жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан, уибұ мақолада олиб борилган тадқиқотларда фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқарии ҳажмига таъсир қўлувчи асосий омил фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони, фермер хўжаликларида етишиширилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари эканлиги аниқланган.

**Таянч сўзлар:** қишилоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, ялпи ишлаб чиқарии, “Panel data” модели, эконометрика, Stata модели, Breusch-Pagan LM тести, Hausman тести.

**Аннотация.** В данной статье факторы, влияющие на объем валовой продукции фермерских хозяйств нашей республики, исследуются на основе эконометрического моделирования на основе модели «Panel data». В связи с этим было проведено множество

исследований, в частности, в исследовании, проведенном в данной статье, было определено, что основным фактором, влияющим на объем валовой продукции хозяйства, является земельная площадь, прикрепленная к хозяйствам, сельскохозяйственная и животноводческая продукция, выращиваемая на фермерского хозяйства.

**Ключевые слова.** Сельское хозяйство, фермерские хозяйства, валовое производство, модель “Panel data”, эконометрика, модель Stata, тесты Breusch-Pagan LM, тесты Hausman.

**Abstract.** In this article, it is explained that econometric modeling of gross production volume of farms of our republic based on the “Panel data” model is one of the priority directions of economic development. Many studies have been carried out in this regard, in particular, in the research conducted in this article, it was determined that the main factor affecting the gross production volume of the farm is the land area attached to farms, agricultural and livestock products grown on farms.

**Keywords:** Agriculture, Farms, Gross Production, Panel Data Model, Econometrics, Stata Model, Breusch-Pagan LM Test, Hausman Test.

## Кириш

Фермер хўжаликларида маҳсулотлар етиширишни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда аҳоли пунктларида ахолининг асосий эҳтиёжларини қондирувчи хизматлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда фермер хўжаликларида маҳсулотлар етиширишни режалаштириш соҳасида назарий ва амалий муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликларида маҳсулот етишириш бўйича статистика маълумотларини тайёрлаш услубиятини ўрганиш долзарб масалалардан бири хисобланади.

“Расмий статистикани тайёрловчилар ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ўзларида мавжуд бўлган статистика маълумотларини ва (ёки) маъмурий маълумотларни ваколатли давлат органига статистика дастурларида белгиланган тартибда ва муддатларда бепул тақдим этадилар” [1, 4 bet].

Шу сабабли, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг даст-лабки босқичида расмий статистикани

тайёрловчиларга ва ундан фойдаланувчиларга, респондентларга ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларга, шунингдек, улар ўртасида юзага келадиган, расмий статистикани тайёрлаш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини “Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштириш иқтисодчи олимларнинг илмий адабиётларида илмий жиҳатдан статистик тадқик қилиниб, амалиётда фойдаланиш учун татбиқ этила бошланди.

Муаллифлар С.Худойбердиев, Б.Ашуров, О.Тоғаевларнинг қайд этишича: “Иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда асосий босқич – бу функция ва омиллар ўртасидаги алоқа шаклларини танлашдир. Бунга ёки текширмай мантиқий фикрларга асосланиб, ёки амалий тажриба, экспериментлар асосида эришилади. Боғлиқликлар тўпламидан иқтисодий

жараёни характеристига мувофиқрок келадиган ишлаб чиқариш функциясини танлашга моделлаштирилаётган объектнинг технологик, физик-биологик ва агротехник характеристикаларини ўрганиш асосида эришилади” [2, 51-бет].

Муаллифлар Р.Х. Алимов, Л.Р.Болтаева, А.И.Ишназаровларнинг фикрича, “Агар тузилган модель реал тизимни тўғри тавсифласа, бу ҳолда у бир томондан моделлаштирилаётган объект кўрсаткичлар миқдор характеристикасини, улар динамикасининг ўзгаришини аниқлайди, иккинчи томондан, жараённи мақсадга мувофиқ бошқариш имконини беради” [3, 22-бет].

И. Ҳабиуллаев ва А.Жумаевнинг қайд этишича, “Кўп омилли регрессия тенгламаларини тузишда омилларнинг мультиколлинеарлик муаммоси юзага келиши мумкин, яъни омилларнинг ўзаро чизиқли боғланиш даражаси юқори бўлиши ҳолатлари. Бундай ҳолатларда кўп омилли регрессия натижалари тузилган моделни ишончли эмаслигига олиб келади” [4, 58-бет].

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараённида илмий абстракциялаш, статистик кузатиш, мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлар, статистик баҳолаш каби усуслардан фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Статистикада ва эконометрикада “Panel data” модели маълумотлари вақт давомида ўлчовларни ўз ичига олган кўп ўлчовли маълумотлардир. Панел маълумотлари – бу бўйлама маълумотларнинг кичик тўплами бўлиб, кузатувлар ҳар сафар бир хил субъектлар учун кўлланилади.

Вақт сериялари ва кесма маълумотлар фақат битта ўлчовдаги (биринчи панел

учун битта панел аъзоси ёки индивидуал, иккинчиси учун бир вақт нуқтаси) бўлган “Panel data” модели маълумотларининг маҳсус ҳолатлари сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Адабиётларни кидириш кўпинча вақт сериялари, кесма ёки панел маълумотларини ўз ичига олади. Ўзаро “Panel data” модели маълумотлари математика ва статистика фанларида инновацион, аммо етарлича баҳоланмаган маълумот манбаи ҳисобланади. “Panel data” модели бошқа тадқиқот усусларидан ажралиб туради, чунки у мустакил ва қарам ўзгарувчилар мамлакатлар ўртасида қандай ўзгариши мумкинлигини ёрқин кўрсатиб беради. Ушбу “Panel data” модели маълумотлар тўплами тадқиқотчиларга бир нечта тасаввурлар ва вақт оралиғидаги ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни текшириш ва бошқа мамлакатлардаги сиёsat ҳаракатлари натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиги ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири этувчи омилларни “Panel data” модели асосида эконометрик моделлаштирамиз. Илмий тадқиқотлар олиб бориш жараённида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришига асосий 21 та омилларнинг таъсири ўрганилди.

Ani Katchova томонидан олиб борилган тадқиқотларда панел маълумотлари ҳақида қўйидаги маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган:

- “• панел маълумотлар хусусиятлари, панел маълумотлар турлари;
- вариация турлари (умумий, ўзгарувчанлик ичida ва ўртасида);
- панел маълумотлар моделлари (бирлаштирилган модель, событ эффектлар модели ва тасодифий эффектлар модели);
- тахминловчининг хусусиятлари (мустаҳкамлик ва самарадорлик);

• Моделларни танлаш учун тестлар (Breusch-Pagan LM тести, Hausman тести).”[5, 16-бет].

Умуман олганда, Panel модели тенгламаларида і ва т биргалиқда құлланилади. Масалан,  $x_{it}$  дейилгандан і ҳудудда т вактдаги күрсаткични ifodalайди.

Panel модели қуидаги эконометрик моделларни үз ичига қамраб олади: Pooled OLS estimator (POLSE), First differences estimator (FDE), Fixed effects estimator (FEE), Random effects estimator (REE).

Омиллар таъсирининг 1 фоизга ошиши фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқаришига қуидагича таъсир этган (1-жадвал):

1) фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0075 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0019 фоизга камайган, **REE модели** бўйича 0,0075 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0051 фоизга ошган;

2) фермер хўжаликлариға бириктирилган ер майдони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,024 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0056 фоизга, **REE модели** бўйича 0,024 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0167 фоизга ошган;

3) фермер хўжаликларининг сугориладиган ер майдони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,026 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,00158 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0165 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0259 фоизга камайган;

4) 1 та фермерга тўғри келадиган ер майдони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,011 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0001 фоизга, **REE модели** бўйича эса 0,0107 фоизга камайган, **FEE модели** бўйича 0,0065 фоизга ошган;

5) фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0007 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0007 фоизга ошган; **FDE модели**

**бўйича** 0,0010 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0032 фоизга камайган;

6) фермер хўжаликларида етиштирилган деҳкончилик маҳсулотлари ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,942 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,946 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,9429 фоизга, **REE модели** бўйича 0,9422 фоизга ошган;

7) фермер хўжаликлари бўйича деҳкончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари экин майдони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0003 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0024 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,00057 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0003 фоизга ошган;

8) фермер хўжаликлари бўйича деҳкончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0072 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0058 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0072 фоизга ошган, **FEE модели** бўйича эса 0,0073 фоизга камайган;

9) фермер хўжаликлари бўйича деҳкончиликда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ялпи ҳосили ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0019 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0099 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0027 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0019 фоизга камайган;

10) фермер хўжаликлари бўйича деҳкончиликда етиштирилган резавор мева маҳсулотлари майдони ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0098 фоизга, **FDE модели** бўйича омил таъсири бўлмаган, **FEE модели** бўйича эса 0,0054 фоизга **REE модели** бўйича 0,0004 фоизга камайган;

11) фермер хўжаликлари бўйича деҳкончиликда етиштирилган резавор мева маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлиги ўзгариши ҳисобига **POLS модели** бўйича омиллар таъсири бўлмаган, **FDE модели** бўйича 0,0031 фоизга, **REE модели** бўйича

0,0019 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0103 фоизга камайган;

12) фермер хўжаликлари бўйича дехқончиликда етиширилган резавор мева маҳсулотлари ялпи ҳосили ҳисобига **POLS модели** 0,0103 фоизга камайган, **FDE модели** бўйича 0,0044 фоизга ошган, **REE модели ва FEE модели** бўйича омиллар таъсири бўлмаган;

13) фермер хўжаликларида етиширилган чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,053 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,062 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0559 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0526 фоизга ошган;

14) фермер хўжаликлари томонидан сўйиш учун етиширилган моллар ва паррандалар (тирик вазнда) ҳисобига фермер хўжаликларида етиширилган чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,00053 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0077 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0025 фоизга **REE модели** бўйича 0,0005 фоизга ошган;

15) фермер хўжаликлари томонидан соғиб олинган сут ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,0079 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,01 фоизга, **REE модели** бўйича 0,079 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,013 фоизга камайган;

16) фермер хўжаликлари томонидан олинган тухум ҳисобига **POLS модели ва REE модели** бўйича 0,0008 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0027 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0004 фоизга камайган;

17) фермер хўжаликларида тракторлар сони ҳисобига **POLS модели ва REE модели** бўйича 0,0053 фоизга камайган, **FDE модели** бўйича 0,0011 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0022 фоизга ошган;

18) фермер хўжаликлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳисобига **POLS модели** ва

**REE модели** бўйича 0,002 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,004 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,00012 фоизга камайган;

19) фермер хўжаликлари бўйича экспорт ҳажми ҳисобига **POLS модели** бўйича 0,00029 фоизга, **FDE модели** бўйича 0,0002 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,00017 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0003 фоизга камайган;


20) фермер хўжаликлари бўйича импорт ҳажми ҳисобига **POLS модели** 0,0054 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0005 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0003 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0002 фоизга камайган;

21) Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида 100 % озиқ модда ҳисобида кишлоқ хўжалиги экинларига солинган минерал ўғитлар ҳисобига **POLS модели** 0,00025 фоизга, **REE модели** бўйича 0,0003 фоизга ошган, **FDE модели** бўйича 0,0012 фоизга, **FEE модели** бўйича эса 0,0086 фоизга камайган.

Ушбу жадвалда Panel POLS, FDE, FEE, REE эконометрик моделларининг регрессион коэффициентлари келтирилган бўлиб, масалан, POLS моделида бандлик 0.95 га тенг, яъни бандликнинг бир фоизга ортиши, худудларда умумий даромадларни 0.95% ортишига олиб келади.

Ушбу моделлар ишончлилиги Hausman тести орқали текширилганда модель параметрлари ва моделларнинг статистик аҳамиятлилиги аниқланди.

Hausman тести натижалари ҳам ишлаб чиқилган POLS, FDE, FEE, REE моделларнинг барчаси параметрлари ва статистик аҳамиятлилиги 95 % ишончли эканлигини тасдиқлайди.



**1-расм. Фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи кўрсаткичлар тизими [7]**

Ўзбекистон Республикасида тадқиқот мақсадидан келиб чиқсан ҳолда фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини белгиловчи энг асосий кўрсаткич сифатида таҳлил қилиб, ушбу кўрсаткич ўзгаришига таъсир қилувчи Panel маълумотларини тушиб чиқдик.

Фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи 21 та кўрсаткич республика вилоятлари кесимида 2010 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида жамланиб, 2 та гурухга, яъни энг кучли ва энг кучсиз таъсир этувчи ижобий ва салбий кўрсаткичларга ажратилди (1-расм).

Илмий изланишлар натижасида фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариши ҳажмига энг кучли таъсир этувчи омил фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони эканлиги, ушбу омил белгининг бир фоизга оширилса, ЯИЧ ҳажми ўртача 0,5 % ортишига олиб келади.

Юқорида келтирилган фермер хўжаликларига хос бўлган хусусият – республикамизнинг аграр соҳасида уларнинг хўжалик юритишнинг энг

самарали шаклларидан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади.

### Хулоса

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама статистик тадқиқ қилиш, моделлаштириш учун юқоридаги гипотезалар ва бошқа кўплаб илмий изланишларга мурожаат қилиб, “Panel data” модели асосида фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини эконометрик моделлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича фермер хўжаликлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни “Panel data” дастури асосида эконометрик моделлаштириш орқали салбий омиллар таъсирини камайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу сабабли, энг кучли таъсир этувчи салбий омиллар таъсирини камайтириш ҳисобига фермер хўжаликларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун куйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- фермер хўжаликлари бўйича дехкончиликда етиштирилган сабзавот

маҳсулотлари ялпи ҳосилини ошириш зарур;

– фермер хўжаликлари бўйича аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплаган ҳолда экспорт ҳажмини кўпайтириш лозим;

– фермер хўжаликлари бўйича дех-қончиликда етиштирилган резавор мева маҳсулотлари ўртача ҳосилдорлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги вақтгача фермер хўжаликлирида маҳсулотлар етиштиришнинг комплекс ривожлантириш даражасини

белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шу сабабли, маҳсулотлар етиштириш барча унсурларини мажмуа тарзida мувоза-натланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида” ги ЎРҚ -707 – сонли қонуни. 2021 йил. 11 август.. [www.lex.uz..](http://www.lex.uz..)
2. С. Худойбердиев, Б. Ашурев, О. Тоғаев. Эконометрика асослари фанидан маъруза матни. Самарқанд, СамИСИ, 2019 й.
3. Алимов Р.Х., Болтаева Л.Р., Ишназаров А.И. Эконометрика-2 // Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012. –115-б.
4. И.Ҳабибуллаев, А.Жумаев. Економетрика. Амалий машғулот учун ўқув қўлланма. -Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ » нашриёти, 2019, 173-бет.
5. Ani Katchova. All rights reserved. // Ordered Probit and Logit Models. 2013.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi rasmiy sayti.
7. Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари натижасининг ҳисоб-китоблари.

УЎТ 311:51

**Сайфуллаев Сиддик Носирович,**

*Тошкент молия институти*

*“Статистика ва эконометрика” кафедраси*

*доцент в.б., PhD*

*E-mail: [sayfullayev1980@mail.ru](mailto:sayfullayev1980@mail.ru)*

**ХУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС  
ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ PANEL ТАҲЛИЛИ  
АСОСИДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**Сайфуллаев Сиддик Носирович,**

*Ташкентский финансовый институт*

*и.о. доцент PhD кафедры*

*“Статистика и эконометрика”*

*тел: +99897-760-55-20*

*E-mail: [sayfullayev1980@mail.ru](mailto:sayfullayev1980@mail.ru)*

**ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА  
В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ РЕГИОНОВ НА ОСНОВЕ  
ПАНЕЛЬНОГО АНАЛИЗА**

**Sayfullaev Siddik Nosirovich,**

*Tashkent institute of finance*

*PhD of “Statistics and econometrics” shair*

*E-mail: [sayfullayev1980@mail.ru](mailto:sayfullayev1980@mail.ru)*

**ECONOMETRIC MODELING OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE  
ENTREPRENEURSHIP IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF  
REGIONS BASED ON PANEL ANALYSIS**

**Аннотация.** Мақолада ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти panel таҳлили асосида эконометрик моделлаштирилган. Panel таҳлили асосида Pooled OLS estimator (POLSE), Fixed effects estimator (FEE), First differences estimator (FDE), Random effects estimator (REE) маделлари тузилган. Уибу маделлар орқали ҳудудларни инновацион муҳитини яхшилашга доир мулоҳазалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари, инновацион ривожланиши, ҳудудларда инновацион муҳит, panel таҳлили.

**Аннотация.** В статье на основе панельного анализа построено эконометрическая модель деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства в инновационном развитии регионов. На основе панельного анализа были созданы объединенная оценка OLS (POLSE), оценка с фиксированными эффектами (FEE), оценка первых различий (FDE), оценка случайных эффектов (REE). С помощью этих моделей приведены рассуждения по улучшению инновационной среды регионов.

**Ключевые слова:** малый бизнес, частное предпринимательство, субъекты малого бизнеса, инновационное развитие, инновационный климат в регионах, панельный анализ.

**Annotation.** In the article, on the basis of panel analysis, an econometric modeling of the activities of small businesses and private entrepreneurship in the innovative development of regions is built. Pooled OLS Estimate (POLSE), Fixed Effects Estimate (FEE), First Difference Estimate (FDE), Random Effects Estimate (REE) were generated from panel analysis. With the help of these models, the reasoning for improving the innovative environment of the regions is presented.

**Keywords:** small business, private entrepreneurship, subjects of small business, innovative development, innovative climate in the regions, panel analysis.

### Кириш

Маълумки, аҳоли турмуш даражасини ошишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)нинг ўрни бекиёсdir. Мамлакатимизнинг ЯИМ таркибидаги КБХТнинг ЯҚҚни кўпайтириш жараённада иштирок этувчи ҳамда уларга бевосита ва билвосита таъсир қилувчи, шу билан биргаликда, бир-бири билан ўзаро стохастик алоқада бўлган омиллар мавжуд. Бу омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир даражасини аниқлаш, мамлакатимизда КБХТни статистик таҳлил қилиш усусларини такомиллаштириш, кичик корхоналар ривожи тенденцияларини прогноз қилиш, таҳлил натижалари асосида қай бир соҳага кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш, корхоналарнинг ривожланиш тенденциялари моделини тузиш ва уни баҳолаш ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаш ва танлашга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасида кейинги ийлларда иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)

субъектларига солиқ юкини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларга қулай ишбилармонлик мухитини яратиш долзарб масалалардан бири хисобланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва руҳсатнома турлари бекор килинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз “оёққа туриб олишлари” учун уларга кўмак беришни давом этирамиз” [1].

Шундай экан, ҳозирги ривожланаётган даврда ва чуқур ислоҳотлар фонида республикамиз худудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини атрофича таҳлил қилиш муҳим ва оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Бу борада, республикамиз худудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самара-

дорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиши мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиши тўғрисида”ги Қарори [2]га мувофиқ статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, республика худудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасидаги муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилмоқда.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси, унинг ривожи ва йўналишларини ўрганган хорижий олимлар: А.Маршалл [3], Й.Шумпетер [4], В.Валес [5] лар тадбиркорликнинг илмий асосчилари хисобланади.

Маҳаллий олимларимиздан Байхонов Б.Т. [6] тармоқлар фаолиятини ишлаб чиқилган эконометрик моделлар орқали таҳлил қилиб, прогнозлаш асосида инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, замонавий услубий ёндашувни кўллаш мумкинлигини таъкидлайди. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов [7]лар мамлакатимизда кичик бизнес соҳасида оиласиб тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўлларини ўрганган. Б.К.Фойибназаров, Ҳ.О.Раҳмонов, Ш.И.Отажонов, Д.С.Алматова [8]лар томонидан КБХТ фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари, соҳада мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, кичик бизнес субъектларини кўллаб-куватлаш механизmlари ўрганилган.

### Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани тайёрлашда бир неча тадқиқот методологиялари ва усусларидан фойдаланилган. Хусусан, илмий абстракция, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, panel таҳлили сингари усуслар кенг қўлланилган.

### Натижа ва мухокама

Худудларни инновацион ривожланишида КБХТни ривожланиш даражасини тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш, моделлаштириш учун юкоридаги гипотезалар ва бошқа кўплаб илмий изланишларга мурожаат қилиб, “Panel” модели асосида ЯҚҚга КБХТ соҳасининг таъсир даражаси эконометрик моделлаштирилди.

“Panel” модели, Panel маълумотлари асосида шакллантирилади, яъни кесишувчи ва вақт қаторлари орқали тузилган маълумотлар рўйхатини ҳосил қиласи.

Умуман олганда, “Panel” модели тенгламаларида  $i$  ва параметрлар биргаликда кўлланилади. Масалан,  $x_i$  дейилганда  $i$  худудда  $t$  вақтдаги кўрсаткични ифодалайди.

“Panel” модели қуйидаги эконометрик моделларни ўз ичига қамраб олади: Pooled OLS estimator (POLSE), Fixed effects estimator (FEE), First differences estimator (FDE), Random effects estimator(REE).

$$\text{POLS modeli: } y_{it} = \beta_0 + \beta_1 x_{1it} + \beta_2 x_{2it} + u_{it} \quad (1)$$

$$\text{FEE modeli: } y_{it} - \bar{y}_i = \beta_1 (x_{1it} - \bar{x}_{1i}) + \beta_2 (x_{2it} - \bar{x}_{2i}) + (u_{it} - \bar{u}_i) \quad (2)$$

$$\text{FDE modeli: } \Delta y_{it} = \beta_0 + \beta_1 \Delta x_{1it} + \beta_2 \Delta x_{2it} + \Delta u_{it} \quad (3)$$

$$\text{REE modeli: } y_{it} - \bar{\theta}y_i = \beta_0 + \beta_1 (x_{1it} - \bar{\theta}x_{1i}) + \beta_2 (x_{2it} - \bar{\theta}x_{2i}) + (a_i - \bar{\theta}a_i) + (u_{it} - \bar{u}_i) \quad (4)$$

Биринчи модель энг кичик квадратлар усули ёрдамида тузиладиган кўп омили модель билан бир турдаги ҳолатни ифодалайди (1), иккинчи модельда

худудлар бўйича ўртача ўзгаришни (2), учинчи моделда кўрсаткичларнинг олдинги йиллардаги ўзгариш даражасига таъсири инобатга олинган (3), тўртинчи моделда эса худудлар бўйича ўртача тасодифийлик ҳисобга олинган (4).

Ўзбекистон Республикаси худудларини инновацион ривожланишида КБХТнинг ЯҚҚга таъсирини ўрганиш мақсадида, ушбу соҳадаги асосий 9 та тармоқ бўйича статистик маълумотлар тўпланди. Яъни ЯҚҚга энг асосий таъсир кўрсатувчи саноат ( $x_1$ ), қишлоқ хўжалиги ( $x_2$ ), курилиш ( $x_3$ ), инвестиция ( $x_4$ ), чакана савдо ( $x_5$ ), экспорт ( $x_6$ ), импорт ( $x_7$ ), банд аҳоли ( $x_8$ ), кўрсатилган хизматлар ( $x_9$ )нинг статистик кўрсаткичлари олиниб, ушбу кўрсаткич ўзгаришига таъсир қилувчи Panel маълумотлари тузилди.

КБХТнинг ЯҚҚга таъсир қилувчи 9 та кўрсаткич республика вилоятлари кесимида 2010–2021 йиллар бўйича статистик мълумотлар асосида жамланиб, барча кўрсаткичлар логарифм ҳолатига ўtkазилиб, уларнинг қийматлари асосида “STATA” дастури орқали “Panel” моделлари ишлаб чиқилди.

Ушбу 1-жадвалда Panel POLS, FEE, FDE, REE эконометрик моделларининг регрессион коэффициентлари келтирилган бўлиб, жумладан, POLS моделида чакана савдо (0,299) ва хизматлар (0,224) га тенг, яъни чакана савдо ва хизматларнинг бир фоизга ортиши, мамлакатда умумий КБХТнинг ЯҚҚни мос равишда 0,3 % ва 0,22 % ортишига олиб келади.

1-жадвал маълумотлари асосида моделларнинг эконометрик қўриниши қуидагича шакллантирилди:

$$\text{POLS modeli: } UD_{it} = 0,127S_{it} + 0,014QX_{it} - 0,142Q_{it} + 0,041I_{it} + 0,299ChS_{it} + 0,055Ek_{it} - 0,042Im_{it} + 0,020B_{it} + 0,224B_{it} + u_{it}$$

$$\text{FEE modeli: } UD_{it} = 0,176S_{it} - 0,251QX_{it} - 0,068Q_{it} + 0,011I_{it} + 0,005ChS_{it} + 0,009Ek_{it} - 0,068Im_{it} - 0,002B_{it} + 0,354B_{it} + u_{it}$$

$$\text{FDE modeli: } UD_{it} = 0,144S_{it} + 0,052QX_{it} - 0,021Q_{it} + 0,036I_{it} + 0,074ChS_{it} - 0,015Ek_{it} - 0,027Im_{it} - 0,002B_{it} + 0,152B_{it} + u_{it}$$

$$\text{REE modeli: } UD_{it} = 0,148S_{it} - 0,011QX_{it} - 0,068Q_{it} + 0,016I_{it} + 0,057ChS_{it} + 0,016Ek_{it} - 0,065Im_{it} + 0,007B_{it} + 0,299B_{it} + u_{it}$$

Ушбу 9 та кўрсаткични КБХТнинг ЯҚҚга таъсир этишини тўртта гурухга, яъни, кучли ижобий, кучли салбий, кучсиз ижобий, кучсиз салбий гурухларига бўлиб тахлилни амалга оширамиз.

*Кучли ижобий таъсири.* Биринчи моделда кучли ижобий таъсир кўрсатган кўрсаткичларга саноат, чакана савдо ва хизматлар соҳаси киради. Яъни

### I-жадвал


#### “Panel” моделлари асосида КБХТнинг ЯҚҚга таъсирини эконометрик моделлаштириш<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар					
1	Саноат (S)	0,127	0,176	0,144	0,148
2	Қишлоқ хўжалиги (QX)	0,014	-0,251	0,052	-0,011
3	Курилиш (Q)	-0,142	-0,068	-0,021	-0,068
4	Инвестиция (I)	0,041	0,011	0,036	0,016
5	Чакана савдо ChS)	0,299	0,005	0,074	0,057
6	Экспорт (Ek)	0,055	0,009	-0,015	0,016
7	Импорт (Im)	-0,042	-0,067	-0,027	-0,065
8	Бандлар (B)	0,020	-0,002	-0,002	0,007
9	Хизматлар (X)	0,224	0,354	0,152	0,299

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистон Республикаси бўйича КБХТда саноат, чакана савдо ва хизматлар ҳажмининг 1 фоизга ошиши ушбу соҳадаги ЯҚҚнинг мос равишда 0,3; 0,3; 0,2 фоизга ошишига таъсир кўрсатар экан. Иккинчи моделда худудлар бўйича ўртача саноат ва хизматлар ҳажмининг 1 фоизга ошиши ЯҚҚнинг мос равишда 0,2 ва 0,4 фоизга ошишига олиб келар экан. Учинчи моделда вақт омили ҳисобига бир йилдан кейинги таъсирни ҳисобланган. Яъни бу моделда ҳам саноат ва хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши мос равишда ЯҚҚнинг 0,14 ва 0,15 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Тўртинчи моделда тасодифийликлар ҳисобга олинганда саноат ва хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши ЯҚҚнинг мос равишда 0,15 ва 0,3 фоизга ошишига олиб келади (1-расм).

*Кучли салбий таъсир.* Биринчи моделда кучли салбий таъсир кўрсатган кўрсаткичга қурилиш тармоги киради. Яъни Ўзбекистон Республикаси бўйича КБХТда қурилиш ҳажмининг 1 фоизга ошиши ушбу соҳадаги ЯҚҚнинг – 0,14 фоизга камайишига олиб келади. Иккинчи моделда худудлар бўйича ўртача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 1 фоизга ошиши ЯҚҚнинг – 0,25 фоизга камайишини кўрсатмоқда. Учинчи моделда вақт омили ҳисобига бир йилдан кейинги таъсирни ҳисобланган. Яъни бу моделда қурилиш ва импорт ҳажмининг бир фоизга ошиши мос равишда ЯҚҚнинг – 0,02 ва – 0,07 фоизга камайишига олиб келади. Тўртинчи моделда тасодифийликлар ҳисобга олинганда қурилиш ва импорт ҳажмининг бир фоизга ошиши ЯҚҚнинг мос равишда – 0,07 ва – 0,07 фоизга камайишини кўрсатмоқда (1-расм).



1-расм. КБХТдаги ЯҚҚга кўрсаткичлар таъсири<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Илмий тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


*Кучсиз ижобий таъсири.* Биринчи моделда кучсиз ижобий таъсир кўрсатган кўрсаткичларга қишлоқ хўжалиги, инвестиция, экспорт ва бандлик киради. Яъни Ўзбекистон Республикаси бўйича КБХТда қишлоқ хўжалиги, инвестиция, экспорт ҳажми ва бандлик дараҷасининг 1 фоизга ошиши ушбу соҳадаги ЯҚҚнинг мос равишда 0,01; 0,04; 0,06; 0,02 фоизга ошишига таъсир кўрсатар экан.

Иккинчи моделда худудлар бўйича ўртача инвестиция, чакана савдо ва экспорт ҳажмларининг 1 фоизга ошиши ЯҚҚнинг мос равишда 0,01; 0,005 ва 0,006 фоизга ошишига олиб келар экан. Учинчи моделда вақт омили ҳисобига бир йилдан кейинги таъсири ҳисобланган. Яъни бу моделда қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва чакана савдо ҳажмининг бир фоизга ошиши мос равишда ЯҚҚнинг 0,05; 0,04 ва 0,07 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Тўртинчи моделда тасодифийликлар ҳисобга олинганда инвестиция, чакана савдо, экспорт ҳажмлари ва бандлик дараҷасининг бир фоизга ошиши ЯҚҚнинг мос равишда 0,02; 0,06; 0,02 ва 0,01 фоизга ошишига олиб келади (1-расм).

*Кучсиз салбий таъсири.* Биринчи моделда кучсиз салбий таъсир кўрсатган кўрсаткичга импорт киради. Яъни Ўзбекистон Республикаси бўйича КБХТда импорт ҳажмининг 1 фоизга ошиши ушбу соҳадаги ЯҚҚнинг – 0,04 фоизга камайишига олиб келади. Иккинчи моделда худудлар бўйича ўртача қурилиш, импорт ҳажмлари ва бандлар дараҷасининг 1 фоизга ошиши ЯҚҚнинг – 0,068; – 0,067 ва – 0,002 фоизга камайишини кўрсатмоқда. Учинчи моделда вақт омили ҳисобига бир йилдан кейинги таъсири ҳисобланган. Яъни бу моделда экспорт ҳажми ва бандлик дараҷасининг бир фоизга ошиши мос равишда ЯҚҚнинг – 0,015 ва – 0,002 фоизга камайишига олиб келади. Тўртинчи моделда тасодифийликлар ҳисобга олинганда қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотлари ҳажмининг бир фоизга ошиши ЯҚҚнинг – 0,01 фоизга камайишини кўрсатмоқда (1-расм).

Тадқиқотимиз давомида ЯҚҚнинг ошишига кучли ижобий ва кучли салбий таъсир этувчи омилларни белгилар асосида яна бир марта Panel моделлари ишлаб чиқилди.



2-расм. Кучли ижобий корреляцион боғланиш<sup>3</sup>

2-расмдан кўринадики, танлаб олинган омил белгилар ва натижавий белги ўртасида тўғри кучли боғланиш мавжуд.

## 2-жадвал Panel моделлари асосида ЯҚҚни эконометрик моделлаштириш<sup>4</sup>

	Кўрсаткичлар	POLS modeli	FDE modeli	FEE modeli	REE modeli
1	Саноат ( $S=X_1$ )	0,133	0,222	0,134	0,206
2	Чакана савдо ( $ChS=X_3$ )	0,381	-0,031	0,066	0,013
3	Хизматлар ( $X=X_9$ )	0,073	0,195	0,163	0,186

2-жадвал маълумотлари асосида моделларнинг эконометрик кўриниши шакллантирилди:

<sup>3</sup> Илмий тадқиқотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

## Хуроса

Биринчи модель энг кичик квадратлар усули ёрдамида тузиладиган кўп омили модель билан бир турдаги холатни ифодалаб, КБХТда саноат маҳсулотлари ҳажмининг бир фоизга ошиши натижасида ЯҚҚнинг 0,13 фоизга ошишига олиб келади. Худди шундай чакана савдо ва хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши натижасида ЯҚҚнинг мос равища 0,38 ва 0,07 фоизга ошишини таҳлил қилдик.

Иккинчи ҳудудлар бўйича саноат ва хизматлар соҳаси ҳажмининг ўртача ўзгаришини ифодалаб беради. Ушбу моделда мамлакатимиз ҳудудларида саноат ва хизматлар соҳасининг бир фоизга ўсиши натижасида ЯҚҚнинг мос равища 0,22 ва 0,19 фоизга ошишини, чакана савдо ҳажмининг эса бир фоизга ошиши ЯҚҚнинг 0,03 фоизга камайишини кўрсатмоқда.

Учинчи моделда кўрсаткичларнинг олдинги йиллардаги ўзгариш даражасига таъсири натижасида саноат, чакана савдо ва хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши натижасида ЯҚҚнинг мос равища 0,13; 0,06 ва 0,16 фоизга ЯҚҚнинг ошишини кўрсатмоқда.

Тўртинчи моделда эса ҳудудлар бўйича ўртача тасодифийликни ҳисобга олган ҳолда саноат, чакана савдо ва хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши натижасида ЯҚҚнинг мос равища 0,21; 0,01 ва 0,19 фоизга ЯҚҚнинг ошишига олиб келади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудларида КБХТни ривожлантириш орқали ЯҚҚни янада ошириш учун саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш лозим деб ҳисблаймиз. “Panel” моделини таҳлил қилиш натижасида шундай хуросага келдик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда “Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон Қарори.
3. Маршал А. Принципы политической экономии. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с.
4. Шумпетер Й. Теория экономической развития. – М.: Прогресс, 1985. – 159 с.
5. Vales W.J. Empirical research on entrepreneurial orientation: An assessment and suggestions for future research / W.J. Wales, V.K. Gupta, F.T. Mousa // International Small Business Journal. – 2013. - №31(4). – Р. 357-383.
6. Байхонов Б.Т. “Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш”. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2019. – 76 б.
7. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. 126-б.
8. Фойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И., Алматова Д.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини юксалтириш омили. Монография. – Т.: Фан, 2011. – 184 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-киоблари.
10. [www.stat.uz](http://www.stat.uz). – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги сайти.

**УЎТ 33.330.05(44;06)**

**Абдикаримова Динара Рустамхановна,**  
Тошкент молия институти, *PhD, доцент,*  
[dinoraxon@mail.ru](mailto:dinoraxon@mail.ru)

## **ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ**

**Абдикаримова Динара Рустамхановна,**  
Ташкентский финансовый институт, *PhD, доцент,*  
[dinoraxon@mail.ru](mailto:dinoraxon@mail.ru)

## **АНАЛИЗ ПРОЦЕССА ОЦЕНКИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**Abdikarimova Dinara Rustamkhanovna,**  
Tashkent Institute of Finance, *PhD, associate professor,*  
[dinoraxon@mail.ru](mailto:dinoraxon@mail.ru)

## **ANALYSIS OF COLLATERAL VALUATION PROCESS**

**Аннотация.** Гаров таъминотини баҳолаши жараёнини таҳлил қилишида гаров таъминоти ва баҳолаши бўйича турли иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Гаров таъминотини баҳолаши жараёни автотранспортлар воситалари мисолида тадқиқ қилинганд. Гаров таъминотини баҳолаши жараёнида баҳолаши ёндашувларидан фойдаланишининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ҳамда гаровнинг баҳолаши қиймати аниqlанган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида тегишли хуласалар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** гаров таъминоти, баҳолаши, баҳолаши ёндашувлари, қиёсий ёндашув, харажат ёндашуви, даромад ёндашуви, автотранспортни баҳолаши, индекс усули, баҳоловчи, эскирии, гаров турлари.

**Аннотация.** При анализе процесса оценки залога изучаются исследования различных ученых по вопросам залога и оценки. Процесс оценки залога изучается на примере автомобилей. Исследуются особенности использования оценочных подходов в процессе оценки залога и определяется стоимость предмета залога. На основании проведенного анализа формируются соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** залог, оценка, подходы к оценке, сравнительный подход, затратный подход, доходный подход, оценка автомобиля, индексный метод, оценщик, амортизация, виды залога.

**Annotation.** In analyzing the collateral valuation process, the researches of various scientists on collateral and valuation are studied. The collateral valuation process is learnt on the example of automobiles. Specific aspects of the usage of valuation approaches in the process of collateral

*valuation are investigated and the value of the collateral is determined. Relevant conclusions are formed on the basis of performed analysis.*

**Keywords:** collateral, valuation, valuation approaches, comparative approach, cost approach, income approach, vehicle valuation, index method, appraiser, depreciation, types of collateral.

### Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда молиявий ресурслар ҳажмини ошириш, қарз берувчилар ва қарз оловчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, пул айланмасини ташкил этишда капиталнинг қопланиш йўлларини мустаҳкамлаш каби жиҳатларга ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Мазкур масалаларни ижобий ҳал қилишда гаров механизмларини самарали шакллантириш, гаров таъминоти қарнов даражасини ошириш, гаровни баҳолаш жараёнларини сифатли ташкил этиш каби амалиётлар муҳим ҳисобланади. Мазкур жараёнлар, айниқса, банк кредитларида гаров таъминотини шакллантириш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда юкорида таъкидланган амалиётларни ташкил этишда катор муаммолар мавжуд. Хусусан, гаров таъминотини шакллантириш, баҳолаш ва тартибга солиш жараёнларида гаровнинг аниқланган баҳоси ва реал баҳоси ўртасидаги фарқланиш мавжудлиги, тартибга солиш механизмларининг тўлиқ ишламаслиги, банк кредитлари гаров таъминотини шакллантириш бўйича мутахассисларнинг этишмаслиги, банк кредитларида гаров таъминотини баҳолаш жараёнларининг самарали ташкил этилмаганлиги кабилар шулар жумласидандир. Шу сабабли мамлакатимизда гаров таъминотини баҳолаш жараёнини тадқик қилиш долзарблик касб этади.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Кўплаб олимлар томонидан гаровни баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказил-

ганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ф. Мишкин ва бошқаларнинг таъкидлашича, гаров қарз оловчи томонидан қарз берувчига тақдим этиладиган мулк бўлиб, нотўғри танлов оқибатида юзага келиши мумкин бўлган рискни камайтиришга хизмат қиласди. Чунки қарз оловчи тўлов қобилиятини йўқотганда гаров қарз берувчининг зарари миқдорини камайтиради. Ушбу ҳолатда қарз берувчи гаровга қўйилган мулкни сотиши ҳамда ўзининг зарарини қоплаши мумкин [1].

Ж. Ниу банкларда кредит ўсиши натижасида гаров таъминоти устидан назоратни самарали амалга ошириш зарурати пайдо бўлишига эътибор қаратган. Хусусан, кредитнинг ўсиши турли сабабларга қўра юзага келиши мумкин. Масалан, кредит портфелини кўпайтиришга интилаётган банклар гаров талабларини камайтириши, шартномаларни соддалаштириши ва бошқа банклар томонидан рад этилган қарз оловчиларга кредитлар бериш эвазига либерал кредит сиёсатини давом эттириши мумкин. Бунда гаров таъминотини кучайтириш ва самарали назорат қилиш юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтиришга имкон беради [2].

Гаров кредитлашнинг мувозанатлаштирилиши ва қарз оловчилар ҳамда кредиторлар ўртасида номутаносиб маълумотларнинг (asymmetric information) мавжудлиги туфайли юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш механизми ҳисобланади [3].

Ж.А. Менсанинг таъкидлашича, қарз оловчилар ва қарз берувчилар бир хил маълумотга эга бўлишига қарамасдан, гаров таъминоти кредит муносабатларида муҳим роль ўйнайди. Бундай шароитда гаров таъминоти қарз

берувчига лойиҳанинг рисклилиги ва молиялаштириш истиқболлари тӯғрисида маълумот беради. Гаровнинг икки тури мавжуд. Биринчиси, ички гаров деб аталади, унда қарз олувчи гаров сифатида молиялаштириш учун лойиҳадаги активдан фойдаланади; агар дефолт содир бўлса, қарз берувчи лойиҳага эгалик қиласи. Иккинчи тури ташки гаров деб аталади: лойиҳада фойдаланилмаган активлар гаров сифатида жойлаштирилади [4].

А. Амири ва бошқаларнинг фикрига кўра, акцияларни баҳолашда, одатда, иккита ёндашув қўлланилади. Биринчи ёндашувга кўра, компаниялар акцияларининг нархи қарзларни ҳисобдан чиқаргандан сўнг унинг активлари таркибий қисмларининг (ерлар, бинолар, заводлар ва машиналар) умумий нархидан олинади. Иккинчи ёндашувда эса компанияларнинг ноаниқ давр мобайнида фаолият юритишини ҳисобга олган ҳолда компаниянинг акциялари унинг нақд пул тушумининг дисконтланган қийматига tengdir, бу эса риск ва молиялаштириш харажатлари билан боғлик [5].

О. Лаврушининг фикрича, мижознинг мулк гарови банк кредити қайтарилиши таъминотининг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Мулк гарови гаров тӯғрисидаги икки томонлама имзоланадиган шартнома билан расмийлаштирилади ва қарздор мажбуриятини бажармай қолган тақдирда ўз мулкининг қиймати билан қоплаб бериш хукуқини ифода этади [6].

Г. Белаоглазова ва Л. Кроливецкая мулк гарови кредитор гаровни сақлаб турувчи гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмай қолган тақдирда уни сотиш хукуқига эга эканлигига эътибор қаратган. Ушбу холатда қарз берувчи қарз олувчи томонидан ўз мажбуриятларини

бажармай қолган тақдирда гаров мулкини сотиш жараёнида бошқа кредиторларга нисбатан устун равишида гаровга қўйилган мулкнинг қиймати тӯғрисида қониқтирадиган жавобни олиш хукуқига эга. Қайтаришлилк таъминоти сифатида гаров мақбул ва етарли бўлиши лозим [7].

У. Азизов, Т. Қоралиев, Ш. Абдуллаева ва бошқалар **таъкидлашича, мулк гарови** бу кредит таъминотининг энг кўп тарқалган шаклларидан ҳисобланади. Мулк гарови гаров шартномаси орқали расмийлаштирилади. Тўлов мажбурияти бажарилмаганда банк ушбу гаровни сотиш орқали кредитни қоплаши мумкин [8].

А. Қаландаров фикрича, муаммоли кредитларни ҳал этишнинг механизмида бирни бу кредит тўловини гаров мулкига қаратиш ҳисобланади. У амалга оширилганда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар одатда бутунлай узилади [9].

“Мамлакатимизда инновацион корхоналарни молиявий таъминлаш тизими бўйича яхлит тасаввур ҳали шаклланмаган. Маблағи бор йирик корхоналар кичик инновация корхоналарининг лойиҳаларига қизиқиши билдиримаятилар. Инноваторларнинг ўzlari ҳам кредит муддати кичикилиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги ва гаров таъминотининг йўқлиги туфайли кредит маблағларини олмасликка ҳаракат қиласи” [10]. Демак, баъзан қарз олувчилар гаров таъминотининг йўқлиги туфайли банклардан кредит ололмайди ва бу корхона фаолиятини ташкил этишда бир катор муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари ва ёндашувларини инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, гаров таъминотини баҳолашни сифатли ташкил этиш бугунги кунда банклар фаолиятини самарали йўлга қўйишда муҳим омил ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси

Гаров таъминотини баҳолаш жараёнини таҳлил қилишда илмий абстракциялаш, қиёсий ёндашув, харажат ёндашув, индукция, дедукция каби методлардан фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Хозирги кунда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятида қарз олувчининг автотранспорт воситаларидан гаров сифатида фойдаланиши кенг учрайдиган амалиётлардан хисобланади. Мазкур жараёнда автотранспорт воситаларининг баҳолаш қиймати ҳақиқий бозор қийматларига қанчалик яқин бўлса, тижорат банкларининг рисклари шунчалик минималлашган бўлади. Шу сабабли мамлакатимиз амалиётида тижорат банклари кўп ҳолларда гаровни баҳолаш учун мутахассис сифатида баҳоловчи компаниялар хизматларидан фойдаланади. Қуйида тижорат банклари фаолиятида қарз олувчининг автотранспорт воситаларидан гаров сифатида фойдаланиш мақсадида автотранспорт воситаси мисолида баҳолаш жараёнини таҳлил қиласиз.

Мисолимизда қўйидаги шартлар акс этган. Буюртмачи ва “А” баҳоловчи компанияси ўртасида тузилган шартномага асосан буюртмачига тегишли **бўлган** “Lacetti” автотранспорт воситасини гаровга қўйиш мақсадида бозор қийматини аниқлаш ишлари “А” баҳоловчи компанияси томонидан амалга оширилади. Баҳолаш ишлари харажат ва қиёсий ёндашувда амалга оширилади. Харажат ёндашувда автотранспорт воситасини баҳолаш қиймати унинг тикланиш қийматидан жисмоний эскириши чегириб ташланган ҳолда хисоблаш усули ёрдамида аниқланади. Қиёсий ёндашувда баҳолаш ишлари бозор нархлари асосида аналог билан тўғридан-

тўғри солишириш усули ёрдамида амалга оширилади.

Баҳолаш жараёнда баҳолашга нисбатан ўзига хос фаразлар ва чекловчи шартлар рўйхати шакллантирилди (1-расм). Баҳолаш ишлари тегишли мулкка тўлиқ равиша эгалик қилиш ҳукуқи асосида олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан тўлиқ равиша эгалик ҳукуқи мулк эгаси томонидан ҳукукий комплексларнинг, хусусан, эгалик қилиш, бошқариш ва фойдаланиш ҳукукининг давлат томонидан маълум шартлар асосида хусусий мулкка нисбатан нормалар чегарасида бажарилишини назарда тутади. Баҳоланаётган мулкка эгалик қилиш ҳукуқини берадиган ҳужжатлар, яъни автотранспорт воситаларини техник паспорт нусхаси ўрганиб чиқилади. Баҳоланаётган обьектга эгалик ҳукуқи, шу жумладан, мулкий ҳукуқлар амалдаги қонунчилик талабларига мос равиша расмийлаштирилган деб хисобланади.

Баҳолаш обьектини идентификация қилиш мақсадида жойига чиқиб ушбу обьект кўрилади, ўрганилади ва фотосуратларга олинади. Автотранспорт воситасини жойида кўриб, ўрганиши натижасида буюртмачи томонидан тақдим этилган техник паспортида келтирилган мавжуд маълумотлар автотранспорт воситасининг двигатель, кузов ва автотранспорт воситасига тегишли бошқа қисмлари билан солиширилди ҳамда солишириш натижасида бир-бирига мослиги ва автотранспорт воситасининг ҳолати қониқарли эканлиги аниқланади.

Баҳолаш обьектининг қийматини аниқлаш мақсадида баҳолашда баҳоловчи даромад, харажат ва қиёсий ёндашувлардан фойдаланади. Бирон-бир ёндашувни кўллаш мумкин эмаслиги ёки кўллашнинг чекланиши баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги хисботда асосланиши лозим.

Баҳоловчи томонидан шакллантириладиган ҳисобот тўла ҳажмда ва унда кўрсатилган мақсадлардагина ишончлидир;

Баҳоловчи ташкилот баҳолаш объектига бўлган ҳукуқларнинг юридик тавсифи учун жавобгар бўлмайди. Баҳоланаётган ҳукуқлар, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда айтиб қўйилган чеклашлардан ташқари, ҳар қандай эътиrozлар ёки чеклашлардан ҳоли деб қаралади;

Баҳоловчи, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган омиллардан ташқари, баҳолаш натижаларига таъсир этадиган яширин омилларнинг йўқлигини назарда тутади. Баҳоловчи ташкилот бундай омилларнинг мавжудлиги ва уларни аниқлаши зарурити учун жавобгар бўлмайди;

Баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаща фойдаланган дастлабки маълумотлар ишончли манбалардан олинган бўлиши ва ҳаққоний деб ҳисобланиши лозим. Баҳоловчи ташкилот уларнинг мутлақо аниқлигини кафолатлай олмайди, шу боис баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ахборот манбаларига ҳаволалар келтирилиши лозим;

Баҳоловчи ташкилот ушбу санадан кейин вужудга келиши ва баҳолаш объектининг бозор қийматига таъсир этиши мумкин бўлган иқтисодий, юридик ва бошқа омилларнинг ўзгариши учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди;

Буюртмачи ҳам, баҳоловчи ташкилот ҳам баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан факат баҳолаш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган тартибда фойдаланишлари мумкин;

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи ташкилотнинг объект қиймати хусусидаги фикрини ўз ичига олади ва объект эркян бозорда объектининг мазкур баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган қийматига тенг бўлган нарҳда сотилишини кафолатламайди.

### 1-расм. Баҳолашга нисбатан фаразлар ва чекловчи шартлар рўйхати<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Баҳоловчи компаниялар ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

*Даромад* ёндашуви доирасида автотранспорт воситасидан бозорларда ва интернет сайтларда якка тартибда олинадиган даромадлар ва сарфланадиган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар мавжуд эмаслиги сабабли мазкур мисолда даромад ёндашувидан фойдаланилмайди.

*Харажат ёндашувида* автотранспорт воситаларини баҳолаш баҳолаш объектининг аниқ нусхасини яратиш ёки уни ўхшашига алмаштириш харажатларининг жисмоний эскириш чегириб ташланган ҳолда ҳисоблашга асосланади. **Харажат (мулкий) ёндашувида** автотранспорт воситасининг қийматини ҳисоблаш белгиланган кетма-кетликда амалга оширилади (2-расм).

Тикланиш қиймати қуидаги методларнинг бири ёрдамида ҳисобланади:

- турдош объект нархи бўйича ҳисоблаш усули;
- элементма-элемент ҳисоблаш усули;
- индекс усули.

Тикланиш қийматини аниқлашда тўғридан-тўғри нархларни аниқлаш усулида бир хил (янги) автотранспорт воситаларини реализация қилиш нархи маълум бўлган ҳолларда уларнинг тикланиш қийматини аниқлашда мазкур ахборот базавий ахборот сифатида олинади.



**2-расм. Ҳаражат (мулкий) ёндашувида автотранспорт воситасини қийматини ҳисоблаш босқичлари<sup>2</sup>**

Ишлаб чиқарувчилар ва диллерларда Lacetti русумли автотранспорт воситаси бугунги кунда ишлаб чиқарилаётганды

<sup>2</sup> Баҳоловчи компаниялар ҳисботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

ва уларда реализация қилиш нархи маълум бўлғанлиги сабабли Lacetti русумли автотранспорт воситасини ҳаражат ёндашувида ҳисоблашда тўғридан-тўғри нархларни аниқлаш усулидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда савдо фаолиятини юритувчи диллер ва товар етказиб берувчиларнинг прайс варакларидан фойдаланиб, тикланиш қиймати аниқлаб олинади. Автотранспорт воситаларини тикланиш қиймати аниқланганидан сўнг уларнинг эскириш қийматлари аниқланади.

Эскириш қиймати қуидаги усулларнинг бири ёрдамида ҳисобланади:

- эксперт йўли билан аниқланган эскириш усули;
- босиб ўтган масофасидан келиб чиқиб аниқланган эскириш усули.

Автотранспорт воситаларининг қийматини аниқлаш мақсадида баҳолаш объектларининг жисмоний эскириши 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ эксперт йўли билан аниқланади.

*I-жадвал*

### Баҳолаш объектларининг жисмоний эскириш кўрсаткичлари<sup>3</sup>

Холатнинг баҳоси	Техник ҳолат тавсифи	Эскириш
Янги	Янги (шу жумладан, ўрнатилган, лекин фойдаланишга киритилмаган), аъло ҳолатда.	5% гача
Жуда яхши	Носозликлариз ишлайдиган, оз муддат фойдаланилган, нуқсонлар ва носозликлар аниқланмаган ускуна.	5% – 20%
Яхши	Иш қобилиятини чекламайдиган кичик фойдаланиш нуқсонларига эга бўлган ускуна. Капитал таъмирлашдан чиқкан, яхши ҳолатдаги ускуна.	20% – 25%
Кониқарли	Кониқарли ҳолатдаги ускуна. Иш режимларини танлашда таъмирлашлар орасида хизматлар кўрсатиш ёки жорий таъмирлаш вақтида бартараф этиладиган баззи бир чеклашлар бўлиши мумкин.	25% – 50%
Шартли равиша яроқли	Ускуна ишида бартараф этиш учун режадан ташқари таъмирлашлар ўтказиш талаб этиладиган носозликлар кузатилади. Иш режимларини танлаш ва энг катта юкланишларга чеклашлар бор. Асосий қисмларини жиддий таъмирлаш ёки алмаштириш талаб этилади.	50% – 75%

<sup>3</sup> Баҳоловчи компаниялар ҳисботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Қоникарсиз	Тез-тез бузилиб турадиган, асосий узелларни капитал таъмирлашни талаб этадиган, ёмон ҳолатдаги ускуна.	75% – 90%
Фойдаланиш учун яроксиз	Асосий йўналиши бўйича фойдаланишга яроқсиз бўлган ускуна. Ҳали ишлаёттан асосий материаллар қиймати бўйича сотишдан бошқа имкониятлар йўқ.	90% дан ортик

2-жадвал

**Автотранспорт воситасининг баҳолаш қийматини аниқлаш<sup>4</sup>**

Номи	Тикланиш қиймати	Якуний эскириш даражаси	Эскириш қиймати	Баҳолаш қиймати
Lacetti	138 126 000,00	40%	55 250 400,00	82 875 600,00

**Иккиламчи бозорда сотилаётган мутлақ аналог орқали таққосланади;****Мутлақ аналог бўлмаса, иккиламчи бозорда сотилаётган тахминий аналог билан тузатишлар киритиш орқали таққосланади;****Иккиламчи бозор бўлмаса, янги ўхшаш автотранспорт билан эскиришга тузатишлар киритиш орқали таққосланади.****3-расм. Қиёсий ёндашувда автотранспорт воситалари қийматини баҳолашда аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш йўллари<sup>5</sup>**<sup>4</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.<sup>5</sup> Баҳоловчи компаниялар хисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Автотранспорт воситаси носозликларсиз ишлаётганлиги, оз муддат фойдаланилганлиги, нуқсонлар ва носозликлар аниқланмаганлиги сабабли баҳоловчи мутахассис томонидан транспорт воситасининг эскириш даражаси 40% деб олинди.


Автотранспорт воситасининг баҳолаш қиймати унинг тикланиш қийматидан жисмоний эскириш даражасини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади (2-жадвал).

Мисолимизда харажат ёндашувда аниқланган якуний натижа шундан иборатки, буюртмачининг Lacetti русумли автотранспорт воситасини харажат ёндашувда аниқланган автотранспорт воситасининг баҳолаш қиймати 82 875 600 (саксон икки миллион саккиз юз етмиш беш минг олти юз) сўмни ташкил этди.

*Киёсий ёндашувда автотранспорт воситалари қийматини баҳолаш бозор нархлари асосида аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули қўлланилади. Таққослаш қўйидагилар орқали амалга оширилади (3-расм).*

Автотранспорт воситалари қийматини аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули билан баҳолаш қўйидаги кетмакетликда амалга оширилади (4-расм). Аналоглар асосий кўрсаткичлар функционал йўналиши, конструктив ва параметрик ўхшашликларга кўра танланади. Функционал аналоглар йўналиш жиҳатидан ўхшашлик билан тавсифланади, яъни улар бир хил функциялар (операциялар, амаллар, жараёнлар)ни бажаришга қодир. Автотранспорт воситаларини аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули билан баҳолашда база сифатида параметрлари

қиймат жиҳатидан баҳоланаётган объектга мумкин қадар яқин бўлган (деярли бир хил) аналогларни танлаш лозим. Аналогларни танлашда баҳолаш обьекти билан айни бир ишлаб чиқарувчи томонидан ва айни бир мамлакатда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларининг бирликларига устунлик берилади.



**4-расм. Автотранспорт воситалари қийматини аналог билан тўғридан тўғри солишишиш усули билан баҳолаш босқичлари<sup>6</sup>**

Аналогларни реализация қилиш нархларига тегишли тузатишлар, жумладан, сотув шартларидағи фарқларга кўра нархларга тузатиш (тижорат тузатиши), техник жиҳатдан қиёсийликка тузатиш (техник тузатиш) киритилади. Тижорат тузатиши қуидагича аниқланади.

$$Ht = H + y * (Mб - Mн), y = (P1 - P2) / (N1 - N2)^7$$

бу ерда,  $Ht$  – тузатиши киритиш йўли билан тузатилган нарх;

$H$  – бошлангич нарх;

<sup>6</sup> Баҳоловчи компаниялар хисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

<sup>7</sup> Иқтисодий адабиётлар асосида назарий маълумотлар асосида келтирилган.

$y$  – параметр бирлиги «нархи», яъни параметр унинг ўлчаш бирлигига нисбатан ўзгарганида нарх қанча пул бирлигига ўзгаришини кўрсатувчи қиймат;

$Mб$  – баҳолаш объектининг конструктив-функционал параметри (куват, унумдорлик ва х.к.) кўрсаткичи;

$Mн$  – танланган аналогнинг конструктив-функционал параметри (куват, унумдорлик ва х.к.) кўрсаткичи;

$P1, P2$  – аналогларнинг нархлари;

$N1, N2$  – аналогларнинг нархни шакллантирувчи параметрлари.

Техник тузатиши эса қуидагича аниқланади:

$$Рб = Рн * (Mб / Mн)x, x = \log(P1 / P2) / \log(N1 / N2)^8$$

бу ерда,  $Rb$  – баҳолаш объектининг қиймати;

$Rn$  – аналог объектининг сотув нархи;

$x$  – баҳолаш объекти қийматининг обьект параметрлари қийматларига боғлиқлигини тавсифловчи даража коэффициенти (нархнинг тўхташ коэффициенти).

Нархнинг тўхташ коэффициентини аниқлашда бир нечта аналоглардан (камида уч хил аналогдан) фойдаланиш тавсия этилади. Коэффициентнинг якуний қийматини ўртача кўрсаткич сифатида аниқлаш мумкин. Агар танланган тавсифлар аналоглар қийматига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган бўлса, танланган аналогларнинг қиймат кўрсаткичларига бошқа тавсифлар бўйича ҳам тузатишлар киритилиши мумкин. Буюртмачига қарашли **бўлган Lacetti автотранспорт** воситасини қиёсий ёндашувда баҳолаш жараёнида бир қанча интернет саҳифаларидан қиёслаш учун аналоглар олиниши мумкин.

Аналог сифатида олинган автотранспорт воситаларининг эгалари

<sup>8</sup> Иқтисодий адабиётлар асосида назарий маълумотлар асосида келтирилган

билин телефон орқали сухбатлашиб, автотранспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисида суриштирилиши мумкин. Бунда таклиф нархидан қанча тушиб бериши мумкинлигини ҳам аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда таклиф нархидан 5% тушиб беришлари мумкинлигидан келиб чиқкан ҳолда

Lacetti автотранспорт воситасини баҳолаш жараёнида ички бозорда уч дондан аналог топилган бўлса, топилган аналог ҳар томонлама баҳоланаётган автотранспорт воситасига ўхшашлиги сабабли мазкур аналог қиёсий ёндашувда Lacetti автомобилини баҳолашга етарли деб **хисобланиши мумкин (3-жадвал)**.

3-жадвал

**Lacetti русумли автотранспорт воситасини қиёсий ёндашувда аниқланган баҳолаш қиймати<sup>9</sup>**

Кўрсаткичлар	Баҳоланаётган объект 2009 йилда ишлаб чиқарилган Ласетти автотранспорт воситаси	Баҳоланаётган автотранспортга ўхшаш автотранспортлар		
		Chevrolet Ласетти 2009 йилда ишлаб чиқарилган	Chevrolet Ласетти 2009 йилда ишлаб чиқарилган	Chevrolet Ласетти 2009 йилда ишлаб чиқарилган
Таклиф этилаётган нарх (АҚШ дол.)	-	8 550,00	8 600,00	7 500,00
Таклиф этилаётган нарх ЎзР Марказий банкининг 20.01.2022 йил ҳолатига АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати	-	92 487 487,50	93 028 350,00	81 129 375,00
Таклиф этилаётган нархни мувофиқлаштириш	-	-5%	-5%	-5%
Мувофиқлаштирилгандан кейинги нарх	-	87 863 113,13	88 376 932,50	77 072 906,25
Техник ҳолати	Автотранспорт воситаси қониқарли ҳолатдаги ускуна. Иш режимларини танлашда таъмиrlашлар орасида хизматлар кўрсатиш ёки жорий таъмиrlаш вактида бартараф этиладиган баъзи бир чеклашлар бўлиши мумкин	Автотранспорт воситаси носозликларсиз ишлаётган, оз муддат фойдаланилган, нуксонлар ва носозликлар аниқланмаган ускуна, ҳолати яхши	Автотранспорт воситаси носозликларсиз ишлаётган, оз муддат фойдаланилган, нуксонлар ва носозликлар аниқланмаган ускуна, ҳолати яхши	Автотранспорт воситаси носозликларсиз ишлаётган, оз муддат фойдаланилган, нуксонлар ва носозликлар аниқланмаган ускуна, ҳолати яхши
Техник ҳолати бўйича мувофиқлаштириш	-	-5%	-5%	-5%

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	83 469 957,47	83 958 085,88	73 219 260,94
Аварияга учраш ҳолати мавжуд қўшимча қулаилликлар бўйича мувофиқлаштириш	учрамаган	учрамаган	учрамаган	учрамаган
Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	83 469 957,47	83 958 085,88	73 219 260,94
Қўшимча қулаилликлари:	мавжуд эмас	мавжуд	мавжуд	мавжуд эмас
мавжуд қўшимча қулаилликлар бўйича мувофиқлаштириш	-	-5%	-5%	0%
Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	79 296 459,60	79 760 181,58	73 219 260,94
Ишлаб чиқарилган йили	2009	2009	2009	2009
Ишлаб чиқарилган йили бўйича мувофиқлаштириш	-	0%	0%	0%
Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	79 296 459,60	79 760 181,58	73 219 260,94
Босиб ўтган йўли (км)	170 000,00	172 000,00	115 000,00	205 000,00
Босиб ўтган йўли бўйича мувофиқлаштириш	-	0%	-6%	4%
Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	79 296 459,60	74 974 570,69	76 148 031,38
Кириллган мувофиқлаштиришлар сони	-	3	4	3
Мувофиқлаштириш коэффицинти	-	36,36%	27,27%	36,36%
Мувофиқлаштиришдан кейинги нарх	-	28 835 076,22	20 447 610,19	27 690 193,23
Ўртacha аниқланган нарх	-		76 972 879,63	

Қиёсий ёндашувда якуний натижалар шуни кўрсатадики, олиб борилган ҳисоб-китоб натижалариға кўра, Lacetti автотранспорт воситасини қиёсий ёндашувда олинган якуний баҳолаш натижаси 76 972 880 (етмиш олти миллион тўқиз юз етмиш икки минг саккиз юз саксон) сўмни ташкил этди.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлаш учун қўйидаги ёндашувлар қўлланилиб, тегишли ҳисоб-китобларга кўра ушбу натижалар олинди (4-жадвал).

4-жадвал

**Автотранспорт воситасини баҳолашда қўлланилган ёндашувлардан олинган натижалар<sup>10</sup>**

Автотранспорт воситаси	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Lacetti	82 875 600,00	қўлланилмади	76 972 879,63

5-жадвал

**Автотранспорт воситаларини баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш<sup>11</sup>**

Ёндашувлар усули	Харажат ёндашуви ( $K_{\text{хар}}$ )	Даромад ёндашуви ( $K_{\text{дар}}$ )	Қиёсий ёндашув ( $K_{\text{киес}}$ )
Аниқланган қиймат	82 875 600,00	қўлланилмади	76 972 879,63
солиштирма ўлчов коэффициентларни топиш формуласи			
Ўлчов коэффицентлари	$C_1 = 51,85\%$	$C_2 = 0$	$C_3 = 48,15$
Ўлчов қийматлари	42 967 972,49	0	37 065 252,12
мувофиқлаштириш қийматини топиш формуласи		$C_1 + C_2 + C_3$	
Мувофиқлаштирилган қиймат		80 033 224,61	

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Қўлланилган ёндашувлар доирасида натижаларни мувофиқлаштиришга тўхтадиган бўлсак, баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш баҳолашга нисбатан турли ёндашувлар ёрдамида олинган натижаларни ўлчаш ва таққослаш йўли билан баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш ҳисобланади. Мувофиқлаштириш куйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

➤ мантикий мувофиқлаштириш усули бу баҳоловчи амалга оширадиган таҳлил асосида, барча муҳим параметрларни ҳисобга олган ҳолда солиштирма ўлчовларни танлашдан иборат. Баҳоловчи устун ёндашувнин аниқлайди, қолган ёндашувларнинг натижаларидан эса устун ёндашув

ёрдамида олинган натижани текшириш ва унга тузатиш киритиш учун фойдаланилади;

➤ математик ўлчаш усули бу турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган натижаларнинг солиштирма ўлчовларини аниқлаш учун бир нечта мезонлардан фойдаланилади ва уларнинг ёрдамида қўлланилган ҳисоблаш усулининг афзаликлари ёки камчиликлари конкрет объектни баҳолаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади.

Автотранспорт воситасини сотиш учун ҳақиқий бозор баҳосини аниқлашда мисолимиздан олинган натижаларни мувофиқлаштиришда мантикий мувофиқлаштириш усулидан фойдаланилади. Мувофиқлаштириш жараёнида харажат ва қиёсий

ёндашувларни солиштирма ўлчовлари қуидаги омиллардан келиб чиқиб аниқланади:

- тўпланган ахборотлар, маълумотларни ишончлилиги;
- ахборот ва маълумотларни тўлиқлилиги;
- баҳолаш жараёнида бозор конъюнктурасини инобатга олганлик.

Юқорида келтирилган омилларни ўрганиб чиқсан ҳолда харажат ва қиёсий ёндашувиларни солиштирма ўлчовлари teng миқдорда олиниши белгилаб олинади. Чунки ҳар иккала ёндашувда ҳам ахборот ва маълумотлар ишончли манбалардан олингандиги баҳолаш ишларини амалга ошириш учун етарлидир. Шунингдек, иккала ёндашувда ҳам баҳолаш жараёни бозор конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилган.

Баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблашда баҳолаш обьекти қийматининг якуний миқдори қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\hat{E}_{\text{ж}} = \hat{E}_{\text{оао}} * \tilde{N}_1 + \hat{E}_{\text{оао}} * \tilde{N}_2 + \hat{E}_{\text{оао, н}} * \tilde{N}_3^{1/2}$$

бу ерда,  $K_{\text{як}}$  – баҳолаш обьектининг якуний қиймати;

$K_{\text{хар}}$ ,  $K_{\text{дар}}$ ,  $K_{\text{киёс}}$  – тегишинча харажатга оид, даромадга оид ва қиёсий ёндашувлар билан аниқланган қийматлар;

$C_1$ ,  $C_2$ ,  $C_3$  – ҳар бир баҳолаш ёндашуви учун танланган тегишли солиштирма ўлчовлар.

Бунда қуидаги шарт бажарилиши лозим:

$$\tilde{N}_1 + \tilde{N}_2 + \tilde{N}_3 = 1$$

Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш қуидагича амалга оширилади (5-жадвал).

Демак, бизга тақдим этилган ва тўпланган маълумотларга асосан олиб

<sup>12</sup> Иқтисодий адабиётлардаги назарий маълумотлар асосида келтирилган.

борилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра Lacetti русумли автотранспорт воситасининг баҳолаш қиймати 80 033 225 (саксон миллион ўттиз уч минг икки юз ийирма беш) сўмни ташкил этди.

## Хулоса

Гаров таъминотини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш орқали қуидагиларни хулоса қилиш мумкин.

Биринчидан, қарз муносабатларини тартибга солишда, жумладан, банк кредитлари амалиётида гаров таъминотидан фойдаланиш келажакда қарзларнинг қопланмай қолиниши, банкларда муаммоли кредитлар юзага келиши эҳтимоллигини пасайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, гаров таъминотидан фойдаланиш ҳисобига кредитларни пастроқ фоиз ставкада олиш имконияти юзага келади.

Иккинчидан, гаров таъминотини баҳолашда қўлланиладиган баҳолаш ёндашувларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Хусусан, гаровни баҳолашда барча баҳолаш ёндашувларидан фойдаланиш зарур. Афсуски, миллӣ амалиётимизда ҳар доим ҳам бунинг имкони ўйқлигини таъкидлашимиз лозим. Бу масалани ҳал этишда, албатта, макрорегулятор сифатида давлат аралашувини самарали шакллантириш ва гаровни баҳолаш механизмларини кучайтириш лозим.

Учинчидан, баҳоловчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига жиддий эътибор қаратилиши лозим. Чунки бугунги кунда мамлакатимиз амалиётида гаров таъминотини баҳолаш натижасида аниқланган гаров баҳоси ва гаровнинг бозор баҳоси ўртасида катта тафовутлар учраши кўп учрайдиган ҳолатлардан ҳисобланади. Юқорида таъкидланган кадрлар тайёрлаш масаласига давлат томонидан жиддий эътибор қаратилиши мазкур муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. F.S.Mishkin, K.Matthews, M.Giuliodori. The economics of money, banking and financial markets. – USA: Pearson, 2013. – P.327
2. Jijun Niu. Loan growth and bank valuations. // The Quarterly Review of Economics and Finance, Volume 61, August 2016, Pages 185-191. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1062976916000156>
3. Bagaka Obuba Japhet, Florence Memba, Influence of collaterals used by small and medium microenterprises on loan performance of commercial banks in kisii county, Kenya, International Journal of Economics, Commerce and Management, Vol. III, Issue 11, November 2015. <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2015/11/31158.pdf>
4. Joseph Atta-Mensah. The Role of Collateral in Credit Markets. // Journal of Mathematical Finance, Vol.05 No.04(2015), Article ID:60899,13 pages. [https://www.scirp.org/html/1-1490328\\_60899.htm](https://www.scirp.org/html/1-1490328_60899.htm)
5. Ali Amiri, Hamid Ravanpaknodezh, Akbar Jelodari. Comparison of stock valuation models with their intrinsic value in Tehran Stock Exchange. // Marketing and Branding Research 3(2016) 24-40
6. Банковское дело. Учебное пособие / Под ред. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 248
7. Банковское дело.Учебник. Под ред. Г.Белаоглазовой, Л.Кроливецкой.-СПб.: Питер, 2010. – С. 173.
8. Азизов У, Коралиев Т., Абдуллаева Ш. ва бошқ. Банк иши. Дарслик. – Т.: “Иқтисодмolia”, 2016. 329-б.
9. Kalandarov, A. (2020) “MECHANISMS AND METHODS FOR MINIMIZING PROBLEM LOANS IN BANKS,” *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/13>
10. Норов Акмал Рузимаматович. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 йил. 6-б.

**УЎТ 330.33.03**

**Рахматуллаев Бобир Чоршамиевич,**  
*Тошкент молия институти мустақил изланувчиси*

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

---

**Рахматуллаев Бобир Чоршамиевич,**  
*Самостоятельный соискатель  
Ташкентского финансового института*

### **ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**Rakhmatullaev Bobir Chorshamievich,**  
*Independent applicant of the Tashkent Institute of Finance*

### **WAYS TO IMPROVE THE FINANCING OF INVESTMENT ACTIVITIES IN SURKHANDARYA REGION**

---

**Аннотация.** Мақолада инвестиция фаолиятини молиялашириши ва унинг Сурхондарё вилоятида амалга оширилиши ҳолати ва натижалари таҳлилига эътибор берилган. Тадқиқотлар асосида ҳудудда инвестиция фаолиятини молиялаширишини риавожлантиришига қаратилган илмий хуносалар шакллантирилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** инвестициялар, инвестиция фаолияти, ҳудуд, ҳудуд иқтисодиёти, хорижий инвестициялар ва кредитлар, хорижий инвестициялар шитирокидаги корхоналар, қўйима корхоналар, тадбиркорлик фаолити.

**Аннотация.** В статье уделено внимание анализу финансирования инвестиционной деятельности и состояния и результатов его реализации в Сурхандарьинской области. На основе исследования сформированы научные выводы и разработаны предложения, направленные на развитие финансирования инвестиционной деятельности в регионе.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционная деятельность, регион, экономика региона, иностранные инвестиции и кредиты, предприятия с участием иностранных инвестиций, совместные предприятия, хозяйственная деятельность.

**Annotation.** The article focuses on the analysis of the financing of investment activities and the state and results of its implementation in the Surkhandarya region. On the basis of the study, scientific conclusions were formed and proposals were developed aimed at developing the financing of investment activities in the region.

**Key words:** investment, investment activity, region, regional economy, foreign investment and loans, enterprises with foreign investment, joint ventures, economic activity.

### **Кириш**

Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлатни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мухим стратегик мақсадларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 явардаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида ўз аксини топган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш ва таъминлашда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юкори ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш каби масалалар мухим йўналишлар қаторида белгилаб олинган.

Ушбу мақсадларда эришища инвестициялар мухим аҳамият касб этади. Иқтисодиёт ва унинг тармоқлари, соҳаларига инвестицияларни жалб этиш муайян инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш асосида юз беради. Ушбу жараёнда инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш, уни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, оптималлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш тадбиркорлик субъектлари олдидаги энг мухим вазифалардан хисобланади.

Зеро, ресурслар чекланганлиги шароитида ҳар бир инвестиция ресурси вав қийматидан оқилона фойдаланиш ва юқори даромадлиликка эришиш бугунги жадал ривожланиб бораётган глобал интеграция, рақобат, шунингдек, мураккаб геоиктисодий ўзгаришлар шароитида, жумладан, унинг таъсирида халқаро капитал оқими пасайиб бораётган бир пайтда энг жиддий долзрб масалалардан бири сифатида баҳоланмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан иқтисодиётни ривожлантириш, унинг тармоқлар ва худудлар миқёсида мутаносиблиги ва интеграциясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда мазкур масалалар ечимида инвестицияларни кенг ва самарали жалб этиш асосида тадбиркорлик фаолияти, иш билан бандлик ва ахоли фаровонлигини оширишга эришиш вазифаларини таъминлашга қаратилган мухим ва қатор ҳуқуқий-меёрий хужжатлар имзоланди.

Жумладан, Тараққиёт стратегиясида худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ижтимоий-иктисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мухим лойиҳалар барча худудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилиниши белгилаб қўйилди. Бу эса, худудларда амалга оширилаётган мухим инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштириш уларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадларига қанчалик

мувофиқлиги кенг муҳокама асосида пухта ўрганилиши ва асосланишидан сўнг амалга оширилиши зарурлиги кўрсатади.

Ўз навбатида, худудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда инвестициялардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида мамлакатда инвестиция мухитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш мақсадлари белгиланган [1].

Иқтисодчи-олимлар Б.С.Маматов, Д.Ю.Хужамкулов, О.Ш.Нурбековлар инвестиция фаолиятини молиялаштириш масалаларига кенг эътибор қаратгандар. Мазкур олимлар фикрига кўра, инвестиция фаолияти – бу ғояларни ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш, бунинг натижасида барпо этилаётган обьект фаолиятини бошқариш ва инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имкониятларини ҳам акс эттиради [2].

Машҳур иқтисодчи-олим У.Шарп эса инвестиция фаолиятини молиялаштиришни фонд бозори орқали амалга ошириш механизми билан боғлаб изоҳлади. У.Шарпнинг фикрига кўра, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилона инвестицион стратегия инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг асосини ташкил этади. Бу жараёнда молиявий воситачилар, хусусан, тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари, корпорацияларни фонд бозори орқали зарур маблағларни жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлаш иштирок этадилар [3].

Шу сингари инвестиция фаолиятини акциядорлик капиталини ташкил этиш асосида молиялаштириш масалалари америкалик иқтисодчи-олимлар Ж.У.Фени, Н.Лайанг, С. Прауз, П.Д. Джонсонлар асарларида ҳам ўрганилган бўлиб, улар ўз тадқиқотларида инвестиция фаолиятини ноанаънавий тарзда молиялаштириш усувларига эътибор қаратган ҳолда венчур капиталини кичик бизнес инновацион корхоналарини акциядорлик капиталини молиялаштириш деб тушунтириб ўтганлар [4].

Иқтисодчи-олим У.А.Ҳайдаров иқтисодиётда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини турли манбалар ҳисобидан таъминлаш асосида иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилган ҳолда тармоқларнинг ривожланиши инвестицияларни жалб этиш ҳолатига қанчалик боғланганлигини аниқлаш мумкинлигини қайд этади ва асосий эътиборни тармоқлар ривожига қаратади [5].

Иқтисодчи-олим Б.К.Тухлиев инвестиция фаолиятига баҳо беришда фақат улар ҳажми билан чегараланмасдан ахоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдори, ахолининг ишга жалб этилганлик даражаси, экспорт имкониятининг ўсиши, реинвестициялар ҳолати каби кўрсаткичларга ҳам баҳо бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, фақат инвестиция ҳажми миқдори худуднинг инвестиция фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди. Шу сабабли ҳам худудлар инвестиция салоҳиятига ҳам баҳо бериш зарур, деб ҳисоблади [6].

Мазкур иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларида инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Буларнинг барчаси инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва амалга ошириш бевосита худудларда

юз бериши масалаларини алоҳида эътиборга олиш зарурлигидан келиб чиқиб алоҳида ҳудудда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожланиш йўлларини тадқиқ этиш ва уларни молиявий таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлигини талаб этади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурухлаш, қиёслаш, статистик, ретроспектив ва истиқболли таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ҳудудда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурати асосланди ҳамда унинг миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдаги ўрни келтириб ўтилди.

### **Натижা ва муҳокама**

Юқорида қайд этганимиздек, инвестиция фаолиятини молиялаштириш тадбиркорлик ва иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассам этган қисми ҳисобланади. Зеро, инвестицияларгина иқтисодиётнинг ривожи ва барқарорлигитаянчидир. Лекин, амалда ҳар қандай молиялаштирилган ва молиявий таъминотга эга инвестиция лойиҳалари ҳам самарали ишлаб кетавермайди. Бинобарин, айрим инвестиция лойиҳалари зарур даражада ўрганилмаганлиги, етарлича пухта ишлаб чиқилмаганлиги ва ишончли тарзда асосланмаганлиги сабабли ёки молиявий манбалар етишмаслиги сабабли ёки инвесторларнинг ишончи йўқолганлиги сабабли, ё бўлмаса, тўлиқ молиялаштирилганидан сўнг ҳам турли омиллар таъсири остида амалда самарали ишлаб кета олмаганлиги оқибатида ўз

фаолиятини тўхтатишга ёки бутунлай барбод бўлишига дуч келиш ҳолатлари кузатилади.

Шу сабабли ҳам барча инвестиция лойиҳаларини иншочли, самарали, ҳаётий ва истиқболли, дея эътироф этиб бўлмайди. Бунга ўзига хос омилар ва сабаблар етарлича мавжуддир.

Айнан мана шундай ҳолатлар иқтисодиёт ривожига ҳиссадор бўла олиш имконига эга бўлган инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга ошиши ҳамда иқтисодиётни юксалтиришга ўз таъсирини кўрсатиш имконини йўқотишларига олиб келади. Реал ҳаётда вакт, ресурс, меҳнат ва имкониятларнинг чекланганлигини ҳисобга олганда мазкур омилларнинг бундай кўнгилсиз оқибатларга бехуда сарфланишининг олдини олиш энг муҳим масала ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва самарадорлигини таъминлашда рискларнинг олдини олиш, уларни пасайтириш орқали ҳар бир лойиҳадан, хусусан, ҳар бир ҳудудларда амалга оширилаётган турли ҳажмдаги инвестиция лойиҳаларидан жамият фаровонлиги ва иқтисодиёт тараққиёти учун самарали фойдаланиш имкониятларини оширади. Бу эса, келгусида тадбиркорлик фоалиятидан олинаётган даромадлар ва фойда ҳажмини ошириб, улардан иқтисодий ўсиш сари оптимал фойдаланиш имкониятларини оширади.

Республикамизда сўнгги йилларда инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва уни ҳудудлар миқёсида ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумлдан, 2022 йилда амалга оширилган кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди [7].

У муман олганда, 2022 йилда республикамизда асосий капиталга жалб этилган инвестициялар ҳажми 269,9 трлн. сўмни ташкил этиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбатан улушки 30,4 фоизни, ўтган йилга нисбатан ўсиши эса 100,9 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

Жадвалдан маълум бўлади, таҳлил қилинган давр мобайнида ЯИМ ҳажми 2,80 мартаға ошган ҳолатда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3,74 маротаба, иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 6,6 маротабага ўсишга эришган. Бу вактда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 2,6 мартаға, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эса 3,4 маротабага ошган.

Мазкур кўрсаткичлар республика бўйича умумий ва ўртача миқдордаги кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг алоҳида худудлар бўйича қиёфаси эса бир хил эмаслигини инобатга олиш лозим. Бу эса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар худудлар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш орқали улар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик кўрсаткичларидағи тафовутларни қисқартириш чораларини кўриш лозимлигини келтириб чиқаради.

Шу жиҳатдан биз мазкур тадқиқотларимизда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутивчи, геоиктисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштириш ҳолатларини ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

I-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси таҳлили [8]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022
1	ЯИМ, трлн. млрд. сўм.	317,5	426,6	532,7	605,5	738,4	888,3
2	ЯИМ ўсиши, %	5,3	5,5	6	2	7,4	5,7
3	Аҳоли сони, минг. киши	32653,9	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3	36024,9
4	Аҳоли сонининг ўсиши, %	101,7	101,8	102	101,9	102,1	102,1
5	Аҳоли жон бошига ЯИМ, млн. сўм	9,7	12,9	15,9	17,7	21,1	24,9
6	Аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши, %	103,6	103,7	104	100,1	105,3	103,5
7	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, трлн. сўм	72,2	124,2	195,9	210,2	239,6	269,9
8	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиши, %	119,4	129,9	138,1	95,6	102,9	100,9
9	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улушки, %	22,7	29,1	36,8	34,7	32,5	30,4
10	Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млн. сўм	2211,1	3734,7	5777,9	6140,3	6861	7570
11	Хорижий инвестициялар ва кредитлар, трлн. сўм	17,1	30,2	85,4	89,8	93,3	112,2

Шунга кўра, биз Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, замонавий технологияларни жалб этиш, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этувчи асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг мамлакат ва унинг худудлари кесимида ўзлаштирилиши ҳолатини ўрганишга асосий эътиборни қаратдик (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотлар республикамида инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи асосий капиталга жалб этилган инвестицияларнинг худудлар кесимидағи ўзгаришлари фақат Жizzах, Сирдарё вилоятларида таҳлил қилинган давр оралиғида мунтазам ўсиш суръатларига эга бўлғанлигини кўрсатади. Сурхондарё вилоятида эса турли кўрсаткичлар асосидаги нобарқарорлик динамикаси кузатилган. Айниқса, ўрганилган даврнинг дастлабки З ийлидаги юқори ижоий ўсишдан кейинги ҳолат худудда инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва уни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, кенгайтириш чоралари устида жиддий ва мунтазам иш олиб бориш зарурлигини тасдиқлайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганлариdek, янги йилдан бошлаб ҳар бир хоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади. Вазирлар факат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташабbus кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали кишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемалол йилига 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш мумкин [7].

Шунга кўра, ҳар бир худуд, жумладан, Сурхондарё вилоятидаги 15 та туманлар ва шаҳар ҳокимлиги ҳам ўз худудига 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриши ва шу асосда худудий инвестиция дастурини ишлаб чиқиб, унинг самарали ижросини таъминлаши лозимдир.

Куйидаги жадвал республикамиз ва унинг худудларида асосий капиталга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг тақсимоти ҳолатини ифодалайди.

#### 2-жадвал

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, (%)**  
[8]

Худудлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Ўзбекистон Республикаси	119,4	129,9	138,1	95,6	102,9	100,9
Корақалпоғистон Республикаси	49,1	162,2	96,6	80,4	102,1	113,2
Андижон вилояти	99,6	119,1	142,3	100,5	115,3	119,9
Бухоро вилояти	151,7	50,4	91,3	96,7	136,4	92,0
Жizzах вилояти	103,1	155,9	195,2	152,5	104,0	108,6
Қашқадарё вилояти	123,5	107,0	126,1	74,1	72,7	80,8
Навоий вилояти	78,8	184,6	145,7	78,7	93,4	118,2
Наманган вилояти	103,7	171,2	132,0	87,9	102,9	101,2
Самарқанд вилояти	89,9	119,2	128,2	117,9	112,0	129,5
Сурхондарё вилояти	138,5	149,5	148,8	76,3	103,2	87,1

Сирдарё вилояти	101,5	111,7	194,3	111,0	116,4	137,6
Тошкент вилояти	96,4	123,7	132,2	82,8	119,1	108,2
Фарғона вилояти	96,2	146,6	140,1	116,4	108,2	112,3
Хоразм вилояти	113,9	122,8	167,1	114,5	144,2	94,5
Тошкент шаҳри	103,7	114,7	142,5	96,5	104,0	87,0

3-жадвал

**Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар  
худудий таркибининг ўзгариши, (%) [8]**

Худудлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1,6	4,8	3,7	4,3	2,9	3,5
Андижон вилояти	1,2	2,8	3,3	4,0	5,7	6,2
Бухоро вилояти	5,6	13,4	6,0	6,4	10,9	10,7
Жиззах вилояти	0,8	1,3	4,3	6,8	3,7	4,3
Қашқадарё вилояти	12,0	26,6	19,3	15,4	8,7	6,7
Навоий вилояти	2,4	11,7	8,0	13,1	9,4	9,5
Наманган вилояти	6,7	9,0	6,1	4,4	4,2	4,4
Самарқанд вилояти	0,7	1,2	3,2	4,6	5,4	8,6
Сурхондарё вилояти	3,1	5,7	8,7	7,1	4,8	4,4
Сирдарё вилояти	0,5	0,8	3,3	3,6	4,7	8,7
Тошкент вилояти	4,8	5,6	6,5	6,7	10,1	10,3
Фарғона вилояти	1,2	4,0	4,1	5,2	4,9	6,3
Хоразм вилояти	1,2	1,1	2,7	2,1	2,9	2,4
Тошкент шаҳри	13,2	12,0	20,8	16,3	21,9	14,1

3-жадвалга кўра, Сурхондарё вилояти республикамизда хорижий инвестициялар ва кредитларни энг кам жалб этган худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд) қаторидан ўрин олган. Энг юкори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояида сакланиб қолмоқда.

Бу шундан далолат беради, Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Ваҳоланки, бугунги глобал интеграция, инновацион ривожланиш, жаҳон қўшилган қиймат занжирида салмоқли ҳиссага эга бўлиш сингари рақобатли кураш шароитида Ўзбекистоннинг

барқарор тараққиёти ва истиқболини таъминлашда ҳар бир худуд ҳамоҳангравиша фаол ва узлуксиз иштирок этиб бориши талаб этилади. Мана шундай бугунги тезкор ўзгаришлар, шиддатли қурашлар даврида Сурхондарё вилоятининг мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишдаги иштироки даражасини қониқарли, дея баҳолаб бўлмайди. Зеро, Сурхондарё вилояти халқининг турмуш даражасини яхшилаш, худуд иқтисодиётининг ривожи ва рақобатдардошлигини таъминлашда вилоятининг мавжуд ички имкониятлари ва салоҳиятларини тўлиқ ишга солиш чоралари устида жиддий иш олиб бориш тақозо этилади. Буни 4-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқламоқда.

4-жадвал

**Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим кўрсаткичлари динамикаси [8]**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022
1	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм	2949,1	6111,0	12232,4	9923,0	11326,5	11507,3
2	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби, фоиз ҳисобида:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2.1	- янги курилиш	67,8	65,6	68,9	71,0	54,2	66,2
2.2	- кенгайтириш, реконструкция, модернизация	23,2	25,0	28,4	20,8	27,9	22,9
2.3	- бошқа йўналишлар	9,0	9,4	2,7	8,2	17,9	10,8
3	Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, минг. сўм	1185,5	2404,2	4705,5	3737,3	4176,4	4146,8
4	Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар, млрд. сўм	512,8	1788,8	7557,6	6158,2	4992,2	4956,7

Таҳлиллар Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштиришда 2022 йилда асосий капиталга жалб этилган инвестициялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 3,9 мартаға (республика бўйича ўртacha 3,74) ошганлигини, шу даврда унинг аҳоли жон бошига миқдори 3,5 мартаға (республика бўйича ўртacha 3,4) ошганлигини, асосий капиталга жалб этигна хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори эса 9,7 мартаға (республика бўйича ўртacha 6,6) ошганлиги кўрсатади. Мазкур кўрсаткичларнинг мамлакат бўйича ўртacha миқдордан юқорилиги ижобийdir, лекин, бошқа худудлар билан солиширганда, қолаверса, вилоятнинг инвестицион салоҳиятидан келиб чиқладиган бўлса, бу натижаларни янада яхшилаш имконияти мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш лозимлиги маълум бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ҳамда Таракқиёт стратегиясига мувофиқ Сурхондарё вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик фоаолиятини янада

ривожлантириш, кулай бизнес мухитини ва инвестиция инфратузилмасини яратиш масалаларига сўнгги йилларда янада жиддий эътибор қаратила бошланди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини ривожлантириш асосида 2022-2026 йилларда вилоятни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Стратегияси [9] қабул килинган бўлиб, унга кўра, тасдиқланган Дастур асосида мазкур йилларда жами 43,7 трлн. сўмлик 597 та лойиҳаларда 34 057 та янги иш ўринлари яратилиши кўза тутилган. Уларнинг йиллар кесимидағи кўрсаткичлари қуидагини ташкил этади: 2022 йилда 8,4 трлн. сўмлик 510 та лойиҳаларда 14375 та янги иш ўринлари; 2023 йилда 5,3 трлн. сўмлик 28 та лойиҳаларда 3911 та иш ўринлари; 2024 йилда 10,2 трлн. сўмлик 28 та лойиҳаларда 5938 та иш ўринлари; 2025 йилда 14,5 трлн. сўмлик 20 та лойиҳаларда 4610 та иш ўринлари; 2026 йилда 5,3 трлн. сўмлик 11 та лойиҳаларда 5223 та иш ўринлари яратилади.

Соҳалар бўйича тахлил килингандан: саноат соҳасида – 2022-2026

йилларда умумий қиймати 34,2 трлн. сўмлик 277 та лойиҳаларда 21 234 та янги иш ўринлари яратилиши; қишлоқ хўжалигига – 2022-2026 йилларда умумий қиймати 6,7 трлн. сўмлик 170 та лойиҳаларда 9 227 та янги иш ўринлари яратилиши; хизматлар соҳасида – 2022-2026 йилларда 2,8 трлн. сўм бўлган 150 та истиқболли лойиҳалар амалга оширилади ҳамда 3 596 нафар янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилганлиги чқин истиқболда Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иктисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юзага келишига эришилиши маълум бўлади.

Жумладан, саноат соҳасида, Сариосиё туманида жойлашган умумий қиймати 381,5 млрд. сўмлик “Shargun Grand Shifer” МЧЖ ҚҚ томонидан цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш этилиб, 100 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Хизмат соҳасида, Термиз шаҳрида жойлашган умумий қиймати 163,4 млрд. сўмлик “Medical ESSE” МЧЖ томонидан Кўп тармоқли тиббиёт клиникаси ташкил этиш этилиб, 150 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалигига, Қумкўргон туманида жойлашган умумий қиймати 75,0 млрд. сўмлик “Smart Greenhouse Eco” МЧЖ томонидан замонавий типдаги иссиқхона ташкил қилиш этилиб, 50 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Умуман олганда, тасдиқланган Дастурнинг ижроси натижасида вилоятда инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида келгуси беш йилда саноат тармоқларида 6,6 млрд долларлик 5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, 130 мингта янги иш ўринларини яратилиши, хусусан:

- озиқ-овқат саноатида 350 млн долларлик 490 та лойиҳани амалга ошириш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш даражасини 40 фоизга етказиш ва 7 мингта янги иш ўринларини яратиш;

- курилиш материаллари саноатида 1 млрд долларлик 900 та лойиҳаларни

ишга тушириш, 14 мингта иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 5 баробарга ошириш ҳамда йилига 670 млн долларлик импорт ўрнини босувчи ва 280 млн долларлик экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- тўқумачилик саноатида 250 млн долларлик 42 та ийрик лойиҳаларни ишга тушириш, 21 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш ва ип калаванинг қайта ишлаш даражасини 22 фоиздан 60 фоизга етказиш;


- ипакчилик соҳасида 165 млн долларлик 58 та лойиҳани ишга тушириш, ипак мато ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга, ипак гиламлари ҳажмини 5 баробарга ошириш ҳамда қўшимча равишда 18 мингта доимий ва 110 мингта мавсумий иш ўринларини яратиш;

- чарм-пойабзал соҳасида 120 млн долларлик 37 та лойиҳаларни ишга тушириш, 5 мингта янги иш ўринлари ва 90 млн. АҚШ долларлилик қўшимча экспортни таъминлашга эришиш имкониятлари вужудга келиши таъминланади.

Мазкур мақсадли ҳаракатлар вилоядта инвестиция фаолиятининг қисқа давр ичida жадал ривожланишига эришилиши таъминланиши билан бирга, мазкур фаолият вилоятнинг ижтимоий-иктисодий соҳаларининг барча томонлари, хусусан, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш, уй-жой курилиши, таълим, курилиш каби йўналишларда ҳам муҳим натижалар кўлга киритилиши ҳамда камбағалликни қисқартириш, иш билан бандлик ва аҳоли турмуш фаровонлигини, худуднинг экспорт салоҳиятини ошириш баробарида инновацион ва яшил иқтисодиётни мисли кўрилмаган даражада тараққий эттириш имконини беради.

Инвестиция фаолиятининг ривожланиши ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоядта экспорт салоҳиятини 3,5 баробарга ошириб, товар ва хизматлар

экспорти миқёси 32 та давлатга амалга оширилишига эришилади (1-расм).



**1-расм. Сурхондарё вилоятида 2022-2026 йилларда экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари прогнозлари, млн. АҚШ доллары хисобида [9]**

Мазкур устувор мақсадларга эришишда, лабатта, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар иштироки муҳим ўрин эгаллайди. Қуидаги 5-жадвалда Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

5-жадвал.

**Ўзбекистонда 01.01.2023 йил ҳолатига ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони, бирликда [8]**

Ҳудудлар	Жами фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони	Қўшима корхоналар сони	Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
Ўзбекистон Республикаси	15801	9379	6419	2922
Қорақалпоғистон Республикаси	196	87	109	17
Андижон вилояти	433	174	259	75
Бухоро вилояти	400	187	213	60
Жиззах вилояти	228	89	139	16
Қашқадарё вилояти	246	87	159	21
Навоий вилояти	279	119	160	39
Наманган вилояти	317	132	185	42
Самарқанд вилояти	710	264	446	86
Сурхондарё вилояти	626	479	147	81
Сирдарё вилояти	219	104	115	29
Тошкент вилояти	1642	947	695	238
Фарғона вилояти	596	241	355	78
Хоразм вилояти	193	91	102	29
Тошкент шаҳри	9716	6381	3335	2111

Жадвал маълумотларига кўра, Сурхондарё вилоятида 2022 йилда 81 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган бўлиб, жамига

нисбатан 2,8 фоиз улушни ташкил этади. Шунингдек, жами фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони 626 тани ташкил этиб, жамига нисбатан 4,0

фоиз улушга эга бўлган. Улар таркибида хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар сони 479 тага teng бўлиб, жамига нисбатан 5,1 фоизни, қўшима корхоналар сони 147 тани ташкил этиб, жамига нисбатан 2,3 фоизни ташкил этган. Вилоят ҳудудда фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони юқорилиги бўйича Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд вилоятидан кейинги 4-ўринда туради. Бу жиҳатдан вилоятнинг ҳолатини ижобий баҳолаш мумкин.

Бирок, ҳудуддаги барча туманлар ва шаҳарда инвестициялар иштироқидаги корхоналар фаолиятини ташкил этишдаги амалий ҳаракатларини бирдек қоникарли даражада, дея баҳолаб бўлмайди. Шу сабабдан вилоятда инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ривожлантириш борасида қатор муаммолар ечимини топиш зарурлигини келтириб чиқаради. Тадбиркорларнинг бошлангич капиталини шакллантириш, қарз капитали қийматининг ва унга нисбатан талаб этиладиган гаров микдорининг юқорилиги, инфляция суръатининг юқорилиги, транспорт-логистика инфратузилмаси, муҳандислик-коммунация тармоқларининг етарлича шаклланмаганлиги, бизнесни ташкил этиш ва бошқаришда, замонавий хорижий технологияларни жалб этиш ва бошқаришда тажрибаларнинг етарли эмаслиги, маҳсулотларни ташки бозорга олиб чиқиш ва экспортни амалга оширишдаги рақобатнинг юқорилиги ва шу кабилар масалалар, нафақат, Сурхондарё вилоятида, қолаверса, мамлакатда ўз ечимини кутиб турган долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

### Хулоса

Мазкур мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, Сурхондарё вилоятида ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш борасида сўнгти

йилларда муҳим ютукларга эришилмоқда. Лекин, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга асосан ҳудудда амалга оширилиши белгиланган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва самарали таъминлашда, бевосита инвестицияларни кенг ва фаол жалб этишигэ эришиш масаласига устувор ва доимий вазифа сифатида эътибор қаратиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мавзу юзасидан олиб борилган илмийизланишлар натижаларига мувофиқ Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасига дунёнинг 50 дан ортиқ давлатлари томонидан инвестициялар йўналтирилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса 155 дан ортиқ давлатларга экспорт қилинмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг ташки савдо-иктисодий фаолият кўлами юқорилиги ва уни янада ошириш имкониятлари мавжудлигидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти иштироқида Ўзбекистоннинг хорижий инвестициялар ва ташки савдо-иктисодий алоқалар тизимида ҳамкорликларини янада кенгайтириш лозим.

2. Сурхондарё вилоятида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш максадида маъмурӣ ҳудуди ва ҳуқуқий, иктиносий имкониятлари ва молиявий имтиёзлари билан қулагай имкониятлар тақдим этувчи эркин иктисодий зоналарни кўпайтириш ва ривожлантириш лозим. Жумладан, Денов туманида 20 гектар ер майдонда эркин иктисодий зона мақомига эга, савдо-ишлаб чиқариш ҳудуди ташкил этиш кўзда тутилган. Бироқ, вилоятнинг мамлакатнинг чегара ҳудудида жойлашганлиги ва муҳим стратегик макон сифатида қадрланишига асосан, ҳудуднинг савдо-иктисодий ва инвестицион салоҳиятини ошириш имкониятларини ҳисобга олиб,

вилоятнинг қўшни давлатга чегара худудларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш масадга мувофиқдир.

3. Вилоятнинг мавжуд 15 та шаҳар ва туманларининг ҳар бирининг ҳар или 50 млн. АҚШ доллари микдорида хусусий хорижий инвестициялар дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бу Сурхондарё вилоятига давлат Известия дастурига киритилган устувор инвестиция лойиҳаларига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга қўшимча равишида худудда лойиҳаларни хусусий хорижий инвестициялаш кўламини ошириш имконини бериб, пировардида, рақобатбардош, юқори қўшилган қимат занжирда мустамҳкам ўринга, барқарор иқтисодий ўсиш, ташқи савдо-иктисодий алоқаларига эга худудий иқтисодиётни барпо этиш имкони яратилиди.

4. Вилоядта ички бўш турган иқтисодий ресурслар мобиллигини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида худуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қўйувчи эркин тадбиркорлик мухитини, ҳар бир туманда кулай инфратузимавий шароитга эга кичик саноат зоналарини ҳамда “Инвесторларга қўмак маркази”ни барпо этиш лозим.

5. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларининг иқтисодий-географик, ижтимоий-маданий хусусиятлари, транспорт-логистика инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ривожланиш ҳолати ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирининг маҳсус “ўсиш нуқталари” ва “драйвер соҳалари”ни аниқлаб, уларни ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш зарур.

6. Ҳудуднинг тарихий-маданий обидалари, ижтимоий-этник қадриятлари, иқтисодий-географик жойлашуви, миллӣ ва замонавий санъат, ҳунармандчилик, касблар асосида маҳсулотлар яратиш анъаналари ва тажрибаларини дунёга кенг тарғиб қилиш, танитиш ва ёйища туризмнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида замонавий туризм хизматлари йўналишларига ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришни такомиллаштириш лозим. Бу, ўз навбатида, худудда янги хизматлар, ишлаб чиқаришлар, бандлик, иқтисодий ўсиш, фаровонлик, экспорт ҳамда қўшимча валюта тушумларини янада оширишга хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли Фармони. // lex.uz.
2. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иктисол-Молия, 2014. – Б. 55.
3. Шарп У. и др. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10.
4. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства [Электронный ресурс]: монография. – Нижний Новгород: НОО “Профессиональная наука”, 2018. – Режим доступа: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>.
5. Хайдаров Ў.А. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришининг замонавий ҳолати. // “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали, 2019 йил, декабр, №6. – Б 8. (08.00.00, №12).
6. Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2021. – 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Б. 19.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. // uza.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг расмий маълумотлари. // stat.uz.
9. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти. <https://surxondaryo.uz/blog/investitsiya-salo-iyati>

## «МОЛИЯ» ИЛМИЙ ЖУРНАЛИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

Журналга чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қуидаги рукиларга мос келиши лозим:

1. Молия (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқлар ва солиқка тортиш, құмматли қоғозлар, сұгурта иши ва ғазначилик).
2. Банк иши (кредит, маҳаллий ва давлат қарзлари, лизинг, баҳолаш иши).
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (молиявий тахлил).
4. Молиявий менежмент (инвестициялар, молиявий ресурслар менежменти).
5. Иқтисодиёт (микро- ва макроіқтисодий күрсаткычлар).

Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақолалар ҳам қабул қилилади.

Ушбу рукиларга мос келмайдиган мақолалар қабул қилинмайды ва бу масалада мұаллифлар томонидан берилған саволларға жавоб қайтарилмайды.

Мақолани чоп этиш шартлари:

– мақола иккى нұсқада бўлиши, бирида мұаллиф исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари ва e-mail ҳамда универсал ўнлик тизими (УЎТ) бўлиши керак. Мақолада фойдаланилаётган формулалар Microsoft Equation 3.0 дастурида тайёрланған бўлиши шарт. Мақола мавзуси ва аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилида, шунингдек, таянч сўзлар ҳам уч (ўзбек, рус, инглиз) тилида бўлиши зарур. Аннотация 40 – 50 сўздан, таянч сўзлар эса 10 тадан 15 тагача бўлмоги лозим. Иккинчи нұсқада эса мұаллиф ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Мақоланинг электрон вариантни ҳам бўлиши шарт.

Мақола ҳалқаро талаблар даражасига (scopus) жавоб бериси ва унда:

- кириш (introduction);
- мавзуга оид адабиётлар шархи(literature review on the topic);
- тадқиқот методологияси (research methodology), натижаси(results) ва мұхокама (discussion);
- хулоса (conclusion).
- фойдаланған адабиётлар рўйхати(references) қисмлари берилishi керак.

Рўйхатда тадқиқот жараёнида ҳақиқатдан ҳам фойдаланилған адабиётлар көлтирилиши лозим.

Мақолани тақдим этиши тартиби:

– тақдим этилаётган мақолалар компьютерда Times New Roman, 14 шрифтда 1,5 интервал, юкоридан 2 см, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см бўлиши ва ҳажми 6 саҳифадан кам, 12 саҳифадан кўп бўлмаслиги лозим. Мақолада жадвал, диаграмма ва чизмалар ишламиши мумкин;

- топширилаётган мақола ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлиши керак ;
- мақола матни мұаллиф томонидан талаб даражасида таҳрир қилинган бўлиши керак.

Чоп этилаётган материалнинг илмий-назарий даражаси ва статистик маълумотларнинг объективлиги, уларда көлтирилған иқтибос (цитата)лар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа хужжатлар номларининг тўғрилиги учун жавобгарлик мұаллифлар зиммасида бўлади;

– адабиётларга ҳавола (сноска)лар квадрат шаклда матн ичидаги берилиб, фойдаланилған адабиётлар рўйхати мақола сўнгтида жойлаштирилиши керак;

- мақола коидаларга мувофиқ саҳифаланиши керак.

Таҳририятга келган мақолалар тегишли мутахассислар экспертизасидан ўтказилади ва ижобий баҳолангандар чоп этилади.

Таҳририятга юборилған мақолага расмий тақриз ёзилмайди ва у мұаллиғға қайтарилмайли.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 234-66-89, (+998 93) 576-30-68

E-mail: molijajurnal@mail.ru

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»  
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналидан олингандиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтариlmайди.

«Молия» илмий журналига «Матбуот тарқатувчи» АҚ ҳамда «INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 01.05.2023 й. Босишга рухсат этилди: 05.05.2023 й.

Бичими 70x100 1/16. Шартли босма табоғи 16,25.

Ҳисоб-нашр табоғи 16,50. Адади 250 нусха. Буюртма № 02.

Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10  
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди.